

*Үрүш күрған
ақылдар*

ОДИЛ ЁҚУБОВ





ОНАЙЗОР

ОДИЛ ЁҚУБОВ

ОНАИЗОР

Киссалар ва ҳикоя



Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ – 2020

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6

О 29

Лойиҳа раҳбари
Ҳабиб Абдуназар


Лойиҳа муаллифи ва нашрга тайёрловчи
Наби Жалолиддин

Ёқубов, Одил


Онаизор: қиссалар ва ҳикоя / О. Ёқубов. – Тошкент:
Faafur Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2020. – 336 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчisi, забардаст ва ҳақсўз адаб Одил
Ёқубов Ватан химоясига тезрок киришиш учун ўз ихтиёри билан
ёшини бир йилга катта килиб ёздириб, урушга кетган ва жанг-
гоҳларда кон кечган жасоратли ижодкорлардан. Ушбу китобга
унинг уруш ва уруш изтиробларидан, даҳшатларидан ҳикоя килув-
чи энг сара асарлари киритилган.

Азиз ўкувчи! Улуғ адаб билан галдаги марокли суҳбат мубо-
рак бўлсин!



УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6



ISBN 978-9943-6450-8-0

© О. Ёқубов, 2020
© Faafur Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2020

КИССАЛАР





ҚАРНОҚ

Халқимизда “Бошқа юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл”, “От айланиб, козиғини топар”, деган нақл бор. Шаҳарда яшаб, беш болани боқишининг иложи йўқ, яхши бўлсин, ёмон бўлсин, ўз юртимиз Қарнокқа қайтиб боришдан бошқа чора қолмаган эди. Лекин Қарнокқа қайтиб бориши ҳам осон эмас, большевик бўламан деб, қайтиб борадиган эшигингни қаттиқ ёпма, деган доно гапни эсидан чиқариб кўйган дадамлар ёшлигига кишлок фаолларига қўшилиб неча-неча шўрликларни қулок қилиб, ёстиғини қуритганлар, бу жабрдийдаларнинг авлодлари хаёт, улар нима деркин, ҳали? Оталарининг килмиши, – болаларнинг емиши, деб бежиз айтмаган экан, донолар! Лекин не чора? Бизни келажакда нима кутмасин, киндик конимиз тўкилган Қарнокқа қайтиб боришдан бошқа илож йўқ эди! Шу боисдан ҳам оиласиз бошига тушган қайғули ҳангомалардан жиндек чекиниб, Қарнок тўғрисида кискагина ҳикоя қилиб бермокчиман. Чунки бутун Ўрта Осиёга машҳур бу қадимги кишлок ҳақида айтадиган арзигулик гаплар кўп.

БОБОМЛАР

Аждодларимиз қабри сакланган ва мен туғилиб ўсган Қарнок кишлоги Туркистон тизма тоғларининг “думи” хисобланмиш Коратоғ этагида жойлашган.

Кишлоғимиз номининг келиб чиқишини деярли хеч ким – на кўпни кўрган қариялар, на кишлокдан

чиққан зиёлилар аниқ билишади. Биревлар сахройи-
часига содда қилиб қарнок сүзи “корни ок” деган
маънони билдиради, бунга эса у ер-бу ердаги “ок тे-
палар” сабаб бўлган деса, баъзи саводхон кишилар бу
“чукур илмий” изоҳдан мийигларида кулишиб: “Йўқ,
қарнок сүзи қадимий араб сўзидан олинган бўлиб,
“икки қир ўрталиги” деган маънони билдиради”, дейи-
шади. Бу гапда ҳарқалай, кандайдир хақиқат бордек
туюлади. Биринчидан, Мисрда “Қарнок” деган жой-
лар, қишлоқлар анчагина. Иккинчидан, Ўрта Осиёни
забт этган араб қўшинлари Қарнокқача етиб келган,
деган ривоятлар бор. Бу ривоятларда зикр қилиниши-
ча машҳур араб лашкарбошиси ҳазрат Уккоша қишлоқ
яқинидаги жанглардан бирида ҳалок бўлган, жасади
Қарнокдан йигирма-йигирма беш чақирим масофа-
даги кўркам тоғ оралиғига дафн этилган, боши эса
ўша жойдаги қудуқка тушиб лахм (ерости ғор) оркали
Маккаи мукаррамадан чиқкан!...

Ўйлайманки, араб лашкарбошининг қадимги Яssi
(хозирги Туркистон) шаҳридан 30-35 чақирим нарида, тоғ
ёнбағрида жойлашган бу қишлоққа қўшин тортиб бориши
безиз эмас. Қарнок ўша замонларда ҳам ном чикарган,
кичикроқ эса-да, донғи узокларга кетган қалъа бўлган.
Ҳарқалай, Чингизхон Сирдарё бўйидаги Сифноқ, Яssi,
Ўтрор каби улкан шаҳарларни (машҳур немис сайёхи
Мюллernerning шоҳидлик бернишича, ўша замонда Сифноқда
ярим миллион аҳоли яшаган, шаҳарга Сирдарёдан сув
келтирган сопол қувурлари бўлган) забт этганда унинг от-
лик хировуллари, хозирги тил билан айтганда, разведка-
чилари Қарнокқа ҳам келган, аммо қалъани забт этолма-
ган. Баъзиларга менинг бу гапларим лоғ бўлиб туюлиши
мумкин, ичларида: “Ҳа, опқоч, опқочавер!”, деб кулишла-
ри ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо Қарнок ҳакидаги бу
гаплар лоғ эмас, мен буларни қариялардан, қишлоғимиз-

дан чиққан баъзи тарихчи олимларнинг ҳикоялари асосидагина эмас, балки ўз кўрган-билганларимга ҳам суюниб ёзаяпман.

Масала шундаки, биз болалик пайтларимизда кўрган кишлоқ ўртасидаги иккита улкан тепага жойлашган бўлиши мумкин ва баланд пахса девор билан ўралган Қарнок қалъасининг баҳайбат қолдиқлари ҳануз мавжуд. Ҳамма қадимий шаҳар қўрғонларида бўлганидек, Қарнок қўрғонида ҳам ўқчилар учун кичик-кичик даричалар, бурчакларда тўплар учун курилган буржлар бўлар, қўргон пойидаги чуқур ҳандақлардан эса кичик бир дарё сув окиб ётарди.

Шаҳарнинг шарқи-жанубий тарафида улкан қопқаси бўлар, қалъанинг ичида эса дўкон ва расталар жойлашган ўнларча тор кўчалар, тепалик устида бўлса бир нечта масjid ва ҳатто мадраса бинолари қад кўтарганди. Бир-бирларига қарама-қарши қурилган улкан масжидлар ўртасида катта майдон бўлиб, бу майдонларда ҳафтасига бир марта “бозор” ўтар, бу бозорда бепоён қозок даштларидан ҳайдаб келинган мингларча кўй, корамол, йилқи ва туялар сотилар, бутун Ўрта Осиё, айниқса, Туркистон, Чимкент, Оқ масjid (ҳозирги Қизил Ўрда) Тошкентдан келтирилган моллар устига қалъа гўзаллари тўқиган газмол ва гилам, хунармандлари ясаган нодир буюмлар, кимматбаҳо узук ва исирғалар, туркман чеварлари тўқиган гиламлар харидорларнинг кўзларини қамаштирас, бозор чеккасидаги пана-пастқамларда қўчкор, бедана, хўроз уруштириш авжига чиқади. Эҳтимол, бу сатрларни ўқиган кишилар: “Воажабо! Кичкина бир қишлоқда канака килиб, бунака бозор бўлиши мумкинми, деб ҳайратланишлари ажаб эмас. Аммо бунинг ҳайратланадиган жойи йўқ. Масала шундаки, агар Қарнок Қоратоғнинг ғарб томонида жойлашган бўлса, тоғнинг шарқ томонида машхур Сўзок шаҳри жойлашган бўлиб, бу шаҳар

қозок элининг энг кўркам ва бой юрти Сари арка билан боғланган. Сўзок бўлса Қўкон хонлиги ва ҳатто бутун Ўрта Осиёни Қозок дашти билан, айникса, Сари арка билан боғлаган улкан ва обод савдо маркази вазифасини ўтаган. Айтишларича, куз пайтлари Тошкент, Қўкон ва бошка шаҳарлардан борган савдогарлар “бор барака!” деб бир марта кўл беришганда ўн минг қўйни сотиб олиб, Туркистон этагидан, Чимкент оша Тошкенту Қўкон бозорларига хайдаб кетишган. Қарнок гарчи бу савдо йўлида бўлмаса-да, ҳаркалай, Сўзокнинг нафаси унга ҳам тегиб турган, қишлоқ савдогарлари ҳам Сўзокка ва ҳатто қозок тупроғининг гултожи – Сари арка билан ҳам муомала қилган.

Айни замонда Қарнок атроф теваракдаги дашт ахли учун маълум маънода маданий ва илмий марказ вазифасини ўтаган. Кўп қозок ёшлари қишлоқ мадрасаларида таҳсил олишган. Бу сатрларни ўқиган китобхонлар: “Қишлоқ мадрасаси? Йўғ-э, қишлоқда мадраса нима қилади? Лоғ ҳам эви билан-да!”, деб ўйлашлари мумкин. Ҳолбуки, бу гапда ҳеч қандай муболаға йўқ. Қишлоқда иккита мадраса, 29 та масжид бўлган. Уларда Бухорода таҳсил олган чукур илмли қишилар мударрислик ва имомлик килишган. Улардан ташқари, қишлоқ ўртасидаги энг кўркам, энг серсув жойда “Эшоннинг гумбази” деб аталувчи, атрофи ўнларча хужралар билан ўралган, гумбази оқ тунука билан қопланган, шифти, устун ва пештоқлари санъаткорона ўймакорлик билан накшланиб, ноёб бўёклар билан бўялган улкан масжид қад кўтарган. Инқилобдан кейин дастлабки йилларда ҳам нодир гўзаллиги ва салобатини йўқотмаган бу масжидда ва мадрасаларда юзларча дашт ёшлари таҳсил олган, эшон ва мударрисларга юкуниб, муридлик жандасини кийишган, мол-дунё, сурув-сурув қўй-эчки у ёқда турсин, қизларини назир килишган. (Турмуш ўртоғимнинг бувилари ҳам боболарига назирга келтирилган

қозоқ қизи бўлган! Жойлари жаннатда бўлсин. Ниҳоятда яхши аёл эди. Оғзидан “айланайин” сўзи аrimас эди).

Мен бир нарсани кўп ўйлаганман: Сирдарё бўйидаги Ясси, Утрор, Сифонқ каби қадимий шаҳарлардан хийла йироқда жойлашган бу қишлоқ қандай қилиб бу даражада ривож топди? Унинг маданияти (битта қишлоқда учта мадраса, 29 масжид булиши, уларда Бухорода таълим олган кишилар сабок бериши ҳазилакам гап эмас-ку ахир!) қандай қилиб бунчалик юксак даражага кутарилди? Ахолиси-чи? Инқилобгача Қарноқда 7-8 минг киши яшаган, ҳозир эса, гарчи кўплар Ўзбекистон ва бошқа жойларга кўчиб кетган булишса-да, ўн мингдан кўпроқ одам истиқомат қиласди!

Тахминимча, бунинг иккита сабаби бор. Биринчиси: ҳамиша беҳаловат яшаб, жангу жадаллардан бошлари чиқмаган шаҳарлардан овлоқ турганлиги. Дарҳақиқат, қишлоқ ахолисининг кўпчилигини Бухоро, Самарқанд, Шош, Утрор ва бошқа шаҳар ва калъалардан, у ердаги қатлу қирғинлардан зада бўлиб, бош олиб қочган қочоқлар, кувғинга учраган зодагонлар, синган савдогарлар, урушдан бош тортган сипоҳлар ташкил қилган. Масалан, қишлоқдаги энг катта уруғлардан бири “қатағон” уруғи бўлса, кексаларнинг гувоҳлик беришларича, аждодларимиз Бухоро томонлардан, тўғрироғи, Балхдан келиб қолишган эмиш! Кейинчалик батамом ўзбеклашиб кетган тожиклар ҳам қишлоқда кўпки, улар ҳам чамаси, ўша томонлардан паноҳ ва осойишталик истаб келиб қолишган.

Баъзи уруғ ва маҳаллаларнинг номлари ҳам қизиқ. Масалан, “Тарик тешар” (ёв бостириб келганда тандирга яширинган ва бир неча вақт тарик билан қун кўрган, яъни ҳатто тарикни теша оладиган устаси фаранг маъносида), “Чувуллок” (ҳоҳ яхшилик бўлсин, ҳоҳ ёмонлик, бутун дахачувуллашиб майдонга чикишганликлари учун шундай деб аталган).

Одамларни жалб этган иккинчи ва энг муҳим сабаб – қишлоқнинг табиати. Энига уч-тўрт, бўйига беш-олти чакирим жойни эгаллаган кишлоқ, эҳтимол, Ўрта Осиёдаги энг серсув, энг сербулօк кишлоқлардан бири бўлса ажаб эмас! Болалик пайтимизда ҳар бир боғда битта булок худди декчадаги шўрвадай бикирлаб “қайнаб” турарди. Ўша пайтларда кишлоқ ўртасидан, сал муболаға билан айтганда, бир анхор сув ўтар, бу анхор “Сочтепа” деган тоғ бағридаги кишлоқдан кўйига қараб оқкани учун шаршаралар кўп бўлиб, ариқ соҳилида камида етти-саккизта тегирмон кишин-ёзин гувуллаб турарди.

Кишлоқ аҳли бу булокларини муқаддас деб билар, деярли ҳамма булоклар тепасида албатта, бирорта авлиёнинг қабри бўлар, уларга ҳамиша тавоғ қилгани одамлар келишар, булокда сув ичишга борганлар, узоқда кавуш ва калишларини ечиб қолдиришар, булокқа қоғоз-погоз ташлаш у ёқда турсин, унга юзни ювиши ҳам гунохи азим ҳисобланарди! (кошкийди бу одатлар ҳозиргача етиб келган бўлса!)

Қадим замонларда кишлоқ аҳли қишда баланд девор билан ўралган қалъа ичида яшашиб, ёз фасли кент атрофидаги ерларга чиқиб экин экишган, тирикчилик килишган. Бу пайтларда кишлоқ атрофидаги “Сочтепа”, “Коровултепа”, “Қизил Сангир” каби баланд кирларда отлик соқчилар туришган, узоқдан, кипчок даштларидан лашкар кўрингандан сокчилар гоҳо ўт ёкиб, гоҳо ноғоралар чалиб, гоҳо жўр қийкириқ билан от суриб, аҳолини хатардан огоҳ қилишган, дехқонлар дарҳол ишларини йигиштириб, қалъа томон чопишган, қопқаларни қулфлаб жон саклашган. Қарияларнинг айтишича, бу ҳол то чор қўшинлари келиб Туркистонни забт этгунча давом этган, кейинчалик, замон тинчигач, қалъа ташқарисига кўчиб чишишиб, боғроғ қилишган-у, тоғ ичкарисидаги “Сочтепа” воҳасидан

тортиб, қуйидаги гүзал Шакар булок тұқайзоригача чұзилған бекінёс майдонни әгаллашган. Бу иш режа билан килинганды, йўкми, бир нарса дея олмайман, аммо болалик пайтларимизда (кисман ҳозир ҳам) Қарнокни туташ бир боғ деса бўларди!

Энди китобхонда шундай савол туғилиши мумкин: сизнинг айтишингизга қараганда, қишлоғингизнинг номи “Қарнок”. Лекин агар унинг номи “Қарнок” бўлса, нега ҳозирги адабиётда, жумладан, Қарнокдан чиққан кўп олим ва ёзувчилар асарларида нега уни “Отабой” деб атасади? Модомики, у қадимий тарихий ном экан, ким, қачон ва қайси сабабларга кўра бу тарихий номни ўзгартирди? Шундай сирли ва чиройли номни инкор этиб, оддий ибтидоий ном қўйилди?

Бу табиий саволга жавоб бериш ҳам осон, ҳам мушкул. Бугун ҳеч кимга сир эмас: йигирманчи йилларнинг охири ва ўтгизинчи йилларнинг бошида жуда кўп фаоллар, сўл инқилобчилар пайдо бўлган. (Шулар қаторида, афсуски, ўз отам ҳам бўлганки, мен бу ҳақда келгуси бобларда айтиб ўтаман.) Улар дунё миқёсида дархол инқилоб килиб, одамзодни дархол озодликка чиқаришини ўз олдиларига максад қилиб қўйишган. Ана шундай “буюк тарихий шахслар”дан бири бизнинг Отабой бўлган (унинг авлод аждоди бобокалонлари ким – ҳеч ким билмайди!)

Чамаси, инқилоб сўзининг туб маъносини ҳам тушуниб етмаган буюк синфий курашчи йигирманчи йилларнинг охирида қишлоқ (яъни “Қарнок”) фирмә ячейкасига котиб этиб тайинланган ва тайинланиши билан снг шимарриб улуғ инқилобий ишларга киришиб кетган.

Ўша йили қурғокчилик бўлганми, бошками, харқалай, ғалла оз-моз битган-у, пахта битмаган.

Отабой кузда, ғалвирни кўтариш пайтида бундок чамалаб караса, иш пачава. Ғалла плани ҳам чаток, пахта

плани ҳам. Шунда Отабой ячейканинг тўлмай қолган пахта планини тўлдириш максадида одамлар тилида ҳам адабиётда кўп айтилган машхур йўлни тутган: хонадонлардаги кўрпа-кўрпачаю чопонларгача чок-чокидан сўкиб, пахтасини олиб давлатга топширишга мажбур этган. Боз устига, ўз фаоллари билан ҳар кеча хонадонларга бостириб кириб, бор дон-дунларини симириб олган-у, ҳаммасини йиғиштириб, кўхна қалъа ичидаги “баланд масжид” (кишлокда уни “бала масжид” дейишган) деган энг катта ғишин масжидга тўқтираверган-тўқтираверган! Охир пировардида ҳалк шу аҳволга тушганки, кўп хонадонлар учун қозон қайнатиш ҳаёт-момот масаласига айланиб қолган. Шунда юракларида қури бор беш-олти йигит масжидга бостириб бориб, кулфни бузишган, сунг йиғилган оломонга караб: “ол, олавер галлани!” – деб эълон қилишган-у, ўзлари Отабой ячейканинг идорасига караб йўл олишган.

Йигитлар боргунча баланд масжидда бўлган воқеани эшиятган Отабой ячейка отга миниб катта кўчага чиккан. Лекин бостириб келаётган отлиқ йигитларни кўриб, отнинг бошини ён кўчага бурган, йигитлар жўр қийкирик билан унинг кетидан от солишган.

Отабой ячейканинг оти чопафон бўлган, аммо кишлоқ кўчаларини яхши билмаган келгинди шошганидан боши берк тор кўчаларнинг бирига суриб кетади. Кўчанинг охирида дарвоза бўлиб, “ташқарига” факат шу дарвоза орқали чиқилган. Дарвоза очиқ бўлган. Аммо орқадаги оломоннинг ҳайкириғидан вахимага тушиб дарвозагача от суриб келган Отабой ячейка шошганидан бошини эгишни эсидан чиқариб қўяди-ю, шитоб билан келиб дарвоза кесакисига пешонаси билан урилади, шундай уриладики, бошининг копкоғи учиб кетади. Табиий, шу куннинг ўзидаёқ шаҳардан қизил қўшин чиқиб, қишлоқни босади. Шошилинч равища

инқилобий шитоб билан суд-трибуна бұлади. Трибуна бир неча кишини отишіга, үн өткілі йигитни Сибирга сургун қилишга хукм чикаради.

Бир неча кундан кейин эса күхна Қарнокқа “Содик инқилобчи” Отабой ячейка номи берилади. Шу-шу, қадимий Қарнок ҳамкишлектаримизнинг күп харакати, юкори идораларга ёзган күп илтимосномаларига қарамасдан, Қарнок-Отабой деб аталиб келяпти...

Буни ағесус билан үйларканман, менга бир аччик савол, бир чигал муаммо ором бермайды: нахот улуғ инқилоб назариячилари ҳокимият тепасига камбағал келса бас, унинг онгли, инсофли, адолатлы ва энг мухими, дунёни таниган одам булиши шарт әмас, битта йүксиллик сифати үзи старли, деб үйлашган бўлса? Нахот йўқсил ҳам, гадо ҳам одам экани ва одамга хос, нодонлик, жохиллик, шафқатсизлик уларга ҳам хос эканини хисобга олишмаган бўлса? Ахир биз ҳокимият тепасига чиқиб олған баъзи йўқсил ва камбағаллар халқимиз бошига беҳисоб кулфатлар согланини яхши биламиз ва буни очик айтаяпмиз-ку?! Бунинг энг ёркин мисолларидан бири Отабой ячейкадир!

БОБОМЛАР ВА ОДАМЛАР

Энди бобомлар ҳакида. Бобомлар Ёкуб шайх Исо ўғли, боя айтганимдек, кишилоқдаги 29 та масжид ва мадрасаларнинг энг нуфузлilаридан бирида сўфилик килганлар.

Авваламбор у киши ўрта ҳол дехкон бўлганлар. Тирикчилик ҳам сўфиликдан келадиган даромад билан әмас, дехкончиликдан келадиган “кирим” билан ўтган. Инқилобгача бувамларда 20-30 таноб ер, юз элликтacha қўй бўлган. Сўфилик эса у кишининг иккинчи “касби”, ҳозирги тил билан айтганда “хобби”си хисобланган. Шунинг учун ҳам у киши қачон ва қайси илми учун шайх увонига му-

шарраф бўлғанлар – буни ҳеч ким билмайди. Афтидан, Исломга ихлоси баланд бўлгани-ю, нихоятда кучли иодир овози учун одамлар у кишини “шайх” деб аташган. Айтадиларки, бувамлар ҳар субҳидам масжид мезанасига чикиб, мусулмонларни бомдод номозига чакириб аzon айтганларида у кишининг овозини қишлиқ у ёқда турсин, Қарнокдан ўттиз чақирим наридаги Туркистон аҳлигача эшитган! Чамаси, шу туфайли шухрати ортиб, кимсан Ёқуб Шайх бўй кетганлар.

Табиийки, инқилобдан кейин, айниқса, ўттизинчи йилларга бориб, аzon айтиш у ёқда турсин, намоз ўкиганлар ҳам исканжага олина бошлаган йиллари бобомлар нихоятда изтиробга тушиб, жуда асабийлашиб, мархум бувимизнинг айтишларича, “баджаҳл” бўлиб колганлар.

Ҳануз эсимда: бобомлар ўрта бўйли, микти, коп-кора, чап кўзи кисик, ўнг кўзи жуда катта одам эдилар. Эгниларида ёқасига тугма ўрнига ип боғланган узун оқ яктак, кенг оқ лозим, оёғига чорик кийиб, кундуз кунлари бу кенг дунёга “сиғмасдан”, кўринганга ўшкириб, асосини мушук кўринса мушук, ит кўринса ит, товук кўринса товукка отиб, оғизларидан “баччағар” сўзи тушмасдан бетўхтов сўкиниб юрардилар.

Гоҳо-гоҳо бомдод пайлари, чамаси, азбаройи азонни соғинган чоғларида секин бокка чикардилар. Улкан лекин бетартиб, мева дараҳтларидан кўра терак, дўлана, қайрағочлар тикандек ғовлаб ўсган боғимизнинг энг хилват жойига яшириниб олиб аzon айтардилар. Энди ўйласам, раҳматли чамаси, азонни дадамлардан хадиксираб, кўрқинкираб бошлардилар-у, авжига боргандарида “хукумат эсдан чиқиб” овозини баралла кўйиб юборардилар. Буни эшитган дадамлар чопиб чиқардилар. Шунда ота-бала яъни сўфи билан ашаддий “большовой” ўртасида аёвсиз жанг бошланарди. Баджаҳлликда бувамлардан қолишмайдиган дадамлар ғазабдан қалт-қалт титраб:

– Сен қокбош! – дердилар сансираб. – Қачон сен кашкир булиб улишингни қўясан? Неча марта айтдим-ку, улишингни ўчир деб, қокбош!

Бувамлар чап кўзи батамом юмилиб, ўнг кўзи косасидан чикқудек олайиб:

– Қашқирдек улимадим, аzon айтдим, кофир! – дердилар ўшкириб. Аzon айтиб мусулмонликни бажо келтирдим, аҳмок!

– Бажо келтиравер, келтиравер! Эрта бириси кун Сибирга жунайсан.

– Хайда ўша Сибилингга! – дердилар бобомлар бутун махаллани ларзага солиб. Ўша Сибилингда ҳам азонимни айтиб, намозимни ўқиганим ўқиган! Букурни гўр тузатади. Отангни ўлдириб гўрга тик, кейин азонимдан кутуласан!

Дадамлар сал бўшашар ва “сиз”га ўтиб:

– Сизнинг азонингиз билан юзта қўйингизни азобини тортавериб адойи тамом бўлдим-ку! Мехру шафкат борми, сизда?

– Сенда-чи? – дердилар бувамлар ҳамон бир кўзи юмилиб, бир кўзи косасидан чикқудай алфозда – бошингга тушганни отангдан эмас, мен айтган азонимдан эмас, худодан кўр! Қишлоқда қилган ишларингни биласанми, бебош? Фирқа бўламан деб ҳамма ёқни хонавайрон килдинг-ку! Ал қасосу минал ҳак. Бу кўрган кунинг ҳам оз сенга беражм!

Шундан кейин бири бокка, бири тоқка дегандек, ота-бала икки томонга қараб кетардилар.

Мен ҳозир кўп ўйлайман: шубҳасиз, дадамлар бу ишда ҳак эмас. Аммо у кишининг “Сенинг азонинг билан қўйларинг сабаб адойи тамом бўлдим”, деган ноласида ҳам жон бор.

Биринчи жаҳон урушигача бобомлар ўзларига тўқ миктигина дехкон хисобланиб, чамаси, 100–110 тача қўйи бўлган. Лекин шунга яраша оиласи ҳам катта

булган. Биринчи хотинидан уч ўғил, бир киз (дадамлар түнгич ўғил, ундан кейин яна икки ўғил, бир киз курганлар), иккинчи хотинидан Худо яна бир ўғил, бир киз берган. Боз устига, келинлар, неваралар, эвараларни күшса бир қозондан овқат егувчи хўрандалар сони йигирма-уттизга бориб колади. Аммо гап хонадоннинг катталигида ҳам эмас, гап шундаки, 16-йили илон йили бўлиб, унинг даҳшати яқин-яинларгача кексаларнинг тилидан тушмас эди.

Уша йили мудҳиш курғокчилик бўлиб, осмондан бир томчи ёмғир ёғмаган. Окибатда ҳатто машхур Карнок булоклари ҳам кўз ёши чикмаган кўрнинг кўзидаи, бир томчи сув чикмай қуриб қолган. Даشتни дала тугул боғларда ҳам гиёҳ битмаган, ғалла илк баҳордаёқ бошок чикармай куйиб кулга айланган. Буни кўрган аклироқ бойлар молларини, айниқса, кўйларини сўйиб офтобда қутишган, тузлаб, тарашага айлантирганлар-у, тоғ-тоғ килиб, омборларига босаверишган.

Дадамлар ҳам бувамларга “биз ҳам шундай қилайлик, туёқларингизни барибир асрай олмайсиз, қишига кирмай кирилиб кетади”, деб кўп айтган, ялиниб-ёлворган, ҳатто оёғига йикилган. Аммо бобомлар табиатан ўжар, устига устак, ўта зикна одам, дадамнинг илтижосини инобатга олмаган. Карабсизки, қиши кирмасданоқ ҳамма туёклар очлик ва совукдан кирғинга учраб, бобомлар кафандаго-га айланган-колган. Оила шундай ночор ахволга тушганки, бобомлардан ажралиб, уй-рўзғорини ўзи тебратмокчи бўлган дадамлар хотини билан биттаю битта қизини бокишга илож тополмай 16-йили мардикорлик эълон килинганда икки қўй, 2-3 қоп арпа ва жўхори хисобига қайси бир бойнинг ўғли ўрнига мардикорликка ёлланган.

Кейинчалик, дадамлар “халқ душмани” бўлиб қамалиб кетганларидан кейин, раҳматли ойимлар дадамларнинг уша қаҳатчилик йилларини, айниқса, дадамларнинг мар-

дикорликдан қайтганидан кейин кўрсатган “ўйинлари”ни кўп эслаб, кўп кўйинниб хикоя қилардилар:

— Бу дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтар экан, болам. Даданглар ишқилиб, омон бўлсинлар, мардикорликдан комсомол бўлиб келиб, кўп ўйин кўрсатганлар. Кўп одамларни кон йиғлатган. Камбағалларни бой, бою-савдогарларни камбағал қиласман, диндорларни фош эта-ман, деб канчаю-канча шўрликларнинг уйини куйдирди. Мана, нима бўлди,вой бўлди, болам. Қилмиш-қидирмиш экан, мана ҳаммаси ўзига қайтди.

Ҳакиқатан, дадамлар нима бўлганда ҳам сўфининг ўғли эмасми, озми кўпми мадраса таълимини кўргани учунми, бошқами, мардикорликда рус тилини ўрганиб, бир-икки йил давомида чамаси, қип-қизил большевик бўлиб қайтганлар. Факат дадамлар эмас, кишлоқдан кетган собиқ мардикорларнинг аксар кисми “саводи чикиб, кўзи очилиб, камбағалнинг душмани ким – бою савдогар”, деган ақидани сувдай ичиб қайтишган.



Дадамларнинг қил ўтмас бир қадрдонлари бўларди. Улар мардикорликка бирга кетишиган, мусофирикнинг жафосини бир неча йил бирга тортишган, энг муҳими, у ёқдан боя айтганимдек, қип-қизил большевик бўлиб қайтишган. Қайтишган-у, бойларни гадо қилиш (гадони бой қилиш эмас, бойни гадо қилиш!) учун енг шимариб ишга тушишган. У киши ўттиз еттинчи йили қамалган, аммо адабиётшунослар тили билан айтганда, дадамлардан фарқли ўларок, қамоқдан кутулиб чиқиб, тирик қайтган. Уша одам (у киши ҳам оламдан ўтдилар) кўп хикоя қилгувчи эди.

“Бизларни мардикорликка олишни Николайнинг миясига ким қўйди-ю, Оқпошшо бу гапга қандай кирди – қанча ўйламай, бунинг тагига сира етолмайман. Сабаб: биздан бесавод, авом, ховлисидан нарига чикмаган содда-ғўр одамлар Оқпошшога нима ҳам қилиб

бераради? Үзиям шундай бўлди. Бизни мардикорликка олишга олишди, юкларимиз, от-уловларимиз, туйларимиз билан вагонларга ортиб Туркистондан жилдиришга жилдиришиди-ю, у ёғи биз билан ҳеч кимнинг иши бўлмай колди. Ит эгасини танимайдиган давр бошланди. Поездимиз ҳар разъезд, ҳар станцияда хафталаб туриб қолади. Қўйингки, 2-3 ойдан кейин Киев шахрига аранг етиб бордик.

Бунгача уйдан олган толкон дейсизми, туршак-муршак дейсизми, ҳаммасини еб, тўрва-халталарни ялаб-ямлашга ўтдик. Киевда килган ишимиз шу бўлдики, Днепр дарёсидан шаҳардаги ҳарбий казармаларга ўтин ташиймиз. Бошимизда салла, бурк, кирғизча қалпок, оёклари мизда чорик, маҳси-калиш, эгнимизда кора чопон-у, этаклари ер супурган тўп, тuya етаклаб Киев кўчаларидан ўтганимизда биз “ёвойиларни” кўргани бутун шаҳар уйларидан кўчиб чиқар, 10-12 яшар болачалар кийқиришиб, хуштак чалишиб токи казармага етиб олгунимизча мазах қилиб кузатиб боришарди. Э, болам, не балоларни кўрмади бу бош?”

Уша одамнинг айтишича, Киевдан кейин мардикорларни, чамаси, Белоруссиянинг Берянск вилоятига элтиб қўйишган, тўғрироғи, уша вилоят ўрмонзорларига олиб бориб ташлашган. Энди дунё кўрмаган шўрлик авом мардикорларнинг ҳолларини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а? Илик иқлимда, бирда оч, бирда тўқ бўлса ҳам, ўз юрти, ўз элида меҳр-оқибатли муҳитда ўсиб-унган соддадил йигитларга бошда бу чексиз-чегарасиз қарағайзор ўрмонлари, тилни тушунимаган нотаниш ҳалқ, тизза бўйи кор ва унинг совуғи – накадар даҳшатли туюлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Аммо сал ўзларига келиб, у ёқ-бу ёққа қарашса, бу коронги ташландик жойларда ҳам аллақандай нур, аллақандай яхши инсонлар борлиги маълум бўлади.



жабр күрган жабрдийдалар турнақатор бўлиб келишаверган:

— Ҳой, шайх (ёки ҳой Эшон бува!) қанақа одам бўп чиқди, бу ўғлингиз? Хонавайрон килди ҳаммани! На раҳм-шафқатни билади! На Ҳудони танийди! Бундок асонгиз билан туртиб, инсофга чакириб қўйинг-да зурриёдингизни, шайх бува!

Одамларнинг бобомлардан зурриёдингизни асонгиз билан туртиб, жиловини тортиб қўйинг-да, деб ёлворишлари бежиз эмас. Бувамлар “кимсан, Ёкуб шайх” номини олиб, гердайиб юрган пайтларида ўша машҳур асоси билан нафақат ўз зурриёдлари, балки ман-ман деган не-не зўравонларни ҳам бошларини ёриб, инсофга келтириб қўярканлар.

Рахматли волидамиз кўп гапиргувчи эдилар. “Бу хонадонга энди келин бўлиб тушган йилларим. Даданглар Ҳудонинг берган куни кечаси улфатчилик қилибми-е, кимор ўйнабми-е, дайдиб-дайдиб сахармардон қайтардилар. Қўзлари уйқуга кетар-кетмас ҳовлида бувангнинг ҳайки-иғи эшитиларди.

— Тағин ўйнаб, тонготар қайтдингми, баччағар?

Мен, ўн олти яшар уятчанг келинчак, апил-тапил ўртмдан туриб, мурсагимга ёпиниб бир бурчакка тикилиб ўрдим.

Бобонг раҳматли асосини дўқиллатиб уйга кириб кеди-да, бошини кўрпага ўраб олган дадангни асоси битасир-тусур дўппослаб кетардилар.

— Қачон сен ҳам одам бўласан, такасалтанг? Ана, кичик иниларинг хўқизларини етаклаб далага кели. Сен бўлсанг ҳамон молдай аганаб ётибсан! – бояр шундай деб асоси билан дадангни гурсиллатиб ўтаверар эдилар, савалайверар эдилар, даданглар эслали буванг жунбишга чиқкан сайин кўрпасига қатта ўраниб ўтаверар эдилар. Ёш келинчак, мен шўрлик

Үрмөнзор орасидаги бор-йүғи 5-6 та юнун хонадондан иборат митти хоторда кийим тикадиган бир яхудий қария яшар экан. Марксни сув қилиб ичиб юборган, ўн сургунни бошидан кечирган бу яхудий (ҳамма инкилобчилар яхудий бўлганининг яна бир далили!) бир-иккита чаламулла мардикорни ўз қаноти остига олиб, марксизмни мияларига қўйиб, синфий курашдан дарс ўтиб, кўзларини очибди. Яхудий чолга шогирд тушиб, “сўқир” кўзлари очилган мардикорлар ичида дадамлар ҳам бор экан! Қишлоқка қайтгач, ҳамма бой ва дўкондорларни тафтиш қилиб, ҳаммани баробар гадо қилиш учун шафқатсиз ўч олиш ғояси ҳам ана ўша “Капитал”ни ёстиги тагига қўйиб ўқийдиган яхудий чолнинг чаламулла, аммо содик шогирдларидан чиккан.

Улар нафақат Туркистон, балки, эҳтимол бутун Урта Осиёда биринчилардан бўлиб, қишлоқда “ячейка” тузишган. Гарчи бу ячейка бор-йүғи уч-тўрт кишидангина иборат бўлса-да, бир рота аскар килолмайдиган тўполонларни килган! Чамаси, яхудий чолдан савод чиқариб келган бу “инқилоб чавандозлари” учун конун-қоида бўлмаган. Бизда зотан, шўролар хукумати биз бўламиз, дейишган. Шу “хуқук” асосида бой ва дўкондорларнинг рўйхатини олишган, мол-дунёларни мусодара килишган, умри бир йилга ҳам етмаган ҳар хил қўшчи союзлар тузишган, ҳали “хужум” ҳаракати бошланмасдан туриб, қишлоқ хотин-кизларини озод қилишган, қалъа марказидаги тўрт тарафида масжид қад кўтарган майдонга хотин-халажни йиғишиб, юзларини очишган, паранжи ва чачвонлардан осмонўпар гулхан ёкишган, масжидларда қизил чойхоналар очишган...

Шўрлик бувамнинг ахволини тасаввур киламан: жонидан азиз машғулоти – аzon айтишдан жудо бўлган, ҳатто намозни ҳам кўрка-писа уйда ўқийдиган бўп қолган чолга ҳар куни, айникса, кечалари қизил фирмачилардан

жабр күрган жабрдийдалар турнакатор булиб келиша-верган:

— Хой, шайх (ёки хой Эшон бува!) қанақа одам бүп чиқди, бу үглиңгиз? Ҳонавайрон қилди ҳаммани! На раҳм-шафқатни билади! На Ҳудони танийди! Бундок асонгиз билан туртиб, инсофга чакириб қўйинг-да зурри-ёдингизни, шайх бува!

Одамларнинг бобомлардан зурриёдингизни асонгиз билан туртиб, жиловини тортиб қўйинг-да, деб ёлворишлари бежиз эмас. Бувамлар “кимсан, Ёкуб шайх” номини олиб, гердайиб юрган пайтларида ўша машҳур асоси билан нафакат ўз зурриёдлари, балки ман-ман деган не-не зўравонларни ҳам бошларини ёриб, инсофга келтириб қўярканлар.

Раҳматли волидамиз кўп гапиргувчи эдилар. “Бу хонадонга энди келин бўлиб тушган йилларим. Даданглар Ҳудонинг берган куни кечаси улфатчилик килибми-е, кимор ўйнабми-е, дайдиб-дайдиб сахармардан кайтардилар. Кўзлари уйқуга кетар-кетмас ховлида бувангнинг хайкириғи эшитиларди.

— Тағин ўйнаб, тонготар қайтдингми, баччағар?

Мен, ўн олти яшар уятчанг келинчак, апил-тапил ўрнимдан туриб, мурсагимга ёпиниб бир бурчакка тиқилиб олардим.

Бобонг раҳматли асосини дўқиллатиб уйга кириб келарди-да, бошини кўрпага ўраб олган дадангни асоси билан тасир-тусур дўппослаб кетардилар.

— Қачон сен ҳам одам бўласан, такасалтанг? Ана, сендан кичик иниларинг ҳўқизларини етаклаб далага кетишиди. Сен бўлсанг ҳамон молдай ағанаб ётибсан! – бобонглар шундай деб асоси билан дадангни гурсиллатиб савалайверар эдилар, савалайверар эдилар, даданглар эса раҳматли буванг жунбишга чикқан сайин кўрпасига қаттирок ўраниб ётаверар эдилар. Ёш келинчак, мен шўрлик

ер ёрилмас эдикни, ерга кирсам, бурчакка тиқилғанимча нима килиншими билмай, бу текин томошани күриб тұраверардим!...

Энди үзінгиз үйлаб күринг: кечагина отасининг асо-
сидан бошини күрпага үраб, индамай ётаверадиган бу
такасалтанг бугун Россиядан кизил шапка кийиб, чарм
камар такиб, ғырт кизил инқилобчи бұлиб қайтган бұл-
са, ҳатто тасбеҳидан ҳам айрилған шүрлик “Шайх” нима
ҳам қила оларди. Ахир пировардидә шүрлик “Әшон” яли-
ниб-ёлворишига үтарди:

– Ҳой, болам! – дейди собик сұфи. – Оёғингни үйлаб
бос! Дүппи деганда бош олаяпсан, болам! Алқасосу ми-
нал ҳақ. Эрта бириси күн бу килгуулекларинг үзінгга қайтади,
үзінгга бұлмаса зурриётларингга қайтади, биров-
ларга үтказаётган бу жабру зулмларинг!

Хақиқатан, бувамларнинг башорати ахир пировар-
дидә рүёбга чиқди. Мен бу ерда дадамларнинг қамоққа
олиниб, Сибирь үрмөнларида оламдан күз юмғанларини
назарда тутаётганим йүк. Гап шундаки, яхудий марк-
систдан синфий курашни үрганиб қайтган фаолларнинг
фаоллиги, одамларнинг гувохлық беришича, шунчалик
авж олиб кетғанки, бир күн келиб диндорлар, бойлар ва
дүкондорлар у ёқда турсин, үртахол ва йүксиллар ҳам
гадонинг гадосига айланиб, фирмалар устидан юкори
ташкilotларга арзу шикоятлар әмғирдай ёғила бошлайди.
Фиркалар тузған “Құшчи союзлар” бозори касодға
учраб, мингта аъзоси минг томонға тариқдай сочилиб
кетади. униң тенасида факат битта отдан түшса ҳам
эгардан тушмайдыған инқилоб чавондози қайсар яхудий-
нинг қайсар бир шогирди қолади!.. Ана шундай ахволда
дадамларнинг кимдир жонига оро кирди-ю, у кишини
САҚУга үкишга юбордилар. Аммо әндилекда САҚУ ҳам
ёрдам беролмайди. Рост, бир йил, ярим йил нисбатан
тинч үтган умрдан кейин дадамларнинг орқасидан юма-

лок хатлар, кечагина ундан жабр кўрган муштумзўрлар, уларнинг болалари ва болаларнинг болалари ёзган имзоли ва имзосиз мактублар ёмғирдай ёғилиб бораверади. Ҳамма хатларнинг мазмуни битта : “Ижтимоий келиб чикишини яшириб юрган синфий душман идораларингизга – САҚУингизга суқилиб кириб олипти-ю, сизлар бўлса бундан бехабар синфий хушёрликни қулдан бериб қўйгансизлар. Билиб қўйинглар: бу одамнинг отаси инқилобгача катта бой бўлган. 200-300 бош қўйи бўлган. (Каранг, юз бош қўй 300 бошга айланди) Инқилобдан кейин бойлигини яшириш ниятида молларини сотиб, тиллага айлантириб, ўзини камбағалликка солиб юрибди! Боз устига, отаси кишлокдаги Ислом динини тарғиб ва ташвиқ қилувчи энг катта дин пешволаридан эди. У киши жума масжидда кирк йил сўфилик қилган, ҳар сафар аzon айтиб, соддадил фукароларни намоз ўқишига чакирган. Овозининг зўрлигидан айтган азони шахри Туркистонгacha бориб етган. Ишонмасаларингиз Туркистонга келиб, гувохлардан сўранг! Шу боисдан “шайх” номини олиб, авомни батамом заҳарлаб келган. Мардикорлик тўгрисида баҳоналари – шунчаки бир никоб ва сафсата. Гапимизга инонмасаларнингиз комиссия юбориб, тафтиш ўтказишларингизни сўраймиз!”

Бу хатлар, худди мерганинг ўқидай нишонга бехато урган. Дадамлар, чамаси, дарди ичиди бирда фирмадан учиб (кейин қайта тикланиб), бирда ҳайфсан билан кутулиб, аммо ишдан ҳайдалиб, кишлокқа қайтиб келаверган. Кеча ўзи фош қилган душманларнинг қўзига қўринишга тоқати йўқ, токи фирмакага қайта тикланмагунча ёки бирор лавозимга эришгунча кўксини ёстикқа босиб ҳамма ёқка хат ёзиш билан овора, кечалари эса қўни-қўшни, қариндош-уруғ, ёшларни йиғиб, бирда “Утган кунлар” ва “Мехробдан чаён”, бирда “Минг бир кеча”ни ўқиб, амаллаб вақт ўтказганлар.

Дадамлар отаси бой бўлган, инқилобгача 200-300 кўйи бор эди, деган гаплар ёлғон эканлигини, тўғрироғи, бу кўйлар илон йилида кирилиб, инқилобгачаёқ кафандага айланиб қолганларини ва шу туфайли мардикорликка кетишга мажбур бўлганини амал-тақал қилиб тушунира олса ҳам, сўфининг ўғли эканини, табиий, ҳеч ҳам инкор этиб бўлмас эди. Шу боисдан дадамлар отасининг сўфи бўлганини сира кечира олмас (гўё бувамлар инқилоб бўлишию диндорлар кораланишини кўра била туриб қасдан сўфиликни танлагандай!) усиз ҳам азони билан номозидан айрилиб, асосини йўқотган кўрдай, довдираб қолган шўрлик бувамлар эса дахрий фарзандининг даҳриёна куфр ишларини кечира олмаган. Ота-бала ўртасидаги жангур-жадал ойимларнинг айтишича, тинимсиз давом этган.

Дадамлар қамалишидан бир-икки йил муқаддам, навбатдаги юмалок хатлардан бири сабаб ишдан ҳайдалиб, қишлоққа қайтган ва уйида юзтубан тушиб ётган отамлар билан бувамлар ўртасида бўлиб ўтган ана шундай даҳана-ки жангларнинг бири сира эсимдан чиқмайди.

Мевазор боғдан кўра қалин ёввойи ўрмонзорга уҳшаб кетадиган боғимизнинг хилват жойида шохлари ҳар томонга тарвақайлаб кетган бир туп шотут ўсади. Тарки дунёликни ихтиёр этган, ўзиям чўкиб, “бир ту-тамгина” бўлиб қолган бобомлар ўша тутнинг соясига эски пустак ташлаб, кечаю кундуз тасбех ўгириб ётар, факат тахорат олиши зарур бўлган пайтларидағина оқсоқлана-оқсоқлана сойга тушиб, тахорат қилиб келардилар. Бошка пайтларда эса ўзидан анча ёш, аммо ўзидан ҳам сержахл ўгай бувимлар олдига “дўк” этиб қўйиб кетадиган арпа ёки жўхори гўжани ичиб, хаёлга чўмиб ётаверар эдилар.

Аммо гоҳи-гоҳида, чамаси, азбаройи худо олдида-ги карзини узиш ниятида бўлса керак, мен ва менинг

ёшиңдаги уч-түрттә набираларини йиғиб, күрка-писа “Күлху оллоху ахад”ни ёки “Ла илаха иллаллох, Мухаммадур Расулллох”ни ёд олдирап эдилар.

Бир куни ана шундай сабоклардан бири пайтида тұсатдан боғда бетартиб үсгап дараҳтлар орасидан дадамлар чиқиб келдилар.

Бобомларнинг сұғилиги сабаб ишдан ҳайдалиб, үз ёғига үзи қоврилиб ётган одам, бувамларнинг “иши”ни күриб, қалтираб кетдилар-у, бургутдай бостириб келдилар:

– Сен! – дедилар, одатда, дарғазаб бұлған маҳалдагидай “сенсираб”. – Сен, кокбош... қачонгача ҳали оку корани танимаган бу норасидаларни заҳарлайсан?

Аввал бошда довдираб қолған бувам сал хушини йиғиб, үлакса товукнинг бүйнидай ингичкалашиб қолған бүйнини чүзіб үдагайлай кетдилар:

– Үзинг коғир бұлғаннинг етмагандек, бу гүдакларни ҳам дахрий қылмоқчимисан, бетавфик! Эрта маҳшарда пулсиротдан үтганды...

– Ҳе, маҳшар-паҳшарнинг пулсирот-мұлсиротингни...

Дадамлар шундай деб, құлимдан “шап” ушладилар-да, үй томон судраб кетдилар. Мен чиркиллаб йиғлаб борар эканман бувамларнинг:

– Болани чирқиratma! Оллохнинг қарғишига гирифтор бұласан, бетавфик! – деб чийиллаганини эшилдім.

Бу вөкөадан сал кейин бувамлар оламдан үтдилар. Бу маҳалда иши тағии сал “юришган” дадамлар шахарға күчиб үтган эдилар.

Мени бувамларнинг дағи маросимига олиб боришмады...

Кейинчалик, дадамлар “халқ дүшмани”га айланиб, қамоқда беиз, бенишон кетғанларидан кейин ойимлар ичичидан күйиниб күп гапиргувчи эдилар:

– Мархұм буванг жуда күрс, жуда сержахл эдилар. Шундай бұлсаям, даданглар яхши қилмаганини бу-

ванг ўлганларидан кейин тушундилар, тушуниб кўп пушаймон чекдилар. Начора, сўнгги пушаймон, ўзинга душман, деганлари ҳаққи рост экан. Бирорга озор берма, сира озор берма, болам. Агар озор бергудек бўлсанг бир йўлини топиб, дархол кўнглидан чиқар, болам...

Мен сўнгги йилларда, айниқса, мамлакатимизда ошкоралик ва демократия принциплари ривож топиб, хукукий давлат тузиш ҳаракати бошлангандан буён дадамлар билан бувамлар ўртасидаги муносабат ҳақида айниқса, узок Белоруссиядан “большовой” бўлиб қайтган мардикор йигитларнинг синфий кураш баҳона кишлокни бу қадар ағдар-тўнтар қилганлари ва бунинг туб сабаблари тўғрисида жуда кўп ўйлайман. Баъзан, кечалари уйғониб кетиб, тонг отгунча мижжа қоқмай чиқаман. Шунда ўйлай-ўйлай ўзимча бир фикрга келаман. Бунинг бир сабаби ёшлик бўлса, иккинчи сабаби – чаласаводлик, авомлик, нодонлик. Халқимизда чаламулла, деган гап бор. Аминманки, кишлоқдан борганда чаласавод, аслида ғирт авом йигитлар у ёқда турсин, бу йигитларга марксизмдан сабоқ берган кекса яхудий ҳам социализм нима-ю, унга эришиш йўллари ҳақида аниқ бир тасаввурга эга бўлмаганлар (энди маълум бўлишича, революция раҳбарларининг кўпчилиги ҳам аниқ тасаввурдан йироқ эканлар). Акс ҳолда, ёш дадамнинг ўз отасига кўрсатган ўйинларини қандай изоҳлаб бўлади? Албатта, биз бугун бу хатоларини озми-кўпми тушунишга, уларнинг илдизларини очишга уринмоқдамиз. Аммо менга шундай туюладики, фактат биз эмас, синфий кураш деб аталмиш ўша машъум йиллар ёт-ётни эмас ўғил отани, ота эса ўз пуштикамаридан бўлган зурриётига пичоқ ўқталган “инкилоб чавондозлари”нинг бугун кўзлари очилмоқда. Ўйлайманки, дадамлар ҳам совук, қоронғи ўрмонзорларда дараҳт кесиб юрган чоғларида ёшлигига килган

“инқилобий” ишларини күп эслаган, эслаб афсус-надомат чеккан. Ҳарқалай, менга шундай туюлади.

ВОЛИДАМИЗ

Мен дадамлар “халқ душмани”, деб эълон қилинганидан кейин беш фарзанд билан колган марҳум волидамиз тұғрисида, үттіз саккиз-үттіз түккіз яшар пайтида тирик әридан айрилиб, бақтсиз бева булып колган муштипар аёл ҳақида күп үйлайман, күп эслайман. Оиламиз бошига тушган бу мисліз мусибатта қарамай, ҳарқалай жон сақлаб қолганимиз сабаблари тұғрисида үйлаганимда икки улуғ гап күнглімдан үтади.

Бириңчиси. Бу дунёда ёмонлар қанчалик күп бұлмасын, яхшилар улардан күпроқ экан. Иккінччиси. Буюк адібимиз Абдулла Қодирий халқимизни ажрикка үхшатади, керак бұлса, у ҳатто асфальтни ҳам тешиб чиқади, деган эканки, мен бу ҳикматли сұзларнинг тұғрилигини муштедеккина шу аёл тимсолида равshan күрдим.

Тұғри, ажрик деганда биз бошқа ҳеч бир үсимликка күн бермайдиган, үзи үсган жойдан бошқа ҳамма гиёхларни сиқиб чиқарадиган бир үтни назарда тутамиз. Аммо улуғ адібимиз ажрик сұзини рамзий маңнода, яни үз хаёти учун тиришиб курашадиган метин иродали үсимлик маңносида ишлатганки, бу рамзий маңнога қүшилмай илож йўқ.

Марҳум волидамиз бүйлари бир қаричгина, эти устихонига бориб тақалган озғингина, нимжонгина бир аёл әдилар. Дадамлар қамалғанларидан кейин бошланған мудхиш гап-сұзлар, қувғин ва ҳақоратлар, моддий ва маңнавий қийинчиликлар бу ёш аёлни етти буклаб, гүрга тиқиши ҳам мумкин эди.

Дадамлар қамалиб Туркистандан бадарға қилинганидан кейин оиламизга нисбатан күрилған бириңчи чора –

яшаб турган уйимиздан (қиши бўлишига қарамай) ҳайдаб чиқаришиди.

Биз яшаб турган ўша ҳовлининг этагида ҳамма хона-донлар учун ўтихона, ҳам мол ушлайдиган оилалар учун сомонхона вазифасини ўтайдиган битта ташландик совук ўй бўларди.

Бизга бўйига тўрт-беш, энига уч-тўрт метр келадиган ўша сомонхонани бўшатиб беришиди.

Ўша йили қиши кандайдир эрта тушиб, қаттиқ совук бошланди. Ойимлар қаёқдандир (эҳтимол, кўни-кўшнилардан бири меҳр-шафкат қилиб бергандир!) тунука печка топиб келдилар, яна кимдир, – чамаси, поччамлар бўлса керак – бир қоп тошкўмир олиб келиб ташлади.

Бошга тушганини кўз курагар, деганларидек, инсон боласи бошига тушганини кўраверар экан. Ўша сергурбат, серташвиш кунларнинг ҳам ўзига яраша катта кичик қувончлари, ёруғ жиҳатлари ҳам бўлмасдан илож йўқ. Авваламбор уйимизда на электр, на лампа бор, ойимлар бир амаллаб пиширган шўрва-шўрангми, аталами, хуллас, худо етказган хўракни еб, коронги тушмасданоқ тўшакка кирамиз. Аммо чирок йўқлигидан кўп ҳам нолимаймиз. Сабаби – тўшакка кирдик дегунча, ойимлар ҳар окшом янги эртак бошлайдилар ёхуд кечак тугамай қолган эртакни давом эттирадилар.

Бошимизга оғир кунлар тушгунга қадар волидамиз бизга эртак айтганлари ёдимда йўқ, чунки раҳматли қайси бир жиҳатлари билан дадамларга ўхшаб кетар, у киши ҳам бизни кам суйиб, кам эркалайдиган каттиккўлроқ аёл эдилар. Дадамлар қамалганларидан кейин билсак... ойимлар эртакнинг кони эканлар. Бу эртакларнинг кўпчилиги хозир ёдимда йўқ. Мен уларни “Ўзбек халк эртаклари” китобида ҳам учратмадим. Аммо бир нарса сира хотирамдан кўтарилимайди. Улар

аллақандай тиник нур билан йүгрилган, үксик дилемизда ажыб тиник бир түйғу, куз офтобидай илик хислар уйғотувчи эртаклар эди. Ҳамма эртаклардагидек бу эртакларда ҳам ёвузлар мағлуб булиб, яхшилар, пок ниятли алплар, пахлавонлар, ботирлар хамиша ғалаба қозониб, севгилиларининг дийдорига етиб, мурод-максадларига эришар эдилар...

Бу эртаклардан кейин ажыб бир ҳис билан уйкуга кетиб, шу ёруғ түйғу билан уйгонар эдик. Шунда эрталаб-гача тешик-тешикларидан кор уфуриб, митти даричалари яхлаб, ҳувиллаб қолган ғариб қулбамиз кўзимизга унчалик ёмон кўринмас, назаримизда, эртаклардаги яхши одамлар эшигимизни мана-мана такиллатиб, кириб келишига ионар эдик...

Дадамлар илгари айтганимдек, уч оғайнини бўлганлар. Улардан биттаси (дадамлардан кейинги укалари) ғирт авом, саводсиз, аммо ниҳоятда меҳнаткаш, заҳматкаш, умрида кетмондан бошқа нарсани кўрмай оламдан ўтган, айни замонда табиатан бенихоя қувноқ, асқияга устаси фаранг, гапга чечан, сўз келганда отасини ҳам аямайдиган, соддадил бир одам эди. (Бу улуғ инсон тўғрисида, насиб этса, ҳали кўп гапираман), иккинчи укалари отамиз туфайли ўқиб одам бўлган ва Ўзбекистон вилоятларидан бирида хизмат қилиб юрган, кенжатой инилари, жойи жаннатда бўлсин, дадамлар қамалиши билан корасини кўрсатмай дом-дараксиз кетдилар.

Дадамлар бадарға килиниб, уйимиз бамисоли ҳамма айланиб ўтадиган гуристон каби ҳувиллаб қолгандан кешин чамаси, икки ҳафтача ўтгач, кеч пайт тую етаклаган шир одам пайдо бўлди. Бошига қозоқи эски бурк, устига ахталик чопон кийиб, белини арқон билан боғлаб олган одам – дадамларнинг иккинчи укаси, бизнинг амакиз, боя айтганимдек, кўз очиб дунёга келибдики, боши эхнатдан чиқмаган соддадил оккўнгил одам эди.

“Пр. МЕНИН ЭШИТИШИМЧА, ОТАМИЗ ҚАМАЛГАНДА
КЕНИН ҚИШЛОҚДА ГАП БУЛИБДИ: “ПАЛОНЧИ ҚАМАЛГАН БУЛС
ҮЗИ АЙБДОРДИР? АММО УНИНГ БОЛА-ЧАҚАЛАРИДА НИМА ГУНОХ?
БУ ҚАНДАЙ ИНСОН, ҚАНДАЙ АКА-УКАЛАРКИ, ОҒАСИНИНГ БОШИГА
ИШ ТУШГАНДА ҲАМ УНИНГ БЕВАСИЮ БОЛА-ЧАҚАЛАРИДАН ХАБАР
ОЛИШДАН ҚҮРКИБ УЙИДА ПИСИБ ЁТСА?”

Эсимда қолган тафсилот: ойимлар билан амаким, гүё дадамлар камалган эмас, оламдан үтгандай, кучоклашиб, узок ииғлашди. Кейин ҳасратлаша-ҳасратлаша тонг оттиришди. Сахармардон, ғира-шира коронфиликда биз чурвақаларни күрпага үрашди, сұнг уйда қолган-қутган юкларни түяга ортишиб, бизни юкларниң орасига жойлаштиришди. Назаримда, осмон баробар бу түяга ойимлар хам үтирдилар. Амакимлар эса әгнида үша эски чопон, бели чилвир билан боғланған, түяни етаклаб йүлга равона бўлдик.

Қаҳратон қиши. Тиззадан кор, боз устига, кор таги яхлаб, тайғанчок музга айланган. Амаким олиб келган туя – туяларнинг хурози – нортую экан. У ҳар қадамда сирғанар, бот-бот тойиб кетиб олдинги оёқларига чўкарди-ю, зорланиб бўкирар, аммо амакимнинг зуғуми билан яна даст туриб йўлида давом этарди.

Ҳар сафар нортую музда сирпаниб бўкирганида ёхуд тойиб кетиб чўккалаб қолганида ойимлар биз чурвакаларни кучоқлаб, алланималар деб кўкка тавалло қилар, зорланиб унсиз йиғлар, лекин дархол үзини қўлга олиб бизларга сув-пув бериб, тинчитар эдилар.

Шу тарзда шаҳардан саҳармардан йўлга чикқан якка туя кечқурун кош қорайганда қишлоққа кириб бордик.

Күзим илингандай экан. Бир пайт аллакандай ваҳимали товушлар, сўкиниш ва ҳайқириклардан уйғониб кетдим.

Биз кишлоқка кираверишдаги боғлар олдида турар-дик. Йүлиминизни түсгән 30-40 кишилик оломон орасыда ик-ки отлиқ аёл – кейин билсам уларнинг бири, колхоз раи-

си, иккинчиси, колхоз фирмка (ўша пайтда “фирка” сүхали тазикка учрамаган эди!) ячейкасининг котибаси эд

Сира эсимдан чиқмайди: иккала фаола аёлнинг остиридаги аргумоклар – улокда чопгучи чинакам тулпорлардан эди! Ҳар сафар камчи еганда кишнаб, олд оёкларини кутариб, орқа оёклари билан ердаги музларни чилпарчин қилиб, аччик кишнаганларича кўкка сапчиди.

Кўкка сапчиган аргумокларнинг устида аранг ўтирган икки фаола, замон ва тақдир такозоси билан улкан раҳбар курсисига миниб, “мехнаткаш халқ вакили” деган ном олган икки авом, икки саводсиз, нодон ер депсинган айғирларини олдинга суриб бегуноҳ туюни боши-кузи демай аёвсиз камчилашади. Улар шундай жунбишга келишганки, на ҳолдан тойган шўрлик норнинг, на нор устидаги ойим ва опа-сингилларимнинг зорли чиркирашига қулоқ солишади, на буқчайиб, аллақандай кичрайиб колган бечора амакимнинг юзидан, такир бошидан тиркираб оқаётган конга эътибор беришади. Тилларида факат бир сўз, бир хитоб: “Халқ душманинг фарзандларига кишлоғимизда ўрин йўқ!” “Газандалар уруғига жой бермаймиз!”

Қамчиланган тую зорланиб: “бўх, бўх”лаганча дам корда сирпаниб орқага тисарилар, дам қокиниб чўккалаб колар, шунда тую устидаги опа ва укаларим қўркувдан барабар чинқириб юборишар, бошидаги телпаги қаёkkадир учиб кетган, қамидан шилинган такир бошидан оқкан кон кўзига қуйилиб ҳеч нарсани кўрмай колган амаким эса қўлидаги нўхтани қўйиб юбормай, ҳадеб туюни олдинга тортқиларди... Ойимлар рангларида ранг йўқ, тош бўлиб қотиб қолганлар!

Нихоят, йиғилган оломон орасидан кимнингдир:

– Хой, мўминлар! – деган қалтироқ, аммо ўқтам овози нгради. – Эгамберди душман бўлса – душмандир! Аммо анов норасидаларнинг гунохи не, мусулмонлар!

Бу хитобга жавобан ҳар жой-хар жойдан:

– Ҳақ гап! Норасидаларда айб йўқ! Кўйиб юборинглар уларни! – деган журъатсизгина, аммо жўр овозлар эши-тилди.

Кўп йиллар ўтди. Яхими, ёмонми, Хрушчев замони келиб, пешонамизга босилган “халқ душманининг фарзандлари” деган тамға олиб ташланиб, биз гарифларнинг елкаларига ҳам жиндай офтоб тегди.

Шунда камина ҳар сафар қишлоққа борганимда мурғак қалбимизда мудхиш из қолдирган ўша воеа иштирокчиларини, айниқса, биринчилардан бўлиб, “Эгамберди душман бўлса – душмандир! Аммо бу норасидаларнинг гунохи не, ёронлар!” – деб хитоб килган одамни кўп сўраб-суриштиридим. Аммо орадан бир неча ўн йиллар ўтгани учунми, аниқ жавоб тополмадим. Эҳтимол, бу хитоблари учун унинг ўзи ҳам қувғинга учраб гум бўлгандир. Эҳтимол урушда ҳалок бўлиб кетгандир, ҳарқалай, излашларим, адиллар тили билан айтганда, ижобий натижа бермади. Қишлоқда уста Умрбек деган ёшлиқда кўп шўхликлар килган, бир пайтлар хатто ўғриларга “атаман” бўлган, ўзиям алпкомат, кўп келишган одам бўларди, бирор “ўша бўлиши керак” деди, бирор Эрмат Юнус деган яна бир танти, чапани, гапдон одам бўларди – ўшани тахмин қилди, аммо бунинг ҳаммаси тахмин эди, холос.

Хуллас, бу хитоблардан кейин икки раҳбар, икки шаддод фаола эркакчасига сўкина-сўкина, оркага чекиниши-ю, кора қонга беланганд амаким туямизни яна қишлоқ томон етаклади...

Йиллар ўтди... Салдан кейинок қишлоқ аҳлини зир титратиб, одамларни маймун мисол ўйнатган бу икки бесавод, гумроҳ аёл ишдан ҳайдалди, аргумоқларидан айрилиб, яёв юрадиган бўп колишди, уруш йиллари эса...

Йүк, мен: кимки оиламиз бошига ёнғоқ чақкан бұлса, хаммаси жафосини тортди, демекчи әмасман! Аксинча, яшин тезлигіда арғумоқка миниб, яшин тезлигіда үндан ағдарилған бу иккі аёлнинг тақдиди ҳакида ғазаб билан әмас, йүк, аксинча, чукур изтироб билан, ағсус билан үйлайман! Бу ғарип, бесавод ғофиллар тақдиди-нинг аянчли интихоси учун ким айбдор? Ахир бу қандай инқилоб эканки, бирда халқ бошига Марксдан “М” харфини ҳам тушунмаган яхудий чолнинг чаласавод шогирдларини үтказса, бирда Отабой ячейкадай қамчисидан қон томган жохилларни, яна бирда одамларни кора конга белаб, қамчилашни табиий бир ҳол деб билған бояги иккі нодон аёлни күтартса. Бутун бир кишлоқ тақдидини, иқтисодини, деңқонлар қисматини умрларида бир туп гул үстирмаган шу ғофиллар құлига топширса! Ажабо: яна ва бу етмиш йил давом этган бұлса! Мабодо битта-яримта ишбилармон, улдабурон раис чикса – у ерда ёза-ёз! Бирда юмалоқ, бирда ноюмалоқ, бирда имзоли, бирда имзосиз хатлар бориб, етилганини етилгандай юмалатиб турған бұлса. Ажабо: шу ахволда биз яна, “Нега капиталистлардан орқада колдик, нега улар яхши яшашади-ю, биз ҳамон корнимиз түймайды?” – деб ажабланамиз.

Мархұм волидамиз күп айтгучи әдилар: сенларни бағримга босиб, тұяда кишлоққа кетаяпман, бир-биридан кичік, бири ош деса, бири сув, деб йиғлайдиган бу беш болани қандай бокаман деган үйдан вахимага тұшаман. Қишлоқда колхоздан бошқа нима бор? Колхозда ишлаб топғаним билан устларингни бут, корниларингни түк килоламанми ё баъзи оналарга үхшаб битта-иккиталарингни детдомга бераманми, дейман ичимда. Дейман-у, юрагим орқамга тортиб кетади. Йүк, Гулшан, дейман яна үзимга, болаларингни иссик бағрингдан узиб детдомга бергунча бу дундан күз юмиб, кора гүрга

кирганинг яхши. Опангнинг ўз уйи, ўз ташвиши бор. Каттам хам, ишонганим хам сенсан. Сени бағримга босиб, бирда Ҳазрати Хизр бувага, бирда Султонимга илтижо қиласман, авваламбор Худодан, колаверса, улардан нажот тилайман... йўқ, болажоним, Худо йўқ, деганларга инонма, инонма эмас, улардан овлок юр. Ушанда онангнинг илтижоларию тўккан кўз ёшлари Худога борди. Қишлоққа бориб эшитсан... менинг бахтим, сенларнинг насибаларинг учун Қарнокда бўр заводи очиладиган бўлти!

Ха-ха, волидамиз ўша, мактабларда ишлатиладиган, кора доскаларда ок-оппоқ из колдириб, так-так ёзадиган бўрни назарда тутганлар.

Қишлоғимизда Насриддин Афандини эслатувчи ғаройиб одамлар, дарвештабиат кишилар, оёкларини ердан узиб, осмонда учиб юрадиган хаёлпарамастлар кўп бўлган.

Шулардан бири Абдураззоқ ота деган одам эди. Аслини олганда нафакат кишлоқ, балки бутун Туркистон виляти таниган, ўзиям машхур оқсусяк зодагонлар оиласига мансуб бўлмиш (у кишининг ота-боболари кишлоқда қозилик қилганлар) новчадан келган, афандитабиат бу соддадил одам инкилобдан кейин ота-боболардан факат битта ўлмас мерос ортириб қолган. У хам бўлса – қозикалоннинг ўғли, деган тамға! Аммо бу тамға унга ёпишмаган. Чунки ёшлигида ўлиб кетган отасидан на мол, на ер, на муллажиринг қолган. Боз устига, у ўзининг олижаноб хислатлари – хаёлпарамастлиги, аллақандай илоҳий хаёллар суриб юриши, дарвешлиги, эзгулиги, акл-фаросати билан хам Отабой ячейкаларинг кўзига тушмай, бир чеккада копкетган.

Айтишларича, ўттизинчи йилларда авж олган аэроплансилик борасидаги мақолаларни кўп ўқиган бу хаёлпарамаст кишлоқда биринчи бўлиб ўз кўли билан аэроплан

ясаган. Сүнгра барча ахли мүмийин йиғиб, кент ичидаги энг юкори тепаларидан бирига чиқиб үзи ясаган аэропланда “учган”, яъни үз аэропланига ўтириб, үзини теспадан пастга ташлаган! Табиний, аэроплан чил-чил синади, үзи эса у ер-бу ери лат еб, қўли синганини хисобламаса, омон қолади. Ана шу Хўжа Насриддинамо, дарвештабиат одам қилган кўп кашфиётлар, тоғу тошлардан “топган” кўп олтии ва кумуш конлар (“топган” сўзини қўштироқ ичига олишимиз бежиз эмас – бу “конлар”-нинг аксари, хаёлпараст дарвешнинг фатназияси яратган бойликлар экан!) орасида битта кашфиёт тўғри чикади. У хам бўлса, қишлоқни куршаган кирлар каъридан у киши соғ оҳак топганлар, фақат топибгина колмасдан бу оҳакдан жуда кўп нарса, жумладан, мактаблар учун бўр ясан мумкинлигини “исботлаб” берганлар. Хуллас, шу Хўжа Насриддин ва унинг маъмурий идораларга қарши олиб борган узоқ кураши сабаб қишлоқда мактаблар учун бўр ясадиган завод очишга карор килинганки, бу карор, бизнинг баҳтимизга, отамиз қамалиб, қишлоқка кўчиб келган кунларимизга тўғри келган. Марҳум волидамиз бу гапдан воқиф бўлишлари билан аёл эканликларига қарамасдан бир иш қилганлар. У киши собиқ “шайх”нинг келини экани, собиқ Ҳалқ Комиссари ва Козофистон темир йўли раҳбарларидан бирининг рафиқаси эканини, хуллас, сохта гууррга оид барча туйғуларни бир томонга йиғишириб қўйиб, заводдаги энг оғир цехлардан бирига ишчи бўлиб кирганлар. Албатта, волидамизни бунга бемеҳр хаёт, бешафкат давр мажбур этган. Лекин марҳум волидамизнинг, агар илгари таъбир жоиз бўлса, иродаси ҳам, акл заковати ҳам шундай бўлганки, у киши акукалари, кариндош-уругларининг “кўй, бу нияtingдан кайт, сенинг кимсан Ёқуб шайхнинг келини бўр заводида ишлашини эштишса, одамлар нима дейди”, деган гапларига юргаганлар.

Заводдаги ишнинг йўриғи шундай эди: авваламбор, кир бағридаги кондан ҳар бири отнинг калласидек, пустти қора, аммо ичи оппоқ тошлар эшакараваларда завод ҳовлисига олиб келиб тўкиларди. Сўнгра бу “тошлар” завод ҳовлисида маҳсус курилган тегирмонда худди буғдой тортилгандай тортилиб, унга айланарди. Кейин бу “ун” эланар, хас-пастлардан тозаланаар сўнг катта дошкозонларда қайнатилиб, бамисоли аталага айлантириларди. Цехда бўр шаклида ўнта икки катор тешикчалар ясалган оғир чўян колиплар бўлар, қозонларда қайнатилиб, аталага айлантирилган оҳак ана шу чўян колипларга куйиларди. Кейин оғирлиги камида бир пуд келадиган бу колиплар цехдан ташкарига олиб чикилиб, маҳсус супага, офтоб шувоққа катор терилади. Тахминан бир-икки соатдан кейин қолиплар “очилиб” курий бошлаган бўр офтобга ёзилган брезент “дастурхон”ларга ёйиб ташланар, яна бир-икки соатдан кейин эса қуёшда котган бўр коғоз қутичаларга жойланарди. Бу ишни, яъни ҳар бир қутичага элликтадан бўрни сабаб соладиган ишни, одатда аёллар килар, оғир чўян колипларга “атала” куйиб, уларни офтобга олиб чикиб ёйишни эса эркаклар бажарар, чунки чўян колиплар аёллар учун оғирлик киларди. Аммо волидамиз, аёл зотидан битта ўzlари шу оғир ишда ишлардилар. Котмадан келган, миттигина, аммо зуваласи пишик чайир аёл – волидамиз белларини катта тивит рўмол билан маҳкам боғлаб, енгларини шимариб, катта чўмичлар ёрдамида қозонда қайнаб турган “атала”ни чўян колипларга ўzlари куяр, цехдан ташкарига ҳам ўzlари ташир, бунга нафақат аёллар, хатто эркаклар ҳам лол қолишарди. Эркаклар бот-бот ойимларга бу ишни қўйиб, қутичаларга бўр солиш ё бошқа бирор енгил ишга ўтишни масалаҳат килишар, аммо волидамиз маъюс кулиб: “Енгил ишга ўтсан жўжалардек беш болани ким бокади?”, деб жавоб

берардилар. Дарҳақиқат, кейин билсам, кутиларга бўр солувчилар билан чўян қолипларга бўр қуювчиларнинг иш ҳакида осмон билан ерча фарқ бор экан. Бўр терувчи қиз-жувонлар ойига 180-200 сўм олишса (уша вактнинг шули билан, албатта), цехда ишловчилар 250-300 сўмгача маош олишар экан.

Бир йил ўтар-ўтмас мен ҳам ўқишидан кейин тўғри заводга бориб, кутиларга бўр солиш ишида қатнашадиган бўлдим. Ойимлар цехдаги ишларидан кейин менга “срдамлашар”, биз кош қорайгунча 20-30, баъзан эса 50 қути бўр терар, бу иш ҳам яна 30-40 сўм қўшимча ҳак олиш имконини берарди.

Завод директори, ёш рус йигити, волидамизни бу тиришкоклиги учун жуда хурмат қиласар, “халк душмани”-нинг рафиқалари бўлишларига қарамасдан у кишини мажлисларда мактар, ҳар хил фахрий ёрликлар билан мукофотлаб, номларини фахрий доскадан туширmas эдилар. Аммо бахтга карши бу орада уруш бошланиб колди-ю, мактаблар ёпилиб, чамаси, бўрга эҳтиёж ҳам камайди чоғи, завод бўр ясашни тўхтатиб, ҳар хил буюмлар, сунъий олма, нок, тарвузча, мушук, кучук ва бошқа минг хил ўйинчоклар ясадиган цех очилди.

Қизик, бу сафар кутилмагандага ойимларнинг яна бир истеъоди, санъаткорлик истеъоди намоён бўлди. У киши эвакуация вактида қишлоғимизга келиб қолган поляк ва яхудий рассомларга шогирд тушиб, бир-икки ой давомидаёқ ўз ишининг устаси фарангি бўлиб олдилар. Цехдаги қизлар қора ишни қилишар, яъни ўйинчокларни олдин ҳар хил суюк бўёклар билан бўяшар, кейин уларга ок бўёқ бериб, офтобда қуритишар, волидамиз эса “олма ва ноклар”га тарам-тарам ранг берар, “мушук” ва “кучук”ларга кош-кўзларини, киприк ва мўйловчалирини ясаб, уларга “жон ато” қиласардилар. Мен бу ишда ойимларга ёрдам берардим. Аммо қанча харакат килмай,

мўйқалам санъатини волидамиз даражасида эгаллай олмадим. Шу тарзда яна бир-бир ярим йил ўтди, кейин ўйинчокларнинг бозори касод бўлди, шекилли, завод батамом ёпилди. Лекин бу орада кичик опамлар ва мен бўйнимиз хийла чўзилиб, “одам бўлиб” колган эдик. Завод ёпилганидан кейин хам волидамиз унда аллақандай майда-чўйда ишлар билан шуғулланиб юрдилар, биз эса ўқиши йигиштириб қўйиб, кўлга бирда ўроқ, бирда кетмон олиб колхозга чиқдик. Марҳум ойимлар то умрларининг охиригача кўп айтувчи эдилар: “Бахтимизга кишлокда шу завод очилиб, жонимизга оро кирди. Агар бўр завод очилмаганда, билмадим, мен сенларни қандай бокиб, қандай одам килардим?!”

Мен эсам, ҳар сафар бу гапни айтганларида бирда заводнинг очилишига сабаб бўлган, аэроплан ихтиро килман деб, бир ўлимдан колган дарвештабиат, соддадил инсон – Абдураззок отани эсласам, бирда ойимларни табиат қандайдир бизга номаълум букилмас, эгилмас, синмас моддалардан яратган бу муштдек аёлни-ю, унинг метин иродасини ўйлайман. Ҳар сафар буни ўйлаганимда эса машҳур адабимизнинг ажриқ ҳакидаги доно ташбеҳи ёдимга тушади.

“САКУ”НИ БИТИРГАНЛАР

Кирқ иккинчи йилнинг баҳор кунларининг бирида бригадир келиб, хабар килди: эрталаб бир гурух кишлек ўспириллари билан “Отраобод” деган жойга қўш хайдагани борар эмишман. Борадиганлар эртага сахармардон қишлок идораси олдидаги майдонга йигилар эканмиз.

Мен ўша кунгача Отраободни кўрмаган эдим. Айтишларича, у қишлок ўн беш-йигирма чақирим қуйида бўлиб, ери ниҳоятда серхосил эмиш. Айникса, ковунларининг

таърифи оламга кетган эди. Инкилобдан аввал қишлоқ ахли, айниңса, ерсиз камбағаллар күкламдаёк Отраободга күчиб бориб, дәжкончилек килишар, аммо инкилобдан кейин, айниңса, уруш бошлангач, сабаби ожизлик, кучсизлик, Отраобод деярли эсдан чикқан эди. Ұша йили гарчи барча забардаст йигитлар илгаригидай фронтта кетган бұлса-да, колхоз раҳбарлари пичоққа илинадиган үспириллар ёрдамида Отраобод ерларини ҳайдаб, лалми буғдой экишга ахд килишибди.

Мен ұша йиллари завод ёпилганидан кейин далага чиқиб кетмөн чопған, үрок үрган, сувчилик килған бұлсам ҳам, хеч қачон құш ҳайдамаган эдим. Лекин барча тенгдошларим, ёр-биродарларим билан узқ даштта чиқиб, бирга-бирга ишлаш хақидағи хабар күнглимга шундай үтирдіки, кечаси билан хаёл суриб аранг тонғ оттирдім.

Сахармардон ойимларнинг тайёрлаб қўйган иккита тўқоч, бир ҳовуч талқони ва бир ҳовуч туршак солинган халтани елкамга ташлаб, оёғимга урушга кетган поччамдан қолган эски хром этик, эгнимга ұша пайтларда модага кира бошлаган эски фуфайка, бошимга туклари тўкилиб, чарми кўриниб қолган куён телпакни қўндириб идорага томон равона бўлдим. Назаримда, қуш ҳайдаш каби оғир иш эмас, тенгдошларим билан қандайдир шўх, кувнок сайилга кетаяпман. Ойимлар “эҳтиёт бўл, болам”лаб сой бўйигача қузатиб қўйдилар. Борсам, илора олдидағи майдон түя, ҳўқиз, эшак, оғир сўқалар ортилган дошқозонлар юклангандай от ва эшакараваларга тўлиб кетипти. Худди менга ўхшаб, эски фуфайка йиртилиб, паҳтаси чиқиб қолган кора чопон кийган 14-15-16 яшар йигитчалар йиғилишган, улар ҳам гўё оғир ишга эмас, аллақандай кўпкарига, улокқа отлангандай оғизлари кулокларида, бир-бирлари билан олишган, курашган, осмонни бошларига кутариб кулишган, ҳамма хушнуд.

Сал ўтмай, нимаси биландир шафқатсиз жангда тор-
мор булиб, ғариб ахволга тушган күшинни эслатувчи бу
оломон майдонни тарк этиб, Отраобод сари йўл олди. Би-
ров от минган, бирор хўкиз, бирор эшак ёки хўтиқ. Хул-
лас, четдан қараганда жуда ғалати туюлган бу “күшин”
кун бўйи йўл босиб, кун ботиб, кош қорая бошлаганда
Отраободга етиб борди.

Эрталаб йўлга чиққанимизда кун очиқ бўлмаса ҳам
харқалай, офтоб бир куриниб, бир булатлар орасига яши-
риниб турганди. Биз йўлга чиққандан кейин ҳаво айланиб,
осмонни кора булат эгаллади-ю, Отраободга яқинлашган-
да кор учқунлай бошлади. Аммо бизнинг ғалати карвон
йўлида мардона давом этарди.

Ортаобода қулоқ қилинган бойлардан қолган катта
молхона бор экан. Молхонага қуриган шувоқ, пичан ва
похол тўшалган бўлиб, кўрпамиз ҳам, ёстиғимиз ҳам шу
похол бўлди. Қаҳратон қишлоарда олов кўрмаган молхона
аллақачон музхонага айланган, аммо негадир кўрпа-тў-
шак олиш ҳеч кимнинг хаёлига келмапти.

Биздан олдин от араваларда жўнатилган дошқозонлар
молхона олдига ўрнатилган, ёвшан ва қуруқ шувоклар-
нинг алангаси осмони фалакка чиқкан эди.

Мен шунчалик чарчаган эдимки, тўрвамдаги жўхори
тўқочдан бир бурда ушатиб едим-да, уст-бошимни ҳам еч-
масдан қуруқ пичан ва похолни каламушдек ковлаб, ора-
сига кириб, пинакка кетдим.

Назаримда, кўзим энди илинган экан, “Ҳой, йигитлар!
Туринглар, кўшга кеч колдик, кўшга!” – деган овозлар қу-
логимга чалингандай бўлди.

Кўзимни аранг очдим. Молхона ҳам зими斯顿 эди. Эшик
урнидаги бўшлиқда микти, серсоқол бир чол оёқларини ке-
риб турар ва ҳадеб юқоридаги сўзларни айтиб, бақирар эди.

Йигитлар уст-бошлари, афт-башаралари сомон ва ўт-
чўп, шувоқ ва похол орасидан эмаклаб чикишмоқда, ко-

ронғи молхонада улар аллақандай ҳайбатли жониворларни эслатишарди.

Совук сүяк-сүягимдан үтиб кетган экан, дир-дир титраб ўрнимдан турдим. Ташқарида дошкозонлар кайнар, бир неча жойда гулхан ёқилған эди.

Ошпаз аёллар ва яна қандайдир одамлар бизга бир косадан атала ва юпкалигидан офтоб күринадиган, катталыги пиёланинг юзидеккина келадиган биттадан арпа нон улашишди. Овқат устида яқинда урушдан бир күлидан айрилиб келган ёш партком ваъз айтиб, фронт учун, ғала-ба учун қаҳрамонона меҳнатга чакирди.

Кеча учқунлай бошлаган кор тұхтаган. Ерда нари борса, бир энлик кор бор эди. Шунга қарамасдан уруғликни сепиб, ерии хайдашга қарор килинди.

Менинг чекимга құш хұқиз қүшилған сұқа чиқди. Сұқа жуда оғир эди. Чекимга чиққан хұқиз эса ўта кайсар эканлыги йүлдаёқ, ғалла экиладиган кир этагидаги сайхонникка етмасданоқ маълум бўлди. Хұқизлар бўйинтурукни тарак-турук килиб, бири ўнгга тортса, бири чапга тортарди. Шу ҳолатда оғир сұқани қўлдан чикармай, хұқизларни тұғри йўлга соламан дея олиша-олиша бир пасдаёқ кора терга ботдим.

Пол бошида эрталаб бизни үйғотған корасокол миқти чол билан яна бир неча мўйсафидлар аллақачон иш бошлаб юборишган дала чеккасидаги коплардан этакларига буғдой солиб, уруғ сепишга киришган, биз қўшчилар иш бошлайверсак бўларди.

Миқти чол хўқизларга бас келолмаётганимни кўриб:

– Ҳой, кора бола! – деб шанғиллади. – Нима бало, бўйинг дароз, иккита хўқизга кучинг етмайдими? Хипчининг қани?

Хипчин олиш менинг хаёлимга ҳам келмаган экан, лекин бир кўлимда сұқа дасталари, бир кўлимда жилов хизматини үтовчи узун арқон, хипчинни нима қиласардим!

– Ма, ол! – чол уруғлик солинган қоплар орасидан узун толчивик олиб, белимга кистирди. – Ҳўкиз – қайсар маҳлук! Бола ёшдан, хотин бошдан. Агар ҳўкизларингни бошдан ўзингга ўргатиб олмасанг ўла-ўлгунча бош бермайди булар! Сўқанинг дасталарини сал баланд ушла, баланд ушламасант; тиши ерга яхши ботмайди, яхши ботмаса уруғлик буғдой илдиз отмайди, чунки қарга еб тамом килади! – Қани, чух де, кора бола!...

Қўшни “Йигитлар” тўрт юз-беш юз қадам оралиқ қолдиришиб, иш бошлаб юборишган, эрталабки мусаффо ҳавода ёш йигитчаларнинг кулган, сўкинган, ҳўкизларга писанда қилган ҳайқириклари янгради.

Ер ҳайдашда илк полни тўғри олишда гап кўп. Илк пол тўғри олинса, кейин шунга қараб, иш бир текис кетаверади. Мен буни кейин тушундим, албатта. Ишга киришган чоғимда эса дам корасоқол айтгандек, сўка дасталарини юкорироқ кўтариб, унинг тишини (пичогини) ерга чукурроқ киритиш ҳаракатида, дам ҳамон бош бермай ўзларини хар томонга отаётган қайсар ҳўкизлар билан олиша-олиша камида беш юз қадам келадиган узун пайкалнинг охирига аранг етдим. Етдим-у, оркамдан корасоколнинг:

– Ҳой, дев, кора! – деб бакирганини эшитдим.

Ҳўкизларнинг бошини арнг буриб, оркага қарасам, мен олган биринчи пол ўқдай тўғри бўлиш қайда, илон изи бўп кетибди!

Корасоқол алпанг-талпанг чопкиллаб келиб, қўлимдан сўқани тортиб олди.

– Девдай йигит, икки ҳўкизга кучинг етмаса нима қилардинг қўшга чикиб? Бу аҳволда ерни ҳаром қиласан-ку, латтачайнар!

Корасоқол шундай деб, қўлимдан ҳўкизларнинг жиловини тортиб олди-да, сўқани ўзи ҳайдаб кетди. Во ажабо: менга бош бермаган иккала ҳўкиз корасоқолнинг

важоҳатидан қўркибми ё чолда бошқа бир сир-асрор бор эканми, ўзларини у ёк-бу ёкка отмай, юввошгина сигирлардай сокин одимлаб кетди.

Аlam ва ҳақоратдан кўзимда ёш қорасоколнинг ортидан қокиниб-суриниб борардим. Менга айниқса, унинг “дев кора”, деган лақаби қаттиқ теккан эди. Рост, сўнгги бир йил-ярим йил давомида ойимлар ва бошқа таниш-билишларнинг айтишларича, бўйим анча ўсиб, йигит бўлиб қолганини билардим. Кеча кун бўйи эсган шамол ва кор остида афти башарам хам корайиб кетган бўлса, ажаб эмас. Аммо умрида кора меҳнат қилмаган зиёли отанинг нимжон зурриёди, бўйим чўзилган бўлса-да, таним коқсуяқ, билакларимда куч йўклигини ўзим билардим, бундан каттиқ озор чекиб юардим. Лекин афтидан эгнимдаги кора фуфайка бу ожизлигимни “яшириб” туради. Шу боисдан меҳнатда пишган, буйчан бўлмаса хам зуваласи пишиқ тенгдошларим орасида бир қарангандা, камина жуда навқирон, забардаст кўринисам, ажаб эмас. Гап бўй-бастдан кетди, хикоядан жиндай чекиниб, қалбимда чукур ва аламли из колдирган бир воқеани эслаб ўтади.

Ўша йили кузда колхоз меҳнат қунига бир қадок буғдой ва бир пуд-ярим пуд сабзавот берди! Шу-шу очарчиликнинг мудхиш кора сояси ҳар хонадон эшигини тақиллата бошлади. Шунда етмишларга бориб колган тоғамлар майда-чуйда, эски-туски кийим-кечак, рўмол-пўмол, чой-пой олиб, тоғ ортидаги кадимий Сўзок шахрига ғалла қидирниб борадиган бўлдилар. Ойимлар ялиниб-ёлвориб мени хам тоғамларга кўшиб, уйда пичоққа илинадиган нимаини нарса бўлса ҳаммасини хуржунга жойлаб Сўзокқа жўнатдилар. Мен йўлда, тоғ оралиғи ва Сўзокда бўлган ҳангомалар ҳакида эзмаланиб ўтирумай, гапнинг пўсткалласига ўтаман.

Тахминаи, бир ой деганда тогам иккимиз Сўзокқа олиб борган дасмояларимизни бир-икки пуд жўхорига алмаштириб, орқага кайтдик. Сўзок билан Қарноқ ораси отда икки кунлик, эшакда уч кунлик йўл. Биринчи куни сахармардан йўлга чиккан одам, эшакларни хих-хихлаб юриб, кош корайганда тог ичидаги бир бекатга стиб “куладик”.

Биз боргандা бекатининг эски, шифти ва деворлари кора қурум босган, лекин ўрдадай кенг, чархари хонаси тўрида, улкан хонтахта ортига туташган пўстакларда икки ўрис гаплашиб ўтиради. Улардан бири – окиш мўйловли Будённийнинг мўйловидек дикрайган. Нихоятда келишган, хушқад, хушсурат мўйсафид бўлиб, иккинчиси 30-35 ёшлардаги юзи ўчокдаги оловдан қизариб кетган, кўзлари мовий, юпун кийинган килтириқ бир одам эди. Кейин билсан у поляк экан! Уруш не кўйларга солмайди одамни! Чамаси, Карпат томонлардан эвакуация килинган бу поляк фалакнинг гардиши билан айланиб юриб-юриб, Қаратоғ орасига келиб қолибди!

Биз саломлашиб хонтахта ёнидан жой олдик. Тогам хуржундан бир-икки тўкоч олиб, ўртага кўйди. Биз хали бир бурда нон еб ҳам улгурмаган эдик, поляк шоп мўйловли “Будённий”га юзланиб:

– Манов йигитга эътибор беринг! – деди афтидан, мени рус тилинни билмайди деб ўйлаб. – Чамаси, урушдан кочиб бу ерларда яшириниб юрган кочоқка ўхшайдиёв! Мўйловига каранг: коп-кора!

Энди чайнаб ютган нон томоғимга тикилиб қолди. “Ўзинг кочоқ! Милтиқнинг ўқидай одам, ўзинг бу тоғ орасида нима қилиб юрибсан, килтириқ? Бўғзимдан отилиб чикишга тайёр бу ҳайкириқни аранг ичимга ютиб, шоп мўйловга қарадим. У ҳам оппоқ, пахмоқ қошлиарини чимириб, менга ўқрайиб караб колганди.

— Ҳа, түгри айтасан! – деди у шеригига. – Айни фронтда фашист билан олишиб юрадыган йигит! Ҳозир бунака кочоклар күп! Мен үзим анов милтиғим билан (у үртадағи устунда осиғлик турған күшогиз милтиққа ишора қилди) бунака қочоклардан нечтасини шартта отиб ташладим! Шоп мүйлов шундай деб, тұсатдан соғ қозок тилида тогамга мурожаат қилди:

— Сүкишга (урушга) борадыган бу жигит бу товда не кип журипти? Қашақ (кочкин) эмаспе?

Бу саволни кутмаган тоғам шүрлик, оғзидаги толконини аранг ютиб:

— Жүқ, оқсоқол! – деди қозок тилида. – Али (хали) үспириңгүй бул бола! Бүйи навша демасанғиз, үзи секизиншида үқийди. Колхозда истейди. Құрамен десанғиз справкасида бор!

Ҳақыкатан, чұнтағымда ҳар әхтимолға қарши қишлоқ советидан олган справка ҳам бор эди.

Шоп мүйлов қулинин силтаб:

— Ҳамма кочоқда ҳам справка бор! – деб пүнгиллади. – Ишқилиб, айтганингиз рост бүсин, үт оғаси! Бүйи дароздай йигит, агар кочок бұлса!.. Менинг күзимга тушмасин! Справка-міправкасини суриштириб үтирумай, қарсылатиб отиб ташлайман!...

Шу писандадан кейин шоп мүйлов бизни батамом эсідан чиқариб, шериги билан киришиб кетди.

Китобхондан узр сұрайман. Ҳикоямдан яна жиндай чекинаман. Сұзлари күксімни үқдай тешіб үтгап бу шоп мүйлов, үз гапларига қараганда, Кубань казакларидан бўлиб, бир неча оила, үттизинчи йиллари Сузокқа күчіб келишган экан. Чамаси, бадарға қилингандардан бўлса керак, буни айтмади. Кейинрок тоғ орасидаги серсув, серұт, сердараҳт жойлардан бирига күчіб үтибди. Шушу иши юришиб, тоғ, бир дарага хўжайин бўлиб кетганлардан экан. Касблари ғаллачилик, чўчқачилик. Уруш

бошланиб, ўғиллари фроитга кетгач, хўжаликда ишчи кучи етмай қолгани сабаб собик қулок Сўзокка бориб, дайди полякни мардикорликка олиб кетаётган экан.

Эрталаб собик қулок (эҳтимол қулок эмасdir, мен аламимдан шундай деяётгандирман!) менга яна бир ўқрайиб каради-да, полякни қандайдир сандик-сундуклар ортилган туясига ўтказиб, ўзи ср депсинган бўлиқ кора кашқа айғирига миниб, биздан олдин тоғ оралиғига кириб кетди!

“Ҳа, лаънати қулоқ! – дедим ичимда, ҳамон унинг ҳакоратомуз гапларидан жиғибийрон бўлиб, – Қочоқларни отгин-у, бу шўрлик полякни кул қилиб ишлатгин! Қочоқларни отдим деганинг – ёлғон. Уларни ҳам кул қилиб ишлатаётгандирсан чўчқаҳонангда!”

Бунинг ҳаммаси кеч кузда бўлган ҳангома. Кўкламда, кўшда эса...

Мен корасоқолнинг дашномларидан ср ёрилса ерга киргудек бўлиб, айни замонда, юрагимда жўш урган түғёни аранг ичимга ютиб, хўқизларни белимдаги тол хипчин билан роса саваладим-да, ишга киришиб кўрдим. Бу сафар корасоқол айтганидек бўлмаса ҳам, ҳарқалай йўлим анча тўғри чиқди, аммо ўзим полнинг охирига етгунча батамом кора терга ботиб сулайиб қолдим. Айникона, полнинг охирига борганда оғир сўқани кўтарган ҳолда безовта хўқизларнинг бошини буриб, тўғри йўлга солиш амримаҳол эди. Хуллас, овкат маҳалига батамом ҳолдан тойиб, текис ерда коқилиб қулайдиган ҳолда етдим.

Дошқозонлар яқин жойга ўрнатилган, овқатга чақирилган болалар, кўшдан эмас, қандайдир хуррам сайилдан кайтаётгандек, бир-бирлари билан йўл-йўлакай олишиб, хушнуд кийкиришиб, дошқозонга шошилишарди.

Мен ҳам хўқизларни пайкал чеккасидаги тутларга боғлаб ва олдиларига икки боғ курук пичан ташлаб, “ошхона” томон равона бўлдим.

Иигитлар, ким тагига похол түшаган, ким бир ховуч куруқ пичан, ёғоч товоқларнинг катта-кичиклигига қараб, ким бир овора, ким икки овора, ёғоч карсонлардаги аталани иштаҳа билан хўр-хўр ичиб, пиёланинг кўзидек-кина нонни бир тишлашда ямламай ютиб, чақчаклашиб ётишади.

Мен ошпаз хотинлардан бири берган кулчани олдим ва аталага навбат кутиб такир ерга ёнбошладим. Шу пайт дошқозоннинг шундок ёнида, баланд тўшалган куруқ пичан устида ёнбошлаб ётган ишбошимиз Топволди акага кўзим тушди. Соқол-мўйлови сап-сарик, ўзбекдан кўра кинолардаги бешафқат, баджахл немисларни эсга солувчи бу одам, гарчи ғирт пучук бўлмаса-да, бурни ялпоқлиги туфайли “Топиволди пучук” бўп кетган. Ўзиям ҳакиқатан қаҳри каттиқ одам эди. У мени кўриб, ошкора ёқтирмай бир ёвкараш қилди-ю, олдидаги гулдор ёғоч товоқдан гулдор қошиғини олиб, овқатга киришди. Уннинг бу карашибдан юрагим негадир “шув” этди-ю, ойимларнинг бир гапи лоп этиб ёдимга тушди:

– “Бу дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади, болам. Бурунгилар: вафо қилган вафо топғусидир, жафо қилган жафо!” – деб бежиз айтмаганлар. Қилмиш-қидирмиш, даданг ҳам ўз қилмишидан топди. Бўлмаса... ўзи урилиб-сурилиб юрганда шу Топиволди пучукнинг укасига осилиб нима қиласди? Мана энди Топиволди пучукни кўрсам... қаёкка кошишни билмайман!”

Ойимларнинг айтишича, дадамлар сўфининг зурри-ёти сифатида панд еб, сўнгги марта кишлоққа қайтганиларида, ўзлари қай ахволда эканликларини ўйламай, яна эски фаоллигини бошлаб юборганлар. Бу сафар ҳар хил юлғичлар ва қаллобларга карши кураш бошлаган дадамларнинг қаҳри мана шу Топиволди пучукнинг укасига тушган. Пучукнинг укаси колхозда хисобчи бўлиб ишларкан. Дадамлар, бол ушлаган бармоғини ялар, деган накл

билан ишлари йўқ, ҳисобчининг фаолиятидан қандайдир кинғир ишлар топиб, уни қаматиб юборганлар. Шундан бери Топиволди пучук түнини тескари кийиб олган, дадамлар қамалганидан кейин кўчада юзма-юз келганларида истеҳзоли кулиб:

– Ҳа, қандай бўлар экан? Бирорга чоҳ ковлама, ўзинг қулайсан, деган боболаримиз. Мана, ўз чохига ўзи қулади-ку, сўфининг зурриёти! – деган эмиш.

Бу гаплар эсимга тушиб, кўнглим баттар ғаш бўлди-ю, нон тугул суюқ атала ҳам томоғимдан ўтмай, ўрнимдан туриб кетмоқчи бўлдим. Аммо шу пайт қаёқдан-дир оркадан:

– Ҳой, ёронлар! – деган дўриллаган йўғон овоз эши-тилди. Ҳамма билан баравар қайрилиб қарасам, шундок ўқариқ ёнида, оёкларини кериб қорасоқол турибди!

– Ҳой, ёронлар! Анов дев қора болага қаранглар! Бўйи дароз, ўзи алп жусса, икки ҳўқизни эплай олмай даштда кўзёш килиб юрипти! Мен бўлмасам пайкални харом киларди бу дев қора!

Ҳар томондан болаларнинг:

– Кимни айтаяпсиз?

– Ким у?

– Қайси дев қора? – деган хитоблари эшитилди.

Қорасоқол қўлини мен томонга бигиз қилиб:

– Ана ётипти-ку, товоқни бошига кўтариб, – деди соколини селкиллатиб. – Нон ейишни билар экансан, ишлашни ҳам бил-да, худо бўй бериб, фаросат бермаган лапашанг!

Атрофда жўр кулги янгради. Мен олазарак бўлиб хушнуд кулаётган тенгдошларимга қарадим-у, кўзим негадир Топиволди пучукка тушди. У сарғиши мўйловини ғалати кимиirlатиб, хўмрайиб ўтиради. Кўзим кўзига тушиши билан шартта қаддини ростлади.

– Ҳа, булар шундай! – деди олдидағи гулдор заранг косани оёғи билан нари суриб. – Бир умр ишлаптими бу

оксусяклар. Ота-боболаридан бошлаб, аз он айтиб тараплаялла қилиб үтган булар. Қора меңнат нима эканлигини күришти дейсизми, булар. Қора меңнатни бошқалар қилиси. Бир умр бошқаларнинг устидан хат ёзиб үтади, булар! – Топиволди пучук шундай деди-да, камчиси билан этигини шарт-шарт уриб нарироқдаги отига қараб кетди.

Мен ҳам қўлимдаги нонимни товоқдаги аталага ташлаб, ҳўқизларим томон йўналдим. Орқамдан бирга катта бўлган тенгдошларимнинг беғараз, аммо юрагимни тилка-тилка қилган қийкириклари, шўх, хушнуд қах-қахалари янгради:

- Қаёққа шошасан, ҳой дев қора?
- Э, нимаси дев, қара бунинг?
- Узи девдек бўлса ҳам ичи сувқовоқдек бўш бунинг!

Улимдан номус кучли деган гапнинг маъносини мен ушанда англадим.

Ер ҳайдаш тугул юришга курбим етмай чўзилиб ётган одам ўрнимдан қандай туриб кетганимни билмайман. Даштда йикилиб қолгудек бўлсан ҳам сўқа дасталарини чанглаб, бир амаллаб кунни кеч қилдим. Кечкурун, ҳўқизларимни молхонага боғлаб, сомонхонамизга атайин кош корайганда бордим, кечки овқатга ҳам қарамасдан муздек сомонхонага кирдим-у, похол орасига “шўнғидим”. Назаримда, ҳамон ҳамма тенгдошларим устимдан кулаётгандек, ҳамон, “қани, қўш ҳўқизга бас келолмай ерни ҳаром қилган дев қора?”, деб бир-биридан сўраётгандек, мазах қилиб кулишаётгандек туюларди.

Шу алпозда бир ҳафта үтди. Мен ҳамон ҳўқизлар билан, ҳўқизлар мен билан олишар, гарчи, қўш ҳайдашнинг бироз укувини олган бўлсан-да, ишим ҳамон қорасоқолга ёкмас, ерни ҳаром қилдинг, дев қора, деб дашном бергани берган эди.

Ўзим ҳам бир ҳафтада озиб-тўзиб, этим устихонимга ёпишиб қолди, ҳўқизлар кетида фақат соям судралиб

юарди. Баъзан, кечалари қочиб кетгим ҳам келар, аммо қочиб кетсам корасоқол билан ишбошимиз Топиволди пучук нима дейиншини ўйлар, кейинчалик тенгдошларимнинг беш баттар дашиномига қолишимни тасаввур этардим-у, бу ўйимдан қайтардим.

Устига устак, бу азоблар етмагандек, оёғимдаги поччамлардан қолган пасон хром этик чириб битган экан, даштга келган куним эртасигаёқ тагчарми ажраб кетиб, пайтаваларим кўриниб колди. Сим ва чилвир билан ўраб боғлаб, бир амаллаб бир неча кунни ўтказдим, пайтавалар бир пастда хўл булиб, оёқларим шолғомдай қизариб кетса ҳам тишимни тишимга қўйиб чидадим. Охири оёқларим дўмбирадай шишиб, териси шилиниб, юролмай қолдим. Бу ҳам етмагандек, хафтанинг охирида ҳаво айнаб, яна кор учкунлай бошлади.

Гарчи Топиволди пучукка рўпара келишни ўйласам юрагим зиркираса ҳам унга учраб уйга бориб-келиш учун лоакал икки кунга рухсат олишдан (бир кун йўлга кетарди!) бошқа иложим қолмади. Ўша мен рухсат сўрашга аҳд қилган куни пешиндан кейин тоғдан суюк-суюқдан ўтадиган изғирин эса бошлади-ю, ишдан барвактроқ қайтдик.

Мен Топиволди пучук билан холироқ гаплашиш умидида ҳўқизларни шоша-пиша молхонага қамаб, ишбошини кидириб ошхонага бордим. Лекин мен боргунча тенгкурларим ҳам ошхона атрофига йиғилиб колган, Топиволди пучук отига миниб, каёқкадир кетаётган экан. Мен жон ҳолатда унинг йўлинни тўсдим. Афтидан, кўринишим чиндан ҳам жуда аянчли бўлса керак, у отининг жиловини тортиб тўхтатди-да, бир тагчарми кўчиб, чилвир ва сим билан боғланган этигимга, пайтава орасидан чиқиб, дўмбира булиб шишиб кетган конталаш оёқларимга, бир афт-башарамга қаради.

Мен дудуклана-дудуклана илтимосимни тушунтира бошладим. Бироқ икки кунга ижозат сўраганим эсимда,

тұсатдан Топиволди пучук отига уст-устига қамчи уриб, устимга бостириб кела бошлади.

– Сен! – деди у сарғиши мүйлови дикрайиб. – Сен нега күз ёши килиб, менга дағ-даға қиласан! Арзинг бұлса... САКУни битирған отанға айт! САКУни битириб, ҳаммани қовурған, инқилоб қиламан деб, не-не одамларни хонавайрон қилған ким? Сүфининг зурриёти... сенинг отанғми ё меними? САКУда үқиб, меҳнат нималигини билмаган оқсуяклар! Бор, жұнайвер! Қайтиб келмасанғ ҳам майли! Сенинг ишинғни мана булар! – У камчиси-ни никтаб атрофимизни үраб олған тенгдошларимни күрсатди. – Бүйлари сенинг елканғдан ҳам келмайди, аммо меҳнатда пишган, бирөвларнинг устидан хат ёзиб әмас, сұяклари кетмонда қотған азаматлар ҳайдашади бу ерни! Бор, күзимга күринма! – Топиволди пучук, шундай деди-да, яна бир неча бор САКУни битирғанлар, деб үдағайлаганча қир томон от суриб кетди.

Номус ва ҳақоратдан күзимда ғилт-ғилт ёш, шүрлик ошпаз хотинларнинг ялиниб-ёлворишига қарамай кечки овқатни емасдан оқсокланы-оқсокланы йүлга равона бұлдим.

Ҳамон учқунлаб қор ёғар, тоғдан бошланған изғириң эса тобора күчайиб, сұяк-сұягымдан үтиб борар, аммо мен буни сезмас әдім. Тобора бостириб келаёттган коронғилик қўйнига кириб, арава изи бүйлаб кишлоқ томон ҳар қадамда бир қоқиниб борарканман, Топиволди пучукнинг: “САКУни битирғанлар!” деган захархандаси қулогим тагида ҳамон жаранглар ва бу ибора негадир юрагимни тилка-пора киларди.

Мен бирда ойимнинг айтғанларини эслар, бирда Тайгада ёғоч кесиб юрган дадамларнинг ахволидан бехабар, ундан ранжиб күз ёши тұкар, бирда эса хаёлан Топиволди пучук билан баҳслашардим. Фронтдан қочиб юрган нормард, нега үшанда дадам сен ифлосни ҳам Сибирга сурғун қилмади, деб сұкинар ва урушга бориб қаҳрамон бўлиб қайтишни-ю, унинг додини беришни орзу қилардим.

ҚОТИНИ-ДА ЖҮҚ, БОЛАСИ-ДА ЖҮҚ, БИРОҚ УЯТИ БОР!

Инсон ҳаётидаги энг пок, энг бегараз, энг танти палла – бу үспириинлик. Адолат туйғуси, ноҳаклийка карши исён кутарыш, ҳакиқат топталган жойда ҳеч иккиланмасдан үзини үтга ҳам сувга ҳам уришдан қайтмаслик – факт үспириинлик даврига хосдир. Кейин... инсон ҳаётидаги оддий ташвишлар тирикчилик – тирикчилик дегандек, фарзандлар. Ҳатто фарзандларнинг фарзандлари – невара ва чеваралар тақдири ҳакида қайғуриш каби минг бир сабаблар кўндаланг бўлади-ю, ҳом сут эмган одам, адолатсизликка карши исён қилишдан аввал етти эмас, етти минг маротаба ўйлаб гапирадиган бўлади.

Уруш ҳамон давом этмоқда. Лекин ғалаба қилишимизга энди ҳеч кимда шубха йўқ. Қўшинларимиз Иттифоқ чегарасидан душманни қувиб чиқиб, Фарб давлатлари, Польша, Чехословакия, Венецияда жанг қила бошлаган. Аммо фронт оркасидаги ишлар, урушнинг биринчи кунларига солиштирганда ҳам бир неча баробар оғирлашган, мураккаблашган. Ёмонлар, Топиволди пучукларнинг иши юришган, ошиклари олчи.

Кишлоқнинг манаман деган йигитлари, энг пок, энг ҳалол одамлар урушнинг биринчи йиллари ёқ, гарчи ихтиёрий равища бўлмаса ҳам харкалай, жонларини асраб колиш хаёлидан йирок, фронтга кетишган. Зотан, урушнинг биринчи йиллари ҳар хил найранглар билан кимларгадир нул қистириб, кимларгадир пора бериб, урушдан колиш мумкин деган гап одамларнинг тушига ҳам кирмаган. Лекин уруш чўзилган сайн ҳар хил кинғир ишлар, нопоклик, ноҳалоллик шабадалари ҳам эса бошлаган эди.

Бизнинг давримизда туғилган чақалоқка ҳужжат олиш одат тусига кирмагани учун армияга чақирилиш қишлоқ

советидаги дафтарга боғлик бўлиб қолган. Бу рақамларни нари-бери суриш, умуман, ўйин кўрсатиш эса қишлоқ совети раиси-ю, унинг котибига боғлик бўлиб қолган эди. Қарабизки, кўп амалдорларнинг, хусусан, колхоз раисларию ҳисобчи ва омборчиларнинг ёши йигирма, ҳатто йигирма уч-йигирма тўрт яшар фарзандлари ҳам ўн еттига кирмаган ўспириналар каторида юрипти. Уларнинг аксарияти ҳатто уйланиб фарзанд ҳам кўришган, аммо одамларнинг айтишича, ҳатто ҳеч нарсага сотилмайди, адолат учун тикка туради, деб ҳисобланган военкоматларда ҳам ҳар хил ноҳалол ишлар, “хадялар” эвазига сохта бронь бериш, отек пишкириб юрган йигитларга “носоғлом” деб справка тўғирлашлар, хуллас, турли йўллар билан урушдан олиб колиш ҳоллари пайдо бўлган. Боз устига, кундаклик ҳаётнинг ўзида ҳам покликни нопоклик, ҳалолликни ноҳалоллик, меҳр-шавқатни тошбағирлик, вафо ва садоқатни бевағолик, ёмонлик ва хиёнат аста-секин сикиб чиқара бошлаган эди. Урушнинг биринчи кунларидаёк “барчага баробар тўй бу” деб, кўп ҳалол ва парткомлар (у маҳалда парткомларнинг раисларидан ортиқ юрса юардаки, кам юрмас эди!) қишлоқ совети раҳбарлари, ҳисобчи ва омборчилар кўп катори урушга кетган, уларнинг ўрнини майиб-мажрух ёки ёши улуғ кимсалар бора-бора ҳалқ ризқига хиёнат қиласиган, майшатбозлик, ичкиликбозлик, хотинбозлик иллатларига муқкасидан кета бошлаган эди. “Кимга тўй, кимга аза”, деганларидек, худонинг берган куни камида бир оиласга корахат келиб, одамлар қон қақшаб ётган бир маҳалда “отга минар”ларнинг бу ножӯя ишлари оддий қишиларга, айниқса, биз ёшларга қаттиқ тегар, қалбимиизда ҳакорат туйғусини уйғотиб, исёнкорликка, адолат учун курашга чорларди. Бизларни, ўн етти-ўн саккиз ёшга тўлиб, юрагимизда ғурур уйғониб, ўз қадримизни энди била бошлаган йигитчаларни яна бир нарса қаттиқ изтиробга соларди. У ҳам бўлса “катталар”-

НИНГ КИШЛОҚДАГИ КҮХЛИК-КҮХЛИК ҚИЗ-КЕЛИНЧАКЛАРНИ ЙҮЛДАН УРИШГА ИНТИЛИШЛАРИ, ХАТТО ФРОНТДА ҚОН КЕЧИБ ЮРГАН ЖАНГЧИЛАРНИНГ ҚАЛЛЫҚЛАРИГА ҲАМ КҮЗ ТИКИШЛАРИ КАТТИК ДАРҒАЗАБ ҚИЛАРДИ. БУ НОПОК ЙҮЛДА ЖУДА НОЗИК УСУЛЛАР КҮЛЛАНИЛАРДИ. ОДАТДА, ДАЛАДА ҚОРА МЕХНАТДАН ЭЗИЛИБ ЮРГАН КҮХЛИК ҚИЗ Ё ҚЕЛИНЧАК КИШЛОҚ СОВЕТИГАМИ, ДҮКОНЛАРГАМИ, КОЛХОЗ ИДОРАСИГАМИ (БИТТА БИЗНИНГ ҚИШЛОҚДА ҮША МАХАЛДА БЕШТА КОЛХОЗ БҮЛЛАРДИ!) ЕНГИЛ ИШЛАРГА ТАКЛИФ КИЛИНАР, КЕЙИН ИДОРА ИШИДАН БОШҚА “ИШЛАР”ГА ҮТИЛАРДИ. РОСТ, ИДОРАГА ТАКЛИФ ҚИЛИНГАН ҚИЗ-КЕЛИНЧАКЛАРНИНГ ҲАММАСИЯМ КАТТАЛАРНИНГ ИЗМИГА КИРА ҚОЛМАС, УЛАРНИНГ ЁМОН НИЯТЛАРИНИ БИЛГАН ЗАХОТИЁҚ ЮЗ ҮГИРИБ КЕТУВЧИЛАРИ ҲАМ БҮЛЛАРДИ. ЛЕКИН ЮРТ ЭМАСМИ, БҮРИЛАР КҮЙГАН ТУЗОҚЛАРГА ИЛИНУВЧИЛАР ҲАМ ОЗ ЭМАСДИ. БИЗ АМИН ЭДИК: УРУШДА ҚОН КЕЧИБ ЮРГАН АКАЛАРИМИЗ КАЙТИБ КЕЛИШЛАРИ БИЛАН АДОЛАТ ТИКЛАНАДИ! Диёнат ва инсофни унугтган бу имонсиз “отга минар”ларнинг ҳаммаси фош этилади, үз жазоларини олади. Аммо ҳаёт-хаётлигини қиларкан! Гоҳо урушдан ярадор булиб, күл-оёқдан айрилиб келган битта-яримта жангчилар ҳам негадир биз ёшлар кутган ишларни қилмас, дархол исён күтариб, нопокларни фош қилишга киришмас эди. Биз кейинчалик бунинг туб сабабларига тушундик, албатта. Турмушнинг аччиқ тажрибаси бу йигитларни эҳтиёткорликка ўргатган, қалбларида сакланиб қолган қўр жангларда йўқотган оёқ-кўллари билан бирга окопларда қолиб кетган эди. Ҳамма йигитлар бўлмаса-да, харқалай аксарияти урушдан қандайдир тушкунлик туйғуси билан кайтишган эди. Устига устак, урушдан кимки қайтса, кишлок бийлари уларни дархол “кўлга олиш”га киришишар, фронтовик...¹

¹ Шу ерда муаллиф қўлёзмасида бир неча сахифа узилиши мавжуд. Сўнг воқеа муаллифнинг үша пайтда урушга жўнаш учун харбий камиссарликка бориши ҳакида хикоя қиласи.

... ичкаридан бир нечта лейтенат (у маҳалда биз учун “лейтенат” деган сүз ҳам “полковник” деган номдан кам юрмасди!) куршовида... ёғоч оёғини аранг судраб босган, урта бўйли, қотмадан келган, чакка суюклари туртиб чиқкан, юзида аллақандай ўқтам бир туйғу муҳрланган бир капитан куринди. Мен погонидан бу одам ўша, ҳамманинг тилига тушган Туркистон военкоми Абубакиров эканини дарҳол англадим. Капитан ҳеч кимга қарамай қовоғини уйиб, оғир одимларди!... унинг орқасидан ўзини аллақандай йўқотиб, довдираф қолган қишлоқ советининг раиси билан котиби ва бир нечта таниш ва нотаниш “казо-казо”лар эргашиб келишарди!...

Мен ҳаётимда ўзим учун энг катта, энг муҳим, энг масъулиятли дакиқа яқинлашаётганини сездим, сездим-у, ҳаяжондан ўпкам оғзимга тикилиб, тап-тап босганимча машхур военкомнинг йўлини тўсдим.

– Ўртоқ капитан! – дедим овозим титраб. – Рухсат берсангиз сизга бир оғиз арзим бор!

Абубакиров чап оёғи ўрнига кийган ёғоч протезини ғичир-ғичир қилиб тўхтатди.

– Кош (хўш) бола? – деди қовоғини ёзмай. – Арзинг не? Айт!

Мен дудуклана-дудуклана асли йигирма олтинчи йилда туғилганимни, лекин хато бўлиб қишлоқ совети дафтарига йигирма еттинчи йил бўлиб ёзилиб қолганимни, шу боис, эртага фронтга кетаётган дўстларим катори мени ҳам хизматга олишини илтимос қилдим.

Военком кисик кўзларини мендан узиб, қишлоқ советининг раисига қаради.

– Не дейди бул бола?

Қишлоқ советининг раиси (унинг уйланиб, фарзанд кўрган ўғли ҳануз ўн саккиз яшарлар қаторида юарди!) рангги ўчиб, питирлаб қолди.

– Бу ёш бола... Нима деяпганини ўзиям билмайди, ўртоқ капитан.

Военком қаҳр оғын күлини силтаб:

– Еш боса әмас, ҳақиқий мард жигит бола! – деди
за мешта юшанды:

– Қани жур, азамат!...

Китобхон үйламасин: бу билан мени ёшлигимда жуда
танты, довторак йигит бўлганман, демокчи эмасман.
Акенича. Кейинчалик, Гоби саҳросида, иисон бола-
си у ёқда турсин, нўлат дош беролмайдиган жазирама
саҳроарда, елкамда нулемёт, хар куни 60-70 чакирик
нўл босиб, сувенизлик ва йўл азобидан йикилиб қолган
чоғларимда, ўша кунги ўз “каҳрамон” лигимдан неча
марта афсус чекиб, неча марта ўзимни сўккан пайт-
ларим хам бўлган. Лекин ўша дақиқада военкомнинг
сўзларидан бошим осмонда, босар-тусаримни билмай,
унинг кетидан эргашдим.

Масжид ховлисида, илгарилари бутун қишлоқ йиғи-
либ, жума номози ўқиладиган ҳайхотдай айвон олдида
60-70 йигит саф тортиб турарди. Ҳозир эсимда йўқ, ўша
пайтларда урушдан ярадор бўлиб қайтган ва қишлоқда
фаоллик кўрсатиб юрган бир жангчи, военкомга пешвоз
чикиб, билар-билмас “рапорт” берди. Военком унинг ра-
портини охиригача хам эшигмай, кўл силтаб тўхтатди-да,
оксоқлана-оксоқлана саф олдидан ўтди, сўнг ковоғини
уйганича:

– Қани, – деди йиғилганларга зимдан тикилиб. – Қани,
шу бугунгача ёшини яшириб, урушдан кочиб юрган но-
мардлар... бир кадам олдинга чиқсин!

Тўсатдан вахимали жимлик чўкди. Ҳамма бирдан
хушёр тортиб, йигитлар жой-жойларида серрайиб қолиши-
ди, лекин ҳеч ким, табиий, жойидан жилмади.

Военком бир дақика худди урушга чоғланган қўчкор-
дай бошини букиб, хаммага битта-битта қараб чиқди-да:

– Сен, шик! – деди қишлоқ совети раисининг ўғлига
кулини никтаб, – Сен-де, сен-де, сен-де шик! У шу тарзда

қўлнии бигиз қилиб беш-олти йигитни кўрсатди-ю, – бир қадам олға. Марш! – деб буйрук берди.

Военком кўрсатган йигитлар худди илоннинг дамига илингани бақалардай талмовсирашиб бир қадам олдинга чиқишиди. Уларнинг ҳаммаси “отга минар”ларнинг ўғиллари бўлиб, ҳакиқатан, чин ёшлари юзларига муҳрланиб қўйилганди.

Военком уларнинг ҳар бирига: “Қатининг (хотининг) борма?” деган савонни бериб, нечта фарзанди борлигини суриштириб чиқди. Ҳаммасининг “қатини” ҳам, баъзиларида битта, баъзиларида иккита фарзанди ҳам борлиги маълум бўлди.

Бу маълумотларни олиб бўлган капитан ёғоч оёғини ғичирлатиб, ҳайкалдай котиб колган бўлғуси солдатлар олдидан бир у ёкка-бу ёкка бориб келди-да, кутилмагандаги кишилок совети раиси ва унинг “сояси”да эсанкираб турган “казо-казо”ларга юзланиб:

– Булар эмас, сенлар айбор бу ишга! – дея муштини ҳавода силкитди. – Булар эмас, сенлар қилгансанлар ҳамма балони! Сенлар йўлдан ургансанлар буларни! Мехрибонлик қиласман деб, жар ёқасига олиб бориб қўйгансанлар бу ёшларни!

Капитан юзлари бўғрикиб, кисик кўзларида ўт чакнаб узоқ ганирди-да, тұсатдан мен томонга ўгирилиб:

– Манов азаматга қаранглар! – деб хитоб қилди. – Қатини-да жўқ, бола-чакаси-да жўқ, бироқ уяти бор бул жигитнинг. Бул жигит сенларга ўхшаб жасини жасириб урушдан қочиб журган жўқ. Қайтага жасига жас қўшиб, эл химоясига отланған бул. Жигит деган сўндай бўлади. Жаса, ули!

Мен бу мактovлардан ўзимни қаёқка яширишни билмасдан тенгдошларимнинг юзига қарашга журъат этолмай, бошимни ҳам килиб туарар, айни замонда гурур аралаш қайнок бир ҳаяжон вужудимни камраб олганди.

Йиллар ўтди. Япон урушидан кейин олти йил севимли элимдан, Қарнок боғлари-ю, Қарнок булоқларини бир күриш орзусида ўтди. Шунда, боя айтганимдек, ёшлиқда қилган ишимдан кўп пушаймон чекдим. Лекин солдат хаётининг бешафқат томонларини бошимдан кечирганимдан эмас, ўшанда, сабаби йигитчилик, қилаётган ишимдан ойимларни огоҳ қилмаганимдан афсус чекдим. Менинг бу ишим ойимларни қанчалик азобга согланини мен у кишининг укамга айтиб ёздирган хатларидан, сўнг қайтиб келганда сўзлаб берган сўзларидан билдим.

— Сен нимани ҳам биласан, болагинам? — дердилар раҳматли, кўзига ёш олиб. Сени ўйлаганимда ҳар оқшом еру кўкка сиғмай кирга чиқиб кетардим. Атайнин оғрисин деб, қоп-қора қон бўлсин деб, кавушимни ечиб, ялангоёқ тикан босиб, аввалам бир худога, қолаверса, султонимга илтижо қилардим. Э тангрим, эримдан айириб, есир килганинг етмасмиди, энди нахот тўнғич фарзандим, ишонган тоғимдан айрилсан деб, тонг отгунча бўзлаб чиқардим. Сен нимани ҳам биласан, болагинам.

Бунинг ҳаммасни мен кейинчалик, хизматдан қайтгандан кейин билдим, албатта. Ўшанда, капитаннинг мақтоворидан пуфакдай шишиб юрганимда эса... Бир ойдан кейин қишлоқда бирга ошиқ ўйнаб, бирга ёқалашиб, бирга ёнғок ўйнаб катта бўлган қирқ йигит бирга хизматга жўнадик. Жўраларим узок вакт устимдан кулиб юришди. Чакиришганда эса отимни айтмай, “қотини-да жўқ, боласи-да жўқ, бироқ уяти бор жигит!”, деб чакиришарди. Мен уларнинг ҳазилларини кўнглимга олмас, аксинча, ҳазилларига ҳазил билан жавоб бериб: “эй қатини-да бор, боласи-да бор, бироқ имони жўқ жигиттер! – деб жавоб берардим.

РОСТГҮЙ

Машхур мингбошидан туғилиб, материалистик фалсафа профессори даражасида оламдан ўтган бу одам, тұғрироғи, унинг тақдири мени ниҳоятда кизиқтираарди. Пешонаси дүңг, худди сирлаб қўйилган хумдай ялтирок, туксиз боши жуда катта бўлгани учун кўплар у кишини “хумкалла” ҳам дейишарди.

Лекин менинг бир қарашда жуда қаҳрли қўринган бу одамга кизиқишимга сабаб унинг ташки қиёфаси-ю, ҳакиқатан билимдон, файласуф бўлгани эмас, албатта. Менинг қизиқишимга сабаб – у отамнинг энг яқин дўстларидан бўлиб, ўхшатмаса учратмас деганларидек, уларнинг тақдири ҳам жуда ўхшаш эди. Инқилобгача дадамларнинг отаси аzon билан ном чикарган сўфи бўлса, Ростгўйнинг отаси мингбоши бўлган. Дадамларнинг баҳтига инқилобдан аввалги илон йили бувамларнинг ҳамма қўйлари очликдан ўлиб, бир зумда кафангадога айланиб қолган бўлса, Хумкалланинг отаси ҳам янги сайловга бор-бисотини совурса ҳам мингбошиликка сайланмай қолиб, у тамом синади, синади-ю, бу хўрликка дош беролмай сал ўтмай оламдан ўтади. Буни эшитган Тошкентда машхур Маъдихон эшон мадрасасида таҳсил кўраётган Ростгўй кишлокқа қайтиб келишга мажбур бўлади. Келиб қараса отасидан битта қутир эчки ҳам қолмаган. Қишлоғимиз этагидан энг яхши ерлари, тегирмонлари, бисотидаги мол-мулки, ҳатто ойисининг ва сингилларининг зеби-зийнатларигача, ҳовлисидаги теракларгача – ҳаммасидан айрилиб, бир зумда мулла миркуруқ муллаваччага айланган-қолган. Қари она билан укала-ри эса марҳум мингбоши олган ва олмаган қарзларини талаб қилиб келгучи судхўрларнинг дағдағаларидан титраб-қақшаб ўтиришибди.

Маъдихон эшон мадрасасида таҳсил кўрган бўлса ҳам ҳали дунёнинг оқу қорасини танимаган “хумкалла” хона-донда колган охирги гилам, ҳовлида ўсган охирги тераккача сотиб, отадан мерос колгаи киёмат қарздан қутулишга уринади. Бироқ ҳарчанд уринмасин, янги-янги қарзлар чиқаверади-ю, охири авахтага тушиш хавфи туғилади. Лекин ҳудди шу пайт Окпошшо мардикорлик эълон қиласиди. У киши ҳам дадамларга ўхшаб укалари ва бева ойиларини очликдан асраб қолиш максадида икки коп жўхори, икки коп арпа ва бир новвос бадалига бир бойнинг ўғли ўрнига мардикорликка кетади. Дадамлар билан Ростгўйнинг мардикорликда ўтган умрлари-ю, қилган ишлари сира фарқ килмайди.

Иккови ҳам аввал Киевда болаларга кулги бўлиб, Днепрдан шаҳарга ўтин ташийдилар, горизон офицерларига югурдаклик қилиб, этикларини тозалаб “Окпошшога” хизмат қиласидилар. Сўнг фронт орқасидаги Бравск ўрмонларида дараҳт кесадилар. Бу орада иккови ҳам ўша Марксни “сув килиб ичиб юборган” яхудий чол билан танишиб, синфий кураш ҳакида сабок оладилар. Улар ҳатто САКУда ҳам бирга ўқиб, бирга турадилар. Бу жиҳатдан ҳам уларнинг тақдирлари бир-биридан фарқ қиласиди: дадамлар қамалиб Сибирга бадарға қилинадилар ва ўша томонларда ҳалок бўладилар. Ростгўй эса... Ростгўй ҳам камалади, аммо олти-етти ой ҳибсда ўтиргач, қайси бир сабаблар билан озодликка чиқади. Хуллас калом, кинжалдан мардикорликка кетган йигитларнинг деярли ҳаммаси, бири “ўта марксист” бўлса, бири “сал берироқ марксист” бўлиб, синфий кураш йўлларини обдан ўрганиб, яъни барча бойларни гадога айлантиришга астойдил бел боғлаб қайтадилар.

Бу ишда, яъни барча камбағалларнинг қорнини тўйдириб, устини бут қилиш эмас, билъакс, ҳамма бойларни

гадо қилиш ишида собиқ мардикор марксистлар, айниқса, катта фаоллик кўрсатганлар, баъзилари ҳақиқат учун курашда, ҳатто кариндош-уругларини ҳам аямаганлар. Лекин бизнинг дадамиз кишлокда туғилган ячейкага аъзо бўлиб, ҳақиқат ва адолат учун кураш бошлаганларида ўз отаси сўфи бўлганини эсидан чикириб қўйгани каби Ростгўй ҳам чамаси, падари бузруквори мингбoshi бўлганини, ҳатто “Хон тоги” деган жойда кумушкон ишлатгани хотирасидан кўтарилган. Оқибатда, одамлар бир йил чидайди, икки йил чидайди, кейин урилган, сурилган, ота-онаси қулоқ килинган, мол-мулки мусодара бўлган, кеча бадавлат ва ўртаҳол ҳисобланиб, бугун эса мулла мирқуруқ гадога айланганлар орасидан битта ақллиси чиқиб:

– Ҳой, ёронлар! – деб хитоб килади. – Мардикорликдан мулла бўлиб қайтган бу большовайлар нима қилишяпти ўзи? Куни кеча ота-боболари даври-даврон сурив, умрлари айши-ишратда ўтган казо-казоларнинг зурриётлари ўзларини камбағалга чикириб, бошимизда ёнғоқ чақиши? Бу дунёда адолат борми ўзи? Қани, камбағалпарвар ҳукумат?

Шу-шу, бутун қишлоқ гўё уйқудан уйғонади. “Йўқ, рост, дейишади одамлар, булар большовайлар бўлиб, шоху гадо барчани кафангадо қилишди, ҳаммаси тўғри. Минг раҳмат бу фирмаларга. Аммо ўзлари ҳам мардикорликка борганлари демаса, бири сўфи, бири эшон, яна бири кончи бойнинг пуштикамаридан бўлганлар-ку! Бу ёғини нима қиласиз, ёронлар?

– Ёзамиз! – дейди оломон.

Шу кундан бошлаб, бир оёғи Москов, бир оёғи Олма Ота (ундан аввал Қизил Ўрда, яъни Қозогистоннинг собиқ маркази)га имзоли ва имзосиз, юмалоқ ва ноюмалоқ ҳатлар бамисоли ёмғирдай ёғилиб кетади. Бу ҳатлар ҳатто САКУга кириб ўқий бошлагандан кейин ҳам давом этади.

Хатларнинг мазмуни худди дадамлар устидан ёзилган хатларнинг баайни ўзи. Агар дадамларга нисбатан сўфининг ўғли бўлатуриб САКУда ўқишга нима ҳакки бор, дейилган бўлса, Ростгўйнинг устидан ёзилган мактубларда эса у фалончи мингбошининг зурриёти эканидан бохабармисанлар, бохабар бўлсаларинг нега унинг туёгини шиқиллатмайсизлар? Уни ўқишга қабул килган кишилар жазолансин, қабилидаги гаплар ёзилади. Оқибатда комиссия устига комиссия тузилади, текшир-текширлар бошланади. Бири фирмадан ўчирилса, бири ўқишдан четлаштирилади. Шундан кейин, одатдагидек кариндош-урӯзлар йиғилишиб озгина пул тўплаб беришади-ю (оға-инилар ҳам керак бўлар экан-а), бири (кўпинча дадамлар) Олма Отага, Ростгўй эса Москвагаadolat кидириб кетишиади. Шунда деярли ҳар сафар мардикорликка боргандарни жонларига оро киради-ю, бири фирмакага, бири ўқишга тикланаб қайтишиади.

Кўйингки, уч йил ўқиш давомида бир кун, бир дақиқа тинчлик билан ўтмайди. Факат САКУни тугатиб, Ростгўй қайси бир республика марказий комитетига инструктор бўлиб ишга олингандагина, янги юмалоқ ҳат етиб боргунга қадар уч-тўрт ой тинч яшайдилар.

Бор-йўғи уч-тўрт ой давом этган бу баҳтли кунлар тўғрисида Ростгўй эмас, унинг марҳум кампири кўпроқ эслардилар.

Кампирнинг ҳикоя килишича, Марказком ходимлари ҳар хафта якшанба кунлари мўътабар идора олдидаги майдонга йиғилишиб, тайёр автобусларда токка, санаторийга чикишаркан. У ерда МК ходимларини жаннатий жойлар-у, ҳатто жаннатда ҳам топилмайдиган неъматлар билан, масалан, кабоб, ош, бешбармоқ, мисоли дарёдан оқиб ётган олий нав пиволар кутаркан.

Китобхоннинг эсидан чиқмасин, бу майшат, бу жаннатий ҳаёт 31-32-йиллари Козогистонда, бою гадо ҳаммаси-

нинг моли бир қўрага қамалиб, (колхозлаштиришнинг ко-зокча тури бўлса керак) қўпчилиги нобуд бўлган, молдан айрилган қозок эса бир бурда нон излаб даштдан шахарларга қараб кўчган ва йўлда қўраларда қолган қўйидай кирилган бир даврда кечган.

Масаланинг энг хайратланарли томони шундаки, Ростгўй на бировга ёмонликни рано кўрган, на касоскор бўлгани ҳолда, аксинча, кейинчалик қўпларга қулидан келган ёрдамини аямаган. Йигирманчи йиллар ҳакида гап кетганда ҳеч афсусланмас, билъакс, буни яхудий марксист ўргатган синфий курашнинг табиий бир қўриниши деб биларди, холос.

Илк бор мен, агар янгишмасам, Ростгўйни 1938 йил баҳорда кўрганман. У маҳалда отамиз камоқда эдилар. Дадамлар қамалганда Ростгўй ҳам хибсга олинган, лекин у олти-етти ой ўтгач камоқдан чикиб, Туркистонга “ёруғ юз” билан келган эди. Мен умримда биринчи маротаба бундай важоҳатли, сервикор, камгап одамни кўришим. Унинг новча, бақувват, келишган бўй-басти, зодагонларга хос оппок юзи, айникса, дўнг пешонали, туксиз, сирланган хумдай силлиқ ва катта калласи менинг болалик хаёлимни лол қолдирди. Боз устига, овозини кўтармай, ҳар бир сўзни тарозига солгандай узоқ ўйланиб гапиришлари бу одамга важоҳат ва улуғворлик бағишларди.

Бир куни ойимлар, ўйнаб юрган жойимда қўлимдан ушлаб, меҳмонхонамизга бошлаб кирдилар. Уй нимкоронғи, деразаларга қора мато тутилган, хонанинг ўртасидаги хонтахтада еттинчи пиликли лампа ёниб турар, унинг ёнида бир неча варак қоғоз, сиёҳдон ва ручка турарди.

Марҳум волидамиз майда ёзув билан тўлдирилган и кки варак қоғозни қўлимга тутқазиб:

– Қани, кўргин-чи, ўқий оласанми? – деб сўрадилар. – Хумдай калласи билан чумоли изи қилиб ёзибди-я, мингга киргур!

Ойимларнинг куйинганича бор, хат хақикатан чумоли изинни эслатар, лекин ҳарфлар сара гуручдай битта-битта бўлиб ажралиб турар, уларни ўкиш қийин эмас эди.

Ўша маҳалдаги НҚВДнинг бошлиғи Берия номига ёзилган бу хатда гап отамнинг такдири ҳақида борарди. Отамлар, гарчи сўфининг ўғли бўлса-да, аслида ёшлигидәёк ундан ажралиб чикиб, бошқа оила курган, лекин рўзғорини тебрата олмай охир пировардида мардикорликка кетишга мажбур бўлган, у ёқдан эса чинакам қайтмас большевик бўлиб кайтиб, қишлоқда камбағаллар харакатида фаол иштирок этган, кейин САКУни тугатиб, масъул ишларда ишлаган. Аммо дейиларди хатда, қамалганига салкам бир йил бўптики, на хат бор, на хабар. Мен эсам (хат, табиий, ойимлар номидан ёзилган эди!) беш бола билан ҳам моддий, ҳам маънавий азоб ичида қовурилиб юрибман ва хоказо, ва хоказо... Мактубнинг баъзи жойлари, айниқса, бешта етимча билан есир қолган волидамизнинг бошидан кечираётган қийинчиликлари шундай чукур дард билан қоғозга туширилган эдики, кўзимдан ёш чикиб кетди.

– Кандай, яхши ёзибдими? Даданг большевик бўлганини. САКУни битирганларини битиптими?

– Ёзипти! Ҳаммасини ёзипти!

– Ёзган бўлса, мана бу қоғозга кўчир. Шошмай, бехато кўчир. Мен эшикни ёпиб, ташқаридан қулфлаб қўяман!

Мен ойимларга савол назари билан қарадим. Ойимлар коқсуяқ кафти билан бошимни силадилар:

– Шундок қилмасак бўлмайди. У кишининг дастхатини таниб колишса, қайта қамаб қўйишлари мумкин эмиш! – ойимлар шундай деб, хонадан чиқдилар.

Мен не азоблар билан хатни кўчириб чиқдим, кейин хатни қайси бир китоб орасига солиб, китобни рўмолга ўраб, ойимлар билан бирга Ростгўй хузурига бордик.

Ростгўй машхур отасидан қолган ва укалари яшаб турған ҳовлиниңг улкан меҳмонхонаси тўрида, кўзида кўзойнак, илгаригидан ҳам важоҳатли бир алпозда китоб мутоллаа килиб ўтиради.

У хатнинг мен кўчирган нусхасини шошмай уқиб чиқди, сўнг узок сукут саклагач:

– Хато кўп. Саводинг яхши чиқмапти-ку ҳали! – деди қовоғини уйиб, лекин шу захотиёқ: – Майли! – дея қўшимча килди. Имло хатоси кўп бўлса ҳам мазмунга пуртурс етмапти. Бир жиҳатдан шундай бўлгани тўғридир!

Ростгўй шундай деб, хатни конвертга солди-да, эҳтиёти шарт, сўзма-сўз айтиб туриб, адресни ҳам менга ёздирди. Эртасига қариндошларимиздан бири Туркистонга бориб, хатни Тошкент-Москва поездининг почта қутисига ташлаб келди.

... Шундан кейин анчагача у кишини кўрмадим. Бу орада уруш бошланди. Кўп йигитлар, улар қатори Ростгўйнинг иккита укаси урушга кетишли.

Ростгўй эшлишишимизга қараганда, Тошкентда қайси бир институтда дарс берар, унинг ёлғиз ўғли ҳам фронтда эди. Ўзи бот-бот, айникса, шаҳарда кун кўриш кийинлашган пайтларида қишлоқка келиб, бир ой-яrim ой укалариникида туриб кетарди. У укаларининг оиласидан хабар олиб, уларга ёрдам бериш максадида келар, кўлидан ёрдам келмас, чунки бу пайтга келиб, Ростгўй ва унинг фаоллари ё бу раҳбарлар, ёхуд уларнинг ота-бувалари билан шафқатсиз курашган, хуллас, ҳамма ёғлик жойларни йигирманчи йил инкилоб чавандозларининг душманлари ёхуд душманларининг фарзандлари эгаллаб олишганди.

Бу ҳам етмагандек, уст-бош ҳам, важоҳат ҳам илгаригидай эмас. Ҳамон ўша алпкелбат, ҳамон ўша хумкалла бўлса-да, эгнидаги пальтонинг охори тўкилиб, сенг учлари ва ёқаси қирилиб қолган, қоракўл телпакнинг туклари

тушиб, кўп жойларининг териси кўринниб турар, этик ҳам пошнаси кийшайиб, оёқда аранг туради. Собиқ салобатдан факат “доцент” деган ном қолган, аммо яхши, пок одамлар фронтга кетиб қишлоқда ўзи бек, ўзи хон бўлиб олган пошшолар учун “доцент” унвонининг нима аҳамияти бор?

Билмадим, эҳтимол янгишарман. Аммо гоҳо-гоҳо мен қайсар, ўжар, ҳакиқатан ҳам ҳакгўй бу одамни эсласам ўша йиллари унга накадар кийин бўлганини ўйлаб, юрагим ачишади. Ҳакиқатан, бир маҳаллар қишлоқда от ўйнатиб, мажлисларда оташин нутклар ирод килиб, бой-кулоқларни шафкатсиз фош этиб, нечтасини бадарға килган бу чин большевик энди у ерда эски пальто, бошида чармлари кўринниб турган эски телпак, ўша ўзи қулок килган бой ва зодагонларнинг фарзандлари, фарзандларининг фарзандлари олдига бир пут-ярим пут дон-дун сўраб кириш унга накадар оғир бўлдийкин?

Киришдан аввал бу мағрур, қайсар одам қай ўйларга бордийкин, ёшлиқда қилган ишларини эслаб, қанча иккиланмади, қанча қийналмадийкин? Ҳакиқатан, революциядан кейинги бу етмиш йил не кўйларга солмади? Кеча бой бўлган эртасига камбағал бўлди, эртаси камбағал бўлган бу кун бой бўлиб, кечаги “душман”ларидан қасд олди. Ҳей, фарзандларим, хеч кимга, хеч қачон, хеч бир вазиятда ёмонлик қилманглар! – дейман буни ўйлаб. Ахир Ростгўй ва унинг дўстлари одамларга факат ёмонлик қилган эмас, кўпларга яхшилик ҳам килган, ўзиям факат қаттиққўл эмас, оқкўнгил, содда жиҳатлари кўп эди-ку!

Ҳозир ёдимда йўқ: кирк иккинчи йилнинг декабрь ойими ё кирк учинчи йил январь ойининг бошларимикин. Қош қорайиб қолган, қор бўралаб ёғарди. Ростгўйнинг поччамдан катта укасининг кенжа ўғли ойимларни йўқлаб келиб колди.

Ростгўй ойимларнинг тез стиб келишларини илтимос килган эмиш!

Ҳар куни битта-иккита қорахат келиб, қишлоқда битта-иккита хонадон қон ютиб турган мудхиш пайт!

Волидамиз: “Тағин нима балони топди бу хумкалла!” – деб пўнғилладилар-да, менга, чопонингни кий, бирга кириб чиқайлик, деб буюрдилар. Бирга уйдан чиқдик. Марҳум волидамиз, чамаси, нохуш бир гап борлигини сезсалар керак, бошларида нимча, оёкларида сирпанчик калиш ҳар кадамда бир тойиб, аранг юриб борарадилар. Биз билан Ростгўйнинг уйлари “тегиб турар жой”, нари борса, бир чакирим келарди, бироқ қанибу масофани босиб ўта олсак-чи?

Нихоят, коронғида Ростгўйларнинг ҳовлиси ва кўчага қараган қўш табакали нақшинкор дарвозалари кўриниши. Худди шу пайт, биз дарвозага яқинлашиб қолганда, ичкаридан коронғи кечани зир титратгувчи бир фарёд эшитилди. Дарҳол опамларнинг овозини танидим. Волидамиз ҳам танидилар чамаси, сирпанчик калишлари кўрда баттар сирпаниб, эмаклагудек бўлиб ичкарига талпиндилар.

Мен умримда жуда кўп фожей ҳолатларнинг гувоҳи ўлганман. Жуда кўп фарёдларни эшитганман, жуда кўп мотамларни кўрганман. Аммо бунака юракни тилка-пора силувчи ҳолатни кўрмаганман.

Бир киргандан, опамлар кўйлагининг ёқаси чок, юзларои тимдаланган, соchlари паришон, ялиниб-ёлворган бир уй хотин билан олишар, дам ўзини деразага отиб, темир панжараларни силкитар, дам панжарасиз деразага интиплаб, ўзини ташқарига отмокчи бўларди. Эшикдан кирган ойимларнинг:

– Қизим! Сенга нима бўлди, оппоқ қизим? – деган титроқ овозини эшитиб, опамлар бир дақиқа жойларида қотиб қолди-да, сўнг: “Ойижон！”, деб нидо қилдилар-у,

уни ўраб олган хотинлар қўлига бехуш йиқилдилар. Мен дод солиб юборишимдан кўркиб, ярим коронғи дахлизга чекинидим. Зум ўтмай ичкаридан яна опамларнииг зорли йиғиси, кейин волидамизнинг фавқулодда қаҳрли, эркакларча ўқтам овози эшитилди.

– Қанақа корахат? Қани у миясини еган қокбош?...

Волидамиз бўйи бир қаричгина, қоқсуяқ аёл, бошидаги рўмоли бир томонга оғиб кетган, соchlари тўзиган, муштлари тугилган, уйдан қафасдан чиккан шердай отилиб чиқди, кўзлари аллақандай чакнаб:

– Қани у хумкалла? – деб сўради. – Килгуликни қилиб кўйиб, каёкка бекиниб олди, у?..

Шу пайт чап қўлдаги хонанинг эшиги очилиб (бу хонада урушга кетгунча поччамлар опамлар билан яшардилар, остонаяда Ростгўй кўринди. Алп гавдаси чўрт синган чинордай икки букилиб, чўкиб колган, ялангбош, хумдай калласини сарак-сарак киларди.

– Кел, оқсокол, (у киши ойимларга ўзгача ҳурмат билдириб шундай деб чакирардилар) ичкарига кир, – деди Ростгўй, аллақандай синиқ, ёлворган, йиғламсираган товшуда. – Мен хозир ҳаммасини тушунтириб бераман сенга, оқсоқол!

Ойимлар бошидан оғиб кетган рўмолини тўғирлаб:

– Нимани тушунтирасиз? – дедилар овози титраб. – Хумдай каллангиз бор-у, тариқдай аклингиз йўқ! Кимларга корахат келмаяпти, хозир! Бугун корахат келса, тескариси келаяпти. Хато кипмиз, кечирасизлар, фарзандингиз тирик экан, ярадор бўлган экан, деган хабар келаяпти. Эртага куёвим тирик қайтиб келса, унинг юзига қандай карайсиз, худо савлат бериб, ақл бермаган, эшон!

Ойимлар: “Эртага бу корахат ёлғон чикса, куёвимнинг юзига қандай карайсиз” деганда опамлар йиғидан тўхтади-ю, қаердандир йиғилган бир уй хотин – ҳаммаси бирдан жимиб колди.

– Ё тугишган жигаринингизга элдан бурун аза очиб, ёш кизимни бева қилмокчимисиз, кокбони?

– Оқсокол! Сизга нима бўлди, оксокол?

– Қани ўша корахат ўлгур? – дедилар ойимлар Ростгўйнинг илтижоларига кулок солмай.

Ростгўй болаларча бир итоаткорлик билан ён чўитакларини ковлаштириб, бир парчагина қоғоз чикариб берди. Ойимлар уни олдилар-у:

– Мана сенга корахат! Ёлғон хат, ёлғон хат! – делилар-да, жаҳл устида хатни майда-майда қилиб йиртдилар ва оёклари остига ташлаб тепкилай бошладилар. Сўнг чамаси, холдан тойиб, киблага юзланиб тиз чўкдилар-у:

– Илоё бу шум хабарни ёзганларнинг қули синсин! – дея фотихага қўл очдилар. – Э, кудратингдан ўргилай, яратгувчим, күёвимни ўз паноҳингда асрагайсан. Бу шум хабар ёлғон чикиб, дўстлар шод, душманнинг кўкси чок-чок бўлсин! Илоҳо омин!

Мен ялт этиб Ростгўйга карадим. Даҳрийликда ҳаммага сабок бериб, кишлоқда қайсики мулла бўлса, ҳаммасини калака қилиб юрадиган Ростгўй ойимларга кўшилиб юзига фотиха тортмоқда эди!

Агар янглишмасам Ростгўй ўша кечасиёқ “уз” Тошкентига жўнадилар. Сал ўтмай, мен ҳам урушга жўнашим-у, Ростгўй билан фақат армиядан кайтгандан кейингина куришдим.

Бу пайт ёлғиз фарзандлари ва иккала укаси урушдан қайтмаган Ростгўй билан унинг кампири ўзларини жуда олдириб, жуда мункайиб колишган, аммо шунига қарамасдан, марксист-файлусуфнинг важоҳати ва салобати ҳамон кишини хайнктирас эди!

Эр-хотинга Карл Маркс кучасидаги “Москва” кафе-сининг орқасидан ҳозирги “Зарафшон” ресторанининг рўпарасидан заҳ, коронги, лекин харқалай, турса бўладиган бир хонали жой беришган экан. Унга факат битта

темир каравот билан битта хонтахта сиғар, колган жойга – ердан шифтгача китоб терилган эди.

Урушидан кейинги киркинчи йилларнинг охири, эллининчи йилларнинг боши эди. Бизлар сира корнимиз тўйиб овкат емайдиган мулла миркуруқ студентлар бот-бот Ростгўйни “кўргали” борардик. Кампир нихоятда пазанда, қилған овқатига сб тўйиб бўлмас эди. Чол-кампир, айникса, сухбатни бой-кулокларга қарши шафқатсиз кураш йилларини эслашни яхши кўрадиган метин большевик Ростгўй бизни очик чехра билан қарши олишар, баҳоли кудрат меҳмон килишарди.

Ростгўй, айникса, мени ўзига якин оларди. Эҳтимол, мен ҳаркалай унинг инқилобий ишларига шерик бўлган дўстининг фарзанди бўлганим учундир, эҳтимол бўлғуси ёзувчи сифатида кишлоқ большевикларининг жанговар тарихий сахифаларидан боҳабар бўп кўйишимни истаганигим учундир, узок-узок сухбатлашиб туарди. Лекин ундей десам... Ростгўй менинг ёзувчиликни ҳавас қилишимни кўп хушламас, аксар пайтлар ёлғиз колганимизда у ёк-бу ёкка аланглаб:

– Сен шу ишга бекор ихлос кўйдинг-да, болам! – дерди астойдил куйиниб.

– Нега?..

– Негаки... – шўрлик Ростгўй яна ён-верига караб оларди. – Негаки, ҳамма яхши ёзувчилар ҳамиша қамалган, отилган. Сен ҳам... Хуллас қалом, истеъдодли одамини ким яхши кўради? Нима кўп – истеъдоднинг душмани кўп!

Гоҳо-гоҳо, айникса, кампир ош қилган кунлари, Ростгўй эриб кетиб, кампирга бир шиша олдиради. Ош дамланиб, киттай-киттай килишганимиздан кейин Ростгўй кампирига эшик ва деразаларни кулфлатиб, қаравотдаги эски, қалин адёл билан битта-ю битта деразани ёптирас, кейин оғзини қулоғимга такаб дегандек, “қўшни уй”да ўтган воқеаларни хикоя килишга кири-

шарди. Ростгүйнинг қўшии уй дегани у яшаб турган фариб кулбанинг шундок бикинига жойлашган ва ўша маҳалда важоҳатидан эшак хуркадиган бетон каср бўлиб, машъум ўттиз еттинчи йилдан бери бу бино НКВД-га қарап эди.

Қизик нарса бўлар экан одамизод! У бошидан ўтган ҳеч бир воқеани – шодлигини ҳам, мусибатни ҳам, алам ва ситамларни ҳам – ҳеч нарсани ичига сиғдира олмас экан, агар ичига сиғдираман деса, чамаси, елга тўлган пуфакдай тарс ёрилиб кетса керак.

Хуллас, эшикка зулфин осилиб, деразага калин адёллар ёпишгач, Ростгўй девордан сал берироқка суриниб (у киши “деворнинг қулоги бор”, деган гапга жуда ишонар, унинг айтишича, бир хонага тиқилған бандилар иккинчи хонадаги маҳбуслар билан деворга стакан тутиб ва бу стаканга кулокларини қўйиб, ҳамма янгиликларни эшитиб ётганлар. Лекин биз ўшлар Ростгўйнинг бу ганига унча ишонмас, чунки уйда унинг усулини синаб кўриб ҳеч бир натижасини кўрмадик), хикоясини бошларди. Аммо бу машъум стакандан катъий назар, Ростгўйнинг “қўшни қаср”да, тўрироғи, бу қасрнинг факат бетондан иборат даҳшатли ертулаларида ўтган саккиз ойлик қийноқ ва ситамлар ҳакидаги хикоялари кишининг этини жунжиктириб, юрагини совуқ ваҳимага соларди!

Ростгўй ҳар сафар, хоҳ хикояни бошлашдан олдин, хоҳ хикоя давомида бўлсин бир гапни камида ўн марта шивирлаб такрорларди:

– Бу гап ўртамизыва-а? Агар оғзингдан чиқиб, уларнинг қулоғига етиб боргудек бўлса, билиб кўй, ёлғиз мен эмас, сен ҳам отилиб кетасан!

Соддаликини қаранг! Мен ўша сухбатлар эсимга тушаркан, Ростгўйнинг болаларга ўхшаб кетадиган томонларидан ҳанузгача ичимда “котиб-котиб” куламан. Ахир... агар у “бала” бўлмаса менинг бу гапларим, яъни факат

мен эмас, сен ҳам отиласан, деган гаплари кўнглимга озор беринини наҳот тушунмаса? Йўқ, бу фикр хаёлига ҳам кириб-чиқмас эди.

Нихоят, таҳдид ва танбеҳлар тугаб Ростгўй қовоғини солиб:

— Уқдингми? — деб сўрарди. — Агар уқсан бўлсанг... Қани ол, ошдан аввал жиндай қоринни жизиллатсин! Аммо билиб қўй, бундан кейин олмаймиз! Яхши нарсанинг ози яхши! — дерди у, файласуфона донолик билан аммо ҳозиргина айтган гапи эсидан чиқиб, корин ҳали жизилламасдан туриб, кадаҳларни яна тўлдиради:

— Қани ол! Нима бало, bemazasidan olganmi deyman, kampir! Жизиллатмаяпти-ку бу! Хўп, яна биттадан олайлиг-у, бас килайлик! — дерди у, аммо айтган гапи ёдида йўқ, дарҳол яна биттадан кадаҳ тўлдиради.

Нихоят бу иш ҳам тугар, коринлар жизиллаб орамизда ажиб бир яқинлик пайдо бўларди. Шундан кейин Ростгўй овозини боягидан ҳам пасайтириб ва ҳар икки минутда бир адёл ёпилган дераза томон ўғринча кўз ташлаб, уйининг рўпарасидаги даҳшатли бинода, унинг цемент полли, бетон деворли, деразасиз подвалларида чеккан азоблари, терговчиларнинг қийноклари, улардан еган тепкилари, эшитган хакоратлари ҳакида одатий хикоясини бошларди. Бу хикояларни кейинчалик, шахсга сифиниш фош этилгандан кейин, айникса, қайта қуриш бошлангандан сўнг пайдо бўлган беҳисоб қамоқхоналар ва шимол лагерлари тўғрисида ёзилган роман, кисса ва эсадаликларнинг баайни ўзи деса бўларди. Ўша-уша, тўрт-беш қаватлик канахонага айланган ётоқхоналарда бир карич жойга икки киши “пресс” бўлиб, кимир этолмай хафталаб ётишлар, биттаю битта ертулага қанорга тикилган ғўзадай тикилган эллик-олтмиш одамнинг терхи迪 (дунёда ойлаб ювинмаган одам боласининг терлаши ёмон, ундан қўланса хид бўлмайди, ўғлим, билиб

кўй!) бит ва каналардан чеккан изтироблар, боз устига, терговчилар зуғуми...

– Э, худо кўрсатмасин! – дерди Ростгўй, худога ишон-маслигини эсидан чиқариб, – хеч бир инсон боласининг бошига тушмасин. Мана, сен ёзувчи бўлиш орзусида юрибсан. Яхши. Аммо энг кўп қамалганлар ёзувчилар эканини биласанми?

– Биламан, – дейман кўнглим ғаш бўлиб.

– Улар, союзларингдаги катталарингни айтаман, пешонангда “халқ душманининг фарзанди” деган тамға борлигини биладими?

– Буни мендан ҳали ҳозир хеч ким сўрагани йўқ...

– Ҳа, балли! – дерди Ростгўй, дўнг пешонасини меҳр билан аста силаб, – ахир бир кун сўрашади. Шунда нима дайсан?

– Нима дердим, ҳакиқатни айтаман.

Ростгўй оғир ҳўрсиниб, қадаҳларга яна қиттай-қиттай қуяди-да:

– Айтасан-у... айтган кунинг тугайсан! – дерди. – Агар союзларингга аъзо бўлсанг ундан ҳайдашади, ҳайдашса ҳам майли... – У “ҳайдашганларидан кейин нима бўлишини айтолмай чайналарди, – ҳай, майли, тақдирингдан кўрарсан, болам!

Ким билсин, агар тезда Сталин ўлиб, баҳтимга Берия фош этилмаганида Ростгўйнинг соддадиллик билан айтган бу совуқ башорати рӯёбга чиққан бўлармиди? Ростгўйга менинг “ижодим” унча хуш келавермас, ўша пайтларда ёзган асарларимни сингил-елпи, ножидий асарлар, деб ҳисобларди.

– Сен ёзадиган бўлсанг Улуғ инкилоб тўғрисида ёз! – дерди у қовоғини уйиб. – Ўша мураккаб даврлардаги шавқатсиз синфий курашлар ҳакида ёз. Мисол учун... Мардикорликдан, чинакам марксистик тўгаракларда иштирок этиб, ҳакиқий марксист, ҳакиқий большевик

бўлиб қайтган бизларга ухшаш инкилоб фидойиларининг кишлоқда қилган революцион харакатларимиз, бой-кулокларга қарши олиб борган шафқатсиз курашларимиз тўғрисида ёз! Бу нима – севги-певги, икир-чикир, шу ҳам мавзу бўлдими?

У маҳалда Ростгўйнинг бу гапларига қарши бир нарса дейиш жуда қийин эди. Шундай бўлса ҳам мен шафқатсиз синфий курашларда ўзини инқилоб йўлига бағишилаган дадамларнинг тақдири нима бўлганини жуда секин, зўр эҳтиёткорлик билан эслатардим.

Ростгўй кўзини юмиб узоқ сукутга толар, хижолатомуз йўталар, бироқ ўз фикридан қайтмас эди.

– Тўғри, отанг масаласи нозик масала. Аммо... отанг ўрнида оталик қилаётган сени текин ўқитиб, текин тарбия қилаётган давлат бор-ку! Ўша аёвсиз синфий курашлардан эсон-омон чикиб, ҳозиргача бу ишни давом этаётган пок марксистлар, ҳалол ленинчилар бор. Ўшалар ҳакида ёз, – дерди у, чамаси, ўзини ҳам назарда тутиб. – Ё бир умр бу икир-чикир, севги-певги тўғрисида ёзмоқчимисан?

Хуллас калом, бир неча йил мана шунака мунозаралар билан ўтди. Бу ўргада мен нечта “классик” пьесалар ёздим, бу пьесалар энг мўътабар театрларда қўйилиб, чўнтақка жиндек пул тушди. Пул тушгач... “Қозоқ бойиса хотин олар, ўзбек бойиса уй кураг”, деган қонунга бўйсуниб, камина участка олдилар, маҳаллани йиғиб ош берадиган бўлдилар. Ҳовли тўйида Ростгўйнинг қатнашиши фарз ҳам қарз. Тўйга айтгани бордим, борсам... қўлида ўша пайлар алоҳида китоб тарзида нашр этилган “Мирзатерак” деган ҳикоям, нимкоронғи уйда хаёлга толиб ўтириптилар.

Менинг ҳовли тўйи ҳақидаги гапларимни эшитиб, Ростгўй хумдай катта, туксиз бошини узоқ силади, сўнг:

– Ҳовли тўй, дабдаба! – деди энсаси қотиб – Ёш бошинг билан сенга нима керак бу асьасаю-дабдаба!

Мен довдираб колдим.

– Ҳа, шу... маҳаллачилик. Маҳаллада шунака расм бор экан!

– Расм-русум! – деди Ростгүй кесатиб. – Қачонгача биз шу эски урф-одатларнинг қули бўламиз? Тағин бу ёш адаб эмиш! – деди у ва қўлидаги китобчани қўлида силкитди.

– Бу нима?

– Китоб!

– Китоб эканини кўриб турибман. Қанақа китоб?

Мен талмовсирай бошладим.

– “Мирзатерак”... Рамзий ном... ҳикоя.

– Ҳикоя эмиш! – деди Ростгүй, астойдил жаҳли чикиб. – Ҳикоя эмас, гирт ёлғон! Уйдирма гап! Сафсата!..

Кейинчалик Ростгүйнинг аччиқ дашноми сал кўнглимдан чиқкач, мен унинг ҳак эканини тан олдим, албатта. Ҳикоя ҳақиқатан ҳам сал уйдирма воқеага қурилган эди. Мирзатерак лақабли йигит билан тил топишгач, чиройли бир қиз унинг рашкини келтириш учун бошқа йигитлар билан ҳам нозу карашма қилиб, ширинсуханлик қилади. Қизнинг бу ўйинларини чин деб тушунган йигит эса бундан қаттиқ изтироб чекади, лекин охир пировардидага “ўйин” ошкор бўлиб, севишганлар апок-чапоқ бўлиб кетишиади.

50-йилларда ҳамма ёш адиллар ёзиб юрган китобий ҳикояларнинг биттаси. Улардан яхшиям эмас, ёмон ҳам!

Аммо... аммо ўша дақиқалардаги менинг ҳолатим! Ростгүй қанчалик адолатпарвар бўлмасин, менинг ҳолатимни жиндай “тушунди” шекилли, тусатдан юмшаб:

– Ҳай, – деди хўрсиниб. – Бўлар иш бўпти! Фиштни қолипдан кўчириб бўлмайди. Аммо бундан бу ёғига эҳтиёт бўл! Отанг билан биз олиб борган инқилобий, синфий курашлар турганда...

Қисқаси, мен ҳам юмшадим, Ростгүй ҳам юмшаб кечкурун тўйга борадиган бўлди.

Түй воеаларига ўтишдан аввал битта мухим тафсилотин айтиб ўтишим лозим. Гап шундаки, мен ховли олган маҳаллада зиёлилар жуда кам булиб, кўпчилиги “ишчилар синфи вакиллари: курувчи, дурадгор, новвой ва бошқа касб эгалари туришар, шу боисдан “маҳаллага ёзувчи кўчиб кепти!” – деган хабар маҳаллада анча-мунча яхши-ёмон шов-шувга сабаб бўлганди.

Тўй бошлианди. Бошланиши биланоқ, барча тўйларда бўладигандек мактовлар аста-секин авжга чиқа бошлади, киттай-киттай олингандан кейин эса камина, оддий ёзувчи “халқимизнинг севимли фарзанди”, “замонамизнинг буюк адиби” даражасига кўтарила бошладим...

“Сал ошириб юборишаяпти-ю, аммо-лекин... Ростгўй ҳам билиб кўйсинлар-да, каминанинг халқ орасидаги хурмат-эътиборини!..”

Тўғриси, гурух-гурух булиб ўтирган соддадил ишчи йигитлар билан киттай-киттай қилишиб, даврадан даврага ўтиб, чак-чаклашиб юриб Ростгўй хаёлимдан кўтарилган экан, бир маҳал микрофондан унинг:

– Уртоклар! – деган вазмин, ҳамиша сокин овози эшитилиб, негадир юрагим “шув” этди. – Уртоклар! – такрорлади Ростгўй, овоз пардасини хиёл кўтариб. – Тўғри, бугун яхши тўй бўляпти! Мен хурсандман. Уй эгаси, ёш адибга янги зафарлар, янги ижодий парвозлар тилайман, уртоклар. Лекин ортиқча мақтов хеч қачон яхшиликка олиб бормаган. Қош қўяман, деб кўз чиқариб қўймайлик, уртоклар. Биз ҳамиша адолатли бўлмоғимиз даркор, ҳалол бўлмоғимиз жоиз. Демокчиманки, хонадон бошлиғи ёш адибни шахсан мен буюк адиб, деб таърифлаган уртокларнинг таърифига сира кўшила олмайман. Халқимизда дўст ачитиб гапиради, душман кулдириб, деган нақл бор. Мен шу наклга кўшилиб айтмоқчиманки... Бугун тўй берадётган ёш адибимиз буюк адиб даражасига кўтарилиши учун хали кўп тер тўкмоғи, куп ижод заҳматларини

чекмоғи лозим! Умуман, ёзувчи бўлиши учун ҳар қанча адолатли бўлмасин, – киттай ошириб юборганини сезиб қолди чоғи, сўз кидириб, талмовсиради, – умуман, мен уни ёзувчи эмас, демоқчи эмасман, аммо, лекин, мана масалан, унинг “Мирзатерак” деган сўнгги китобини олайлик! Шуям китоб бўлдими, ўртоклар!.. Қандайдир бир киз қандайдир бир йигитнинг ра什кини келтираман деб бошка бир йигит билан “ҳангомалашиб” юармиш. Шуям гап бўлдими, шуям асар бўлдими, ўртоклар? Адабиёт учун жуда катта инкилобий мавзулар турганда, тулиб ётган бир маҳалда, синфий қурашларда тобланган биз, яъни ажойиб кексалар ҳаёти турганда... наҳот шундай ипринди-сипринди мавзуларни адабиётга олиб кириш адолатдан бўлса, ўртоклар! Мен ёш адабнинг бу хато йўлни тарқ этиб, тўғри йўлга тушиб олишини истардим, азиз ўртоклар!..

Яна карсаклар янгради. Чамаси, даврада ўтирган адабиётдан йироқ, содладил йигитлар, Ростгўй яхши гапириди, деб ўйлашибди шекилли, секин бошланган карсаклар гулдуросга айланиб кетди. Билишимча, Ростгўйнинг нутқини бирор тушунса, бирор тушунмади, чунки у кишининг оташин, адолатли, ҳакгўй нутқидан кейин сўзга чиққан нотиклар, яна ўша аввалги алпозда давом эттира-веришиди.

– Мана энди бизнинг маҳаллада ҳам уз ёзувчимиз бор. Биз бундан ифтихор қиласиз, узимизни баҳтиёр деб хисоблаймиз, чунки маҳалламиизда на газ бор, на водопровод! Умид қиласизки, истеъододли ёзувчимиз бу ишларда бизга катта ёрдам берадилар. Улкан ёзувчимизга соғ-саломатлик ва омад тилаймиз!

Ростгўйнинг адолат учун айтган қизгин нутки мени қанчалик изтиробга солса, унинг принципиал гапларини инкор этувчи бу ҳамду санолар унга шунчалик оғир тегди, чоғи. Ош тортилмасданоқ ўрнидан турдилар.

Сабаби ёшлиқ, мен ўзимни голиб, Ростгүйни мағлуб, деб үйласам керак, лабимда мағрур кулимсираб, уни күчага кузатиб чиқдим.

Хөвли чароғон, қийқирик, кулги. Күча нимқоронғи, факат эшикда бир нечта хизмат килувчи кексалар ўтиришипти. Улар чамаси, Ростгүйнинг нутқини ё эшитишмаган ёки эшитишса ҳам унинг мазмунини теран идрок этишмаган, ҳаммаси баб-баравар күл ковуштириб ўринларидан туришди.

Ростгүй хомуш, ҳатто бироз ғамгин деса ҳам бўларди:

— Майли, омон бўл, болам, — деди у қаттиқ уф тортиб. — Киргокни тошқин бузади, одамни мактов, деган эскилар. Агар сен ҳакиқатан ёзувчи бўламан десанг бу баландпарвоз гаплару бу сохта ҳамду саноларга учаверма! Отанг билан бизнинг ишларимиз, синфий душманларга қарши олиб борган курашимиз, умуман, инқилоб мавзуси турганда “Мирзатерак”ка ўхшаш ҳар хил бачканя нарсаларни ёзавермай жиддий масалаларга ўт! Хўп, омон бўл, болам...

Кейинчалик мен ўша оқшом Ростгүйнинг гапларига беписанд қараб, ичимда ундан кулганларимни эслаб, кўп афсус чекдим, хижолат тортдим. Лекин ўша онларда тўй авжига чикиб, жанобларининг шаънига айтилаётган мақтов ва ҳамду санолар тобора юқори пардаларга кўтарилаётган бир дамда мен унга тан беришим мушкул эди, албатта. Шу боис мен у киши билан совукқина хайрлашиб кўяқолдим.

Ростгүйнинг Хрушчевга, айниқса, унинг XX ва XXI съездларда килган докладларига муносабати ҳам жуда қарама-қарши ва зид бўлди. Аввал бошда Ростгүй Хрушчевни, айниқса, унинг “халқ душмани” деган иборасини қоралаб, бегуноҳ қамалган ва отилганларни оқлаганини мактаб юрди. Лекин кейинроқ, Сталинни қоралаш кўпайиб кетгандан кейин Хрушчев ва унинг ишлари

Ростгүйга ёкмай қолди. Үндай мингта Хрущев битта Сталин бүләлмайди-ю, килаётган ишини кара, деб сүкинадиган одат чикарди. Ростгүй, чамаси, бу гапларниң ҳаммаси бир күн эмас, бир күн инқилоб даврида, синфиј кураш баҳона қилинган ноҳак ишлар ва бу ишларниң тепасида турган чаламулла марксистлар ҳам таёқ ейишини қўнглиниң бир чети сезар, лекин қанчалик ҳақгўй бўлмасин, тарих ғилдирагининг бундай тескари ғилдирашини сира-сира истамас эди! (Хайрият, бугунги ошкоралик даврига етиб келмади, етиб келганда билмадим, нима киласиди, шўрлик чол?)

Баъзан, Хрущевнинг бирорга маколасини ўқиган пайтларида:

– Қазисан, картасан, ахир аслингга тортасан, – дерди жиғибийрон бўлиб. – Чўчқабоқардан чикканман деб мақтанади-ю, нодон? Чўчқабоқардан нима чикарди?

Агар сиз мобода эътиroz билдириб:

– Ахир Марксча таълимотда айтилган эмаси, ҳамма акл-заковат камбағалда, йўқсил синфда жамулжам бўлган деб? – десангиз, Ростгўй баттар кизишарди:

– Маркс деган бўлса дегандир! Аммо лекин Маркс бу фикрни ишчилар синфига эрк бериш, эрк бериб синфни илму маърифатга ошно қилиш шарти билан боғлаган! – деб ўшқириб берарди. Ҳеч ким факат камбағал бўлгани учун давлат тепасига чикишга ҳакки бор, деган эмас Маркс. Деган бўлса кўрсат кани, – деб талаб киласиди у. Аммо масалада қанчалик кизишмасин, Марксизмни қанчалик химоя қилмасин, уни қандайдир шубха ич-ичидан кемираётгани кўп хаёлга чўмиб ўтиришидан, хомушлигидан, ғамгинлигидан билиниб туарди.

Факат кундалик ҳаётда ўша-ўша, ҳақгўйликда ва адолатпарварликда тенгсиз, қинғир ишларни сезса ҳеч кимни, ҳатто ўз жигарбандларини ҳам аямас, бу масалада илгаригидан ҳам кайсарлашар эди.

Хикоянинг бошида айтганимдек, иккита укаси етмагандек битта ўғли ҳам урушда ҳалок бўлган. Эндиликда ундан факат бир киши, катта укасининг ўғли хабар олиб, рўзғор ишларида ёрдам бериб турарди.

Кишлоқда нуфузли ишларда ишлайдиган, жуда бообру, хурматли йигит Ростгўйни ниҳоятда хурмат қиласар, Ростгўй ҳам уни қадрлар, аммо агар гап бирор “принципиал” масалага бориб тақаладиган бўлса, уни ҳам аямас эди.

Ростгўй ҳар йили ёзни кишлоқда, отамерос ҳовлида, яъни ҳалиги жиянининг хонадонида ўтказарди (у умрида бирор марта курортга бормаган, зотан курорт нималигини билмаган бўлса керак!)

Жияни Ростгўйни хурмат-эътибор билан кутиб олар, бутун оила унинг хизматида бўларди. Шунга қарамай, ҳар сафар бирор “принципиал” масалада келишмовчилик юз берарди-ю, орадан ўт чиқиб, анча вақт амаки-жиян аразлашиб юришарди.

Бир сафар жиян, агар янгишмасам, ўғли тўй қиласади.

Эрталаб наҳорга ош берилади. Ростгўй боғнинг тўрида, қариялар даврасида савлат тўкиб, жанговар инқилобий йилларни эслаб, ҳаммани оғзига қаратиб ўтиради. Пешиндан кейин кечки базмга тайёргарлик бошланади. Боғ ўртасига гир айлана стол-стуллар қўйилиб, дастурхонлар ёзилади. Бир маҳал бир нечта йигитлар кучадан кути-кути арок ташиб кира бошлайдилар. Қасдига олиб, кутиларни Ростгўй ўтирган баланд сўри ёнига тахтайдилар. Ростгўй қовоғини уйиб, зимдан кузатиб ўтиради. Кутилар сони йигирмага етганда Ростгўйнинг бардоши тугайди. У қовоғидан кор ёғиб, жиянини олдига чақиради:

- Булар нима?
- Ароқ, – дейди жияни ўзини гўлликка солиб.
- Ароқ эканини кўриб турибман! – дейди Ростгўй, овозин кўтариб. – Кўр эмасман! Аммо шунча арокни қайси пулга олдинг?

“Принципialлик” ва тезликда амакисидан колинимај-диган жиян, коса тагида нимкоса борлигини сезади-ю, бирдан портлаб хужумга утади.

– Кайси пулга бўларди? Ўғирлик пулига!

– Сен менга кесатма! – дейди Ростгўй. – Ундан кўра ойлик маошингни айт! Неча пул оласан ойига?

– Бу – давлат сири! Айтотмайман, – дейди жиян яна кесатиб.

– Ноҳалол бўлгандан кейин айтотмайсан-да! – дейди адолатпарвар кекса большевик. – Камина... Катта бир институтнинг доценти бўлатуриб ойига уч юз эллик сўм оламан. Икки одамни уйимга чақириб меҳмон қилишга курбим етмайди. Сен бўлсанг... йигирма қути арок бериб, икки юз кишини маст қилмокчисан! Мени кечирасан, жиян, аммо мен бундай базм, пул деган сомондай совурилаётган ноҳалол тўйда иштирок этотмайман. Каминага рухсат берасан!

Ростгўйнинг бу адолатсиз гапларидан жони ҳалқумига келган жияни:

– Рухсат! – дейди заҳархандалик билан. – Тўрт томоннингиз кибла.

– Ҳозир кетаман!

– Мен ҳам айтаяпман-ку, рухсат сизга деб.

Уртага хизмат қилиб юрган йигитлар, кариндошурӯфлар тушишади, уйдан хотин-халаж югуриб чиқишади, ҳамма Ростгўйнинг аҳдидан қайтишини, жиянини кечиришини сўраб, ялиниб-ёлворишади, илтижо қилишади. Аммо Ростгўй бу илтимосларни эшлишни ҳам истамайди, у ҳатто уйга ҳам кирмайди, кўз ёши килган кампирини силтаб ташлайди-да, олма шохига осилган жужунча kostюмини юлиб олиб, эшик томон йўналади.

Ҳамма унинг кетидан эргашади, ёшу кари баб-баробар Ростгўйни жаҳлидан туширишга харакат қилишади, кўплар шу арзимаган гап сабаб, чолнинг тўйни ташлаб ке-

тиб қолишига ишонишмайды. Лекин Ростгүй үз сүзидан қайтмайды, унинг важохатини кўрган йигитлар кўчада саф тортиб турган машиналардан бирини кўндаланг қилади:

– Марҳамат, чиқинг, домла! Туркистонга олиб бориб, ўзимиз поездга солиб юборамиз!

Ростгүй бу гапга ҳам кўнмайди.

– Бас! – дейди у ўшкириб. – Мени тинч қўйинглар, дедим, тинч қўйинглар-да ахир! – Ростгүй шундай деб писанда қилади-да, халқани ёриб чикиб, катта кўчадан Туркистон томон равона бўлади.

Тўйхонада сукунат. Ҳамма ҳайрон. Жиян нима килишни билмай, бир чеккада мунғайиб ўтириб қолади.

Одамлар сал хушларига келгач, жиянга тармасиб кетишади:

– Ёлғиз амакинг! Феъли маълум эди-ку, сенга! Нима килардинг мўйсафи одам билан айтишиб?

Жиян ўзини оклашга уринади:

– Нима килдим мен? Ахир эшитдиларинг-ку гапларини...

– Айтган бўлсалар, биринчи бор айтаяптиларми, у киши?

– Қани ўрнингдан тур! – дейди йигитлардан бири жиянга. – Оркасидан кувиб борамиз. Узр сурайсан, оёғига йиқиласан!

Усиз ҳам пушаймон чекиб ўтирган жиян бу таклифга ичидан севиниб, дарҳол розилик беради. Йигитлар икки машинага ўтириб, Ростгўйни кувиб кетадилар.

Уша йигитларнинг ҳикоя қилишларича, офтоб ботган, лекин теварак-атроф ҳали ёруғ бўлади. Эски жужунча костюмини билагига ташлаб олган Ростгўй қишлоқдан чиқиб, даштни кесиб ўтган сертупроқ йўлда кетаётган экан.

Қайсар чол, чамаси, машиналар уни кувиб келаётганини пайқайди-ю, жўрттага тупрок йўлдан чиқмай, сигнал-

ларга жавоб бермай, йўлида давом этаверади. Йигитлар йўлдан чиқиб Ростгўйни кувиб етадилар-да, машиналарни кўндаланг қилишади.

Кора терга ботган Ростгўй оёклари остидан кўтарилиган чангдан афт-башараси гўё қора лой чаплангандай қоп-кора, ялтироқ боши тандирдан энди чиккан кизил хумдай ялтиллаб, йигитларни ёвқараш билан карши олади. Йигитлар бир-бирларини булиб, дудуклана-дудуклана гап бошлишади:

– Узр, домла! Айб сизда эмас, жиянингизда. Унинг ўзи ҳам минг пушаймон. Ана, орқадаги машинада ўтирипти! Агар истасангиз оёғингизга йиқилиб, кечирим сўрашга тайёр, домла.

Ростгўй бу “принципиалликдан” чекинмайди.

– Ташаккур! – дейди оғзидан лой тупуриб. – Узрига ҳам розиман, ўзигаям!

– Домлажон!

– Керак эмас, дедимми, керак эмас! Кўриб турибман, ҳамманг бир тешикка... Ҳамманг халқни эмас, ўз жигил-донларингни ўйлайсанлар! Юз сўм маош олиб, ўн минг сўмга тўй-томуша қиласанлар! Мен бундай нопок тўйларда иштирок этишга ор қиласман! Биз, қишлоқ фаоллари инқилобдан кейин синфий душманлар билан олишиб, бой-қулоклар билан аёвсиз кураш олиб борганимизда... ўрнимизни сенлардай шуҳратпараст, мансабпараст кимсалар эгаллади, деб ўйлаганмидик? Йўк, бу фикр тушилизга ҳам кириб чиқмаган эди!

Йигитлар карайдики, Ростгўй уларни ҳам синфий душман қаторига қўшяпти! Боз устига, “синфий душман”лар тўғрисидаги ваъзлар кўпларнинг, айниқса, ёшларнинг ғашини келтира бошлаган даврлар...

Буни Ростгўйдан бошқа ҳамма билади. Балки, Ростгўйнинг ўзи ҳам билар, лекин у ҳануз бунга, буюк инқилоб ғоялари ва бу ғоялар учун курашган унга ўх-

шаган инкилоб жангчиларига доғ тушишига ишонгиси келмайди. Йигитлар бир дақықа Ростгүйнинг қаҳрли, оташин нутқини жимгина эшитиб турадилар-да, кейин бирин-кетин машиналарига ўтириб жұнаб қоладилар. Ростгүй эса... Важоҳатидан одам ҳуркгулик, ўз эътиқоди, ўз нутқи билан бир ҳовуч мансабпаратларни, жумладан, ўз жиянини ҳам батамом мот қылганига имони комил, йигитларнинг қайтиб кетганидан ранжиш у ёқда турсин, билъакс, ўзича мағрур, шитоб билан йўлида давом этади.

Рост, бу билан амаки-жиян юз кўришмай кетмайди, сал ўтмай, улар бир-бирларини кечириб, қайта ярашиб, яна апоқ-чапок бўлиб кетишиди.

Агар янгишмасам, 60-йилларнинг ўртасида Ростгўйга шаҳар чеккасидаги кўримсизгина бир жойдан тўрт сотих ер беришди. Ростгўй уй куришга киришди. Бу ишда ҳам унга ҳаммадан кўп ўша жияни ёрдам беради. Лекин уч юз эллик сўм маошдан ташқари бир тийин кирим йўқ.

Ростгўй то дунёдан кўз юмгунча бу уйни битира олмади. Амал-такал килиб уни қора сувоқ, бир хонани бўр сувоқдан чиқариб, шаҳардаги зах хонадан ҳовлига кўчиб ўтди. Шунинг ўзи унга бир олам таскину-тасалли берди...

1977 йилнинг куз кунларидан бирида кўнглимда нечундир Ростгўй билан бир сухбатлашиш орзуси туғилиб, уни кўргани бордим. Ростгўй шифтлари ҳали сувоқдан чиқмаган, устунлари бўялмаган чоғроққина айвонда чордона қуриб китоб вараклаб ўтиради. У кўзимга қандайдир жуда ҳорғин ва маъюс кўринди.

Ростгўй йўқлаб борганимдан болаларча хурсанд бўлиб кетди. Кампир ош қилаётган экан, унга “тезлат ошингни!” – деб шошира бошлади.

Тўғрисини айтсам, ўша йиллари Ростгўй менга нисбатан муносабатини ўзgartирган, орамизда анча

илиқлик пайдо бўлганди. Бунга сабаб “Улуғбек...”эди. Ростгўй гарчи романнинг тилини маъқулламаган бўлса-да (шундай бой она тилимиз туриб, араб-форс сўзларига бунча катта ўрин бериссан! Бунга нима зарурат бор эди?), асарни умуман яхши қабул килган эди. Бунга бош сабаб – Али Кушчи эди! Гап шундаки, Ростгўй салкам чорак аср “Навоийнинг фалсафий қараашлари” деган диссертация устида ишлаган. Унинг тилидан Навоий тушмас, радиодан ғазаллари асосида ёзилган куй ва қўшиқларини кўзига ёш олиб тинглар, сўнг: “Э, Навоий, сен бўлмаганингда ҳозирги адабиёт ва санъатимизнинг аҳволи нима бўларди”, деб бот-бот уф тортиб қўярди. Лекин Навоийга қанча ихлос қўйиб, қанча ишламасин, чорак аср давомида битира олмаган бу диссертациясида Али Кушчи ва унинг риёзиёт ва фалсафа соҳасида ги асарларига анча катта ўрин берилганди. Ростгўй уни ниҳоятда пок инсон, мард ва содик шогирд, улкан файласуф деб баҳолар, зотан, Али Кушчи деганда худди Навоий каби оғзидан бол томарди. Менга нисбатан бироз юмшаганинг боиси ҳам шунда, асарда Али Кушчига берилган баҳо унга маъқул тушганди.

Биз узоқ гаплашиб ўтиридик. Ростгўй шафқатсиз синфий курашларда ўтган ёшлик йилларини қайта-қайта эслаб:

– Менинг неча куним қолди, болам, – деб хомушланди. – Мендан кейин сенга бу курашларни ким гапириб беради? Биламан, ҳозирги ёшлар, айниқса, адиблар бизларнинг устимиздан кулишади, курашларга бел боғлаган чоғларимизда имонимиз бутун бўлганини шубҳа остига олмоқчи бўлишади. Аммо сен... сен камина билан отангнинг ҳалоллигига шубҳа қилмассан, болам? – деди Ростгўй, аллақандай ўксиб. Сўнг, “хай, майли, ўзинг биласан”, дея бир хўрсиниб қўйди.

У мени дарвозаси олдигача кузатиб чиқаркан, тўсатдан кўзига ёш олиб:

— Ростнин айтсам... ахволим яхши эмас, болам, — деди овози бирдан дарз кетиб. — Агар бир нима бўлсан... рози бўл. Биламан: кўнглингга кўп озор берган пайтларим бўлди, гунохкор бобонгни кечир, ўғлим...

— Йўқ-йўқ, ҳечам сиздан хафа эмасман, — дедим томоғим ғип бўғилиб.

— Бир нима бўлсан, бошқаларга ҳам айтиб қўй, — деди Ростгўй сўзимга кулоқ солмай. — Мен ҳеч кимдан хафа эмасман, ҳаммадан розиман, улар ҳам рози бўлишсин...

Юрагим алғов-далғов бўлиб, шоша-пиша хайрлашдим. Эртасига пешин вақтида уйдан ишхонага телефон килишди.

— Каёқларда юрибсиз? Бобо оламдан ўтибдилар...

Идорадан тўғри мархумнинг уйига шошилдим. Мен етиб борганимда Ростгўй дарс берадиган институт раҳбарлари ҳам келиб колишди. Ростгўй хали окланмаган, деярли жиҳозсиз меҳмонхонанинг уртасида, бир парча эски кигизга тўшалган кўрпача устига ётқазиб қўйилган, тепасида кампир кўзида ёш, чолига термилиб ўтиради. Кампир бизни кўриб, уввос солиб йиғлади, сўнг Ростгўйнинг юзидаги матони кўтарди...

Ростгўй аллақандай кичрайиб, юзи сўлиб-сарғайиб колган, факат дўнг пешонали туксиз ялтирок боши аввалги улуғворлигини йўқотмаган эди.

Институт раҳбарлари Ростгўйнинг бунчалик ғарибона яшашини тасаввур этмаган бўлишса керак, деярли жиҳозсиз хонага, ундаги эски, кинғир-кыйшиқ стол ва стулларга ҳайрон бўлиб қарашди-да, аллақандай ёрдам ҳакида минғирлашиб чиқиб кетишли...

Кечкурун уч-тўртта енгил машина билан кишлоқдан Ростгўйнинг жияни ва яна бир-иккита қариндош-уруғлар етиб келишди. Орадан ўтган низо ва хафагарчиликлар унутилган, ҳамма ўқсиб-ўксиниб йиғлаган, ҳамманинг кўзида ёш.

Ярим кечада йўлга чиқиб, бомдодда қишлоққа кириб бордик. Ростгўй ўша куни намозгар пайтида тупроқка берилди.

Кеч куз бўлса ҳам ёғинсиз, илик бир кун эди. Қишлоқнинг мағриб томонидаги Фойиб ота қабристони одамга тулиб кетган. Бир неча киши Ростгўйнинг қабри тепасида нутқ ирод қилишди. Мен ҳам гапирдим, тўғрироғи, бир кун аввал чол айтган гапларни айтиб бердим.

Мен унинг ўлимидан бир кун аввал ҳаммадан рози-ризолик сўраганини, кимгаки озор бериб, кўнглини оғритган бўлса ундан кечирим сўраганини, ўзи эса ҳеч кимдан гинаси йўқ, ҳаммадан рози эканини айтганимда ҳар жой-хар жойдан оғир хўрсинган овозлар эшитилди.

– Шўрлик! – деди кимdir.

– Бечора Ростгўй, – деди иккинчи биров. – Бу дунёга келиб, нима рўшнолик кўрди, шўрлик? Ёшлиқ йиллари курашларда ёниб кетди ҳисоб. Кексалиги камоқхона ва кувғинларда ўтди. Ёлғиз ўғли урушда ҳалок бўлди...

Қабристондан пиёда қайтдик. Бошлар эгик, кўплар сукутда, ҳамма оғир хаёлга толган...

* * *

Орадан бир неча йиллар ўтди. Мен бот-бот Ростгўйни, унинг адолатдан чекинмайман деб, ўзининг энг якин жигарларини ҳам хун килган пайтларини эслайман. Айни чоғда, қабристонда эски дўстлардан бири айтган, “Шўрлик бу дунёга келиб, нима рўшнолик кўрди? Ёшлиқ йиллари курашларда ёниб кетди..”, деган сўзлари ёдимга тушади. Шунда хаёлимга яна бир фикр келади: “Ҳақиқатан, ёшлиқ йилларини улуғ ғояларга бағишилаб, шафқатсиз синфий курашларда ўтказган бу ғалати одамлар ҳаётдан роҳат-фароғат кўрмай ўтиб кетишиди. Улар ўз эътиқодларига содик бўлганликларига

шубҳам йўқ менинг. Лекин Хрушчев ўтмишни қайта баҳолаганидан кейин синфий кураш воситасида ёруғ ва баҳтиёр жамият қуриш мумкинлигига бу одамларнинг дилларида жиндай бўлса-да шубҳа пайдо бўлдимикин ёхуд тоабад оташин шиорларнинг мафтункор жозибаси курбони бўлиб кетдилармикин? Шундай деб ўйлашга ўйлайман-у, аммо барибир, Ростгўйнинг бошидан ўтган мураккаб воқеаларни вақтида ёзиб олмаганимдан афсус чекаман.

Май, 1990 йил.



ИЗЛАЙМАН

Укам Мансуржсон!

Галаба куни Даврон акангизни эслаб ёзган хатингизни олдим, бүншінг учун раҳмат, укајсон!

Сиз у кишишінг кундалик дафтари билан хатларини сұрабсиз.

Хатлари... ёшилкда ҳамма севишиғанлар бир-бirlариға қанақа хатлар ёзиши... бизлар ҳам шұнақа хатлар ёзишиғанмыз, укајсон. Шұншынг учун уларни сизге юборишни әт күрмадим, кундалик дафтарни эса юборяпман.

Сиздан илтимос: дафтарни менга қайтариб юборғаниңизда, ҳар әхтимолға қарши, заказной бандероль қилиб жұнатсанғыз.

Үзінгиздан қолар гап іүк: Даврон акангиздан менга қолған биттаю битта эсдалик – шу кундалик, холос. Яшириб шима қилай. Мансуржсон, гоҳо-гоҳо юрагим сиқилиб, бир шимадан хафа бўлиб, тўлиб кетган чөвларимда, айниқса, Галаба күнлари күнглимiga қил сиемай ёлғиз қолган пайтларимда... шу эски дафтарни варақлаб овунаман, юрагим сал таскин тонганидай бўлади. Қолаверса, неварам Давронжсон, умри узоқ бўлсин, катта бўлганида ўқиса дейман...

Сүнгги мақолаларингиз менга анча ёқди. Айниқса, уруши ҳақида, қуролдоши дүстларингиз тұгерисидаги эсада-ликларингизни ўқиб, қувондим. Ишларшының мұваффақият тиляб, опанғыз

САЛОМАТ.
1970 йыл, 25 август.

Мен коленкор жилди қалин дафтарни, унинг чумоли изидай майда ёзув билан тұлдирилган оқ-сарғыш сахифаларини секин варактайман.

Сахифаларнинг баъзилари қалам билан, баъзилари сиёҳ билан ёзилган. Қаламда ёзилган сахифалар анча үчиб, хиралашиб қолған. Жуда ҳам хиралашиб кетған ёзувларининг устидан кимдир, афтидан Саломатхон опа бўлсалар керак, сиёҳ юргизган...

Таниш ёзув, таниш сахифалар!..

Дилимни аллақандай ҳазин туйғулар чулғаб олди. Дафтарни бир четга суріб кўйиб, ҳовлига чиқдим. Шаҳар устига илиқ куз оқшоми қанот ёзган, баҳмалдай тиник осмон ғуж-ғуж юлдузларга тұлған.

Кўшни ҳовлилардан майнин бир куй эши билар, дарахт шохлари орасидан телевизор экранни ялтираб кўринарди. Тұсатдан олисда, афтидан шаҳар ўргасида бўлса керак, тўп овози гумбурлади-ю, осмон қаърига отилиб киззиш ва тўк яшил мушаклар ҳавода бир жом зар бўлиб сочилиб кетди. Кўчани болаларнинг хушнуд кий-чуви тутди...

Бу – япон босқинчилари устидан қозонилган ғалаба шарафига берилаётган салют эди.

Кўз олдимга гвардиячи капитан Даврон Ғозиев келди. Унинг новча, келишган бўй-басти, айни пайтда, ҳам шиддатли, ҳам кулганида яшариб кетадиган хушсурат чехраси намоён бўлди. Эсимга Даврон aka билан бирга ўтган Гоби сахроси, Катта Хинган тоғларида чеккан машакқатларимиз, Олянинг меҳрибонликлари, у билан гвардиячи капитан ўртасидаги ғалати муносабатлар тушди. Кейинчалик, Даврон аканинг кундалигини ўқиб, мен кўп нарсага тушундим, албатта. Лекин бошда, улар билан илк бор учрашганимда, мен ўз ихтиёри билан урушга кетған ўн саккиз яшар бир йигитча эдим. Ўн саккиз ёшда эса, кишига ҳамма нарса бошқача кўринади.

* * *

Мен гвардиячи капитан Даврон Гозиевни илк бор Мұғалистонға борган күнимизнинг эртасыга күрдим.

Биз, бир эшелон солдат, бепоён даштга тушиб, саёзгина дарё бүйіда чодир тикиб ётардик. Түшдан кейин бизни қабул қилиб олгани соchlари кордай опиоқ кекса полковник бошлиқ үттіз чөгли офицер келди. Улар орасыда новчагина ёш капитан ҳам бор эди. Мен уни күришим биланок “ўзбек эмасми”, деган фикр күнглимдан үтди. У бир қарашда ўзбекка унча үхшамас, оқ-сариқдан келган, кирра бурун, қўйқўз бир йигит эди. Лекин кош-киприклиарининг қоп-коралигидами ё қўйқўзларининг сал қийғочлигидами, ишқилиб, чехрасида унинг ўзбек ё тожик эканига ишора қилувчи алланима бор эди.

Ёнимда турган Арслон ҳам капитанга ишора қилиб: “Ўзимизнинг элатта үхшайди-ку!” – деб кулди. Мен ҳам кулдим, чунки ўзбек жангчиларининг урушдаги қаҳрамонликлари ҳақида кўп эшитсақ ҳам, тўккиз ой армияда бўлиб, ўзбек офицерини биринчи күришимиз эди...

Капитан худди Рокоссовскийга үхшаб, кўкраги тўла орден ва медалларини жаранг-журунг қилиб ёнимиздан ўтаркан, Арслон иккимизга бир караб қўйди. Бирок индамади. Унинг чехрасида, юпқа лабларида аллақандай бир катъият бор, ҳаракатлари кескин, шиддатли эди.

Қайтиб келаётib, капитан яна менга қаради. Мен тиржайиб турган эканманми, билмадим, тусатдан рўпарамда тўхтаб:

- Хўш, нимага куласан, солдат? – деб сўради.
- Кулаётганим йўқ, уртоқ гвардиячи капитан...

Капитаннинг қўйқўзлари сал қисилиб, лабларига кулги югорди-ю, чехрасидаги катъият йўқолиб, кўзимга жуда ёш қўриниб кетди.

- Қаерликсан? – деди капитан яна қовоғини солиб.
- Чимкент областиданман, уртоқ гвардиячи капитан.

— Чимкент? — деди капитан, — шахарнинг ўзиданмисан?

— Йўқ. Корасув деган кишлек бор. Ўшатданман, ўрток капитан.

— Корасув? — деб тақрорлади у. — Корасув... Фамилияниг нима?

— Муродов. Мансур Муродов, ўрток капитан.

— Ҳм... — деди капитан. — Рус тилини яхши биларкансан-ку!.. Каерла ўргангансан?

— Илгари шаҳарда туардик, ўрток капитан. Олтинчи синфигача рус мактабида ўқиганман.

Капитан яна бир марта менга бошдан-оёқ разм солди-да, тўсатдан:

— Хатинг чиройлими? — деб сўради.

— Билмадим...

— Қани, исм-фамилиянгни ёз-чи! — У шундай деб планшетидан калин блокнот билан ручка олиб қўлимга тутди.

Мен исм-фамилиямни ёздим.

— Яхши, — деди капитан ва “Харитонов!” деб чакирди.

Офицерлар орасидан юзида кулгичлари ўйнаб турган ёшгина старший лейтенант чикиб честь берди. Унинг хам кўкраги орден-медалларга тўла эди, честь берганида жаранг-журунг бўлиб кетди.

— Эшитаман, ўрток капитан!

— Бу солдатни вактинча Дмитрий Михайловичнинг ихтиёрига ўтказасан, — ишора килди, сўнг яна менга юзланди. — Гап шу. Батальон штабида мирзалик киласан... Каршилик йўқми? — Тўсатдан ўзбекчалаб сўради у.

Мендан олдин Арслон жавоб берди:

— Нега каршилик килар экан? Биз буни шоир деймиз, ўртоқ капитан. Узиям кечаю кундуз ёзгани-ёзган, чизгани-чизган!

Капитан мийнгизда кулиб, Арслонга каради.

— Сенинг исминг нима?

– Арслоншер! Қалай, үхшайманми, ўртоқ капитан? – деди Арслон кўкрагини кериб.

– Сен ҳам Корасувданмисан?

– Худди ўзгинасидан-да, ўртоқ капитан! Корасувнинг ширин-ширин булокларидан сув ичиб, арслондай йигит бўлганмиз, ўртоқ капитан!

– Сен ҳам шоирмисан дейман?

– Шонрликка йўл бўлсин, ўртоқ капитан! Қишлоқда кетмончи эдик, армияга келиб, автоматчи бўлдик. Биз факирга шу ҳам бўлаверади, ўртоқ капитан!

– Молодец! – капитан хурсанд бўлиб Арслоннинг ел-касига кокиб кўйди. – Яхши солдат шунаقا бўлиши керак... Ҳўп, Мансурбек, кечкурун батальон штабига бора-вер! – Капитан шундай деди-да, ёнидаги офицерлар билан бирга кирдаги чодирларга қараб кетди.

Мўғулистанга келган бир эшелон солдат орасида биз ўзбеклардан беш йигит эдик. Тақсимот пайтида ҳаммамиз ҳар томонга тарқаб кетдик.

Арслон иккимиз биринчи батальонга, ҳамқишлоғим Шоюсуф билан Серкибой деган қозок йигит учинчи батальонга тушишди. Лекин энг кизифи, орамизда Мирҳайдар деган кечаю кундуз факат овкатни ўйладиган, корнининг қули бўлиб қолган баланд бўйли галварсроқ бир йигит бор эди, келиб-келиб уни ПФСга, яъни озиқ-овқат омборига олишибди! Буни эшитиб, кулавериб ичагимиз узилай деди.

– Бундан чиқди, омборга каламушни мудир килишибди-да, – деди Арслон. – Қайси аҳмоқнинг хаёлига келди бу фикр?

– Нега аҳмок бўларкан? – пўнғиллади Мирҳайдар, узун гўштдор бурнини жийириб. – Армиядан олдин нима иш қилгансан, деб сўрашди. Рабкоопда ишлаганимни айтувдим, ПФСга олсак борасанми, дейишди. Нима, йўқ, дейманми? Жоним билан бораман, дедим...

– Сен-ку, жон-жон дейсан. Лекин омборда сен ўтиранг, бизнинг ҳолимиз нима кечади?

Мирхайдар сўйлок тишини кўрсатиб ишшайди.

– Кўрқма, менинг чўмичим мой бўлса, сенинг ҳам қошифинг қурук бўлмайди, оғайнни!

Биз худди қайта кўришмайдигандай кучоқлашиб хайрлашдик.

Мен взводда пулемётчи эдим. Ёрдамчи Вася Колбаскин деган, кош-киприкли оппоқ, кичкинагина бўлса ҳам пишиккина солдат эди. Кечкурун кўл пулемётимни Васяга топшириб, майда-чуйдаларимни буюм тўрвамга жойлаб, штабга кетдим.

Батальон штаби ҳам оддий чодирга жойлашган, факат бу чодир дарё бўйидан сал баландрокка, кир ёнбағрига тикилган эди.

Арслон мени штабгача қузатиб қўйди. У ҳамон капитаннинг Корасувни суриштирганидан ҳайрон бўлиб:

– Бизнинг қишлоқни қаёқдан билади, а? – деди пилоткаси билан бошини ишкаб. – Кўшни қишлоқданмикан, ҳамқишлоқ чикиб қолса-я ҳали?

– Ҳамқишлоқ бўлса нима бўпти?

– Нима бўлишини кўриб турибсан-ку! – деди Арслон. – Ҳалитдан штабга мирза қилиб қўйди. Шу кетишида ефрейтор бўп кетишинг ҳам ҳеч гап эмас. У ёғи генерал бўлишингга сал қолади!

Мен ҳам ундан колишгим келмай:

– Генерал бўлсам, сени ўзимга югурдак қилиб олардим! – дедим.

– Мен югурдак бўлсам ҳам сендақа генералга этигимни тозалатардим! – деди Арслон кулиб. – Мен билан ҳазиллашсанг майли-ю, бирок капитан билан ҳазиллаша қўрма. Аммо-лекин ўзи ҳам йигитмисан йигит экан-да! Капитанни айтаман. Лочинга үхшайди-я, азamat! Худо

берамаң деган бандасига құшқұллаб бераверар экан-да.
Құкрагидаги орденларини күрдингми?

– Нима қипти?

– Нима қипти, дейди-я! Құкрагида Александр Невский ордени ҳам бор-а! Буни ҳаммага ҳам беришавермайды, каллаварам!.. Ана, келдик маконингга!

Биз тепасига қизил бүек билан “штаб” деб ёзиб қўйилган катта чодирдан берирокда тўхтадик. Арслон қўлимни қаттиқ қисаркан, яна тиржайди:

– Катта бўлдим деб, биздақа факир-фуқароларни эсингдан чиқариб қўйма. Бориб тур ротага!

– Сен ҳам келиб тур, оғайни. Мен начальник бўлсам ҳам камтарин начальникман.

Биз кулишиб хайрлашдик. Арслон орқага қайтди. Мен шабада тегсин деб, четлари кутариб қўйилган чодирга кирдим. Кирдим-у, бир зум лол булиб колдим. Чодирнинг ўртасида, олдида кичкинагина кўзу, кўксини тўлдирган узун тилларанг сочини ўриб, ўн тўккиз-йигирма ёшлардаги бир киз ўтиради. Елкасидаги погонига караганда, киз кичик лейтенант эди. Киз мовий кўзларини кўзгудан узиб, менга каради.

Унинг худди тагида митти тошларигача кўриниб турадиган тоғ чашмасидай тиник кўзларидан ажиб бир мовий нур қўйилиб турар, бу нур гўё чодирни ёритиб юборган эди.

– Келинг, солдат! – киз олдин бир ўрим йўғон сочини елкасига ташлаб, менга мулойим тикилди. Кейин... оппок сонларига кўзим тушганини кўриб, юбкасини тўғрилади-да, ўрнидан сапчиб турди.

– Командирни кўрганида солдат нима қилиши керак?

Қизнинг овози қатъий бўлса ҳам важоҳати, айниқса, қўкракларининг учига тўғри келган медаллари ғалати туюлиб, кулгимни қистади. Үзимни зўрга босиб:

— Кечирасиз, ўртоқ кичик лейтенант, — деб честь бердим. — Оддий солдат Муродов гвардиячи капитаннинг буйруғи билан штабга келдим!

— Ҳа, капитан айтган солдат сенимисан? Капитан ўз ҳамشاҳарларидан топибди-да мирзани! — деди қиз. Бу гап менга қаттиқ текканини сезди шекилли, тиниқ күмкүк кўзларини сал сузиб, қўлини чўзди:

— Танишиб қўяйлик. Кичик лейтенант Оля Куприянова.

— Бўпти, ўртоқ кичик лейтенант! — Мен унинг кичкина узунчоқ кафтини қаттиқ кисдим. — Мансур Муродов.

Киз тўсатдан қошларини чимириб:

— Нега тиржаясан? — деди. — Қани, смирно!

Мен яна иложсиз ғоз турдим.

— Агар бунақа тиржаядиган бўлсанг, олдимда доим ғоз турасан. Сен тугул офицерлар ҳам тиржайган эмас менга. Тушундингми?

— Тушундим, ўртоқ кичик лейтенант!

— Фронтда бўлганмисан?

— Йўқ, ўртоқ кичик лейтенант!

— Ҳали порохнинг хиди канакалигини билмайсан-у, кизларга кўз кисасан! Ёшлик қиласан, йигит! Тушундингми?

— Тушундим, ўртоқ кичик лейтенант!

— Бўпти. Бирга ишлаймиз. Ана у сандиқ сеники. Унда штабнинг лаш-лушлари туради. Сандиқнинг у ёғида сен ётасан, бу ёғида мен. Хўп, мен кетдим. Капитан сўраса, биринчи ротага кетди, де. Тушундингми?

Киз сочини бошининг оркасига турмаклаб, пилоткасини пешонасига чиройли килиб қўндириди-да, чодирдан чика бошлади. Лекин худди шу пайт чодирнинг олдида... фуражкасини чапаниларча қўндириб олган, бўйбасти келишган, хипчагина, хушқомат бир капитан пайдо бўлди.

Капитан Оляни күриб, бир қадам оркага чекинди, күзгудай ялтираб турган хром этикларини шак-шак уриб, ғоз турди.

– Салом, үртөк кичик лейтенант!..

– Салом, – Оля тұхтади.

Капитаннинг көп-қора күзларида ҳайрат порлади, лабларининг четида, үзига ярашиб турган ингичка мүйлови-нинг тагида мулойим табассум жилва килди.

– Танишиб күяйлик, үртөк кичик лейтенант, – деди у күлини чүзиб – Артём.

– Оля...

Капитан қызга бошдан-оёқ разм солиб, оппок тишли-рини күрсатиб, яна кулди:

– Полкимизда шундай жозибали киз бор экан-у, күрмабман-а!

– Буни каранг, – Оля ҳам кулди. – Мен ҳам сизни күрмабман-а!

– Полкка келганимга уч-түрт кун бўлди, – деди капитан. – Тўппа-тўғри Кавказдан келдим, – қўшимча килди у, “Кавказ” сўзини қандайдир бошкача, сирли охангда талаффуз этиб. – Бу жазирамага ҳеч ўрганолмаяпман. Сиз ҳам қийналаётгандирсиз, Олењка?

– Йўқ, кўникиб колдим...

– Кўйинг, шу гапларни! – деди капитан кўзини сузиб. – Бизнинг Кавказ тоғларида яйраб юрадиган қиз...

Оля елкасини учирди.

– Худди хозир Кавказга олиб кета оладиган одамдай гапирасиз-а?!

– Ноумид шайтон, Олењка. Жон-жон деб олиб кетаман. Фақат сиз розилик берсангиз, бас...

– Бўпти. Олиб кетадиган куни келинг! – Оля шундай деб ҳазиллашди-да, үзига ярашган брезент этикчаларини дукиллатиб, сойга қараб чопқиллаб тушиб кетди.

Капитан унинг кетидан бир зум тикилиб қолди, кейин томоқ кириб, менга юзланди.

– Тузук нарса экан-а, солдат? – деди у ва чап күзини кисди. – Комбат ҳам баломи дейман, а?

– Нима? – дедим унинг гапига тушунмаган бўлиб.

– Лапашанг! – капитан қовоғини солди. – Комбат қаёқда?

– Билмасам...

– Келса айт, полкка телефон қилсин. Капитан Ногаевга де! Уқдингми? – У Оля кетган томонга яна бир кўз ташлади-ю, чодирнинг орқасига ўтиб кетди.

Ногаев менга ёқмади... Лекин... нега Оля бу шилқим билан кулиб гаплашди? Нега уни дарҳол силтаб ташламади!.. Бу фикр негадир (балки, қиз менга ёқиб қолгани учун бўлса керак) кўнглимни ғаш қилди.

Таъбим тирриқ бўлиб, похол устидаги тұшакка чўзилдим.

“Сандиқнинг у ёғида сен ётасан, бу ёғида мен...” Сандик жонивор ҳам пастаккина эди. Беихтиёр кулиб кўйдим.

Четлари кутарилган чодирнинг ичи салқин, кундузги ҳарорат пасайиб, ғир-ғир шабада эса бошлаган эди.

Бу ердан, кир ёнбағридан, бутун атроф кафтдай куринар эди. Тұрт томон, олисдаги япаски кирларгача кенг дашт, даштда сон-саноксиз чодирлар, узокда, чодир тикилмаган жойларда машиналар, от-аравалар, брезент ёпилган тұп ва танклар каторлашиб турибди. У ер-бу ерда дала ошхоналарининг мўриларидан тутун бурқсийди, солдат қўшиклари эшитилади.

Бу жазирама чўлда Забайкалье фронтининг янги күшилмалари, янги полк ва батальонлари ташкил қилинмоқда. Ташкил қилинаётган янги кисмлар орасида Берлин остонасидан кўкраклари орден-медалларга тўлиб кайтган кекса солдатлар ҳам, кечагина запасдаги полкдан чиқкан бизлардақа жўжахўролар ҳам бор эди. Яна бир неча кундан кейин бу кисмлар Манжурия чегарасига караб йўл олади...

– Ҳа, келдингми, Мансуржон?

Мен ўрнимдан сапчиб турдим.

– Уртоқ гвардиячи капитан! Буйруғингизга биноан...

– Вольно! – деди капитан ва чиройли планшетини темир сандыкчага ташлаб, ечина бошлади.

– Бундай, Мансурбек. Штаб бошлигимиз касал булиб медсанбатга тушиб қолди. У киши қайтгунча қоғозбозлик ишларини үзинг түгрилаб турасан... – Капитан кулим-сираб күйди, планшетидан бир варақ коғоз олиб, столга ташлади. – Буни “форма бир” дейдилар, эртага шуни тұлдириб, полк штабига элтиб берасан. Тушунмаган жойинг бұлса, Оля билан старшина Салодан сұраб, билиб оласан... Нега куласан? – тұсатдан сұради у. Бу унинг иккінчи марта шундай дейиши эди.

– Мен қизарыб:

– Кечирасиз, үртоқ капитан, – дедим, – сиз Сало деғанингизга... Взводимизда Вася Колбаскин деган бир солдат бор...

– Э, шунақами? – күлди капитан. – Бунақа ғалати фамилиялар күп. Лекин ажайиб одам. Старшина Салони айттаман. Олтин одам. Хүш, нима деяттандым? Ҳа, үша одам билан ишлашаверасан. Менинг қоғозбозликка тоқатим ишук, ука... Мана, Дмитрий Михайлович үzlари хам келдилар. Хизрни йүкласак хам бұларкан...

Дмитрий Михайлович, бояги шоп мүйлов, микти старшина, икки құлида икки котелок шавла, құлтиғида бир буханка нон, чодирга охиста кириб келди.

Мен уни күриб, ўрнимдан сакраб турған эдим, старшина юзини бужмайтириб:

– Үтиравер, үғлим, үтиравер, – деди. – Бундан кейин мени күрганда ўрнингдан турмасанг хам бұлаверади. – У котелокларни күчма столга дүкіллатиб қўйди. – Бугун әзина сули шавла. Жонга тегиб кетди.

– Иштаҳалар карнай, сули бұлса хам ураверамиз, – деб әкәзиллашди капитан. – Қани, үтиринг, Дмитрий Михайлович.

— Раҳмат. Мени интендант чакирган эди, бориб келай. Бемалол олаверинглар...

Старшина сандикдан қандайдир қоғозларни олиб, шониб чикиб кетди. Капитан гимнастёркасини чодирнинг козиғига илиб, калин қўнгир соchlарини силай-силай ёнимга келиб ўтирди.

— Қани, қошигингни ол, иккимизга ҳам етади бу овкат!

Қошиғимни олиб, капитаннинг рўпарасига ийманибгина ўтирдим.

Запасдаги полкда командирлар олдида ғоз туришга одатланиб колганим учунми, капитаннинг бу таклифи ҳам, старшинани “Дмитрий Михайлович” деб чақиришлари ҳам жуда ғалати туюлди. Афтидан, жангларда тобланган бу одамлар ўртасида биздай жўжахўрзларнинг акли етмайдиган бошқача муносабатлар хукмон эди.

Капитан нонни иштаҳа билан чайнаб, шавла ейишга киришаркан, тусатдан:

— Бу дейман... Қорасув яхши қишлиқми, Мансурбек? — деб сўраб колди.

Бенхтиёр илжайдим.

— Нимасини айтасиз, ўрток капитан! Ҳамма ёқ булок, бөғ-рөг...

— Шунақами? — деди капитан кошларини чимириб. — Мабодо сен... Саидикром тегирмончи деган одамни танимайсанми?

Мен хайрон бўлиб:

— Нега танимас эканман? — дедим. — Жуда яхши танийман. Мен доим ўша кишининг тегирмонида буғдой тортирадим...

Капитан ер остидан менга бир караб олди.

— Бўлмаса, у кишининг қизи... Саломатхонни ҳам танисанг керак?

Юрагим бир хаприкиб тушди.

– Танийман. Лекин сиз... сиз уни каёқдан танийсиз, ўртоказ капитан?

Капитан кошигини шавлага қадаб, ўриидан турди.

– Мен уни таниганим... – деб кизаринкираб кулди. – Техникумда бирга ўқигаимиз...

– Ростданми? Бўлмаса, балки биларсиз, – дедим хаяжондан энтикиб. – Саломатхон...

– Чол қалай? – деди капитан сўзимни бўлиб. – Кишлокдан чикканларингда тузукмиди?

– Ҳа, ёмон эмас, факат... катта ўғлидан қорахат келиб, бироз чўкиб колувди...

– Ҳмм... – Капитан бошини бир томонга сал эгиб, ўйланиб колди. – Уруш тугасин-чи, бир борар эканмиз-да Корасув томонларга!

Мен: “Албатта борасиз!” демоқчи эдим, шу пайт тұсатдан телефон жиринглаб колди.

Капитан трубкани олиб, кулоғига тутди-да: “Хўп бўлади, ўртоказ полковник!” – деди. Сўнг трубкани так этиб жойига қўйиб, шоша-пиша кийина бошлади.

– Мен штабга бориб келаман. Балки кечрок қайтарман. Сен бугун дамингни олавер... Буни кара, салкам ҳамкишлек чикиб колдик-ку! Ҳали кўп гаплашамиз! – капитан кўзини кисиб кулимсиради-да, фуражкасини пешонасига кўндириб, чодирдан чиқди.

Мен шундагина Ногаев эсимга тушиб, орқасидан кичкирдим:

– Ўртоказ капитан! Ногаев деган капитанга телефон киллар экансиз.

– Ким? – деди Даврон ака тұхтаб.

– Ногаев. Капитан Ногаев.

Даврон ака бир нима деб кўлини силтади-да, жадаллаб кетди. Мен унинг орқасидан тикилганимча ўйланиб колдим.

* * *

Минг түккіз юз киркинчи йилнинг илик ёз оқшоми. Мен мактаб ховлисида турған бричка аравада, калин тұшалған қуруқ пичан устида чалқанча ётибман.

Уша куни товонимга игна кириб, синиги ичида колган эди. Мени шахар касалхонасига жұнатышыпти. Мен билан биргә уша аравада етти йиллик мактабни битирған бир гурух киз-йигитлар ҳам кетишиятти. Мен шахарда коламан. Улар эса поездда Тошкентта, үқишиңде. Шахарға кетаётган иккита араванинг атрофига бутун кишелок ахли йигилған хисоб. Йигитлар хушнуд, шараклаб кулишади, кизлар эса шодликларини яширишиб, күз ёши килаёттан хотин-халажнинг пинжига сукилишади...

Тұсатдан: “Ана, келишиятти!.. Қаёкларда колдингиз, Саломатхон?” – деган овозлар әшитилди.

Мен бошимни күтариб карайман: Саломатхон, әгнида атлас күйлак, бошида зардұзы дүппи, құлида бир тутамрайхон, үзини кизларнинг күчогига отди.

Мен бир йилдан бери унта салгина ошикман. Ұшандан бир хафта олдин, унинг мактабни битирувчилар кечасыда айтған қүшикларини әшитганимдан бери эса ҳадеб күргим келади. Шунинг учун Саломатхон келди дегунча, назаримда, осмонга ой чикиб, ҳамма ёк ёришиб кетгандай туолди...

Саломатхоннинг дадаси соқол-мұйловидан тегирмон гарди аримайдыган (у киши қишлоқда тегирмончилік килярди) кора кош, кора күз, хушсурат мұйсафид кизининг пешонасидан үпіб хайрлашды.

Саломат ҳам бошқа кизлар қатори мен ётған аравага чиқаётганини күриб, юрагим тотли хисларга тұлди.

Шу пайт тоғам – мактаб директори:

– Саломатхон, – деб уни тұхтатди. – Мен эрталаб отда етиб бораман. Үзим ҳаммаларнинг поездга тушириб

юбораман. Вокзал ёнидаги бўгда кутиялар... Ҳа, айтмоқчи, аравада жияним ётибди. Ёнингиздан жилдирманги...

– Ҳўп, домла, – Саломатхон аравага чикиб, бош томонимга ўтди, атлас кўйлагини тўғрилаб, дурустрок жойлашиб ўтираркан, энгашиб: – Оёғига игна кирган йигитча сизмисиз? – деб суради.

– Ҳа...

– Огрияптими?

– Йўқ, – дедим мен. Чунки чиндан хам оғриқ сезмасдим, агар ойимлар, “оёққа кирган игна қон билан мияга чиқармиш”, деб вахима кўтармаганларида, балки докторга хам бормас эдим. Саломатхон менинг “йўқ” деганимга ишонмай, бошини чайқади.

– О, чидамли экансиз. Мен шунака бўлсам... Билмадим, хозир додлаб ётармидим!.. – У қўли билан пешонами силаб, мулоийим жилмайди.

Унинг чиройли бурун катаклари, кулиб турган копкора кўзлари, бошимни силаган қўллари шундай мулоийим, нафис, шундай гузал кўринардики, бир зум сехрлангандай тикилиб қоламан-у, кейин уялиб юзимни четга бураман...

Саломатхон яна кулимсиради.

– Олма ейсанми? – деди у тусатдан “сансираб” ва менинг жавобимни кутмасданоқ хуржунидан катта бир олма олиб қўлимга тутқазди. – Бу – факат бизнинг кишлогимизда, Корасувдагина ўсадиган, ҳар бири пиёладек кела-диган дастор олма.

Саломатхон ўзи хам битта олмани карс-карс тишлиб, дугоналарининг ёнига ўтди.

Шу заҳотиёқ қизларининг сирли шивир-шивири, пикир-пикир кулгиси бошланди. Мен олмани кафтларим орасига олиб ҳидладим. Димоғимга олма ва районнинг бир-бирига аралашиб кетган хушбуй хиди “туп” этиб урди. Қаранг, олмага бирпасда Саломатхоннинг қўлидаги

райхон ҳиди урибди... Күнглим яйраб, күзимни юмдим, назаримда, аравада эмас, кемада, катта ва сокин дарёда сузib кетаётгандай бўлдим...

Кўзим илингани эканми, билмадим, тўсатдан олдинги аравадаги йигитларнинг қўшиғини эшитиб, уйғониб кетдим. Бир эмас, бир неча йигит овозлари унча қовушмаса ҳам аллақандай ички бир дард билан тўлғаниб, ашула айтишарди:

“Агар тош бўлса ҳам кўнглинг эриб, лозим эди раҳминг, Кўзига душманим, ер бирла яксон айладинг кетдинг...”

Билмадим нега, лекин менга шундай туюлдики, гўё йигитлар ашулани ёлғиз Саломатхон учун айтишар, гўё унинг кетаётганидан, шундай қиздан айрилиб қолаётгандаридан нола қилишарди...

Бу фикримни тасдиклагандай, ашула тугаши билан коронғилиқдан:

- Саломатхон! – деган дўрилдоқ овоз эшитилди. – Битта ашула айтиб беринг энди! Бундан кейин овозингизни эшитиш насиб бўладими, йўкми?
- Вой, нега ундей дейсиз? – деди Саломатхон ўпка-лаб.
- Энди... ким билади, катта шаҳар, бунақа кенг далалар, бунақа сайиллар қаёқда дейсиз? Айта қолинг энди!

Аравадаги кизлар ҳам:

- Айта қолинг, Саломатхон!
- Йигитларнинг сўзини ерда қолдирманг!
- Бунча ноз киласиз? – деб чуғурлаб кетишли.

Кўнглимда, Саломатхон ўша битирувчилар кечасида айтган қўшиғини айтса, деб илтижо қиласман, ўша оқшом мактаб боғида ҳаммани ҳайратга солган чашмадай тиник, янгрок овозини яна бир эшитсан дейман, лекин Саломатхон тўсатдан:

— Келинглар, кизлар, “ёр-ёр” айтамиз! – деди. Кизлар жавоб бергунча бўлмай, ўзи сескин бошлади:

“Йулим олис, отим ориқ,
Етолмайман, ёр-ёр, столмайман.
Дарё тошкин, сувлар шошкин,
Ўтолмайман, ёр-ёр, ўтолмайман...”

Кизлар ҳам кўп ноз қилишмасдан, Саломатхоннинг кўшиғини илиб кетишиди.

“Йулим олис, отим ориқ,
Етолмайман, ёр-ёр, етолмайман...”

Кизларнинг ҳам ўйноқи, ҳам хиёл куйга йўғрилган кўшиғидан кўнглим сув ичгандай булиб, бошимни кўтараман. Назаримда, коронғиликка чўмган кенг дашт, тўйган қўзичоклардай мудраб ётган қирлар, олис-олисларда чироклари милтираб кўринган қозоқ ўтовлари, осмонни тўлдирган митти юлдузлар – ҳамма-ҳаммаси қизларнинг жозибали кўшиғига маҳлиё бўлиб сукут саклар, эриб, тўлғаниб эшитар, мусофир юртга кетаётган бу илк калдирғочларга баҳт тиларди...

Юрагимга куйилиб келган ажиб бир туйғулардан теримга сиғмай чалқанча тушиб ётаман, ётаман-у, яна боягидай дарё, йўқ, сокин бир денгизда қайнқда сузиб кетаётгандай бўламан, назаримда, узокда милт-милт этган қозоқ ўтовлари ҳам, ўтов эмас, балки чироклари ўчиб-ёниб бораётган денгиз кемалари-ю, бу кемалардан ажиб бир ўлан, хазин бир куй окиб келаётгандай туюлади...

“Йулим олис, отим ориқ,
Етолмайман, ёр-ёр, етолмайман.

Дарё тошқин, сувлар шошқин,
Үтөлмайман, ёр-ёр, үтөлмайман...”

Ширакайф одамдай, дилимдаги хислардан маст бўлиб кўзимни юмаман, сўнг қандайдир нозик бармоқлар бошимни, юзимни силаганини сезиб, уйғониб кетаман.

Ашула тинган, Саломатхон ёнимга ўтириб, кўрпасини ёзмоқда эди.

— Совқотмадингми? — деди у, коронғида кимиirlаганимни сезиб.

— Йўқ...

— Кечаси шудринг тушади, — Саломатхон кўрпамнинг устидан наматга ўхшаган бир нарсани ёпди-да, ўз кўрпасига ўранди. Сал ўтмай, кизлардан бирининг:

— Саломатхон, ҳо Саломатхон. Уйғоқмисан? — деб шивирлагани эшитилди. — Кўрқмайсанми? Шахардан кўрқмайсанми?

— Сен-чи? — деди Саломатхон.

— Менга бало урармиди?

— Менга-чи? — кулди Саломатхон.

— Сен сулувсан. Сулув қизларнинг кетига тушадиганлар кўп бўлади.

— Каёқдаги гапларни топмай ўл! — деди Саломатхон кулиб.

... Эрталаб мени тоғам уйғотди. Арава касалхонанинг олдида тураг, лекин на Саломатхон кўринар эди, на қизлар.

Кўзим жавдираб атрофга қарадим, назаримда, кечаси кўрган-кечирганларимнинг ҳаммаси: йигитларнинг дардли қўшиғи, қизларнинг хазин ёр-ёрлари, Саломатхоннинг пешонамни силагани: олисдаги козок ўтовлари, осмон тўла юлдуз, сокин денгизда қайикда сузиб кетаётгандай бўлганларим — бунинг ҳаммаси ҳақиқат эмас, шунчаки ширин бир рўё, гўзал бир туш эди!..

Мен анчагача бу түшни күмсаб, ўша ажойиб окшомни, Саломатхонинг дилрабо овозини соғиниб юрдим. Шунинг учунми, билмадим, кишлоқда “Саломатхон бирор билан қочибди”, деган мишмиш тарқалганида, бир неча кунгача ўзимни қаёкка уришни билмай, тұлғаниб юрдим...

Саломатхон ҳақидаги мишмишлар бир-биридан хүнук, бир-биридан даҳшатли әди!

“Саломатхон безориларга құшилиб, ёмон йүлларга кириб кетибди!”

“Саломатхонни олиб қочган йигит уни уйидан кувиб юборибди!”

“Саломатхон мусофир юртда хор бұлиб юрганмиш!..”

Эсимда бор, бир куни гузардан ұтаётганимда чойхонадан кимнингдир осмонни бошига күтариб, бұраалаб сұкинаётган бұғық овозини эшлитиб, чопиб кирдим.

Чинор тагидаги сўрида чарлстон шим ва оқ шойи кўйлак кийган бир гурух йигитлар үтирап, булар уруш бошланғандан кейин үкишни ташлаб, кишлоққа қайтган студентлар әди. Уларнинг каршиисида Саломатхоннинг отаси – сокол-мўйловига тегирмон гарди илашган кекса тегирмончи туарар ва қўлларини пахса қилиб бакирар әди:

– Ким айтди сенларни белида белбоғи бор йигитлар деб? Мард бўлсаларинг қизимни бир бегонага олдириб кўярмидиларинг. Олдириб кўйиб, кетидан bemaza гапларни тарқатиб юрармидиларинг?.. Тұғри қилган қизим! Ўзи удда килолмай, кетидан хотинлардай фиски-фасод килиб юрадиган сендақа ҳезлардан ўша бегона яхши! Балли! Кандини урсин ўша йигит!..

Йигитлар чурқ этмай, бошларини эгиб үтиришар, чунки тегирмончи сўкиниб гапирса ҳам кўзларидан оккан ёш тегирмон гарди қўнган юзида тарам-тарам из қолдириб, соколига сизарди...

Мен ўпкам тўлиб, секин орқамга қайтдим.

Ушандан кейин бир неча йил үтди. Болаликда уйғонган ғалати туйғу, ширин туш хам аста-секин эсимдан чикиб кетди, чунки бу ўртада Саломатхон ҳакида бир оғиз гап эшитмадим. Факат ўқтин-ўқтин бүрдой торттиргани тегирмонга бориб, кекса тегирмончини күрганимдагина ўша серюлдуз сокин оқшом эсимга тушиб, күнглим бир хил бўлиб кетарди. Соч-соқоли, қош-кўзлари тегирмон гардидан оппок оқарган тегирмончи, олдида чилим, тегирмоннинг ярим коронги зах хонасида доим бошини хам қилиб, хаёлга толиб үтирас, келган-кетгандарга унча рўйхуш бермас, “опкет, ташлаб кет”дан бошқа гап айтмас эди. Хотинлар: “Бечора чол! Суюкли қизидан айрилиб, савдои бўлиб қолди!” – деб пичирлашар эди.

... Кирк тўртингчи йил, сентябрь ойининг ўрталари. Уқишни йигиштириб колхозда аравакашлик қилиб юрган пайтларимиз. Бир куни заводга пахта олиб кетган Арслон кечқурун ҳовликиб келиб қолди.

– Биласанми, мен шаҳардан кимни олиб келдим.
– Хўш кимни?
– Тегирмончининг қизини. Ўша урушдан олдин фарғоналик йигит билан кочиб кетган қизи бор-ку, ўшани... Аммо-лекин, ўзиям йигитлар қуйганича бор экан-да! Ҳалиям онаси ўпмаган кизга ўхшайди-я. Жилмайганда олам ёришиб кетгандай бўлади...

– Ҳа, жигарингдан урганми дейман, а? – деб кулдим.
– Жигаримдан уриб бўпти-ю, аммо сендақа шоир бир курса девона бўлиб, “ху” деб қишлоқдан чикиб кетади, оғайни!..

Арслоннинг гапига кулиб кўя колсам хам Саломатхонни бир кўрим келиб, бир-икки марта тегирмончининг уйи атрофидан үтдим, тегирмонга бордим, лекин уни учратолмадим. Факат кулогимга ҳар хил мишишлар чалинарди:

“Бечоранинг эри урушда ўлганмиш”.

“Эрининг қариндошлари айттирган экан, кўнмаганмиш”.

“Эрининг опа-сингиллари паранжига ўраб, уйидан чикармай камаб кўйишган экан, қочиб келганмиш”.

Бир кун кишлоқ советининг котиби мени излаб келиб қолди.

– Кечкурун колхоз боғида қаҳрамон билан учрашув бўлади. Дутор-сеторларингни олиб борар экансан.

Уша маҳалларда биз уч-тўртта қиз-йигит мактабда бади-й ҳаваскорлик тўгараги ташкил қилиб, узун кечалари концерт-понцерт кўрсатиб, одамларни овунтириб юардик.

Қаҳрамон – қўшни кишлоқда туғилган йигит, фронтдан ярадор бўлиб қайтган, бир ҳафтадан бери бутун район унинг довруғи билан яшар, учрашув устига учрашув ўтарди. Кечкурун тўгарак аъзолари дутор-сеторларимизни кутариб бордик.

Колхоз боғига столлар қўйилиб, дастурхонига олмазум, қовун-тарвуз тортилган, стол атрофига ўттиз-кирк чоғли актив тўпланган эди.

Қаҳрамон ёшгина, камтаргина йигит экан. Турда – ижроком раисининг ёнида, ўз довруғидан уялиб, ерга қараб ўтиради. Биз боргандан сўнг ижроком раиси мажлисни очмоқчи бўлиб, энди ўрнидан турган эди, қандайдир “шивир-шивир” бошланиб қолди. Кўча томонга бурилиб карасам... амбулатория, мактаб ва сельподা ишлайдиган бир тўп ёш жувон кириб келяпти. Ораларида Саломатхон!.. Эгнида атлас қўйлак, оёғида пошинаси баланд оқ туфли, икки ўрим йўғон сочи белига тушган. Ўзиям, назаримда, хеч ўзгармаган, худди ўша олис ёз оқшомидагидай ёш, гўзал эди. Катта кора кўзлари уялганидан жавдираб, ёш жувонларнинг пинжига суқилиб, ийманкираб кириб келди.

Арслон бикинимга тутишиб: “Қалай?” – деб сўради, сўнг: “О-о! – деди ух тортиб. – Нега мени ойим беш йил олдин туғмади!”

Жувонларни тұрға, қаҳрамон билан ижроком рансиңнег үртасыга үтказиши. Шундан кейин ижроком раиси кечани очиб, қаҳрамонға сүз берди. Қаҳрамон – шөн-шұхратға үрганмаган оддий тракторчи йигит – қизариб-терлаб, фронт хақида, үзининг күрган-кечирғанлари хақида дудуклана-дудуклана гапириб берди. Унинг гапидан кейин навбат машшоқларға келди. Лекин биз биринчи номерни ижро этиб улгурмасимизданок, ён ёқдан: “Саломатхон биттә күшик айтиб берсінлар!” – деган таклифлар сұғилиб кетди.

Саломатхон дархол отилиб чикмаса ҳам, ноз қилиб ҳам турмади, бир-икки марта таклиф қилишгандан кейин бизнинг ёнимизга үтиб, иккита ашула айтиб берди... Эсимда бор, биттаси мен яхши күрадиган “Излайман” деган күшик, иккінчеси фронтдаги йигитларға бағишеланған “Ксл” деган ашула эди. Унинг овози бурунгидан ҳам очилиб, ажиб бир тиниклик касб этган эди. У хар иккала ашулани, айниқса, фронтдаги ёрига бағишелаган “Кел” деган қүшикни шундай чукур бир ички дард билан айтдикі, авжига чикқанида ҳаммани зир титратиб юборди. У менинг үнг томонимда қулини стулнинг суянчиғига қўйиб, хиёл олдинга энгашиб турар, мен унинг юзини кўрмас эдим, фактат атиргул варайхон ҳиди димоғимга гуп-гуп урап, назаримда, бу нағис муаттар ҳид оламни тұлдириб юборған эди. Мен пик-пик йиғлаётган жувонларға караб дутор чертарканман, дам үпкам тұлиб, кўз ёшларимни қилт-қилт ютар, дам үша олис ёз оқшомидагидай, дилим ёруғ ва ҳазин хисларға тұлиб-тошарди...

Учрашувдан кейин дутор-сеторларни күтариб, боғдан чиқаётган эдим, Арслон құлимдан “шаппа” ушлаб көронғи токзорға тортди:

- Шошма, кизларни жұнатиб, кейин кетамиз!
- Нега? – дедим ҳайрон бўлиб.

- Гап бор! – деди Арслон. – Кейин хурсанд бўласан...
- Бир лаҳзадан кейин жувонлар пик-пик қулишиб, ёнимиздан ўта бошлашди. Шу пайт оркада гурс-гурс қадам товуши, кейин қишлоқ советининг котибининг:
- Саломатхон! – деган таниш овози эшишилди.
 - Жувонлар тўхташди.
 - Лаббай? – деди Саломатхон.
 - Сизлар кетаверинглар! – деди қишлоқ советининг котиби, – Саломатхонга бир оғиз гапим бор.
 - Йўқ, тўхтанглар, кизлар! – деди Саломатхон катъий овозда. – Булардан сир эмасдир гапингиз...
 - Сир эмас... яъни, жиндек ўтиришимиз бор эди, ўшанга борсангиз, деб...
 - Раҳмат! – деди Саломатхон. – Учрашувга келдим, шу ҳам етар...
 - Раис илтимос қилдилар...
 - Раисга айтиб қўйинг, менинг хонаки ўтиришларга бориш одатим йўқ!..
 - Тўхтанг, Саломатхон! – котиб унинг қўлидан ушлади чамаси, Саломатнинг “Қўйиб юборинг!” деган ўқтам овози эшишилди. Бунга чидаб туролмаган Арслон бирдан қаттиқ йўталди. Шундан кейин котиб қўлини тортиб олди, шекилли, Саломатхон югуриб бориб, нарирокда шивирлашиб турган жувонларга қўшилди-ю, ҳаммаси “гурр” қулишиб, нари кетишли. Котиб эса токзорга яқинлашишга журъат этолмай, бир сўкинди-да, орқасига қайтди.

Арслон яна бикининг туртди:

- Гапимга энди тушундингми, каллаварам? Мен буни боя шивир-шивир қилишаётгандаридаёқ билувдим. Аммо-лекин, молодес хотин экан-да, Саломатхон! Боплади бу қўшмачини. Қойил!

Мен ҳам қалбимни тўлдирган шодлик, ҳайрат ва гурурдан теримга сиғмай кувонардим. Арслон иккимиз худ-

ди улокда ютиб чиккан ёш чавандоз, йўқ, оғир курашда голиб келган ёш полвондай, кўнглимиш ўсиб, тун ярмига-ча Саломатхон тўғрисида, унинг гўзллиги, поклиги, ово-зи, ақли тўғрисида гаплашиб, сукунатга чўмган қишлоқ кўчаларини айланиб юрдик.

Яна бир-икки ойдан кейин, декабрнинг охирларида, армияга жўнайдиган бўлиб қолдик. Жўнаётганлар ора-сида тегирмончининг кичик ўғли – Саломатхоннинг ука-си хам бор эди. У маҳалда Саломатхон мактабда ишлар, бешинчи-олтинчи синфларга адабиётдан дарс берарди. У бир неча аёллар билан бирга бизни вокзалгача ку-затиб қўйди. Эгнида эскирок бўлса хам ўзига ярашиб тушган кундуз ёкали қора пальто, бошида тивит рўмол, Саломатхон укасининг кўлидан ушлаб бир четда турап, бошқа хотинлардай дод солиб йигламас, факат кўзла-ридан тиркираб оккан ёшларини жимгина артар, ле-кин унинг унсиз йигиси, укасининг чехрасига тикилган кўзларидаги мунг бошқа хотинларнинг фарёсидан кат-тирок эзарди кишини.

... Укаси билан запасдаги полкда бирга бўлдик. Сало-матхоннинг “сир”ларини сўрагим келса хам ўзи гап оч-магандан кейин сўрашга журъят этолмас эдим. Бир кун у қишлоқдан хат олди-ю, нима хам бўлиб, ўзи ёрилиб қол-ди. Гапига Караганда, қишлоқдаги мишмишлар ҳаммаси бекор, лекин поччаси бир йилдан бери дом-дараксиз кет-ган эмиш...

Саломатхоннинг укаси Читагача бирга келди. Читада уларнинг эшелони Узок Шарқка кетди, биз эса бу ёкқа, Мўғулистанга бурилдик.

* * *

...Наҳот ман-ман деган қишлоқ йигитларининг ора-сидан шундай кизни юлиб олиб чикиб кетган, тегир-мончи чол юм-юм йифлагб бўлса хам “Балли! Қандини

урсиин!” деб тан берган азамат йигит шу ёш капитан бұлса? Ё у ҳам шунчаки Саломатхонга шайдо булиб, курук колган мажнунлардан биттасимикан? Лекин унака бұлса, нега Корасувни қайта-қайта сұради, тегир-моңчини синчиклаб сурнштирди?.. “Уруш тамом бұлса қишлоқларинга борар эканмиз-да”, деди. Бораман эмас, борамиз-да, деди.

Хаёлим чувалашиб, үрнимдан туриб, ташкарига чикдим.

Күз илғамас кенг дашт, пастдаги катор-катор чодирлар, боя күриниб турған машиналар, түплар, олисдаги кирлар – хаммаси фактада сахродагина бұладын майин коронгиликка чүмган, у ер-бу ерда милтираган битта-яримта чироқ демаса, хамма ёқ зым-зиё эди. Лекин хар жой-хар жойда гармонь овози янграр, солдат қүшиклари әшитилар, яқиндаги чодир олдида эса бир неча киши гармонга қүшилиб хуштак чалар, кимдир этиги билан ер депсиниб үйинга тушар, бошқалар осмонни бошларига кутариб кийкиришар эди!

Мен қовжираб колган үтларга ёибошлаб, осмонни тұлдирған ғуж-ғуж юлдузларга тикилдім. Бундай йирик ва оппок юлдузлар фактада сахро осмонида бұлади... Ана, етти қарокчи, етти қароқчининг устида, кора баҳмалға сочилған зардай, нафис ялтираган Сомон йули... Сомон йулиниң пастрогида яна бир ховуч ок юлдуз. Бу – Хулкар!..

Бенхтиёр қишлоқ күз олдимга келди... Бундан бир йил муқаддам, худди шу кунлары, Арслон иккимиз даштда қиз-жувонларга қүшилиб бугдой үардик.

Юрагимни яна хижроннинг аламли дуди чулғаб олди. Күз олдимга яна үша таниш буғдойзорлар, үрокчи қизларнинг мұлойим чехралари келди, кулоғимға уларнинг шүх күлгилари, ҳазил ва дилрабо ёр-ёрлари әшитилгандай бўлди-ю, ой шуъласида мудраб ётган бу кенг дашт

жуда ёт ва жуда совук күриниб кетди. Мен биринчи марта суюкли она юртимдан накадар узок эканлигимни тушундим, тушуниб, үзимни жуда нотавон сездим. Факат бир нарса күнглигимга тасалли берарди – у ҳам бўлса, гвардиячи капитан!

Уни ўйлашим билан урушдан олдин Саломатхонни “олиб қочиб кетган азамат йигит” шу капитан бўлиб чикишини, у билан яна ҳам яқинлашишимизни дил-дилдан истардим.

Совуқдан жунжикиб, ўрнимдан турдим.

Чодирлардаги ашула ва гармонь овозлари тинган, битта-яримта чироклар ҳам ўчган, лагерь чукур сукунатга чўмган, факат штаб жойлашган чодир ёруғ эди. Мен лагерь чегарасидаги соқчининг: “Тұхта! Ким келяпти?” деган хитобига паролни айтиб чодирга яқинлашдим, яқинлашдим-у, Оля билан гвардиячи капитанинг кулгисини эшлиб, тўхтадим.

– Интендант бўлса... нега пиёда аскарлар капитанинг погонини тақади? – деди Оля.

– Погони ҳам “кавказликман” деган гапига ўхшаса керак-да! – кулди Даврон ака. – Шунақа биттасини илгари ҳам кўргандим. Ўлгудай хотинбоз йигит эди. Ўзи қайси миллатдан эканини тушуниб бўлмасди-ю, чиройли қизни кўрса бас, дархол гапни “Серкуёш Кавказдан” бошларди...

Оля қах-қах отиб юборди. Сўнг яна сирли шивир-шивир бошланди. Мен Саломатхон хақидаги бояги ўйларим эсимга тушиб, ичимда үзимдан кулдим-у, секин орқага қайтдим...

* * *

Шундай қилиб, штабда ишлай бошладим.

Иш кўп, сафарда керак бўладиган ҳар хил анжомлар, кийим-кечак, идиш-товок дегандек... нарсаларнинг рўйхатини тузиш, штабга минг хил ахборот беришдан кў-

лимиз бүшамас эди. Бу ишларни старшина Сало ва Оля учовимиз қиласиз.

Капитан кундуз даштда хар хил машғулот ўтказар ё полк штабидаги кенгашларга кетар, бүш вактларда ётиб китоб үқир, Олядан немис тилинүү үрганаар эди. Кечкүрунлари эса Оля билан старшина Сало учови штабга йигилишиб, қүшик айтишар, урушда булган воқеаларни эслалишиб, ярим кечагача сухбатлашиб ўтиришар, баъзан бу сухбатларга биринчи рота командирини, худди кизларникидай юзида кулгичлари ўйнаб турадиган ёшгина старший лейтенант Харитоновни чақириб келишар, у келса гурунг яна ҳам қизир, чунки Харитонов ашулани ҳам, гапни ҳам койил қиласар, умуман, жуда ёқимтой йингит эди.

Баъзан, одатда ёлғиз қолган пайтларида, Даврон ака планшетидан қора жилдлик калин дафтарини олиб, алланымаларни ёзишга киришарди.

Уша пайтларда унча-мунча шеър машқ қилиб юрганим учунми, мен унинг кундалигини бир үкиш, кора жилдлик калин дафтари бир вараклаб күришни хавас қиласар эдим, лекин капитан ёзиб бўлиб, дафтарини планшетига соларди-да, ўрнидан туриб кетарди. Баъзан, шундай пайтларда Оля ҳазиллашиб:

– Асар тугаб қолдими, ўрток ёзувчи? – деб сўрар, капитан ҳам кулиб:

– Йўқ, Олењка, – дерди. – Буюк санъат асарлари йиллаб ёзилади!

Шундан кейин, одатда, адабиёт ҳакида, улуғ санъаткорлар тўғрисида сухбат бошланар, бу сухбатлар аксарият баҳсга айланиб кетарди. Мен уларниг бу сухбатларни жон қулоғим билан эшитгим келар, лекин кўпинча ийманиб, чодирдан чиқиб кетардим. Чунки ўрталарида аллакандай бир яқинлик бордай туюларди-ю, худди уларга халақит бераётгандай бўлардим. Шундай пайтларда

негадир эсимга яна Саломатхон тушиб, ғалати бўлиб кетардим.

Оля иккимиз жуда инок эдик. У бошка офицерларга ўхшаб, доим ғоз туришимни талаб қилмас, аксинча, туғишган опамдай меҳрибон эди. Лекин Саломатхон!.. Мен уни сира унупотлмас эдим.

Бир куни ғалати бир воеа бўлди-ю, хаёлим баттар чувалашиб кетди. Эрталаб котелокни чилдирма килиб чалиб овқатга кетаётган эдим, тўсатдан... олдимдан Мирҳайдар чикиб қолди. Мен уни кўриб, оғзим очилиб қолди: эгнида янги гимнастёрка, бошида янги пилотка, оёғида ботинка ўрнига офицерлар киядиган хром этик, кечагина шумшайиб юрган Мирҳайдар ўрта кўлдек бир йигит бўлибди-колибди!

– Ие, Мирҳайдар, сенмисан?

– Уҳшайманми ўзи? – Мирҳайдар курак тишини кўрсатиб хушнуд тиржайди-да, қаппайиб турган буюм халтасини ерга қўйиб, қўлини чўзди. – Омонмисан, оғайни?

– Ишлар ванг-ку! – дедим унинг аллақандай очилиб кетганини кўриб...

– Худога шукур, оғайни. Ёмон эмас...

– Йўл бўлсин?

– Авваламбор, ўзингни бир кўргим келди, оғайни. Қолаверса... – Мирҳайдар мунчоқдек кўзларини милтиратиб, ғалати жилмайди. – Штабларингда... Оля Куприянова деган қиз борми?

– Хўш? – дедим қизиксиниб.

– Шунга... бизни хўжайин майда-чуйда, совға-салом бериб юборувди... – Қайси бўларди? Битта хўжайним бор-да – гвардиячи капитан Ногаев... Оляхон шўттами ўзи?

– Шўтта.

– Шўтта бўлса... – Мирҳайдар қаппайган буюм тўрвасини узатди. – Ўзинг олиб кириб беракол. Илтимос...

Мирхайдар гүё тўрва эмас, илон чўзаётгандай оркамга тисарилдим.

– Йўк-йўк, керак бўлса ўзинг олиб кириб бер! – дедим жеркиб. – Лекин эҳтиёт бўл, совға-саломинг билан афтингга урмасин.

– Ёпирай, а? – деди Мирхайдар. – Бизнинг хўжайиндай йигит совға-салом юборади-ю, Оляхон олмас эканми? Хотин кишини билмас экансан.

– Кўрамиз! – дедим Олянинг у кунги кулгиси эсимга тушиб.

– Кўрамиз! – Мирхайдар ғалати кулимсиради-да, штабга қараб кетди.

Мен ҳам йўлимга равона бўлдим, лекин уч-тўрт кадам юрмасданоқ тўхтаб, оркамга қарадим. Мирхайдар штабнинг олдида тўхтаб:

– Мумкинми, ўртоқ кичик лейтенант? – деб сўради.

Чодирдан Олянинг:

– Марҳамат! – деган мулойим овози эшигилди.

Мирхайдар менга бир қараб қўйди-да, чодирга шўнғиди.

“Оладими, йўқми? Нахот олиб қолса?” Назаримда, Оля ҳозир Ногаевнинг совға-саломларини отиб юборадигандек, Мирхайдар шарманда бўлиб қайтиб чиқадигандек эди.

Билмадим, балки бу мулойим киз менга жуда ёкиб қолгани учундир, у ҳозир Мирхайдарни шарманда қилиб, ҳайдаб чиқаришини ич-ичимдан истардим. Лекин анча вакт ўтди ҳамки, ундан дарак бўлмади. Нихоят, яна беш минутча ўтгандан кейин, Мирхайдар оғзи қулогида чиқиб келди. Мен унинг қулида буюм тўрваси йўклигини кўрдиму шартта бурилиб, ошхонага қараб кетдим.

Мирхайдар мени ошхонага яқинлашиб қолганимда қувиб етди, мунчок кўзларини ялт-ялт қилиб:

– Хўш, нима деган эдим? – деб сўради.

– Бор-бор, тошингни тер! – дедим бошқа гап тополмай.

– Жўжахўроз! – деди Мирхайдар. – Сен нимани биласан ҳали?

– Сен жа аклли бўлиб кетибсан!

– Ҳаркалай ахмок эмасдирман, мана, роҳатижон иш топиб олдим! Менга қара, шоир, – деди у елкамга қўлини қўйиб. – Хоҳласанг мен хўжайнин билан гаплашай. Сенга ҳам иш топилади ПФСдан.

– Раҳмат!

– Ахмоксан-да, ахмок! – деди Мирхайдар худди ёш боладан кулгандай. – Ҳалиям бўлса ўйлаб кўр, кейин афсус қилиб юрасан, ука!

Мирхайдар шундай деди-да, секин ҳуштак чалиб саёз дарё соҳилига тикилган катор чодирларга қараб кетди. Мен унинг орқасидан тикилиб колдим... Наҳот у запасдаги полкда ҳаммага кулги бўлиб юрган Мирхайдар бўлса? Қачон бу бунчалик ўзгариб, уддабурон йигит бўлиб колди? Лекин энг ёмони... Наҳот шундай мулоим, жозабали, аклли қиз унинг қўлидан бачканা бир одамнинг совға-саломларини олиб колса?..

... Чодирга киришим билан димоғимга “гуп” этиб атирахиди урди.

Оля эгнида гимнастёрка, бошида эса... гулдор шойи дурра, чодирни йифиштирумокда эди. Үртадаги кўчма стол устида бир уюм қоғозли конфет, шоколад ва печенье турарди...

Кичик лейтенант мени кўриб, қўлидаги супургисини ерга ташлади, кейин бошидаги гулдор дуррасини тўғрилаб, жилмайди:

– Қалай, ярашибдими?

Гулдор дурра унга чиндан ҳам ярашган, чехраси яна ҳам очилиб, тиник мовий кўзлари порлаб кетган эди!.. Лекин бу дуррани унга берган одам...

Мен индамай, юзимни тескари бурдим.

– Сенга нима бўлди, Мансур? – деди Оля. – Қани ўтири, шоколад билан чой ичамиз.

– Раҳмат!

– Гўдак! – Оля қўли билан сочимни тўзғитиб кулди.

Унинг офицер экани эсимдан чикиб, қўлини силтаб ташладим, худди шу пайт:

– Нима гап ўзи? – деган ўқтам овоз эшишилди.

Чодирга кираверишда... қовоғини солиб Даврон ака турарди.

У кошлари чимирилганича:

– Нима гап ўзи? – деб такрорлади.

– Ҳеч гап йўк! – мен шундай деб ташқарига чикмокчи бўлган эдим, капитан йўлимни тўсиб, тўсатдан бакириб берди:

– Сен ким билан гаплашяпсан ўзи? Командир биланми ё...

– Кечирасиз, ўрток гвардиячи капитан! – дедим дархол ғоз туриб.

– Менга қара, – деди капитан баттар қовоғини солиб. – Бор, бугун ротанг билан бирга машғулотга чиқ!

– Вой, нега? – деди Оля қўзларини катта очиб.

– Қўявер. Бу ерда ўтиравериб, жуда талтайиб кетди бу!..

– Хўп бўлади! Кетишга рухсат беринг, ўрток капитан!

– Боравер! – деди капитан юзимга қарамай.

* * *

Ҳарбий машқлар сойнинг кунботиши томонидаги яssi кирларда ўtkазилар эди.

Бу машқлар олисдаги мишенларни нишонга олиш, қолларга сомон тикиб ясалган “самурайлар”га найза санчиш, ербағирлаб душман позициясига яқинлашиш каби оғир ишлардан иборат, тұғрироғи, бу машқларнинг оғир-енгил бўлиши рота командирларига боғлик эди.

Солдатлар одатда рота командирларини икки тоифага бўлар: харбий машклар пайтида талабчанлик қилганинни “тошюраклар” тоифасига, кўп қийнамайдиганларини эса, “мехрибонлар” тоифасига киритишар эди.

Бахтимизга рота командиримиз – старший лейтенант Харитонов “мехрибонлар” тоифасига кираради. У кўп қийнамади. Бир-икки соат машқ ўтказди-да, дам олишга руҳсат берди.

Офтоб терак бўйи кўтарилиган, гиёхлари қовжираб, тап-тақир бўлиб қолган дашт тандирдай қизий бошлаган эди. Биз гимнастёрка ва ботинкаларимизни ечиб, ярим яланғоч бўлиб, тақир ерга чўзилдик. Бунинг номи “офтобда чиникиш”, деб аталарди. Ҳақикатан ҳам, ҳар куни шу йусин “чиникиб” юрган солдатларнинг таналари чўядай қорайган, ҳатто балиқдай оппок Вася ҳам мисдай кизарган эди.

Мен биринчи марта “чиникаётганим” учун бир лаҳза ётмасданоқ, тер қуилиб, мудраб кетаётган эканман, Харитоновнинг:

– Рота! Встать! Смирно! – деган овозини эшишиб, сапчиб турдим.

Сой томондан Даврон aka билан батальон командирининг сиёсий ишлар бўйича муовини чиқиб келишди. Старший лейтенант Харитонов шоша-пиша гимнастёркасини кийиб, уларга пешваз юрди.

– Ўрток комбат!..

– Вольно! – Гвардиячи капитан қўлларини оркасига қилганича, ротага яқинлашди. Унинг қовоғи солик, қошлиари чимирилган эди. Харитоновнинг олдида тўхтаб, истехзоли кулимсиради:

– Худди Кора денгиз бўйида курортда ётгандай ётиб-сизлар-ку!

– Ҳа, энди, оғир сафардан олдин, – деди Харитонов каловланиб.

– Буннинг номи “чиникиш” бўлса, сафарга чикканда бутун ротанг йўлда сулайиб қолмасин тагин? – капитан шундай деди-да, тусатдан бошини баланд кўтариб:

– Рота! Командамга қулоқ сол! – деб буюрди. – Фронтовиклар ўнг томонга, колган солдатлар чап томонга сафлан!

– Фронтовиклар – ёшу қари – орден-медалларини жаранг-журунг килиб ўнг томонга, қолганларимиз чап томонга саф тортдик. Гвардиячи капитан этиги билан такир ерни тап-тап босиб, олдимизга келди, кафти билан кўзини офтобдан тусиб узокларга тикилди.

– Ху, анати адирини кўяпсизларми? – капитан олисадаги бир томони ўпирилиб тушган қирни кўрсатди.

– Кўяпмиз, ўртоқ комбат!

– Кўраётган бўлсаларинг... ўша қирга югуриб бориб, югуриб келасанлар! Қани, бегом марш!

Капитан айтган қир камидা бир чакирим келарди. Қўлимда стволи офтобда чўғдай кизнган пулемёт, мен ярим йўлга бормасданоқ ҳансирақ қолдим. Қирга яқинлашганимда, солдатларнинг олди маррага етиб, орқага кайтган, улар орасида Арслон билан Вася ҳам бор эди. Арслон ҳансираса ҳам хуничакчак илжайиб йўлимни тусди:

– Қалайсан, шоир? Қани, пулемётни бериб, автоматни ол!

Мен тиззаларим калтираб кетаётган бўлса ҳам капитанинг эрталабки сўzlари эсимга тушиб, индамай ёнидан ўтиб кетдим. Орқамдан Васянинг кулган овози эшитилди:

– Қўявер, Арслон, штабда орттирган жири сал камайсин. Енгиллашиади!

Васянинг кинояси каттиқ тегса ҳам жавоб бермай илгарилаб кетдим. Маррага етиб, оркамга кайтганимда, йўлда кулаб қолган иккита солдатга кўзим тушди. Мен ҳам қулашига яқин эдим, лекин кўлида фляга, каршимдан

югуриб келаётган бўлинма командирим, баджаҳл сержантни кўрдим-у, бор кучимни тўплаб, олдинга интилдим. Энди факат бир нарсадан – Даврон аканинг кўзига тушишдан қўркардим, чунки ахволим аянчли эканини сезардим. Хайрият, бахтимга, ротага яқинлашиб колганимда, сойдан амфибия машинаси чиқиб келди-ю, ундан... кўкрагида олтин юлдузи бор, ўрта бўйли бир полковник тушди.

Гвардиячи капитан:

– Рота! Смирно! – деб бақирди-да, қўлини чаккасига қилганича ерни тап-тап босиб, машинага қараб юрди.

Ўзимни солдатларнинг орасига урдим. Ҳамманинг кўзи полковник билан комбатда эди, атрофдан: “Полк командири, полковник Белобородов!..” деган шивир-шивир овозлар эшитиларди.

Полковник, комбатнинг рапортини эшитиб бўлиб, бир-бир босиб ёнимизга келди.

– Машклар оғир бўляптими дейман, а, солдатлар?

Мен секин Васяни туртдим.

– Тўғри, ўртоқ полковник! – деди Вася ингичка овозини чийиллатиб. – Жир битишга қўймаяпти комбат.

– Жирни нима қиласи солдат? – деди Белобородов.

– Энди самурайлар билан урушадиган бўлсак...

– Урушда жир керакми, йўкми, мана бу чоллардан сўра! – полковник кулимсираб четроқда турган уч-тўртта мўйсафидга юзланди:

– Яна урушишга тўғри келяпти-ю, чоллар?

“Чоллар” бошларини қашишиб:

– Урушиш керак бўлса урушамиз-да, ўртоқ полковник! – деб жавоб беришди.

Белобородов ҳоргин юзидаги маржон-маржон терларни сидириб ташлаб, бош иргади.

– Урушиш керак бўляпти, солдатлар, жуда керак бўляпти!

— Иттифокчилар олдида мажбурият олганмиз, демок-
чисиз-да, ўртоқ полковник? — Түсатдан яна чинкирди
Вася. “Гурр” кулги күтарили. Ёлғиз полковник кулмади.
У бошини чайкаб:

— Йүк, гап фақат мажбуриятда эмас, ўғлим, — деди. —
Ватанимиз чегарасида миллион кишилик Квантун ар-
мияси турганида бизга хеч қачон тинчлик бўлмайди.
Ҳасан кўлию Халхингол эсларингдами?

Капитан қандайдир ранги учиб:

— Ингирманчи йиллардаги тажовузлари-чи, — деди. —
Паровоз ўтхонасига тириклай ташланган Сергей Лазо-чи?
Эсларингдами?

— Эсимда, ўртоқ капитан! — овози борича яна бакирди Вася.

Яна кулги күтарили. Полковник кўзларини катта очиб:

— Ўзинг кичкинагинасан-у, овозинг тошни тешади-я! —
деган эди, Арслон:

— Ўртоқ полковник! — деб кулди. — Бу шунака... кички-
на дема мени, кўтариб ураман сени, дейдиганлардан!

— Ҳа, тузук! — деди полковник. — Ҳўп, солдатлар, чи-
ниқаверинглар! Эрта-индин юриш бошланади. Оғир, ле-
кин шарафли юриш бўлади бу... Капитан Ғозиев, маши-
нага чиқ, гап бор!..

Даврон ака ёнимдан утаётиб бир зум тўхтади.

— Тузук, бўш келмадинг, — деди у кулимсираб. — Штаб-
га бор. Иш чиқиб қолди. Лекин иккинчи марта кичик лей-
тенантга қўполлик қила кўрма. Уқдингми?

— Уқдим, ўртоқ капитан!

* * *

Оля батальоннинг фельдшери ҳисобланар, лекин иши
кам бўлгани учун одатда, менга ёрдамлашар эди.

Оля иккимиз капитан айтган ишни битириб, энди кеч-
ки овқатга ўтирган эдик, чодирга Мирҳайдарнинг хўжа-
йини — капитан Ногаев кириб келди.

– Мумкинми, ўртоқ кичик лейтенант?

Оля ер остидан менга қаради, кейин негадир қизаринкираб:

– Келинг, – деди.

Капитан пешонасига чапаниларча қўндирилган фуржкасини бошининг оркасига суриб, Олянинг ёнига ўтириди-да, унинг кошик тутган қўлидан ушлади.

– Сиздан илтимос, Олењка, шу овқатни емай туринг.

– Вой, нега? – деди Оля чиройли мовий кўзларини катта очиб.

– Иштаҳангизни бузманг. Биз кавказча кабоб тайёрлаётувдик. Шунга сизни таклиф қилиб келдим.

– Раҳмат! – Оля шавладан олмокчи эди, Ногаев яна унинг қулинини ушлади.

– Йўқ деманг, Олењка, илтимос, атайин сиз учун килдик бу кабони. Бирпас гаплашиб ўтирамиз. Кейин танцага борамиз.

Оля менга қаради.

– Кабоб ейсанми, Мансур?

– Мансурга кабобдан бериб юборамиз, – деди Ногаев, худди “хўп” деб қўйишимдан кўрккандай шошиб. – Кабони бунинг ҳамشاҳари килган. Ўзи олиб келиб беради. Бўлақолинг, Оля. Бир ёзилиб келасиз...

– Ҳеч қўймадингиз, қўймадингиз-да... – Оля ўрнидан туриб, сочини турмаклай бошлади: – Сиз чиқиб туринг, ўртоқ капитан, мен ҳозир... кетингиздан чиқаман!

– Есть, ўртоқ кичик лейтенант! – Ногаев ҳазиломуз итоаткорлик билан честь берди-да, чодирдан чиқди.

Оля сочларини тузатиб, ёнимга келди.

– Нега бундай киляпсан, Мансур?

– Нима килдим?

– Кўриб турибсан-ку, елимдай ёпишиб олди!

Капитаннинг гапи эсимга тушиб:

– Менга нима, бораверинг! – дедим.

– Гұдак! – Оля әркалаб сочимни тұзғитиб юборди.

Күн ботган, атроф коронғиликка чұмған, осмонда ялтираб турған бир хаftалик ой шуыласида даштни тұлдирған чодирлар, сойдаги машина ва танклар, хартумларини осмонга чұзған тұплар аллақандай вахимали туюлар эди. Сойда хар жой-хар жойда құшиқ ва гармонь овозлари әшитилар, ер депсиниб рақсга тушаётган солдатларнинг хүштаклари қулоққа чалинар эди...

Қанча ухлаганим эсимда йүк, бир маҳал гвардиячи капитаннинг бүғін, асабий овозини әшитиб үйғониб кетдім.

– Қани, кечирим сұра! Эшитяпсанми, сенга айтяпман!

– Қизиксан-а, Ғозиев...

– Гапни құзма! Кечирим сұра деяпман сенга!

Мен четлари кутарылған чодирдан әгилиб ташқарига қарадым. Чодирнинг ёңгинасида Даврон ака билан Ногаев, улардан сал нарироқда Оля турар эди. Ногаев каттық таҳқирланған одамдай күкрагини керіб, котиб колған: гвардиячи капитан бошини бир томонға әгіб, муштларини туғиб турар, Оля эса юзини кафтлари билан түсіб олған, у йиғлар эди.

– Менға қара, Ногаев! – деди гвардиячи капитан ҳансираб. – Дархол кечирим сұра, ё...

– Хұп. Яхши! – Ногаев бошини мағұр қутарди. – Кечирасиз, үртоқ кичик лейтенант! Мен билмай қолибман. Кечирасиз. – У Оляга таъзим килғандай, қаддини сал әгиди-да, шартта бурилиб, чодирнинг орқасига үтиб кетди.

Капитан Олянинг ёнига борди. У қизнинг елқасидан қучоклаганини күрдім-у, үзимни тұшакка ташладим.

– Оля, азизам, – деди капитан худди ёш болани юпатадәтгандай мулойим товушда. – Шу ифлосни деб...

– Үзидан ҳам гапи ифлос... гүё мен... гүё... – Оля дағомини айттолмади, унинг пик-пик йиғлаган овози әши-тилди.

— Оля, азизам, — деди капитан. — Сен шундай пок, шундай яхши кизсанки, бу гапларни... елимлаб ёпиштирса хам ёпишмайди сенга... Күй, йиғлама. Күзингни арт. Юр, кирларни айланиб келамиз. Осмонга бир кара! Юлдузлар худди оппок олмаларга үхшайди. Қани, күзингни арт... Юр, кетдик.

Секин эшилган оёк шарпаси узоклаша-узоклаша коронғиликка сингиб кетди.

Хаёлимда яратган севги достоним тамоман барбод бўлган эди. Гўё бирор мени қаттиқ таҳқирлагандай туилиб, бошимни шинелимга ўраб олдим.

* * *

— Эртага юриш! — деди гвардиячи капитан кўзларимга синовчан тикилиб. — Ротангга қайтарсам... Саҳрова кийналиб қолмасмикансан?

Қизариб кетганимни сезиб, ерга қарадим.

— Кийналсам... қўпга келган тўй-ку, ўртоқ капитан.

— Балли, ука! — деди Даврон ака. У чодирга кириб келган старшина Салони кўриб кулди. — Мана, Дмитрий Михайловични взводларингизга командир килиб тайинладик. Бирга бўласизлар...

Старшина Сало, ўнг қўлини орқасига яширганича, кирган жойида тўхтади:

— Битта эрийдиган бўлдингиз, ўртоқ капитан.

— Хатми? Кимдан? — Даврон ака сал ранги ўчиб, старшинага яқинлаша бошлади.

— Йўқ-йўқ, олдин яримтани столга қўйинг, кейин оласиз хатни!

— Дмитрий Михайлович! Яримта эмас, ўнта яримтага эрийман! — Капитан шундай деди-да, старшинани кучоклаб қўлидан хатни юлиб олди. Лекин учбурчак хатга кўз ташлади-ю, индамай бир четга бориб ўтирди.

— Яримтани топиб қўйинг, хозир газагини олиб келаман... — старшина менга кўзини қисиб, чодирдан чиқди.

Мен негадир ўнгайсизланиб, ёзиш-чизишга киришдим-у, Даврон аканинг каттик сўкинганини эштиб ялт этиб карадим. У олисларга тикилиб турар, сал кисилган кўзларида, лабларини каттиқ тишлаб туришида аллақандай мунг, йўк, шафкатсиз бир ифода бор эди.

– Менга кара, Мансурбек, – деди у тўсатдан, – кишлиқдан чикканингга неча ой бўлди?..

– Салкам бир йил бўлди.

– Бир йил... Мабодо Саломатни кўрмаганмидинг?

Юрагим ўйнаб кетди.

– Нега кўрмас эканман? Кўрганман! Биз кетаётганимизда мактабда дарс берардилар! Агар бирор уни ёмонлаб хат ёзган бўлса... ахмок экан!

– Хуш? Хуш? – деди капитан. Унинг ҳаяжонланган юзига карадим-у, негадир кечаси бўлган гаплар эсимга тушди.

“Бу одам ким ўзи? Саломатхонни олиб кочиб кетган йигит шуми? Шу бўлса, нега очиғини айтиб қўя колмайди? Нега Оля билан...”

– Ўртоқ капитан! – дедим юрак ютиб. – Сизга битта саволим бор: урушдан олдин Саломатхон опамлар ўқишида юрганларида фарғоналик бир йигит...

– Тўхта! – капитан токатсизланиб афтини буриштириди. – У гапларни кўйиб тур! Сен Саломатхон тўғрисида гапираётган эдинг. Хуш?

Капитаннинг гани негадир оғир тегди. Шундай бўлса ҳам тутила-тутила бултур кузда колхоз боғида бўлиб ўтган воқеаларни гапириб бердим. Охири кўз олдимга вокзалда унсиз титраб йиглаётган Саломатхон келиб, ўзим ҳам титраб кетдим. Шу сабаб бўлдими ёки ёшлиқ килдимми, билмадим, ишқилиб, кечаси бўлган воқеалар яна эсимга тушди-ю, тўсатдан кандайдир ўқсиб:

– Нима киласиз Саломатхонни суриштиравериб? – дедим. – Ҳадеб уни сўрайсиз-у, ўзингиз бўлса бу ёқда...

– Нима? – деди капитан. – Нима деб алжираяпсан?

У ранги ўчиб рўпарамда тұхтади. Лескин мен ҳам энди ўзимни босадиган ҳолатда эмас әдим.

– Нима қиласиз яшириб? – дедим ранжиб. – Ё мени гўл бир қишлоқи дейсизми? Оля билан юрганингиз...

– Бас! – тұсатдан бакириб юборди Даврон ака.

Унинг ғазабдан қалтирок босиб, гапиромай колганини кўриб, бирдан хушёр тортдим.

– Сен бу... бу бўлмағур гапларни каёқдан топдинг? – Капитаннинг сўзи оғзида қолди, чунки шу пайт дук-дук кадам товушлари эшитилиб, чодирга Оля кирди.

– Ҳа, нима бўлди, ўртоқ капитан? Тинчликми?

Даврон ака Олянинг саволига жавоб бермай менга юзланиб:

– Қани, йиғиштириш лаш-лушларингни! – деб юборди.

Оля бир капитанга, бир менга қаради.

– Нега буни қувасиз? Нима бўлди ахир? Мансур!..

Мен унга жавоб бермай, майда-чуйдаларимни йиғиштириша бошладим.

– Ивирсимай тезроқ бўл! – Бақирди капитан. – Бўлдингми? Қани, туёғингни шиқиллат! Иккинчи кўзимга куринма!

Мен лол бўлиб колган Олянинг ёнидан ўтиб, ташқарига отилдим.

* * *

“Тўғри килдимми, йўқми? Комбатдай одамга бу гапларни айтишни, унинг шахсий ишларига аралашибни менга ким қўйибди? Унинг ўрнида бошка бир офицер бўлганда нима бўлардим? Лекин унинг ўрнида бошка одам бўлганда, Саломатхон турмаганида мен ҳам бу гапларни айтмас әдим-да!..”

Штабдан хайдалишга ҳайдалсам ҳам ротага бормай, ўзим билан ўзим олишиб, даштда танҳо айланиб юрган әдим, бир маҳал Арслон кидириб келиб қолди.

– Нима бало, кулоҳидан айрилган қаландардай қалланғашалвираб қопти, шоир? – кулди у. – Қани тур. Ҳамкишлеклар келишди.

– Қайси ҳамкишлеклар?

– Катта бўламан деб, ҳамкишлекларни унутиб қўйдингми? – деди Арслон. – Бўл тезроқ. Йигитлар кутиб колишди. Капитанга айтдим, у киши ҳам бораман, дедилар.

“Капитан” сўзини эшитганда, юрагим безилласа ҳам ҳамкишлекларим сафардан олдин хайрлашгани келишганини ўйлаб, йўқ деёлмадим.

Ҳамкишлекларнинг биттаси ўша қийғир бурун, барваста Мирҳайдар, иккинчиси колхоз чўпонининг ўғли Серкабой деган қисик кўзли, сўзга чечан дўмбирачи бола, учинчиси Шоюсуф, ёш уйланган, шунинг учун ҳам Арслоннинг “аския манбай”га айланган, мўмин-қобилгина йигит.

Уларни кўрганда кўнглимдаги ғубор хиёл тарқагандай бўлди. Дўстларим, айниқса, Шоюсуф қўлимни кўйиб юбормас, юмалок қорача юзи кулгидан хамирдай ёйилиб: “Бормисан оғайни? Сени кўрадиган кун ҳам бор экан-ку!” – дерди энтикиб.

Майсазорга шинелларимизни тушаб, давра қуриб ўтиридик. Мирҳайдар ўзини кўрсатиш учун бўлса керак, буюм халтасини тўлдириб консерва, нон ва қанд-курс олиб келган эди. Арслон қаламтароши билан унинг консерваларини очаркан, тегиша кетди:

– Қалай, омборга бориб овқатга кўзинг тўйдими ё ҳалиям колган-кутган қаттиқ нонларни йиғиб юрибсанми, Ҳайдар?

Мирҳайдар узун бурнини ишқаб ишшайди:

– Кўзим тўйса, сенга ҳам ёмон бўлмаяпти-ку!

– Тўғри, – деди Арслон. – Бир жихатдан ПФСга борганинг ҳам яхши бўлди. Ротада юрганингда тағин қозондан картошка ўғирлаб, ҳаммамизни шарманда килардинг!

Картошка воқеаси эсимга тушиб кулиб юбордим.

Биз тушган запасдаги полк қалин үрмөнзорда жойлашған бўлиб, яқин-атрофда битта ҳам қишлоқ йўқ эди. Ертўлада яшаймиз. Ертўланинг бир четига қозик қокилиб, узун “стол” ясалган, уша жойда овқатланамиз. Кўпчилик берган овқатга қаноат килса ҳам, баъзилар биринчи кунданоқ ғалати одатлар чиқара бошлишди. Шулар орасида Мирҳайдар ҳам бор эди. У икки-уч кунгача олган нонни емасдан солдатларга сотар, кейин йикқан ҳамма пулига бир йула бир буханка нон олиб, бир ўтиришда пок-покиза туширади-ю, кейин яна кўзини лўк килиб ўтираверарди. Кейинчалик у ўзига ўхшаган уч-турттасини топиб олди, кечалари бир соат бўш вакт берилганида, ҳамма китоб ўқиса, хат ёзса, булар ошхонага тўпланишиб, ҳадеб овқатдан гаплашишар, теккан бир чақмоқ қандини тамакига, тамакисини бир бурда нонга алмаштиришиб “савдогарчилик қилишарди”. Буни кўрган солдатлар: Ана Олой бозорида “савдо бошланди”, деб қулишарди.

Бир куни кечқурун Мирҳайдар билан овқат олиб келгани ошхонага бордик. Кун совук, туф десанг, тупук ерга тушмайди. Қоронғида қокиниб-суриниб, ўн беш челак қарам шўрва, икки челак шавла билан икки коп нонни зўр-базўр кўтариб келдик... Старшина, одатда челакларни санаб олгандан кейин, узун сопли катта чўмич билан шўрвани ковлаб қуриш одати бор эди. Ковлаганда челаклардаги масаллик юзага қалқиб чиқарди. Бу сафар баъзи чепаклардаги масаллик бут чиқди, лекин иккита чепакдан на гўшт чиқди, на картошкада!

— Эҳтимол, ошпаз янглишгандир, — дедим хижолат чекиб.

Шу пайт старшина, бу ёкка кара, деб елкамга туртди. Қарасам, Мирҳайдар орқароқда шумшайиб турар, шине-

тининг чўнтағидан эса худди қозон қайнаётгандай паға-
лаға буғ кўтарилади!..

– Солдат Норбўтаев, бир қадам олдинга марш! – деб
буюрди старшина.

Мирхайдар сувга тушган мушукдай шумшайиб, бир
қадам олдинга чиқди. Шунда солдатлар унинг чўнтағи-
дан кўтарилаётган буғни кўриб, бирдан қах-қах отиб юбо-
ишди!

Старшина бўлса, бутун ротани йиғди-да, унга караб:

– Қани, чўнтағингдагини котелокка сол! – деб буюрди.

Илож қанча? Бечора инкиллаб-синкиллаб чўнтақлари-
ан картошкa билан гўшт бўлакларини битта-битта олиб, ко-
елокка сола бошлади. Ҳар битта картошкани олганда, бир
аҳқаҳа кўтарилади. Узи ҳам ер ёрилмади, ерга кирмади!..

Старшина уни ўша ернинг ўзида тўппа-тўғри гаупваҳ-
ага жўнатди...

Арслон шуларни эслаб, яна унга тегиша бошлаган эди,
серкабой:

– Э, кўйсайши, Арстан! – деди энсаси котиб. – Биз се-
нинг аскиенгди соғиниб келмадик бу жерга. Элди сағи-
лп, бир ангимелесейик, деп келдик...

Ҳамманинг “сиридан” вokiф бўлган Арслон дархол
нинг ўзига ёпиша кетди:

– Қалай, Чипоргулдан хат келиб турибдими, Серка-
ой? Бирорта Кўйбой, Йилқибой, Туябойга тегиб кетмаб-
дими, хайтовур?

Серкабой ҳам бўш келмай:

– Майли, – деб кулди. – Чипоргул қашиб кетса, Пар-
шагул бор. Паршагул бўлмаса, Сапаргул бор...

‘У кўлларини бошининг орқасига кўйиб чалқанча ёт-
и-да, чукур хўрсишиб:

– Ёпираи! – деди. – Шу топда Туятасда нималар
ўляпти экан? Овулдинг қиз-келиншектеримен бўз бола-
рии жайловга шикиб ўлан айтисаётгандир-ов!..

Аллақандай майин, тонг шабадасидай илик бир туйғу – соғинч туйғуси ёпирилиб келди-ю, дилларни чулғаб олди... Күз олдимга боғларга күмилган қишилек, иккى томони тутзор тор масжид, атрофи корли чүккілар билан үралған Тұятош яйлови, худди тұнтарылған пиёладай үтовлар, чүлпилари майин шилдираган козок қизлари келди... Сукут чүзилиб, дилларда уйғонған соғинч туйғуси тобора ортиб борар, у дам маңыос хаёлларга олиб кетар, дам күнгилни равшан қилар, дам киндик кони түкилған она юртнинг накадар узокда қолганини эслатиб, юракни зирқиратар эди...

Үртага чүккан жимликни Серкабой бузди.

– Овулга омон-соғ қайтсам, – деди хұрсиниб. – Түй киламан, адирда күпкари шоптириб, пойга бериб, оламин Чипоргулни.

Арслон унинг бикинига туртиб кулди:

– Сен-ку, түйни энди қиласан. Аммо Шоюсуфға кийин. Айтмокчи, хотинингдан хат келиб турибдими, оғайни? Бевафолик қилмаяптыми, ишқилиб?

– Құйсанг-чи шу гапни! – деди Шоюсуф, унинг овози аллақандай аянчли әшитилди-ю, үртага яна нокулай жимлик чүкди.

Кишлоғимиздан армияга чакирилған йигирма чоғлик йигит ичиде биттау битта уйланғани шу Шоюсуф эди. Бечора соддалик қилиб, йүлда, эшелонда кетаётганимизда, биринчи никох кечасининг ҳамма тағсилотларини гапириб бериб, кулгига қолған эди. Шоюсуф бу кулги ва кочириклардан қаттық әзилар, хотинидан хат кечиккан пайтларда эса ёш боладай үксіб йиғламсираб колар эди. Бу сафар ҳам хат кечиккан эканми, билмадим, Арслон яна тегиша бошлаган эди, үрнидан туриб кетди.

– Қачон құясан шу гапларингни? – деди у йиғламсираб.

Шу пайт коронғидан:

– Ҳа, нима жанжал, йигитлар? – деди таниш овоз эшитилди. Бу гвардиячи капитан эди. У:

– Құзғалмандар, құзғалмандар! – деди-да, ёнимизга келиб ёнбошлади. – Хүш, тинчликми, йигитлар?

– Ҳа, шу... ҳазиллашиб үтирувдик, үртөк капитан!

Арслон Шоюсуфнинг құлидан тортиб үтқазди.

– Биз буни Шоюсуф лапашанг, деймиз, үртөк капитан. Лекин үзи лапашанг бұлса ҳам бало! Корасувнинг гулдай кизини тузоғыга туширган.

– Демак, маладес экан-да! – деб кулди капитан.

– Маладесликка маладеску-я, лекин бу ёғи қандок бұлар экан? – деди Арслон. – Хотини жуда кетворган эди-да.

Шоюсуф Арслоннинг құлинни силтаб ташлади, боягидан ҳам аянчли асабий овозда:

– Сенга қолса, бу дунёда битта ҳам вафодор хотин йүк! – деди овози қалтираб.

Мен ер остидан капитанга қарадим. Унинг чехрасидағи бояги табассум сұнған, бошини бир томонга әгіб, бир нұктага тикилиб ётарди.

– О-о, вафо, вафо, – деди Арслон. – Хотиннинг сени деса, қишлоқдан чиқмасынған туриб, раисга секретарь бұлармиди, каллаварам?

Капитан тұsatдан шахт билан құзғалиб:

– Нима қиласан шу гапларни гапириб? – деди кескин. – Туппа-тузук йигит, қаёқдаги бачканы гапларни гапириб үтирибсан?

Арслон үнгайсизланиб йұталиб, бошини пилоткаси билан ишқаб:

– Ҳазил-да, үртөк капитан! – деди.

– Йүк! Бировнинг күнглини оғритадиган гапларни ҳазил деб бұлмайди! Ҳаммаларинг бир қишлоқдан экансизлар, дұст экансизлар, нима қиласизлар бир-бирларингизни ранжитиб.

Бу гап Шоюсуфга ёқди, шекилли:

— Урток гвардиячи капитан! — деди. — Агар мумкин бўлса... бизни ҳам ўз батальонингизга олсангиз. Ҳаммамиз бирга бўлардик, нима дейсиз?

Капитан кулди.

— Авваламбор, ҳалиям ҳаммамиз бир полкдамиз. Колаверса... Ҳаммаларинг бир жойга йигилиб, бир-бирларингнинг пинжларингга сукиласвернишдан фойда йўқ, йигитлар. Армия – сизлар учун катта бир мактаб. Бу мактабдан фойдаланиб... Хуллас, пишиб чиникиш керак, йигитлар! – Капитан шундай деди-да, соатига қаради.

— Соат ўн бирдан ошибди, ётайлик, йигитлар.

Ҳаммамиз қўзғалдик. Капитан бизни кўргани келган йигитлар билан қўл бериб хайрлашаркан:

— Сизларга айтадиган биттга гапим бор, йигитлар, – деди секин. – Сафар жуда оғир бўлади. Бутун Гоби сахро-сини пиёда босиб ўтамиз. Белни маҳкам боғланглар. Ҳамқишлоклар деган номга доғ тушмасин!..

Даврон ака менга қарамас эди. Лекин гапларида булакча бир самимият бор эди. Мен буни сездим-у, ҳалиги килиғим эсимга тушиб, ўзимдан каттиқ ранжидим.

* * *

Капитан ҳақ. Бу чиндан ҳам мислсиз машакқатли сафар, чексиз, чегарасиз олис йўл эди. Кўз илғамас бепоён сахро, бир-бирига туташиб кетган пастак кирлар. Кўкламда униб чикқан гиёхлар аллақачон жизғанак бўлиб ковжираб ётибди. Гоҳо-гоҳодагина кўкаламзор сойликлар учраб колади. Сойликларда ёйилиб юрган подалар, саёз дарё бўйларига тикилган ўтовлар кўринади. Бу ўтовлар, ўтовлар айланасида ўйнаб юрган болакайлар, сойликда ёйилиб юрган подалар худди яйловларимизни эслатади-ю, кўнглим бир хил бўлиб кетади... Бошқа пайт, эртадан кечгача бир хил манзара,

корамтир кирлар, беноеңи жигарранг саҳро, булутсиз осмон сатҳида сокин сузган калхатлар, ерда эса факт юмронқозиклар-у, биздан кочиб ўзларини ковакка урган калтакесаклар...

Кенг саҳро қўшинга тўлиб кетган. Олдинда сағ тортиб кетаётган аскарлар узокдан ўрмалаб бораётган чумолиларни эслатади. Ўктин-ўктин ўнг ва чап томонларимиздан тягачларга миниб олган артиллеристлар ва зеничилар тўпларини судраб ўтишарди, солдатлардай сағ тортган оғир танклар ерни ларзага солади. Люкларини ланг очиб, ялангочланиб олган танкистлар, бизларга қараб, қўл силкитишади, тишлирини яркиратиб кулишади:

– Ҳа, дала маликаси! Ахвол калай? Қани, бошингни кутар. Дадилрок одимла! – деб қичқиришади. Биз бу хушчакчақ, соглом, баҳтиёр йигитларга ҳасад билан тикиламиз, улар узоклашиб кетгунча термилиб қоламиз. Лекин баъзан, айниқса, туш пайтларида, биздан кулиб ўтган танкистлар ўзлари кулгига колишади. Бу “дашти Карбало”га олов пуркаган офтобга ҳатто темир ҳам бардош беролмайди. Моторлар кизиб, шараклаб колади, радиаторлар очилганда вакирлаб қайнаган лойка сув осмонга фонтан бўлиб отилади. Ҳар туёғи ўчоқдай келадиган, филсифат немис отлари эса худди сувдан чиқиб қолган баликдай, оғизларини каппа-каппа очиб, йўл бўйига йикилиб қолади... Фақат пиёда аскарлар – оғирга ҳам, енгилга ҳам ўрганиб колишган, улар бепоён даштни вазмин одимлаб, бир маромда илгарилаб боришади...

Ҳар куни эрталаб йўлга чиқишида олиниадиган бир фляга сув сал ўтмасданоқ исиб колади, лекин исиб колган бу шўр сувининг ҳар бир томчиси бир тиллага тенг. Уни факт оғизлар курукшаб қолгандагина хўплаш мумкин. Бошка пайт бир култум ютсангиз, командирларнинг

сүкнишига коласиз. Рост, взвод командиримиз старшина Сало бошқалардай “шафқатсиз” эмас, аксинча, шунчалик мулойимки, ёш солдатларга “үғлим” деб мурожаат килади, ўз теңги солдатларни эса исми-фамилиясини айтиб чакиради.

Елкамда күл пулемёти. Үкланган иккита дискани ёрдамчим Вася Колбаскин күтариб олган. Васяниң фамилияси қандай ғалати бұлса, афти-ангори ҳам шундай ғалати: сочи, қош-құзлари, ҳатто киприкларигача оппоз-у, юзи қип-қизил, тұғрироғи, аллақандай пуштиранг. Бу ҳам етмагандай, узун бурнининг бир кават териси офтобда шилиниб, худди пүсти олинган колбасадай кип-қизарыб колган. Шунинг учун солдатлар унга тегишгани тегишиган. Бири: “О, қани әнди ҳозир бир кило колбаса бұлса, нон билан пок-покиза тушириб олсанг!” – деса, яна бири бурнига ишора қилиб: “Вася! Офтобда жингиртоб булиб кетибди-ку, колбасанг”, – деб кулади.

Вася ҳам бұш келмайди.

– Күп сукланиб қарайверма! – дейди узун бурнини ишқаб. – Күзинг тегади!

Васяниң кувноқлиги учун ҳамма яхши күради. Дам олиш пайтлари капитан ҳам келиб: “Ха, Вася, ишлар қалай?” деб ҳол-ахвол сұраб туради. Вася эса:

– Мендан олдин старшинадан ахвол сұранг, үрток капитан! – дейди муғомбираona кулимсираб. – Бу офтобда колбасадан күра салога кийин, үрток капитан.

Капитан кулиб, асқияни илиб кетади:

– Ха, тұғри, әхтиёт булиш керак. Чунки сало офтобда зриб кетса, колбасаниң ҳам мазаси қолмайди!

Капитан кула-кула бошқа взвод ва роталарга үтиб кетади. У баъзан Арслон билан ҳам хазиллашади, менга эса индамайди, тұғрироғи, ўзини күриб күрмаганга солади.

Сахро коронғиликка чүмиб, осмонда илк юлдузлар күринганида бирорта кир ёнбағрида тұхтаймиз. Овқат

емасданоқ, такир ерга чодирларин түшаб, үзимизни тап-па-таппа ерга ташлаймиз. Туннинг совуклиги ҳам, ернишг қаттиклиги ҳам билинмайди, буюм халтамизга бошимиз-ни кўйишимиз билан пинакка кетамиз. Эрта сахар, ҳали осмонда юлдузлар сўнмасдан яна йўлга тушамиз...

* * *

Сафарга чиқканимизнинг бешинчи ё олтинчи куни эди чамаси, сахрода рўй бериши мумкин бўлган энг даҳшатли ҳодиса содир бўлди.

Тик тепага келган офтоб олов пуркайди, тандирдай қизиган сахрода тангадай соя йўқ, гўё бутун табиат солдатга қарши ўчакишгандай, унинг иродасини букишга аҳд қилгандай эди. Адирлар оша хориб-толиб қудукка зурға етган роталар икки кир ўртасидаги сойликка тап-па-таппа ташлаб, чўзилиб колди. Курукшаган, иссиқдан ковжираган лабларда факат бир оғиз сўз: “Сув!.. Сув!..” Сергўшт, серёғ шавлага қарайдиган одам йўқ: Сув! Сув!

– Ҳамма офицерлар полк командирларининг олдига йигилсин! – деган буйруқ келди.

Ярим соатдан кейин офицерлар қайтиб келишди.

– Ротадаги ҳамма идишлар: овқат ташийдиган баклар, флягаляр, котелоклар – ҳаммаси старшиналарга топширилсин! – деган буйруқ берилди.

Бу ўртада сойга иккита бензовоз келиб тұхтади.

– Сув келди! Сув! – деган қувончли қийқириклар эши-тилди.

Икки бензовознинг атрофини бир зумда тумонат одам куршаб олди. Сув тарқатаётган сержантларнинг гапига кулок соладиган одам йўқ.

Тұсатдан, учинчи ротанинг старшинаси – новчадан келган чиройли сержант нима ҳам бўлиб, бизнинг мўмин-мулойим Сало билан олиша кетди. Уларга солдатлар

күшилишди. Тұс-түполон күтарилған әди, хайрият, рота командиримиз, старший лейтенант Харитонов келиб қолди. У бир сакрашда бензовознинг устига чиқди-да, түп-пончасини қинидан чиқарып, осмонга устма-уст беш-олти ўқ узди.

– Бас! Бұлды! Старшиналар үз жойларига турсин! Ҳар бир взвод үз навбати билан келсин сувга!

Харитоновнинг ўт чакнаган күзларида, қорайиб кетған чехраси ва пистолетини ҳавода үйнатиб буйруқ берішида илгари тасаввур қилиш қийин бўлган бир шиддат ва катъият бор әди.

Шов-шув, ғала-ғовур бирдан босилиб, ҳамма сафга турди. Бизнинг тўқсон кишилик биринчи ротага йигирма котелок – тўрт солдатга бир котелокдан сув тегди. Сув лойқа, ундан бензин, ҷалов ҳиди анқиб турарди. Мен котелокни бошимга күтариб, ҷалов ҳиди анқиб турган сувни ичаётганимда, ёнимизга кетма-кет иккита студебеккер келиб тұхтади-да, ўша томондан:

– Бормисан, шоир? – деган таниш овоз эшитилди.

Биrinчи студебеккернинг кузовида, тоғдай уюлган қоплар устида, хушнуд тиржайиб Мирҳайдар ўтиарди! У кўлини кузовга кўйиб, ерга сакраб тушди. Эгнида янги гимнастёрка, оёғида хром этик, бошида пилотка ўрнига офицерлар киядиган фуражка. Мирҳайдар тунов кунгидан хам тұлишиб, аллақандай йилтиллаб кетган, агар пешонасидан оқкан жимир-жимир терни демаса, сахрова эмас, курортда юрган одамга ўхшар әди.

– Бурнинг ерга тегай деб копти-ку, оғайнни! Айтудим-а, қийналиб коласан, деб! Ўжарлик қилдинг-да, дўстим!

У ачиниб уст-бошимга қараб юзини бужмайтириди. Кўзим беихтиёр бесўнақай катта ботинкаларимга, тердан шўри чиқиб, оқариб қолган шимимга тушиб, кизариб кетдим-у, дағаллик билан:

— Майли! – дедим, – ўжарлик килган бұлсам жазосини
ўзим тортаяпман. Сенга нима?

Мирхайдар дағаллигимни күнглига олмай мийигида
кулимсиради-да:

— Сув ичасанми? – деб камариға боғланган флягасини
еча бошлади. Лекин шу пайт:

— Бу машиналарда нима бор? – деган таниш овоз эши-
тилди.

Бириңчи студебеккернинг ёнида гвардиячи капитан
билин батальон штаб бошлиғи, сочларига оқ оралаган
кекса старший лейтенант туарар эди.

Мирхайдар ғоз туриб:

— Машиналарда... макарон, ун, қанд-курс бор, ўрток
капитан! – деб жавоб берди.

— Қоплар туширилсін! – деди гвардиячи капитан тұ-
сатдан.

Мирхайдар оғзи очилганича бир зум ағрайиб қолди,
кейин:

— Ўрток гвардиячи капитан! – деб бақириб юборди. –
Ахир, мен... ўз хұжайиним, капитан Ногаевнинг буйруғи-
сиз...

Даврон ака ранги үчиб, кескин күл силтади:

— Юклар туширилсін! Ҳозир сувга боради машина-
лар! – деди. Сұнг ёнида турған рота командиримизга юз-
ланиб, машиналарга ишора қилди. – Харитонов!

Унинг буйруғини изоҳсиз тушунған Харитонов би-
ринчи машинага сакраб чиқди-да:

— Старшина Сало!.. Солдатлар! – деб бақириди.

“Сув” сұзини эшитған солдатлар күтилмаган бир шод-
лик билан машиналарга ёпирилиб чикишди. Саросимага
тушған Мирхайдар: “Ўртоқ капитан! Ахир бу... ахир!”
деб дам Даврон аканинг олдига чопиб борар, дам маши-
наларга қараб югуради. Тұсатдан у: “Ахир... ахир хұжа-
йиним бор-ку!” – деди-да, кирға қараб чопиб кетди.

Даврон ака ёнидаги штаб бошлиғига юзланиб:

– Ҳамма роталарни шу ерга йиғинг! – деб буюрди.

Солдатлар оғир ҳансирашиб, ҳамон копларни ағдаришар эди. Мен қаёқдандир югуриб келиб, биринчи машинаға тирмашган Арслон билан Васяни күриб, уларга құшилмоқчи бұлдим-у, кузовда турған Харитоновнинг:

– Үртөк комбат! Ногаев келяпти! – деганини әшитиб, беихтиёр Мирхайдар кетған томонға қарадим.

Капитан Ногаев билан Мирхайдар ёнма-ён югуриб келишарди. Ногаев дам пешонасига құндырған фуражкасими бостириңкираб құяр, дам камарини түғрилаб, гимнастёркасининг этагини тузатар, важохатидан худди кела солиб, муштлашиб кетадиган одамға үхшарди.

Даврон ака бошини бир томонға сал қийшайтириб жимгина кутиб туар, у жуда вазмин күринар, лекин кисилған құзларига қараганда, у ҳам асабий ҳолатда эди. Ногаев ерда тоғдай уюлиб ётған қопларнинг ёнидан үтиб, Даврон аканинг рўпарасида тұхтади. Унинг чиндан ҳам кавказликларга үхшаган шиддатли юзида қон қолмаган, бурун катаклари керилған, күzlари кисилған эди.

Ғала-ғовур бирдан тұхтаб, ҳамма жим бұлиб қолди.

– Үртөк Ғозиев! – деди Ногаев “капитан” сўзини құшмасдан. – Сизга ким рухсат берди бундай қилишга?

Гвардиячи капитан пешонасини тириштириб:

– Капитан Ногаев! – деди секин. – Юринг, четрокка чиқиб гаплашайлык!

– Йўқ, кечирасиз! – Ногаевнинг овози таҳдид билан янгради. – Мен четга чиқиб гаплашадиган жиной иш қилганим йўқ! Бундай буйруқ беришга ким рухсат берди сизга?

– Вазият! – деди Даврон ака. – Тушундингизми, вазият! – такрорлади у. – Ҳозир сув керак. Биринчи навбатда сув!

— Сув керак бўлса, марҳамат, таъмин этинг! — кичкирди Ногаев. — Лекин сиз... батальон ихтиёрида бўлмаган машиналарнинг юкини тушириш ҳакида буйруқ беришингиз!..

Ногаев Даврон аканинг ёнига келиб тұхтаган Оляни күриб, бир зум дудукланиб қолди.

— Сиз бу ишингиз учун полк командири олдида жавоб берасиз! — деди Ногаев.

— Бас! — Даврон ака тұсатдан бакириб юборди. — Мен хеч қачон үз буйруқларим учун жавоб беришдан бош тортган эмасман! Бу сафар хам бош тортмайман!

— Яхши... лекин... — Ногаев қулт этиб ютиди. — Сиз нима учун менинг ишларимга тұғаноқ бұлаётганингизни биламан. Сиз мени...

— Гапни айлантирманг! — деди комбат ғижиниб.

— Бұпти! Белобородов олдида гаплашамиз! — Ногаев шитоб билан бурилди ва текис жойда қоқилиб-суриниб, келган томонига югуриб кетди. Унинг кетидан Мирхайдар ҳам лўкиллаб жўнаб қолганди...

Гвардиячи капитан жим бўлиб қолган солдатларнинг ёнидан үтиб, биринчи машинача чиқди. Роталар машина атрофини куршаб олган, юзлари чўяндай корайган солдатлар, жунбишга келган офтобда қуиилаётган терларини артиб, қурукшаган лабларини ялаб, комбатга жимгина тикилиб туришар эди.

— Үртоклар! Солдат ва сержантлар! — гвардиячи капитан бошидан фуражкасини олиб, кафти билан пешона терларини сидириб ташлади. — Бу ердан йигирма километр нарида сапёрлар ҳозир қудук казишаپти. Ҳамма куч, ҳамма техника ишга солинган. Бир-икки соатдан кейин сув бўлади. Лекин биз бу ерда сув келишини кутиб, осмонга қараб ётолмаймиз!.. — Комбат сўзидан тұхтаб, сукутга ҷўмған солдатларга тикилди. — Ҳозирги вазият — шиддатли жангдан қолишмайди! Умуман, бу юриш, бу жазирама

саҳро, бу сувсиз чўлда босиб ўтилган ҳар бир километр йўл... япон империалистларига, мамлақатимиз бикинида бизга таҳдид солиб ётган Квантун армиясига берилган бир зарба демакдир! Шунинг учун шиддатли жангга кирган солдатдан қандай жасорат, ирода, матонат талаб қилинса, ҳозир сизлардан ҳам шундай ирода ва матонат талаб қилинади... Мен сизларда бу ирода, бу матонат етарли эканига аминман!

Капитан пешона терларини яна сидириб ташлади-да, овозининг борича:

– Батальон! – деб буюрди. – Рота-рота бўлиб сафлан!

* * *

Яна ўша бир-бирига туташган ясси адирлар, ўт-ўланлари офтобда куйиб, окариб қолган шўрхок сойлар, уфкка туташиб кетган бепоён такир сахро...

Эрталабки кулги, ҳазил-мутойиба, ғовур-ғувур тинган, солдатлар қуруқшаган лабларини ялаб, чўяндай оғир оёқларини базўр кўтариб, оҳиста тебраниб боришади.

Ана, биринчи кир орқада қолди, иккинчи кир ортидан учинчи кир ҳам кўринди... Тишимни тишимга қўйиб, энг сўнгги кучимни йиғиб олдинга интиламан, лекин иккинчи кирга чиқа олдимми, йўқми – билмайман. Фақат Арслон кўлимдан пулемётимни олгани эсимда. Бир маҳал кўзими очсан... кир ёнбағрида ётибман. Бошимда учбурчак чодирнинг дўппидек сояси. Ёнимда Оля, пилоткаси билан юзимни елпиб ўтирибди.

Олянинг бошида фуражка. Фуражка унга жуда ярашган-у, офтобда сал корайган мулоийм чехраси тағин ҳам очилиб кетган. Негадир капитанг айтган гапларим эсимга тушиб, кўзимни қайта юмдим: биладими, йўқми?

Оля кимирлаганимни кўриб, тепамга энгашди.

– Ҳа, калайсан, Мансур? – у кўзларини сал сузиб, кулимсирайди, – мен гвардиячи капитаннинг ҳамشاҳарлари

иссиққа чидамли бұлади десам, биздан ҳам баттар әкаисизлар-ку!

Олянинг кинояси оғир ботади-ю, бор кучимни түплаб қаддимни ростлаб үтираман. Қуёш уфкқа ёнбошлаган, лекин ҳамон үт пуркайди, жизиллатади. Кунботиш тарафда, то олисдаги кирларга қадар, ҳар жой-хар жойда бир чодир. Чодир тағидан менга үхшаб офтоб уриб, йиқилиб қолган солдатларнинг оёклари күринади.

– Сен бошингни сояга яшириб қимирламай ётавер! – деди Оля. – Йиқилиб қолдингми, энди номус қилмай күя - қол. Мен бошқа солдатларга қарай...

Тұсатдан қулоғимга гувиллаган бир овоз чалинди. Оля иккимиз баравар үгирилиб қараймиз. Узокдаги адирнинг ёнбағрида бир нима үрмалаб келяпти! Йүқ, бу сувга кетген юқ машинаси эмас, юриши тез, үзи ҳам қора құнғиздай кичкина. “Құнғизча” йүл ёқасидаги хар бир чодирнинг ёнида тұхтаб-тұхтаб келяпти...

– Полковник Белобородов! – дейди Оля ва фуражкасина тұғрилаб үрнидан туради.

“Оббо! Шарманда бұлдым-ку”, дейман ичимда ва яна сояга құзилиб құзимни юмаман. Бир лахзадан кейин “амфибия” тепамда тұхтайди. Эркак кишининг бүгік, аллақандай чарчоқ овози эшитилди:

– Батальонда неча киши йиқилиб қолди?

– Анча бор, үртоқ полковник! Күпчилиги ёш солдатлар...

Секин құзимни очаман. Тепамда, Олянинг ёнида, кулранг гимнастёркасининг күкрагида Совет Иттифоки Каҳрамони, Олтин Юлдузи полковник Белобородов турибди! У тунов кунгидай бардам эмас, құзлари кирта-йиб қолган, юзи офтобда корайған, үзиям жуда ҳорғин күринади. Бор кучимни йиғиб, қаддимни ростлаб үтираман.

Оля құзини мендан узиб, полковникка қарайди.

— Бунга пулемёт эмас, автомат беришсаям бўларди.
Ёш солдат...

Полковник индамай ёнимга чўккалаб, елкамга қўлини
куяди.

— Нима бўлди, солдат? Чарчаб қопсан-да, а?

Унинг кексаларга хос бўлакча меҳр билан “солдат”
дейиши қулоғимга Салонинг “үғлим” дейишидай мулодийим
эшитилади-ю, уялиб ерга қарайман.

— Ўзим ҳам билмайман, ўрток полковник...

— Сувдан борми? — дейди Белобородов шоффёрга юзланиб.

— Йўқ, ўрток гвардиячи полковник. Бинода бир томчи
ҳам сув қолмади.

— Флягамни ол!

Шоффёр флягани беради, полковник уни менга узатади.

— Ма, ич, солдат!

Сув илиқ, лекин боягидай чалов ҳиди йўқ, аксинча,
шакардай ширин. Назаримда, томир-томирларимга ҳаёт-
бахш бир нарса тараалгандай бўлиб яйраб кетаман. Фляганни
оғзимдан зўрға олиб, полковникка қарайман.

— Қалай? — дейди у кулимсираб.

— Раҳмат, ўрток полковник! — мен тиззаларим қалти-
раб бўлса ҳам ўрнимдан тураман.

— Қалай, ўзинг юриб кета оласанми, солдат?

— Ҳаракат қиласман, ўрток полковник!

— Мана бу бошка гап! — дейди полковник мийигида ку-
либ. — Сени кара-ю, шундай чиройли қиз иссиқни писанд
қилмай кулиб турибди. Сен бўлсанг сулайиб ётибсан.
Яхши эмас. Ҳозир сувга кетган машиналар келади. Балки,
олдингдан чикиб қолар...

Ер остидан Оляга карадим. У негадир кизариб, гим-
настёркасининг тугмасини ўйнаб туради.

— Машинага чик, Олењка, — деди полковник. — Сол-
датлардан ҳол-аҳвол сўраб, айланиб келайлик... Комбат
сувга кетгандир-да?

— Худди шундай, ўртоқ полковник! — деди кичик лейтенант.

— Ҳмм... анча солдат йўлда ётибди... Хўп, яхши, машинага чиқ!

Белобородов менга қараганини кўриб, секин йўлга тушдим.

Қаршимдаги тепаликнинг устида юқ машинаси кўринди... Капитан бўлса-я!..

Шу топда мени капитанни кўришдан, тўғрироғи, у мени бу аянчли аҳволда кўриб колишидан курқардим. Шоша-пиша ўзимни қандайдир чукурга отдим.

Лекин машина гувиллаб келиб, тепамда тұхтади. Кимдир ундан сакраб тушганини сезиб, қизариб-бўзарип ўрнимдан турдим. Рўпарамда... Даврон aka турарди! Гимнастёркасининг ёкаси кўкрагигача очилган, корайган юзида маржон-маржон тер, кўзларида ҳайрат.

— Сен нима қилиб ётибсан бу чукурда?

— Ҳа, шу... ўзим!..

— Қойил! — капитан ғижиниб яна бир нима демокчи бўлди-ю, гувиллаган овозни эшишиб, оркасига ўгирилиб каради.

Мотор қаттиқрок ўкириб, қаршидаги тепанинг устида студебеккер кўринди. Машинанинг кузовида кимдир кабинага суюниб турарди.

Ногаев!

Студебеккер комбатнинг машинасига етмай тормозларини ғичирлатиб тұхтатди. Ногаев кузовдан сакраб тушиб, кабинанинг эшигини очди. Кабинадан баланд бўйли, ёш бўлса ҳам қорин сола бошлаган подполковник тушиб, машинанинг ёнида оёқларини кериб тұхтади.

Капитан Ногаев чиройли мўйловини фалати кимирлатиб қулимсиради:

— Мана, марҳамат, ўртоқ подполковник..

Подполковник индамай комбатга тикилиб турар, комбат ҳам бошини бир томонга эгиб, унга қадалиб қолған эди.

- Капитан Фозиев! – деди нихоят подполковник.
- Комбат фуражкасини тұғрилаб, қақроқ ерни тап-тап босиб подполковникнинг олдига борди.
- Эшитаман, үртоқ подполковник!
- Подполковник қаддини ростлаб:
- Нимани эшитасиз? – деди жеркиб, – ундан күра жавоб беринг. Полк ихтиёридаги машиналарни тортиб олишга ким рухсат берди сизга?
- Үртоқ подполковник...
- Жавоб беринг!
- Үзингиз күриб турибсиз, вазият оғир, үртоқ подполковник. Сув...
- Вазият оғир бұлса, кимматбаҳо юкларни ағдариб, машиналарни тортиб оласизми?
- Үртоқ подполковник! – Комбатнинг овози тұсатдан янграб кетди. – Мен бу ишни үзим учун эмас, солдаттарни үйлаб килдим...
- Четроқда турган Ногаев асабий кулимсираб елкасини учирди.
- Эшитдингизми, үртоқ подполковник! Бу киши солдатларнинг ғамхүри-ю, сиз билан биз унинг душманимиз!
- Комбат ялт этиб унга қаради, бирдан ранги үчиб:
- Гапни бурма, Ногаев! – деди титраб. – Агар сен хам солдатни үйлайдиган бұлсанг, арзимаган нарсага шовкин-сурон күтариб юрмасдан, солдатнинг жонига оро киришни үйлардинг!
- Мен үзимга топширилған вазифани үйлайман! – деди Ногаев бурун катаклари пирпираб. У яна бир нима демокчи эди, лекин подполковник оғзидан гапини олди.
- Гоби сахросидан пиёда үтишни мен үйлаб чиқармадим, капитан Фозиев! – деди у вазминлик билан. – Бу құмondonликнинг стратегик плани асосида бұлаёттан иш...
- Тұғри, үртоқ подполковник. Лекин бу планни амалга оширадиган яна үша солдат. Демак, унинг қадрини били-

шимиз, оғирини енгил қилишимиз керак. Бу солдатларнинг күпчилиги тұрт үйл урушган, ҳамма машаккатларни бошидан кечирған одамлар...

Гапга яна Ногаев аралашди.

– Эшитяпсизми, уртқоқ подполковник? – кинояли күлди у. – Бу кишига құмондонликнинг стратегик плани ёкмаяпти. Балки, сиз умуман бу урушга қаршиидирсиз?

Комбат бирдан күзлари ёниб, Ногаевга қаради. Лекин подполковник уни гапирирмади.

– Бас! – деди подполковник ва ср остидан машинада үтирган солдатларга қараб қүйди.

У солдатлар олдида ади-бади айтишиб потұғри кила-ётганини сезиб қолди шекилли, студебеккернинг орқасига үтаркан:

– Капитан Фозиев! – деди. – Қани, бу ёққа келинг-чи!

Комбат билан Ногаев унинг кетидан студебеккернинг орқасига үтишди. Гаплари эшитилмай қолди. Фақат кескин, бүғиқ овозлар қулокқа чалинарди.

Комбат чорак соатдан кейин кайтиб келди. У бояғидан ҳам корайиб кетганга үхшарди. Ёнимдан үтаркан, қисқа килиб:

– Чиқ машинаға! – деб буюрди.

* * *

Бу воеанинг эртасига: бундан буён кечаси йүл юриб, кундузи иссиқда дам олинсин, деган янги буйруқ чиқди.

Штабнинг қарори тұғри: кундузи иссиқдан күра кечаси салқында юрган яхшироқ. Лекин қабарив, конталашиб кетган товонлар барибир чұғ теккандай безиллайди. Ҳар соатдан кейин үн минут дам олиш эълон қилинганида, йүл ёқасига таппа-таппа ташлаб, зирқираб оғриған оёқларимизни осмонга күтарамиз. Тагимиздаги қақрок ер худди пар тұшакдай юмшок қүринади, бошлар ерга тегиши билан күзлар илина бошлайди. Вақт тун ярмиға якын-

лашганда уйку шундай кийнайдики, юриб-юриб кетаёт-
ган солдатларнинг хурраги эшитилади, бирор уйқусираб
коқилиб йиқилади, бирор бунга кулса, бирор сўкинади...
Баъзан, шундай пайтларда кимdir секин ашула бошлайди:

Малинка, малинка, малинка моя...
В саду ягода малинка, малинка моя...

Ашулага олдин биринчи қатордаги солдатлар, кейин
бутун рота қўшилади. Аста-секин бошқа роталар ҳам ашу-
ла бошлайди-ю, коронғиликка чўмган поёнсиз сахро лар-
зага келади... Назаримда, сахро билан бирга солдат қалби
ҳам ларзага тушади, юмилиб бораётган кўзлар чараклаб
очилиб кетади, кадамлар зарб билан урила бошлайди. Сал
ўтмай, ашулага қарсак қўшилади. Кимdir ротанинг олди-
га тушиб, рақс бошлайди. Ён-ёқадан завқланган овозлар
эшитилади:

- Яхши, Оля!
- Қиз эмас, бамисоли олов!
- Бу оловнинг таптига бир тушиб кўр – ёндиради!
- Ёнсанг ҳам, шундай қизнинг таптида ёнсанг қаний-
ди-я!

Қарсаклар авжига чиқади. Ён-ёқадан: “Ха, ҳақ, ҳақ,
ҳақ!” деган жўр хитоблар янграйди.

- Қани, юрагида ўти бор бирор солдат йўқми?
- Бор бўлса даврага чиқсин!

Тўсатдан:

- Яша, Арслон!
- Қойил! – деган хитоблар янграйди.

Мен қоқиниб-суриниб бўлса ҳам олдинга ўтаман. Ўта-
ман-у, уч-тўртга қўл фонарлар нурида юришдан тўхта-
май, рақсга тушиб кетаётган Оля билан Арслонни кўриб,
оғриқ ҳам эсимдан чиқиб кетади. Арслон пилоткасини
пешонасига суриб, кўллари билан сонларини аёвсиз ша-

патилаб Олянинг атрофида парвона бўлар, Оля ҳам бўш келмас, бежирим этикчаси билан шафқатсиз ер депсиниб, дам унинг атрофида айланади, дам муком килиб, оркаси билан юриб узоклашиб кетар эди. Қарсак, хуштак ва кичкириклар тобора авжига минади, кейин:

– Яша, Вася!

– Бормисан, Колбаскин! – деган хитоблар эшитилади.

– Шоирмисан? – Арслон коронгида пилоткаси билан бўйинни, юзини артиб ёнимга келади. – Бало-да, бу Оля! Бир ўзи ўн йигитни чўкийди-я, куриб кетмагур!

– Чарчасанг, нима қилардинг ракс тушиб?..

– Қизиксан-а? – деди Арслон кулиб. – Шундай киз таклиф қиласи-ю, чарчоқни ўйлайсанми? Хўш, ўзинг қалайсан, оғайни?

Тўсатдан, каердандир, оркадан – зим-зиё чўлнинг каъридан гувиллаган овоз эшитилди, сўнг қоронғиликни машина фараларининг шуъласи ялаб ўтди. Лахза ўтмай, оғир тўпларни шатакка олган тягачлар ёнгинамиздан “ғиз-ғиз” ўта бошлади...

– Тўхта! – деди Арслон. – Пулемётингни менга бер! Мен тягачларга осилиб оламан. Қўрқма: йигирма-ўттиз чақиридан кейин тушиб, сенларни пойлаб ётаман!

– Агар булар бошқа йўлдан кетса-чи?

– Қанақа бошқа йўл? Бу сахрода факат битта йўл бор!

Арслон автоматини бериб, пулемётимни олди-да, қоронғиликка, машиналар ғиз-ғиз ўтаётган томонга шўнғиди.

Пулемётни Арслонга топширгандан кейин бирдан енгил тортдим, лекин енгил тортганим ҳам курсин, сал ўтмай, юрагимни вахима боса бошлади. “Арслон бу поёнсиз сахрода адашиб кетмасмикан? Агар артиллерија қисми бошқа ёкка кетаётган бўлса-чи? Бир-биримизни қандай топамиз? Пулемёт нима булади?..”

Сахар пайти аллақандай бир кўлга яқинлашдик. Ғира-шира қоронғиликда олдинда нимадир ялтирагандай

бүлди, кейин билсам, бу шўр кўл экан. Кўлга яқинлашганимизда дам олишга буйруқ берилди.

... Мен қанча ухлаганимни билмайман, юзимга офтоб тегиб уйғониб кетдим. Уйғониб кетдим-у, Арслонни эслаб апил-тапил ўрнимдан турдим.

Полк рота-рота бўлиб, катта шўрхок кўлнинг айланасига жойлашган, бировлар кўлда чўмилар, бировлар кийим-кечакларини ювиб офтобда куритар, бировлар сув иситар эди.

Юрагим така-пука, старшина Сало тугул, сержантга ҳам айтишга тилим бормай, у ёк-бу ёқни айланиб келдим. Арслоннинг кораси кўринмайди! Юрагимдаги ваҳима тобора ортиб борарди: хозир йўлга чиқишга буйруқ берилса нима қиласман? Пулемётинг кани, деса нима деб жавоб бераман?.. Арслон-чи? Бу бепоён саҳрода адашиб кетмадимикин? Битта-ю битта ҳамқишлоғимдан, акамдай суюниб қолган бу ажойиб йигитдан айрилиб колмасмиканман?

Бир соатча у ёк-бу ёқни айланиб келдим-у, ахийри чидай олмай сержантни четга тортиб, бўлган воқеани айтиб бердим. Сержантнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. У каёқладир югуриб кетиб, старшина Салони бошлаб келди.

– Ҳўш, нима гап ўзи, ўғлим?

У шу топда “ўғлим” демасдан, бақириб-чақириб берса кошки эди!

– Ҳа, шу... ўртоқ старшина. Кечаси Арслон пулемётни олиб, машинага осилиб кетувди...

– Машинага осилиб кетишга унга ким рухсат берди? – Сало сержантга каради. Жиккаккина сержант иягини осмонга кўтариб, ғоз турди.

– Ҳеч ким, ўртоқ старшина!

Сало пилоткаси билан жимир-жимир терлаган ялтироқ бошини артди.

– Топиш керак Арслонни. Топмасак чаток бўлади!.. Колбаскин! – деб чақирди у.

Боши чодирда, оёғи офтобда, мудраб ётган Вася апилтапил ўридан турди.

– Эшитаман, ўртоқ старшина.

– Оғайнинг пулемётини йўқотиб кўйибди-ю, сен бўлсанг оёғингни осмонга килиб ётибсан! Боринглар, ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келинглар!

Вася иккимиз кўл ёқалаб кетдик.

– Нима бўлди ўзи? Қачон йўқотдинг? – деди Вася, опоқ киприкларини пирпиратиб.

Мен бўлган воқеани айтиб бердим.

– Арслон бўлса қўрқма! – деди Вася. – Бало ҳам урмайди унга! Ётгандир бир жойда хуррак отиб! Сен у ёкка бор, мен бу ёқни қарай!

Куёш шўр кўл ортидаги ясси адирларга ёнбошлаган, кундузги ҳарорат хийла пасайган, афтидан бугун бу ердан жилмасак керак, солдатлар ҳали ҳам дам олиб ётишар, дала ошхоналарининг мўриларидан тутун кўтарилимокда эди.

Старшина айтган ярим соат эмас, бир соатга якин вакт ўтди ҳамки, Арслоннинг дарагини топмадим... Энди нима киласман?

Узокдан Вася кўринди. Юрагим ўйнаб унга караб чопдим.

– Топилдими?

– Қаёқда! – Вася кўзини олиб кочди. – Юр, сени комбат сўраяпти.

Комбат билан старшина Сало взвод жойлашган жойдан берироқда, дала ошхонасининг ёнида гаплашиб туришарди.

– Ўртоқ гвардиячи капитан!..

– Рапортни қўйиб тур! – деди капитан. – Арслондан дарак борми?

– Йўқ...

Старшина савол назари билан капитанга каради.

– Нима қиласиз, ўртоқ капитан?

Капитан ҳамон ер остидан менга тикилиб турар, унинг хиёл ранги учган, лаблари қисилган эди.

– Бунақа ишлар учун нима қилиш кераклигини билмайсанми? Иккаласини ҳам... Ҳарбий трибуналга бериш керак! – Капитан шундай деди-да, шартта бурилиб кетди.

Мен жон ҳолатда унинг кетидан югурдим.

– Ўртоқ капитан!..

– Ҳўш?

– Биздан хато ўтди. Лекин... Арслон яхши йигит...

– Йўқ! – капитан кескин бурилди, тўсатдан кўзлари қисилиб. – Эсингдами, – деб сўради, – тунов куни сафарга чиқишдан олдин мен сизлардан бир нарсани илтимос килгандим!

– Эсимда, ўртоқ капитан...

– Йўқ, эсларингдан чиқибди. Ҳозир, уруш пайтида бундай қилиш, ишониб топширилган қуролни бирорга бериб юбориш – жиноят!..

Даврон аканинг гапини Олянинг: “Ўртоқ капитан!” деган овози бўлди. Оля бир ўрим йўғон сочи орқасида ўйнаб, ниманидир боши узра айлантириб биз томонга қараб чопиб келарди.

– Қани, ўртоқ капитан, битта ўйнаб беринг!

– Олењка! Бошқа пайт...

– Йўқ-йўқ, бунақаси кетмайди! – Оля қўлидаги хатни оркасига яшириб, бир-икки қадам чекинди.

– Агар ўйнаб беришга арзимайдиган хат бўлса-чи? Хўп, мана!.. – Капитан бир-икки марта ер депсинган бўлди-да, Олянинг қўлидан “шал” ушлаб хатни юлиб олди, сўнг конвертга кўз ташлади-да, шоша-пиша нари кетди.

– Ўртоқ капитан! – Қизнинг лаблари тўсатдан аллақандай титраб кетди. – Бу ўша... Сиз кутган хат эканми?..

Капитан қўзини хатдан узиб, Оляга қаради. Унинг хаёли қаёқдадир бошқа ёкларда эди!

— А? Ҳа-ҳа... Рахмат, Олеңька!

Капитан йўлида давом этди. Оля эса пастки лабинни тишилаганча, бир-бир босиб, кўлга қараб кетди.

“Хат Саломатхондан!” Сафарга чиққач, хаёлимдан кўтарилигган эски дард бир зум қайта эсимга тушди. Лекин хозир буни ўйладиган ҳолда эмас эдим. Нажот кутиб старшинага қарадим. У томоқ кириб:

— Ўртоқ капитан! — деди. — Буни нима қиласиз энди?

Капитан тўхтади.

— Буни хозирча гауптвахтага юбор! — деди капитан, сўнг бу саҳрова гауптвахта йўклиги эсиға тушди шекили, қўлини силтади. — Арслон топилгунча нарядга юбор! Кечалари сокчиликда турсин, ошхонада ишласин! Шу!

Хаёлимга: “Бу одам... Ўша кунги гапларим учун мендан уч олмоқчими”, деган фикр келди. Бу фикрнинг бемаънилигига ақлим етса ҳам негадир ўқсиб, кўзим жижик ёшга тўлди...

* * *

Кечаси наряддан кайтиб, энди уйқуга кетганимда тревога эълон қилинди.

Саҳрони танк ғилдиракларининг шараклаши, баравар ишга тушган юзларча моторнинг гувиллаши тутиб кетган эди.

Коронғиликда:

— Биринчи рота, сафлан!

— Учинчи взвод, сафлан! Ортимдан марш! — деган овозлар эшитиларди. Кўл бўйида каторлашиб турган студебеккерларнинг ёнида бизнинг рота командиримиз билан яна бир нотаниш офицер кутиб олиб, взводимизга ажратилган машиналарни кўрсатишиди.

Мен капитаннинг кўзига тушишдан кўркиб, машинага тезроқ чиқиб олдим.

Сал ўтмай, “Қўзғалдик!” деган хитоб эшитилди.

Уфқдаги қирлар устида бир чети кемтик сарғиши ой ботмоқда эди. Унинг аллақандай совук шуъласида кенг сахро, теварак-атрофдаги яssi адирлар, күзгудай ялтираған шүр күл, харакатга кирган қүшинлар аллақандай сирли ва улуғвор манзара касб этган. Солдатлар ҳам худди шу дақиқанинг бутун улуғворлигини хис қилгандай, сукутга чўмишган эди. Ёлғиз Вася Колбаскин питирлаб, жойида ўтиромас, ўрнидан туриб: “Қойил! Ҳамма ёқни танк босиб кетибди-я!.. Вой-бў-ўй, машина деганлари жонни роҳати экан-ку!” – деб пикир-пикир куларди. Нихоят, ү ҳам тинчиб жойига ўтирди.

– Самурайдан келадиган бало танклардан ортмас. Якинроқ кел, оғайни, жиндак мизғиб олайлик!

Мизғиши қаёқда? Кўзимни юмишим билан яна кечаги ўйлар хаёлимни чулғаб олди. Арслонга нима бўлди? Нахот келиб-келиб бу олис мусоғир юртда, Хинган тоғларида шундай дўстимдан айрилиб қолсан? Агар у қайтиб келмаса ўзим нима бўламан?..

Кўзим илиндими, йўқми, билмадим, бир маҳал машиналарнинг яраланган шердай ўкирган овозини эшишиб, уйғониб кетдим.

Тонг отган, биз барханлар орасида туардик. Аллакандай намхуш, тупроқдай майин бу қумликларнинг чегараси кўринмас, пўртанадай “тошиб”, бир-биридан баландлашиб кетган кўқимтирир барханлар уфққа тақалиб, осмон билан туташиб кетган эди...

Олдимиздаги машиналар, тягачлар, ҳатто виллислар ҳам ҳар жой-хар жойда қумга тикилиб, тўхтаб колган, солдатлар кўлларида белкурак, шох-шабба ва шувоқ йиғишига киришишган эди.

– Белкураклар олинсин! Шувоқ йиғилсин! – олдинги машиналарнинг биридан сакраб тушган старший лейтенант Харитонов кимнингдир белкурагини олиб, қум орасидаги шувоқларни чопишга киришди.

Биз ҳам машинадан тушиб шувоқ юлиш, тол ва жингилга үхаш қизғиши чакалакни буташга киришидик.

Солдатлар йиғилган шох-шаббаларни ғилдиракларнинг тагига ташлашаркан, истехзоли кулишар, асқия кишишарди:

— Йўқ, бунака машиналардан ўзимизнинг ўнинчи трамвай тузук экан!

— Бўлмасам-чи? Ўнинчи трамвайда ҳозиргача анча жойга бориб колардик!

— Ҳалиям бўлса ўзимизнинг трамвайда кетаверайлик!

— Йўғ-э, ёмон йўлдош ёлчитмас қабилидан бўлмасин, ёрдамлашиб юборайлик, биродарлар!..

Дарҳакиқат, қумлик бошлангач, ҳамма оғирлик яна шўрлик пиёда аскарларнинг зиммасига тушди.

Кечагина тягачларга миниб: “Дала маликасиға оташин саломлар”, деб ёнимиздан кулишиб ўтган артиллериячилар кумга киргач, “дала маликаси”нинг ёрдамига муҳтоҷ бўлиб қолишиди. Ҳеч бир говни писанд қилмайдиган тягачлар, ўкирганда сахрони бошига кўтарадиган студебеккерлар, ҳатто танклар ҳам барханлар орасида ғилдираклари урчикдай айлананиб тикилиб қолар, биз уларнинг тагига саксовул ва шох-шабба босиб, тўпларнинг ғилдиракларига эса аркон боғлаб, “Ҳа, олдик! Қани, ҳа, яна олдик!” – деб ҳар бир кум уюми, ҳар бир бархангага судраб олиб чиқар эдик. Қумлик эса чеки кўринмас, гүё бутун олам чексиз барханларга айланган-у, биз ундан ҳеч қаҷон чиқолмаймиз. Факат баъзи-баъзидагина аллақандай ташландик кўргонлар, уч-тўрт уйдан иборат мўғул қишлоқлари учрар, гоҳо-гоҳо ярим хароба будда ибодатхоналари кўриниб қолар эди. Четан деворлар билан уралган кўралар ёнида тўпигига тушадиган узун чакмон кийган чоллар, кокил қўйган, мунчоқдай митти кўзлари ялт-ялт этган болакайлар кўринар, улар бизни жимгина карши олиб, жимгина кузатиб қолишар эди...

...Хинган қумликларнга кирганимизнинг учинчи ё түрткінчи куни кечқурун, баланд бир барханга чиқаётганимизда гвардиячи капитан билан юзма-юз келдим. У батальон штаб бошлиғи – сочларига оқ оралаган старший лейтенант билан йүл ёқасида туарар, ёnlаридан үтаётган машиналар тиқилиб қолса, кифтини тутиб, солдатларга ёрдамлашар эди. Капитан Колбаскинни күриб ҳазиллашды:

– Бир ой колбаса емагандай шалпайиб копсан-ку, Ва-селёк?

– Колбаса-ку, үзимда бор, – деди Вася териси шиличи-ниб кип-қизил булиб қолған бурнини жийириб. – Аммо бир ой йүл юриб битта самурайни күрмагандан кейин кайфинг бузилар экан, үртөк капитан.

Комбат күлди.

– Самурайларни күргани күзинг учяптими? Бұлмаса, билиб қуй: хар бир күм уюми самурайларнинг битта ротасига teng. Ҳар бир барханга чиққанингда Квантун армиясınınг битта ротасини тор-мор килдим, деб ҳисоблайвер, Колбаскин!

Мен унинг күзига тушишни истамай, машинанинг чап томонига ўтиб олган эдим, Даврон ака түсаддан:

– Солдат Муродов! – деб чақириб қолди.

Олдига боришга мажбур бўлдим. Капитан уйқусизликдан киртайиб кетган кўзларини четга олиб:

– Кичик лейтенантнинг тоби қочиб қолди, – деди, – хуана у машинада ётиди... – У барханнинг тепасида турган студебеккерга ишора килди. – Сени сўраяпти. Бор, Харитоновга үзим айтиб қўяман...

“Демак, Оля бечора менга булишибди-да! Демак, уша куни капитан унга ҳеч нарсани билдирамбди-да!” Бархан тепасига югуриб чиққунча ўпкам оғзимга тиқилиб, ҳансираф қолдим. Лекин пастдаги манзарани кўришим билан чарчок ҳам эсимдан чикиб кетди. Пастда – мен чиққан барханнинг этагида, атрофи кумликлар билан ўралган

күм-күк бир водий ёстаниб ётар, водийнинг кунгай томонида эса калин дарахтзор орасида гүё кизил мармардан курилган катта бир ибодатхона кўринар, ибодатхонанинг кизғиш деворлари, уймакорлик билаи ясалган жимжимадор томи ботаётган қуёш нурида ялтираб турарди.

Оля машинанинг кузовида, сандик ва қутилар орасида, шинелига ўраниб, ғужанак булиб ётар, унинг кўзлари юмук, иситмаси баланд бўлса керак, узунчок озғин юзи ловуллаб ёнар, лаблари ковжираб қолган эди.

Мен унинг ёнига тиз чўқдим-у, нима қилишимни билмай:

– Уртоқ кичик лейтенант, сув ичасизми? – деб сўрадим.

Оля чукур ботган кўзларини бир очиб, яна юмди, курукшаган лабларини ялаб: “Совук”, деб пицирлади.

Мен шинслимни ечиб унинг устига ёпдим. Оля чиндан хам титрамоқда эди.

– Безгак тутгандай қалтираяпман! – деди у кўзини очмай.

Машина шаркираб оқаётган сойдан ўтиб, баланд чинор тагида тўхтади. Биз ибодатхонанинг тош кўрғони ёнида турардик. Бошка машиналар ҳам бирин-кетин келиб тухтамоқда, олдин етиб келганлар ибодатхона олдидаги очик майдонга чодирларини тика бошлашган эди.

Машинага гвардиячи капитан чиқди. У менга қарамай, ёнимга чўнқайиб, кизнинг пешонасини ушлади.

Оля кўзини очди-да, Даврон аканинг қўлини ушлади.

– Йўқ, ўтиб кетар... факат совқотяпман!..

– Айтдим, гулхан ёкишяпти... Тушасами?

– Майли... – Оля шинелига яхшироқ ўраниб ўрнидан турди.

Кун ботган, боя олтиндай товланиб турган ибодатхона энди жигарранг тусга кирган эди. Ибодатхонанинг темир панжарали дарвозаси олдида тўпигига тушадиган узун

қора дұхоба чакмон кийған икки кекса монах турар, лаблариды сохта табассум, улар солдаттарға таъзим қиласы, митти күзларини қисиб илжайишар, лекин ҳеч кимни ичкарига қўйишмас эди.

Чинор тагида чиндан хам ловуллаб гулхан ёнарди. Даврон ака пастда, сой томонда кўринган ғарамга ишопра килиб, бир кучок қуруқ пичан олиб келишни буюорди. Мен сойда қаторлашиб турган юқ машиналари орасидан ўтиб бораётувдим, тусатдан:

– Мансур! – деган овоз эшитилди.

Карасам – Мирхайдар, қўлида бир фуражка олма, тиржайиб турибди.

– Олма? – дедим хайрон бўлиб. – Қаёқдан олдинг?

– Топамиз-да! – деди Мирхайдар керилиб. – Ма, ол. Сен бўлсанг... Ҳалиям юрибсанми чоригингни судраб? – У қип-қизил катта бир олмани қўлимга тутқазаркан, яна ишшайиб, – юр, киттай-киттай қилайлик!.. – деди ва қўлимдан ушлаб судрай бошлади. Шундагина мен унинг кайфи тарақ эканини сезиб колдим... Арслонни ўйлаб қўнглимга кил сиғмай турган пайтда “киттай-киттай” дейди-я!.. Қўлимни тортиб олиб, ғарамга югуриб кетдим.

Мен бир кучок қуруқ пичанни кўтариб борганимда Даврон ака штабга кетган, Оля эгнида шинель, гулханга қуруқ буталарни ташлаб, хаёлга чўмиб ўтиради. Бирдан чўнтағимдаги олма эсимга тушиб, уни олиб узатдим.

Олянинг кўзларида болаларга хос қувонч акс этди.

– Олма? Ростакам олма-ку? Қаёқдан топдинг?..

– Топдим-да! – дедим гердайиб.

Оля олмани кафтлари орасига олиб ҳидлади.

– Бирам хушбўй, бирам хушбўйки!.. Агар... – деди у кўзларини гулхандан узмай, – агар ҳозир бир култум вино бўлса ичардим...

– Спиртми?

— Йүк! — Оля ижирғаниб юзини буриштирди. — Вино бұлса дейман. Биз ғарбда, Австралияда турганимизда шунақа винолар бұлардикі...

Оля бошимга иш тушиб, бир оғиз илиқ гапга зор бұлғанда турганимда чакирди! Мен ундан шундай миннатдор әдемікі, агар у анконинг уругини топиб кел деса хам йүк демас әдим!..

Үрнимдан сакраб турдим.

— Қаёкка Мансур? — деди Оля.

— Ҳозир келаман...

Мирхайдар боя сой бүйіда қаторлашиб турган юк машиналарининг бирида бұлиши керак, чунки юклариға қараганда, улар ПФСга тегишли машиналар әди. Лекин машиналар күп. Уларнинг ёнида сокчи турган бұлиши мүмкін...

Тұхта! Қулоғимга худди бузилған мотордай хириллаған овоз чалинди. Мирхайдарнинг машхұр хұрраги!

У энг чеккадаги студебеккернинг кабинасига кириб, пинакка кетған әди.

— А? Нима? Қанака вино? — деди у керишиб машинадан тушаркан. — Спиртми? Боя айтсам ичмөвдинг-ку, ғирром?

Мен унга спирт эмас вино кераклигини зұрға тушунтирудим.

— Винони нима киласан? А-а... үша, ҳалиги нозаниннинг күнглини олмоқчимисан? — кулди у. — Сен ҳам балосан!..

— Менга қара, Ҳайдар!..

— Ҳазилни тушунмайсан-да! — Мирхайдар елкамдан ікүчоклад кулди-да, турган жойимизни сүради.

Мен тушунтириб бердим.

— Вино бор, — деди у. — Лекин хұжайиндан берухат беролмайман, оғайни. У бир жойға кетувди, ҳозир келиб «колади. Сен боравер, бироздан кейин үзим олиб бораман.

Гулхан деярли сўниб колган, Оля шинелига ўраниб ёнбошлаб ётарди.

– Каёкларда юрибсан? – деди у каддини ростлаб.

– Бир жойга бориб келдим... – Мирҳайдарнииг олдига борганимни айтгим келмай, гулханга курук буталардан ташлаб, пичанга тушалган чодирнинг четига ёнбошладим.

– Овқатингни е! – деди Оля. – Совиб қолгандир... – У чирс-чирс сачраётган учкунлардан кўзини узмай, яна хаёлга толди.

– Мансур, – деди у анчадан кейин. – Тошкент яхши шаҳарми?

“Тошкент” сўзи қулогимга жуда илиқ эшитилиб, юрагим бир ҳаприкиб тушди.

– Яхши бўлганда кандок, Олењка. Ажойиб шахар.

– У ерда чет тиллар институти бормикан? Билмайсанми?

– Унисини билмадим-у, лекин университет бор. Буни яхши биламан.

Оля секин хўрсиниб қўйди.

– Июлда студентларни хизматдан бўшатишганда... кетаверсам бўлар экан. Негадир кетавермай бу ёкка келдим... Мана энди, Хинган тоғларида... будда ибодатхонаси ёнида ётибман... Нега ўшанда кетавермадим? Нега бундай кидим? Ўзим ҳам билмайман...

Унинг овозида, бошини бир томонга сал эгиб, гулханга ўйчан тикилиб ўтиришида қандайдир нозик бир мунг, киши бировга айттолмайдиган бир ҳасрат бор эди.

– Ўртоқ кичик лейтенант, – дедим. – Сиз ўзингиз... каерликсиз? Умуман...

– Умуман, қанака одамсиз, демокчимисан? – Оля секин кулди-да: – неча ёшга кирдинг, Мансур? – деб суради.

– Ўн саккизга. Ҳужжат бўйича ўн тўккиздаман-у, лекин аслида...

– Ёшингга бир ёш кўшиб, армияга кетгансан, тўғрими? – Оля аллакандай илик бир меҳр билан юзимга тикилди. – Мен эсам... Уруш бошланганда ўн еттида эдим, Мансур. Ўша маҳалда Тания деган қизнинг номи чикувди. Эшитгандирсан балки?

– Эшитгандирсан. Кейин Зоя Космодемьянская бўлиб чиқди-ку!

– Тўғри. Зоя Космодемьянская, Лиза Чайкина... Мен хам ўн тўккиз ёшимда худди шулардай бўламан деб чет тиллар факультетининг иккинчи курсидан фронтга кетгандикан. Улардай бўлолмаслигимни билмабман.

– Нега бундай дейсиз, ўрток...

– Чунки... Менинг фамилиям уларнидай чиройли эмас! – кулди кичик лейтенант. – Оля Куприянова! Йўқ, чиройли эшитилмайди!

– Кейин-чи? Кейин нима бўлди?.. – дедим унинг кулгисига эътибор бермай.

– Кейин... Штабда, разведка бўлимларида таржимонлик килдим. Кейин радиостка бўлдим, ҳамшираликка ўқидим. Кейин гвардиячи капитан билан десантда бўлдим. Чехословакияда, Словакия тоғларида... Сен душман орқасига десант тушиш нималигини тасаввур этолмайсан, Мансур. Тўккиз кишидан фактат уч киши омон колганмиз, гвардиячи капитан, мен ва Дмитрий Михайлович...

– Ўртоқ кичик лейтенант!.. – Уйкум қочиб ўрнимдан туриб кетдим. Мен “ўртоқ кичик лейтенант, ҳаммасини бир бошдан гапириб беринг”, деб ёлвормоқчи эдим, лекин худди шу пайт гулхан ёнида капитан Ногаев пайдо бўлди.

– Салом, Оленька! – у кўтариб олган қофоз кутисини ерга қўйиб, ёнимга чўккалади. – Яхшимисиз, Оленька? Ҳайрон бўлманг. Тобингиз кочганини эшитиб қолдим. Шунга... шифо бўлармикан, деб бир шиша вино билан майда-чуйда олиб келдим...

– Энди ётишининг фойдаси йўқ, – деди. – Ярим соатдан кейин қўзғаламиз... Ўзинг нега турдинг? Тузукмисан?

Оля кулди.

– Ногаевнинг виносидан шифо топдим... Айтмоқчи, унинг шикояти нима бўлди? Белобородов индамадими?

– Гап Белобородовда эмас, эсингдами, даштда одам йикилиб қолган куни...

– Ногаевнинг машиналарини тортиб олган кунинг...

– Ҳа, ўша куни Белобородовнинг муовини билан каттиқ айтишиб қолган эдик. Энди Ногаев иккиси шу гапларимга каттиқ ёпишиб олишди.

– Нима дейишяпти? – деди Оля безовталаниб.

– Пашибадан фил ясашияпти. Майли, қумликдан чикайлик-чи, бир гап бўлар.

– Айтмоқчи, Арслондан дарак борми?

– Йўқ.

– Мансурнинг иши нима бўлади? Бола бечора жуда қийналиб кетди...

– Бола эмас, солдат! Арслон топилса, бир гап бўлар. Топилмаса... Ҳайронман! Индинга машҳур Халанга истехкомига чикамиз. Жангга кирамиз.

– Яна жанг! – деди Оля хўрсиниб.

– Қўркма, бу уруш кўпга бормайди. Улар бизни ҳеч кутаётгани йўқ. Кейин бу куч-кудрат билан...

– Биламан. Ҳаммасини биламан. Бироқ бирон фалокат бўлиб, бу тоғлар орасида, она юртимиздан узоқда, ёт элда колиб кетишни ўйласам...

– Қаёқдаги совук гапларни гапирма! Ким сени душман оркасида десантда бўлган машҳур разведкачи Оля Куприянова дейди. Чарчабсан, Олењка. Ярим соат бўлса ҳам мизғиб ол, азизим!..

“Индинга жанг! Унгача Арслон топилса бир гап бўлар. Топилмаса... Ҳайронман!” Вино таъсирида хаёлимдан

күтарилган оғир ташвиш қайта ёпирилиб келиб, юрагимни яна вахима босди.

Осмон билан ўшишган барханлар тұсатдан чекинди. Биз ярим кечагача йүл юриб, қандайдир водийга чиқдик. Машиналар, тұпларни шатакка олган тягачлар, танклар тоғ орасида панада колди. Биз рота-рота бўлиб, дарадан чикишимиз билан бошланган гаолянзорни (маккажұхорига үхшаган үсимлик) оралаб кетдик.

Душмандан ҳали ҳам дарак йўқ, лекин буйруқларниң шивирлаб берилишидан, товуш чикармай, сокин одимлашимиздан ҳозир комбат айтган жанг бошланишини сезаман, сезаман-у, аъзойи баданимни нохуш бир калтирок босади.

Қамишдан калин гаолянзор шатир-шутур бўлиб кетди, гаолянларниң қуриб-қовжираб колган япроқлари юзларни тирнар, оёқ остида чирс-чирс синарди. Ҳамма ёқ зим-зиё, факат беғубор тиник осмонда оппок йирик юлдузлар чаракларди...

Каердадир олдинда, гаолянзор орқасида, гоҳо-гоҳо пулемёт тариллар, сұнг яна жимлик чўкарди... Тұсатдан коронғиликни ханжардай тилиб, осмонга кўқ-қизғиши ракеталар отилди... Ракета отилган жой биздан чапроқда, хийла олисда эди. Шунинг учун бўлса керак, ракетага эътибор бермай, бир чақиримча юрдик, кейин гаолянзор чекиниб олдинда – пастликда, симобдай ялтиллаган дарё кўринди. Юзларга бирдан намхуш ва салқин шабада урилиб, дарёнинг сокин шовуллаши эшитилди.

Дарё бўйида, қамишлар орасида, сапёрлар сувни шалоплатиб кўприк қуришмоқда, у ердан секин берилган буйруқ, сўкинган бўғик овозлар эшитиларди...

Коронғиликда старший лейтенант Харитонов билан взвод командиримиз старшина Сало кўринди.

– Пулемёт ва милтиклар ўқлансин! – секин буйруқ берди Харитонов.

Оля ер остидан менга қаради. Мен ичимда Мирхайдарни сүкиб, ўрнимдан туриб кетмокчи эдим, Оля:

– Қаёкка? – деди. – Шошма, штабга кетганлар келишин.

Мен жойимга ўтиришга мажбур бўлдим.

Ногаев қалин кора қошлари чимирилиб, секин хўрсинди. Сўнг:

– Олењка, – деди аллақандай ёлвориб. – Тунов кунги қиликларим учун яна бир марта кечирим сўрайман...

– Қўйинг шу гапларни, – Оля қулимсираб, пешонасига тушган соч толаларини тузатди-да:

– Қани, олинг винонгизни! – деди.

Ногаев шоша-пиша қофоз кутидан шампанскоега ўхшаган бир шиша вино олиб, ўртага кўйди-да, қутини ағдарди. Кутидан бир кило печенье, беш-олтита олма ва иккита рюмка тушди...

– Рюмка?! – деди Оля кичкина биллур қадаҳларни шуълага тутиб кўраркан. – Ишлар бошқача-ю, ўрток канитан!

Ногаев Олянинг қўлидан қадаҳни олиб вино қуяркан, мамнун илжайди.

– Ногаевнинг ишлари ҳеч қачон ёмон бўлган эмас, фактат сиз... Хўп, сизга шифо келтирсинг бу вино! Сиз учун, Олењка!

– Мансур-чи? – деди Оля.

– Мансурга ҳам қуямиз!

Ногаев Оля билан қадаҳ уриштириб ичди-да, менга ҳам бир рюмка вино қуйиб узатди. Мен иккиланиб Оляга қараган эдим, у рюмкасини чўзиб кўзини қисди: “Олавер!”

Мен ҳам таваккал килиб кўтариб юбордим. Ногаев қадаҳларни яна тўлдирди.

– Ёқдими? Яна биттадан олайлик, Оля!

Иккинчи рюмкадан кейин дилимдаги ташвиш салтаркалгандай бўлиб, киприкларим ёпиша бошлади-ю, тў-

сатдан Ногаевнинг аллақандай дардли овозини ёшишиб, кўзим очилиб кетди.

— Оленька! Худо хақки, ўшандан бери хеч қаёкка сигмай қолдим.

— Кўйинг шу гапларни, — деди Оля ҳам ёлвориб.

— Тўхтанг, Оленька. Дардимни айтиб қолай ақалли. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мен сиздай кизни биринчи учратишим. Шу маҳалгача бирорта аёл менинг мухаббатимни рад этмаган эди. Тўхтанг, гапимни бўлманг. Биламан, бунинг ҳаммаси майдада, бачкана гаплар! Узим ҳам шу маҳалгача киликларим бачкана эканини билмас эдим! Сизни кўрдим-у... Сиз шундай маъсум, шундай...

— Капитан Ногаев! — деди Оля. — Ё бу гапларингизни кўйинг, ё...

— Яхши, бас қилдим! — Ногаев оғир хўрсиниб жим қолди. Оля ҳам хўрсинди.

— Яхши гапларингиз учун раҳмат, лекин...

— Лекин нима? — деди Ногаев фифони чиқиб. — Нахот сиздай қиз келиб-келиб шу... курс, тошюрак одамни севса?

— Яна бачканалик киляпсиз, Ногаев! — деди Оля. — Бас килинг, дедим-ку сизга! — У бир лахза жим қолди, кейин секин қўшимча килди:

— Сиз нимани ҳам биласиз, Ногаев...

Мен оҳиста чап ёнимга ағдарилиб ётдим. Кўзим илиндинми, йўқми билмадим, бир маҳал ёнгинамииздан ўтган танқ ғилдиракларининг шарак-шуруғидан уйғониб кетдим.

Гулхан ҳамон ловуллаб ёнар, боя Ногаев ўтирган жойда Даврон aka ўтирас эди. У тиззасига кора жилдлик қалин дафтарини кўйиб, бир нималарни ёзарди.

Оля ҳам уйғонди шекилли, шинелини тўғрилаб, капитаннинг ёнига ўтиб ўтирди.

— Ҳалиям ухламадингми?

Капитан соатига қараб:

– Энди ётишининг фойдаси йўқ, – деди. – Ярим соатдан кейин қўзгаламиз... Ўзниг нега турдинг? Тузукмисан?

Оля кулди.

– Ногаевнинг виносидан шифо топдим... Айтмоқчи, унинг шикояти нима бўлди? Белобородов индамадими?

– Гап Белобородовда эмас, эсингдами, даштда одам йикилиб қолган куни...

– Ногаевнинг машиналарини тортиб олган кунинг...

– Ҳа, ўша куни Белобородовнинг муовини билан каттиқ айтишиб қолган эдик. Энди Ногаев иккиси шу гапларимга қаттиқ ёпишиб олишди.

– Нима дейишияпти? – деди Оля безовталаниб.

– Пашибадан фил ясашяпти. Майли, қумликдан чикайлик-чи, бир гап бўлар.

– Айтмоқчи, Арслондан дарак борми?

– Йўқ.

– Мансурнинг иши нима бўлади? Бола бечора жудакийналиб кетди...

– Бола эмас, солдат! Арслон топилса, бир гап бўлар. Топилмаса... Ҳайронман! Индинга машхур Халанга истехкомига чикамиз. Жангга кирамиз.

– Яна жанг! – деди Оля хўрсиниб.

– Кўрқма, бу уруш кўпга бормайди. Улар бизни ҳеч кутаётгани йўқ. Кейин бу куч-кудрат билан...

– Биламан. Ҳаммасини биламан. Бирок бирон фалокат бўлиб, бу тоғлар орасида, она юртимиздан узоқда, ёт элда колиб кетишни ўйласам...

– Қаёқдаги совуқ гапларни галирма! Ким сени душман орқасида десантда бўлган машхур разведкачи Оля Куприянова дейди. Чарчабсан, Олењка. Ярим соат бўлса хам мизғиб ол, азизим!..

“Индинга жанг! Унгача Арслон топилса бир гап бўлар. Топилмаса... Ҳайронман!” Вино таъсирида хаёлимдан

күтариlgан оғир ташвиш қайта ёпирилиб келиб, юрагим-ни яна вахима босди.

Осмон билан үпishган барханлар тұsatдан чекинди. Биз ярим кечагача йұл юриб, қандайдир водийга чикдик. Машиналар, тұplарни шатакка олган тягачлар, танклар тоғ орасида панада қолди. Биз рота-рота булиб, дарадан чиқишимиз билан бошланған гаолянзорни (маккажұхорига үхшаган үсімлик) оралаб кетдик.

Душмандан хали ҳам дарап йўқ, лекин буйрукларнинг шивирлаб берилишидан, товуш чиқармай, сокин одимлашимиздан хозир комбат айтған жанг бошланишини сезаман, сезаман-у, аъзойи баданимни нохуш бир қалтирок босади.

Қамишдан қалин гаолянзор шатир-шутур булиб кетди, гаолянларнинг қуриб-қовжираб колган япроқлари юзларни тирнар, оёқ остида чирс-чирс синарди. Ҳамма ёк зим-зиё, факат беғубор тиник осмонда оппок йирик юлдузлар чаракларди...

Қаердадир олдинда, гаолянзор орқасида, гоҳо-гоҳо пулемёт тариллар, сұнг яна жимлик чўкарди... Тұsatдан коронғиликни ханжардай тилиб, осмонга қўк-қизгиш ракеталар отилди... Ракета отилған жой биздан чапроқда, хийла олисда эди. Шунинг учун бўлса керак, ракетага эътибор бермай, бир чакиримча юрдик, кейин гаолянзор чекиниб олдинда – пастликда, симобдай ялтиллаган дарё кўринди. Юзларга бирдан намхуш ва салқин шабада урилиб, дарёнинг сокин шовуллаши эшитилди.

Дарё бўйида, қамишлар орасида, сапёрлар сувни шалоплатиб қўприк қуришмоқда, у ердан секин берилган буйрук, сўкинган бўғиқ овозлар эшитиларди...

Коронғиликда старший лейтенант Харитонов билан взвод командиrimиз старшина Сало кўринди.

– Пулемёт ва милтиклар ўқлансин! – секин буйрук берди Харитонов.

– Пулемёт ва автоматлар ўқлаисин!

Мен аллакачон ўк тұла дискани автоматимга жойлаб күйгәнман, чунки бугун шу жаңға ҳәт-мамотим ҳал бўлишини биламан: агар ўзимни кўрсата олсан, балки гуноҳимни кечиришар, кўрсата олмасам... нима бўлишимни ўзим ҳам билмайман. Аксига олиб, дардлашадиган Вася ҳам йўқ, уни капитан ўзига алокачи килиб олган.

Тўсатдан ёнимда ётган жиккаккина сержант бикинимга туртди.

– Нима бало, ухлаб қолдингми?.. Олға!

Ҳамма жимгина қўзғалганини кўриб, ўрнимдан сакраб турдим. Старшина Сало бошчилигида соҳилдаги каминшордан ўтиб, кўпприкка чиқдик. Ҳаво тўлдирилган резинка кайикларга шоҳ-шабба тушалиб ясалган “кўпприк” оёқ остида лапанглаб турарди.

Сувдан факат бошлари кўринган сапёрлар кўпприк остида ҳамон нималарнидир боғлар, маҳкамлар, уларнинг шивирлашлари эшитилар эди.

Мен дорбоздай ликиллаб кўпrikнинг охирига бориб колганимда, қулоғимга гвардиячи капитаннинг кескин овози эшитилди:

– Мен ҳам разведкачи бўлганман, лейтенант! Лекин мен ҳеч қачон дуч келган солдатни отрядимга олган эмасман!

Унинг гапини иотаниш асабий овоз бўлди:

– Бу солдат қумликда, япон отлик отряди билан тўкнашганимизда жуда иш кўрсатди...

– У ёги билан ишим йўқ! Лекин уни биздан берухсат разведкага олишингиз...

– Берухсат эмас. Белобородовда штабнинг буйруғи бор...

– Белобородов менга ҳеч нарса дегани йўқ!

- Демаган бўлса дейди, урток капитан!

Миямда чакмок чакнади: “Арслон!”

Назаримда, түсатдан Арслоннинг овози кулоғимга чалингандай бўлиб:

– Арслон! – деб юбордим-у, сафдан чиқдим. Лекин шу пайт соҳилдаги коронги қамишзор орасидан капитаннинг дарғазаб овози эшитилди:

– Ким у бакираётган?

Ёнимда жиккак сержант пайдо бўлди.

– Оламни бошингга кўтардинг-ку, ахмок! Сафни бузма! Олга!

Бўғзимга келган кўз ёшимни қулт этиб ютиб, сафга кўшилиб югуриб кетдим.

“Арслонми, Арслон эмасми? Нахот Арслон бўлса?” Коронғида коқилиб-сукилиб югуриб борарканман, “ишқилиб, Арслон бўлсин!” – деб кимгадир ялинар, кўз ёши аралаш илтижо қиласа эдим.

Қамишзордан кейин яна гаолян ва кўнок экилган далалар бошланди. Бу далалардан ўтиб, қандайдир настак кирларга чиқиб олдик. Боя чап томонда отилаётган ракеталар энди рўпарада, олис-олисларда чакнар, лекин биз тўхтамай, югуришда давом этар эдик. Назаримда, водийни солдатларнинг гурс-гурс қадамлари-ю, оғир ҳансирашлари тутган, бу овозларни ҳатто олисда ракета отаётган японлар ҳам эшитаётгандай туюлар эди.

Нихоят, тепасигача тарик экилган қандайдир баланд қирнинг устига чикканимизда, коронғида каёқдандир Харитонов пайдо бўлиб:

– Ёт! – деб буюрди.

Осмон ҳамон юлдузга тўла, зин-зиёс коронғиликда хеч нарса қўринмас, факат олисдаги корли чўккиларгина кўзга элас-элас чалинар эди.

Ногаҳон биз ётган кир каттиқ силкингандай, каердадир олдинда катта қоя ағдарилиб тушгандай бўлди. Кейин устма-уст портлаган снарядлардан тоғ устига тоғ

кулаётгандай туюлди-ю, ҳамма ёқ остин-устин булиб кетди. Мен құлларим билан кулоқларимни беркитиб, юзтубан тушиб ётган эдим, кимдир қувонч билан “Катюша!” деб юборди.

Катюшалар дарёning у юзида жойлашган бұлса керак, ұша томондан олов, чинакам олов сели қуйила бошлиди. Бир-бирини кувган олов тиллар коронғиликни ялаб үтиб, пастдаги ясси тепаликлар, олисда катор тизилган уйлар, қандайдыр истехкомлар, құрғонлар, омбор ва вишкалар устига ёғилмоқда эди. Ана, бир, икки, уч жойда ёңғин күтарили. Назаримда, уйлар, вишкалар ва сим билан үралған аллақандай құрғонларгина эмас, ясси кирлар үпирилиб тушиб, ғорға үхшаб қолган дотлар, хатто олисдаги чүккілар ҳам ёнаётганга үхшар, во-дийни тутган бу аланга ва дуд орасида чумолидай югуриб юрган одамлар құринар, бетартиб отилган пулемёт үқларининг ялтиллаши күзга чалинар, гоҳо түп овозлари әшитилиб қолар эди...

– Маладес, Катюша!

– Боплаяпти!

Дилимдаги бояги мудхиш құрқув пасайған, айни замонда, фавқулодда бир иш қилиш тұғрисидаги үйларим хам пучга чиккан эди. Чунки бу жанг мен тасаввур этган жангарларга мутлақо үхшамасди. Бу – самурайлар бошига ёғилған бир оғат эди!..

Тұсатдан яқиндаги сохилда қакқайиб турған иккита вишка бирдан ловуллаб ёнди-ю, тош құрғон ичиде осмонга сапчиб, үзларини у ёқдан-бу ёққа отаётгап отлар құринди. Отларнинг аччик ва зорли кишини түп овозларини хам босиб юборди.

– Эх, отларга жабр бұлди-да!

– Чоп! Күтқар!

Бу гапларни комбатнинг таниш, сал бүғиқ овози бұлды:

– Хужумга тайёрмисан, Дмитрий Михайлович?

— Тайёрман, ўрток капитан!

Комбат кўлида дурбии, тўзғиган соchlарини силаб паstдаги водийга тикилиб ётарди. У тўсатдан:

— Колбаскин! – деб чақирди.

— Эшитаман, ўрток капитан!

— Ху ана у ёнаётган жойни кўряпсанми? Кўргонни айттаётганим йўқ, бу ёқда: чўккининг тагида...

— Кўряпман, ўрток капитан.

— Уша жой 478-тепалик деб аталади. Иккинчи ротага чоп. Ведерниковга айт, пистирмада танклар борга ўхшайди. Эҳтиёт бўлсин!

— Хўп, ўрток капитан!

— Харитонов! – деди комбат. – Сен боя айтилган мўлжалдан сал чапроқка ол! Соҳилни кўзла!

— Хўп бўлади, ўрток капитан.

— Лекин эҳтиёт бўл, соҳилда амбразура, дотлар кўп!..

Хужумга ўтганда ҳамма қуроллардан баравар ўт очилсин! Тушундингми, ҳамма қуроллардан! Ана, танклар келяпти! – капитан шундай деди-да, кир бағирлаб қаёққадир чопиб кетди...

Танклар ерни ларзага солиб якинлашмоқда эди. Мана улар, тагимиздаги тепаликни титратиб ёнимиздан ўтди. Ўтди-ю, наъра тортганича, паstга – усиз ҳам жаҳаннамга айланган водийга караб йўналди.

Старшина Сало кўлида автомат, ўрнидан сакраб турди:

— Олға!

Автоматимдан ўқ сочиб, ҳамма билан баробар паstга қараб чопдим. Бутун водий – паstдаги тепаликлар, тиканили сим билан ўралган қандайдир бино ва кўргонлар дуд орасида қолган эди. Лекин биз хужумга ўтишимиз билан жимиб колган тепаликларга жон кирди, у ердаги амбразураларнинг оғзи ялтиллаб, ҳавони ўкларнинг вахимали виж-вижи тутиб кетди.

— Ёт! – деб бағирди кимдир.

Үзимни ерга отдим-у, жон холатда орқага тисарилдим: мен тиканли симлар устига кулаган эдим, тұпбозлик пайтида узилиб, үралиб қолган бу симлар құлларимга чұғдай тегиб, жазиллатиб юборди.

– От! Бу ёққа! – старшина Сало құлымдан “шап” ушлаб, отлар кишинаётган құрғон томондаги гумбазсімон тепаликнің күрсатди, тепалик остидан ялт-ялт эттан алана чикарди. Мен шоша-пиша алансінин нишонға олиб, автоматимдан үт очдым. Старшина эса бошини күтариб, уст-устига иккита граната отди-да, “олға!” деб буйруқ берди.

Биз үралиб-чирмалиб қолган, лекин ҳамон олов тафти келаётган кат-кат тиканли симлар орасидан үтиб, қандайдыр учкур траншеяларга сакрадик. Шу захотиёқ ҳавони қоплаган құланса тутун ва туман орасида яна пулемёттарнинг таниш тариллаши әшитилди. Тұсатдан мәндән уч қадам олдинда автоматдан үт очғанча чопиб бораётган бүлинма командирим, жиккаккина сержант, күкрагини чангалағанча секин тиз чұка бошлади... Мен чопиб бориб, уни күчкөлаб олдым, лекин у боши қуиң әгилиб, құлымда осилиб қолди. Ұлимни биринчи марта күрганим учунми, хушим учиб, котиб колдым. Хайрият, ёнимдан югуриб үтаётган старшина Сало тұхтаб орқасига қайтди.

– Ким у? Пронкинми? – Старшина кексаларга хос бир ғамхұрлық билан сержантни четрокқа ёткизиб, устига шиғелини ёпди.

– Ҳозир санитарлар келади. Олға, үғлим!

Ұлим юрагимга солған совук вахимадан ларзага келіб, олдинга интилдім.

Одам бүйін келадиган траншеялар, пачакланған пулемёт, милтиқ, сим үралған ғалтак, снаряд күтиларі, яна алланималарга тұлиб кетған, уларнинг орасида самурайларнинг мурдалари ётар, ярадорларнинг инграши

эшитилар, лекин отишма тұхтамаган, айникса, сохилда, отлар қамалған тошқұрғон томонда жаңг сурони давом этарди. У ерда, үпирлиб тушиб ғорга үхшаб қолған дотларда ялт-ялт аланга сочиб, пулемёт, автоматлар тариллар, гоҳо-гоҳо гуп-гуп этиб гранаталар портлар эди.

Траншеяниң охирига етиб, құрғонга бурилишда кимдир устимга сакраб, яна боягидай:

– Ёт! – деб кичкирди.

Бирдан ҳамма ёқ остин-устин булиб кетди. Назаримда, кора тутун орасида қолған тошқұрғон ағдарилди-ю, йұлдаги ҳамма түсікларни емирувчи бир күч – қандайдир бир тошқин оқиб чиқди. Бу – отлар эди!

Құрғон дарвозасини ағдариб, бир-бирини босиб-янчыб чиқкан юзларча от дуд орасида аяңчли кишинаб, окоп ва траншеяларга гурс-гурс йикилиб тасур-тусур килиб яқинлашиб келди-ю, хайрият, дарё томонга бурилди...

Мен траншеядан бошимни чиқардим-у, юрагим зиркираб кетди: дуд орасидан отилиб чиқкан чиройли оқ от, худди бошимиз устида тұхтаб, олдинги оёкларини кұтариб кишинади-да, ловуллаб ёнастған думини хавода алвондай силкитиб, бояги тошқин кетидан отилди...

– Эх, ажайиб арғымоқ экан! – леди биров. Үгирилиб қарадим. Ёнимда старший лейтенант Харитонов турар эди. Мен шундагина боя устимга сакраб “Ёт!” деб бакирған одам рота командиrimиз эканини англашим.

Орқадан траншея бүйлаб Вася Колбаскин югуриб келди.

– Үрток старший лейтенант! – деб Вася ҳансираң тұхтади. – Комбат әгаллаган позициядан жилемасликии буюрди. Ҳозир яна танклар үтармиш...

– Жуда соз! Дмитрий Михайлович, буйрукни эшитдинг-а, эшитган бұлсанг, ҳозирча жилма. Кейин чапдаги ху ана у тепаликни құряпсанми? Тагида дот бор. Үшани

эгалла! – Старший лейтенант шундай деди-да, ўзи траншеядан сакраб чикиб, ўнг томонга югуриб кетди.

Вася секин биқиnimga туртди:

– Қалайсан? Ўтаканг ёримадими, оғайни?

– Сен-чи?

– Биз мана, юрибмиз, бутун батальонни бошкариб, – деб кулди Вася. – Ана танклар!..

Танклар оркадан эмас, водийнинг шарқ томонидан сохилни ёқалаб келар, дам дуд ичига шўнғиб, ёнаётган уйлар, ўпирилган тепаликлар панасида кўринмай қолар, дам узун хартумларидан чакмок чакиб, кайта пайдо бўларди... Водий яна остин-устун бўлиб кетди, сохилдаги япаски тепаликлар, кулагаш тушган вишкалар, ҳатто якиндаги тошқўрғон – хаммаси яна тутунга бурканди.

Старшинанинг буйруғи билан иккига булиниб, иккита траншеядан югуриб кетдик. Тепаликка якинлашиб колганимда, бирор:

– Ай, Мансур! – деб чакиргандай бўлди.

– Серкабой? – дедим ҳайрон бўлиб.

Емирилган траншеянинг четидаги чакалакзор орасида Шоюсупов ётар, Серкабой ок дока билан унинг сонини боғламоқда эди.

– Шоюсуповга нима килди? Қандай килиб бу ерга келиб колдиларинг?

– Немене? Борлик самурайди жалғиз ўзинг кирдинг ба? – деди Серкабой.

Шоюсупов мени кўриб тўлғанди.

– Мансур! Дўстим! Агар бир нима бўлсам...

– Ай қўйсайши! – деди Серкабой жеркиб. – Жигитсингўй! Мансур! Жардем бер!

Мен оғайниларимнинг ёнида колиш-колмаслигимни билолмай, иккиланиб турган эдим, траншеянинг муюлишида Оля кўринди.

Құлида ҳамшираларнинг сумкаси, Оля биз томонга югуриб келар эди.

– Уртос кичик лейтенант!

– Тұхта! – деди Оля ғапимга қулок солмай. – Жанг туғади. Ана, қара!

Сохил томонда, дуд ва туман орасида оқ байроқчалар пайдо бұлған эди.

Үпирелиб тушган кир ёнбағридан үнгирлардан афти-башараларини қора қурум босған, кийимлари йиртілиб кетген самурайлар битта-битта бұлиб чикиб келишарди... Ана, биз турған тепаликнинг у томонида ҳам самурайлар күринди. Уларни күриб юрагим орқамга тортиб кетди: құлларини күтариб үнгирдан чиқаётган, յозларини қора қурум босған самурайлар орасида... күкраги аллақандай ялтироқ медалларга тұла бир япон ғалати қийшанглаб, құлларини ҳавода үйнатыб, рақсга түшмоқда эди... Унинг йирик сарғиши тишиларини курсасиб ишшайишида, хириллаб кулиши ва этигидаги шпорларини жарапнлатыб қийшанглашларида аллақандай мудхиш бир нарса бор эди!..

* * *

– Ёпираі! Минавға не бұлған? – деди Серкабой.

– Ақлдан озғанга үхшайды! – деди ёнимизга келиб тұхтаган Вася.

– Қани, ёрдамлашиб юбор, Мансур! – деди Оля.

У Шоюсуфнинг ёнига тиз чүкиб, ярасини боғламоқда эди.

Мен траншеядан чиқдим. Шу пайт чап күлдаги үпирелиб тушган тепаликни айланиб үтәётган үн чоғлик отлик күринди. Мен уларга қарадим-у, жойимда қотиб қолдим. Отликларнинг орасида... Арслон ҳам бор эди! Елкасида автомат, Арслон келишганның түрик отини үйнатыб, бамайлихотир үтиб борар эди. Жон ҳолатда, “Арслон!” деб бақириб, унга қараб югурдым.

Отликлар тұхташды. Арслон түригининг бошини буриб, чоптриб келди:

– Бормисан, шоир? – у отдан сакраб тушиб, кулочини ёзди.

Мен уннинг офтобда қорайған шиддатли юзига, шұх чакнаб турған күзларига тикилдім-у, үпкам тұлиб:

– Қаёкларда юрибсан, ахир? – деб сұрадым.

– Э-ә, айтаверса гап күп, оғайни! Қумлықда разведкачиларга учраб қолиб, шұнақа ишлар қылдикки, бир йилда хам айтиб тамом килолмайман!..

!Югуріб келған Вася үнга дүк ура кетди:

– Сен қанақа одамсан үзи? Бу бечорани балога колдирб... қаёкларда юрибсан? Пулемёт қани?

– Бунга гап тегмайды. Құрқма! – деди Арслон құлларини белига тираб. – Пулемётни топширганман. Ҳаммаси жойида.

– Жойида эмиш! Комбат буни исканжага олиб...

– Комбат дейди-я! – Арслон кинояли кулимсиради. – Бизнинг лейтенант генерал билан гаплашған. Ҳаммаси ҳал бұлған!..

Шу пайт отликлардан бири:

– Арслон! – деб чакирди.

– Кечирасанлар, оғайнилар. Разведкага кетяпмиз!

Арслон Шоюсұф билан хайрлашды-да, түригини қамтилаб, узоклашиб қолған отликларни қувиб кетди...

Күнглим бир хил бўлиб, то Арслон қўринмай кетгунча орқасидан тикилиб қолдим.

* * *

– Батальон, смирно!

– Вольно!

– Комбат штаб бошлигининг рапортини охиригача эшиптади, күрғон ёнида саф тортган роталарнинг олдидан ўтиб, ўртада тұхтади.

— Уртқоғ офицерлар, солдат ва сержантлар! – Комбат қовоғини солиб томоқ қирди. – Гоби сахроси ва Хинган тоғларида чеккан мислсиз машаккатларимиз бекор кетмади. Мана, бир караб күйинглар! – У күлини чұзиб, олисдағи корли чүккіларгача туташиб кетған кенг водийни күрсатди.

Боя сахарда водийни коплаган туман тарқаган, ёнғин үчган, үпирлиб тушиб, ғорға үхшаб колған тепаликлар аник күринар, кирлар орасидаги уйлар, аллақандай тош-күрғон ва ертүлаларнинг әмирилған деворлари хунук сүррайиб турар, қулаб тушған вишкалар корайиб ётар, отлар камалған ҳалиги құрғон олдида үлжа қилинған милтиклар, ханжар ва киличлар тепа-тепа булиб ётар. қүрғоннинг ичидә эса тиззаларини күчоклаб олған самурайлар үтиришар, узокдан улар негадир ташландик кабрларни әслатар әди...

– Мана! – деди капитан. – Японларнинг машхур Халанган истеҳкомини бир зарб билан ишиғол қилдик. Душманнинг отлик полки ва бутун бир пиёда аскарлар дивизияси тор-мор қилинди. Құмбондонликнинг Хинган тоғларидан үтиб, Квантун армиясининг оркасига чиқинш ва үнга фавқулодда зарба бериш ҳақидаги стратегик пла-ни үз кучи ва пухталигини исбот қилди. Бугун ажойиб ғалабани құлға кирийтдик.

Комбат бир зум үлланиб колди.

– Лекин... ғалаба курбонсиз бұлмас экан. Бугунғы жаңгда батальондан олти жаңгчи қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Уларнинг хотираси учун бош кийимларингизни олиб, бир минут сукут саклашларингизни илтимос қиласан.

Бошларимиздан шўр босиб, окариб кетған фуражкаларимизни олиб, сукут сакладик.

Комбат фуражкасини кийиб, батальонга юзланди.

– Ҳа, батальон бугун мардонавор жаңг қилди... Құмбондонлик номидан, полк командири, Совет Иттифоки

Қаҳрамони, полковник Белобородов номидан ва шахсан ўз номидан Халангандын иштегомини забт этишда күрсатган қаҳрамонликларингиз учун ташаккур билдираман!

– Совет Иттифоқига хизмат киламиз!

Одатда бу хитобдан кейин тарқалишга рухсат берилар эди. Лекин комбат қошларини чимириб ўйланиб турар, гүё оғир бир гапни айтишдан ийманар эди.

– Солдатлар! – деди у ниҳоят. – Биламан, сўнгги кунлар ҳаммамиз учун жуда оғир бўлди. Деярли ухламадик хисоб. Буни ҳам биламан. Лекин... танк кисмларимиз фурсатни бой бермаслик учун илгарилаб кетди. Биз улардан узилиб қололмаймиз! Сизлардан янги куч, янги ирода ва сабр-тоқат талаб қилинади. Ҳозирга қадар кунига олтмиш-етмиш километр йўл босган бўлсак, эндиликда кунига саксон-тўксон, балки, юз километр йўл юришга тўғри келади... Ҳозир уч соат вақтимиз бор. Рота командирлари! Солдатларга дам беринг, овқатлантиринг. Соат ўн бешу ноль-нолда йўлга чиқамиз... Батальон! Таркал!..

* * *

Бошқалар дам олса ҳам бизнинг дам олишга вақтимиз йўқ, жангда ҳалок бўлган бўлим командиримизни дафн этишимиз керак эди. Белкуракларни олиб, энди кирга чиқаётганимизда Серкабой излаб келиб қолди.

– Жараланғандарни олиб кетпақши. Шоюсуп сени бир кўрсем дейди. Жур!

Старшинага мурожаат қилган эдим, нохушлик билан бўлса ҳам рухсат берди. Биз кўргонни ёқалаб, ўпирилиб тушган дотлар, ӯралиб қолган тиканли симларни айланаб ўтиб, соҳилга тушдик. Соҳилда туж бўйи келадиган қалин камишзордан берироқда иккинчи рота жойлашган. Солдатлар куролларини бир-бирига суюб кўйиб пи-

накка кетган, хатто соқцилар ҳам милиткларига суюниб мудрашмоқда эди. Солдатлардан нарироқда, дарёга қараб эгилиб ўсгаи катор толлар соясида иккита студебеккер турар, биринчи машинанинг ёнида гвардиячи капитан билан иккинчи батальон командири – чўпдай озгин майор капотга картани ёйиб, нима ҳакдадир баҳслашмоқда эди. Биз уларнинг ёнидан ўтиб, иккинчи машинага яқинлашганимизда унинг кузовидан Оля сакраб тушди. Унинг юзидан шиф-шиф тер окар, гимнастёркасининг ёқаси очилиб, офтоб тегмаган опник кўкраги кўриниб қолган эди.

Мени кўриб, Оля тухтади.

– Машинага чикавер, – деди у. – Ҳамشاҳаринг шу с尔да. Агар комбат рухсат берса, медсанбатга бирга бориб келамиз. Бир соатда қайтамиз. Рухсат сўрайми?

– Кераги йўқ. Сувга бориб келай, узим айтаман.

– Мен бориб кела колай сувга! – Серкабой унинг қулидан флягасини олиб, ёлғизоёқ йўлдан қамишзорга кириб кетди.

– Машинага чикавер! – кичик лейтенант кафтининг орқаси билан пешонасидаги соchlарини тузатиб кулди: – Ҳамшаҳаринг бирам бўш эканки...

Машинанинг пичан тўшалган кузовида ўн чоғли ярадор ётар, бирининг қули, бирининг оёғи, яна бирининг пешонаси танғилган. Солдатлар секин гаплашиб, хатто баъзилари кулишиб ўтирас, фақат боши салладай ўралган кексароқ бир солдат, кўзлари юмуқ, секин инграб ётар эди. Шоюсуф дока билан ўраб-чирмалган сонини ушлаганича кабинага суюниб ўтирас, унинг кўзлари киртайдан, пучук бурни ичига ботиб, тугмадеккина бўлиб қолган эди.

У мени кўриб, кўзига ғил-ғилт ёш олди.

– Дўстим! – деди у ўпкаси тўлиб. – Келганинг учун раҳмат, бу яхшилигингни ўлгунча унутмайман...

– Нега йиглайсан? – дедим ҳайрон булиб. – Яранг оғир эмас.

– Оғир эмас дейсан-у, оёғимни кесиб ташласа... у ёқда хотиним, үзинг биласан, ёш нарса...

– Ким айтди оёғинг кесилади деб? Кичик лейтенантми?

– Йўқ, у қайтага кўнглимни кўтаряпти. Шунга... бир оғиз гаплашиб берсанг. Врачларга тайинлаб қўйса...

Ерни гурс-гурс босиб комбат келди.

– Кетдик, Оля! Кабинага чиқ!

– Кабинага сиз чиқа қолинг! – деди Оля.

– Йўқ, мен ярадорлар билан бўлай! – Оля кўлида фляга, кузовга чиқди.

– Ким сув ичади?

Бошини дока билан саллага ўхшатиб ўраб олган кекса солдат секин ингради. Оля автоматини четга суриб, унинг ёнига чўккалади.

Кузовда Серкабойнинг боши кўринди.

– Омон бўл, Шоюсуп. Элга борсанг салом айт!

– Омон бўл, дўстим! – деди Шоюсуф лаблари титраб.

Машина қўзғалиб, соҳилни ёқалаб кетди. Йўл нотекис эди. Машина дам ўкириб юкори чиқар. дам ўйдим-чукурларда қаттиқ-қаттиқ силкиниб, ярадорларни безовта киллар эди.

Бир километрча юрдикми, йўқми, билмадим, тўсатдан “тарс-тарс” этган милтиқ овози янгради ва машина каттиқ силкиниб тўхтади.

Мен беихтиёр писиб колган эканман, автоматни олиб, ўрнидан тураётган Оляни кўриб, сапчиб турдим.

Машинанинг эшиги шараклаб очилиб, комбат кузовга сакраб чиқди.

– Автомат борми? Чўз бу ёққа! – Ранги ўчган комбат Олянинг автоматини юлиб олиб, менга қаради:

– Куролинг кани? Нега писиб қолдинг? Ол милтиқни!

У шундай деб бакирди-да, кабинани паналаб, автоматдан үт очди.

Мен ҳам жон ҳолатда автоматни қулимга олиб, кабинанинг панасига ўтдим. Машина соҳилда, пастқамрок жойда тұхтаб туарди. Дарё буйидаги ўсик қамишзор орасида гоҳ әмаклаб, гоҳ бүйларини ростлаб чопиб бораёт-ған уч-түртта самурай күзга чалинди. Кабинани паналаб автоматдан үт очдим. Қамишсиз такир жойга чикиб қолған иккита самурайнинг бири кулади, иккинчиси ўсик қамишларга столмай үзини ерга отди.

Мен гүё уни капитан эмас, ўзим отиб қулатгандай, қоним қайнаб, тепкини қаттикроқ босдим-у, тұсатдан комбатнинг:

— Оля! Тұхта! – деб кичкирганини эшитиб, ялт этиб қарадим.

Оля құлида автомат, биздан йигирма қадамча нарида тұхтаган иккинчи машинага қараб чопиб борар эди.

У машинага яқынлашиб колганида, йүл буйидаги қалин қамишлар чайқалиб... иккита япон офицери күринди. Бирининг құлида граната, иккинчисининг құлида ханжар, лой чапланған көп-қора юзларида ҳам құрқув, ҳам аллақандай совук бир журъат, самурайлар ғалати ишшайиб туришар эди.

Комбат қаттиқ бақирди:

— Ёт!

Лекин шу пайт ишшайиб турған самурай құлидаги гранатани машинага қараб отмоқчи бұлди-ю, Оля автоматини тариллатганича үзини унга ташлади.

— Оля! – капитан ҳавода умбалок ошиб, машинадан сакради. Мен ҳам жон ҳолатда капитаннинг кетидан сакрадим, лекин ҳали оёғим ерга тегмасданоқ иккинчи самурай ханжарини баланд күтариб кичик лейтенантга ташланғанини күриб, беихтиёр күзимни юмдим...

Кўзимни очганимда... самурай қонга бўялган ханжарини ҳавода силкитганича лойда сирғаниб, секин орқага тисарилади.

Капитан тўсатдан ўзбекчалаб:

– Ушла, даюсни! – деб бакирди-да, Олянинг ёнига тиз чўқди.

Мен автоматимни бошимга кўтариб, самурайга ташландим. Лекин самурай аллақандай хирилдоқ овозда бир нима деб кичкирди-да, лой чапланган юзи даҳшатли бужмайиб, ханжарини корнига санчди.

Ханжарнинг кизғиш тифи офтобда икки марта ялтялт қилди, учинчисида ханжар қўлидан тушиб кетди. Кўзлари кинидан чиқаёзган самурай кўйлаги остидан ағдарилиб тушган ичак-чавоғини чангллаганича, юзтубан йиқилди.

Кўнглим ағдарилиб юзимни ўғирдим. Тенадан, курғон томондан солдатлар югуришиб келар, Оляни икки қуллаб кўтариб олган комбат биринчи машинанинг ёнига чўккаламоқда эди.

– Оля! – тирноқларимгача музлаб, машинага караб чопдим. Даврон ака оёқ товушимни эшитиб қайрилиб каради, унинг рангида кон йўқ, катта қўй кўзлари худди нажот кутаётган боланинг кўзларидај жавдираб турар эди.

Оля бикинидан яраланган бўлса керак, қўлларини корнининг пастрок жойига қўйиб, тол тагида чалқанча ётар, кўзлари юмуқ, ечилиб кетган тилларанг майин сочлари бўйни ва кўкрагига ёйилган эди.

– Ўртоқ кичик лейтенант!..

Оля кўзини очди, лекин шу пайт етиб келган солдатлар мени четга суриб қўйишли. Олдинга старшина Салобилан Харитонов ўтди.

Старшина тиз чўкиб, Олянинг пешонасига қўлини қўйди.

– Олеңька?

Оля курукшаган лабларини ялаб, тұлғанди...

– Дмитрий Михайлович...

– Сабр кил, қызғынам... – старшина Оляниңг устига ёпилған шинелни құтарди-ю, юзи буришиб, дархол қайта ёпди: қызниң гимнастёркаси тилим-тилим бұлиб кетган, күкраги ва корни қип-қизил қон эди.

Старшина мүйлови титраб, капитанга юзланди.

– Тезроқ олиб борайлық медсанбатга...

Оля “кераги йүк” деган маңында секин бош чайқади. У инграмас, лекин бир зумда сұлиб, сарғайиб қолған чехрасида, чукур ботған күzlаридә болаларга хос бир илтижо, унсиз бир фарёд бор эди.

У тұсатдан безовталаниб тұлғанди, гүё хамма билан хайрлашаётгандек, күzlари чараклаб, атрофдагиларга тикилди. Назаримда, у менга қараётгандай бўлди.

– Оля!

– Мансур! – деди Оля. – Уртөк капитан! Даврон... – Оля гапиролмай секин ингради-да, күzlари юмила бошлади.

– Оля! – комбат гүё унинг сұниб бораётган ҳаётини тұхтатиб қолмокчи бўлғандай бошини қутариб пешонасидан, кўzlаридан ўпди.

– Оля! Олеңька!..

Старшина Сало мүйлови титраб, Даврон аканиңг елкасига қўлини қўйди.

– Уртөк капитан!..

– Ҳа-ҳа, тұғри! Тезроқ медсанбатга олиб бориш керак! Тезроқ! – капитан Оляни даст қутариб ўрнидан турди.

Мен йиғлаб юборишдан қўрқиб, сукут саклаб турған солдатлар даврасидан чиқдим. Шу пайт кимдир “Ногаев!” дегандай бўлди. Беихтиёр тұхтадим.

Қўргон томондаги тепаликдан капитан Ногаев билан... елкасида қаппайған буюм тұрва, Мирхайдар югуриб келишарди!..

— Нима бўлди? Нима гап ўзи? — Ногаев солдатларни четга суриб олдинга ўтди-ю, Оляни кўтариб олган капитаний кўриб, тўхтади.

— Оля! Качон? Нима бўлди?

Комбат боши шалвираб қолган қизнинг жасадини кузовда турган старшинага узатиб, секин ўгирилиб каради.

Капитанга ёрдамлашаётган Харитонов Ногаевнинг қулидан ушлади.

— Менга қара, капитан.

Лекин Ногаев унинг кўлини силтаб ташлаб, комбатга караб талпинди.

— Нима бўлди ўзи? Шундай киз!.. Шундай қизни эҳтиёт қилолмадингми? Нега индамайсан? Сенга айтяпман: шундай қизни эҳтиёт қилолмадингми? — Ногаев кўзлари ёниб, капитанга тикилди. Комбат уни силтаб ташлар деб ўйлагандим, лекин у бошини осилтириб:

— Ҳа, эҳтиёт қилолмадим, — деди секин.

Ногаев қўлларини мушт килиб:

— Эҳ, сени кара-ю! — деди титраб. — Сен қаерда юрувдинг! Ким жавоб беради бунга? Сендан сўраяпман, бу ўлим учун ким жавоб беради?

Комбат худди аччиқ қамчи еган аргумоқдай бир сапчиб тушди.

— Старшина Сало! Оляни ҳедсанбатга ўзинг олиб борасан! — у шундай деди-да, Харитоновга юзланди, бирдан ўзгарган, бўғик ва шиддатли овозда:

— Старший лейтенант Харитонов! — деб бақирди. — Сен ротанг билан бутун соҳилни титиб чиқ!.. Бир қарич ҳам буш жой қолмасин! Ҳаммасини титиб чиқ! Йўқ, тўхта, мен ўзим...

— Ўртоқ капитан! — деди Харитонов.

Комбат унинг сўзига кулок солмай, солдатларнинг олдига ўтди.

— Рота! Менинг орқамдан... Занжир бўлиб, олға! — Капитан пистолетини кинидан суғуриб олиб, қамишзорга кирди.

Биз ҳанг-манг булиб қолган Ногаев билан Мирхайдарнинг ёнидан ўтиб, комбатнинг кетидан камишзорга шўнғидик.

* * *

...Оляни медсанбатнинг машинасида олиб келишди. Машинада полк командири полковник Белобородов билан иккита ҳамшира қиз ҳам бор эди. Оляни гап-сўзсиз, чукур сукут ичида қабрга қўйдик.

Бир соатдан кейин соҳилдаги тариқ экилган тепалик ёнбағрида, ўша куни пайдо бўлган қабрларининг ёнида яна бир қабр пайдо бўлди. Сало овози қалтираб, салют беришни буорди. Биз қуролларимиздан уч марта ўқ узиб, салют бердик, ҳамшира қизлар олиб келган бир даста гулни қабрга қўйиб, орқага қайтдик.

Биз саф тортиб пастга тушаётганимизда ёнимиздан медсанбатнинг машинаси қувиб ўтди. Машинанинг кабинасида бошини қуи солиб полковник Белобородов ўтирас, қизлар кузовга жойлашган, Даврон ака қўринмас эди.

Кўнглим вайрон булиб орқамга қарадим. Комбат тепалик устида, қабрлардан сал юкорироқда, бошини осилтириб, хаёлга чўмиб ўтирас эди.

* * *

Уч-тўрт кун ўтди. Манжурия бўйлаб чекинаётган душманини қувиб кетяпмиз. Қаршилик йўқ хисоб. Танк ва артиллерия кисмларининг зарбасига дош беролмаган япон гарнизонлари позицияларини ташлаб чекинмоқда, истехкомларини топшириб, таслим бўлмоқда.

Бир кун кечкурун шоли экилган кандайдир сой бўйида тўхтаб, энди овқатга ўтирган эдик, Вася Колбаскин кидириб келиб қолди.

– Қани, юр, оғайни, – деди у ҳовликиб, – сени штабга чақиришяпти! Старшинанинг хабари бор. Тезрок бўл. Комбат кутяпти!

Васянинг авзойи бузук эди. Секин четга тортдим.

– Нима гап? Тинчликми ўзи?

– Билмасам, – Вася күзини олиб кочди. – Штабга бирор келди. Погонларига қараганда, харбий прокуратура ходимига үхшайди.

– Ҳарбий прокуратура?!

– Үтаканг ёрилмасин, – деди Вася. – Құркма. Пулемёт түғрисида эмас, кичик лейтенантнинг ўлими түғрисида келганга үхшайди.

– Олянинг ўлими?

– Намунча титрайсан? – деди Вася жеркинқираб. – Саволинг бўлса ўзидан сўра. Боравер. Мен ҳали Ведерниковни топишим ксрак!

Вася штаб жойлашган ерни кўрсатиб, ўзи сой ёқалаб чопиб кетди.

Штаб биз турган жойдан узок эмас, шолипоянинг охирида, тариқ экилган кир этагида эди. Кун ботган, лекин ҳали ёруғ эди. Мен взвод-взвод булиб жойлашган солдатлар, саф торган машиналар ва дала ошхоналари ни оралаб ўтиб, штабни топиб боргунимча ғира-шира қоронғилик тушди. Таниш чодирга якинлашиб қолганимда ичкаридан штаб бошлиғи – соchlарига оқ оралаган старший лейтенант чиқди. У мени кўриб: “Киравер!” деган маънода бош ирғади-да, қовоғини солиб, сойга тушиб кетди. Юрагим гупиллаб чодир томон юрдим-у, тусатдан комбатнинг таниш бўғик овозини эшитиб, беихтиёр тўхтадим:

– Кечирасиз, ўртоқ старший лейтенант. Бу фожиа ҳакида канча сурасангиз, марҳамат, жавоб бераман. Лекин ана у гапларни қўзғаманг!

– Нега энди? – савол берган одамнинг овози жуда босик, хатто мулойим эди.

– Чунки бу гаплар кичик лейтенантнинг хотирасига нисбатан ҳакорат бўлади!

— Сиз хам мени кечирасиз, ўрток капитан. Лекин бу жавобингиз салобатли одамнинг жавобига ўхшамайди.

— Майли, нима дессангиз деяверинг, лекин мен бу саволингизга жавоб беришни истамайман!

— Ихтиёр сизда. Бирок эсингизда бўлсин: бу гаплар масалани баттар чигалланитириши мумкин, холос!

— Менга барибир! Ўша куни хушёрлик қилмадинг, дейишга ҳаққингиз бор... Лекин масаланинг бу томони...

— Хўп. Яхши!

— Ичкарида нимадир тараклаб кетди. Пилоткамни тўғрилаб, чодирга кирдим.

— Ўртоқ капитан. Буйруғингизга биноан...

— Вольно! — Чодирнинг ўртасида турган комбат рапортимга қулоқ солмай, қўл фонаръ нурида столдаги коғозларни йиғишираётган юмалоқкина одамга юзланди.

— Мана, чақиртирган солдатингиз келди!

Юмалоқкина одам қўл фонарини юзимга тўғрилади. Мен унинг синовчан кўзларига кўзим тушиб, ерга қардим.

— Хўп, мен кетдим, — деди комбат.

Юмалоқ одам яна фонарини ёкиб, менга бошдан-оёқ разм солди-да:

— Рус тилини яхши биласанми? — деб сўради. — Билсанг, Халангнан истехкоми ёнидаги жангдан кейин бўлган воқеалар тўғрисида изоҳнома ёзиб берасан. Ҳозир сени сўрокка тутиб ўтиришга вактим йўқ. Сен ёлғон-яшиқ гапларни қўшмай, бўлган воқеани қисқагина ёзиб, батальон штаб бошлигига топширасан. У ёғини яна кўрамиз. Уқдингми?

— Уқдим, ўртоқ старший лейтенант!

— Яхши! — старший лейтенант кўчма столдаги коғозларни йиғишириб папкасига солди-да, чодирдан чиқди.

Мен ҳаяжон устида “уқдим”, деган бўлсам хам ҳеч нарсага тушунолмай довдираб қолган эдим. Нима бўляпти

үзи? Нахот үша кунги күнгилсиз воеа учун комбат айбдор бўлса! Ё үртада бошқа гаплар борми? Бор бўлса... нима қилишим керак? Нима деб ёзаман?..

Бошим ғовлаб, чодирдан чикдим. Теварак-атроф көрнгиликка чўмган, факат сой бўйида, у ер-бу ерда гулхан ёнарди.

Комбат чодир ёнида қўлларини қовуштириб хаёлга чўмиб турарди.

– Уртоқ капитан...

– А? – Комбат ўгирилиб каради. – Хўш?

– Старший лейтенант менга изоҳнома ёзишни топширди, нима деб ёзаман?

– Нима деб ёзишни мендан сўрайсанми? – деди комбат зарда билан. – Билганингни ёзавер!

– Тўғри. Лекин... нахот үша кунги күнгилсиз воеа учун сиз жавобгар бўлсангиз?..

Даврон ака индамай яна қоронгиликка тикилди.

– Кошки гап факат жавобгарликда бўлса! – деди у анчадан кейин. – Эҳ, одамлар, одамлар... – Комбат оғир хурсинди, сўнг шинелини ерга ташлаб, ёнбошларкан:

– Утири, ука, гап бор, – деди.

Мен унинг ёрилгиси келиб, тўлиб турганини сездим-да, ёнига чўккаладим.

Бу камгап, камсухан одам, үша окшом чиндан хам ёрилди.

Мана унинг ҳикояси.

* * *

... Кирк тўртингчи йил. Август ойининг охирлари. Гарбий Украина ўрмонзорларида душман оркасига десант туширишга тайёрланаётган пайтларимиз. Ҳамма нарса таҳт бўлган. Отрядга фақат бир жангчи – немис ва чех тилларини яхши биладиган, хам радиостлик, хам ҳамиширилик кила оладиган бир одам керак.

Бир кун мени дивизия разведка бўлимининг бошлиғи таклиф килиб, “Фозиев, сенга ажойиб бир жангчи топдим”, деб қолди. Кейин кулимсираб бориб эшикни очди-да:

– Куприянова! – деб чакирди.

Хонага кичик лейтенант формасида нозиккина бир киз кириб, полковникка рапорт берди.

Полковник иккимизни таништириб қўйди. Мен уч йил урушда юриб ҳамма нарсага қўнинкан, мардликда ман-ман деган йигитларни йўлда колдирган аёлларни, ҳатто ёш қизларни ҳам кўрдим. Лекин кўм-кўк кўзла-ри порлаб турган бу киз... шундай нозик, шундай маъсум туюлдики, ер остидан полковникка қараб, елкамни қисдим. Полковник менинг қўнглимдагини тушуниб, кулимсиради, сўнг Оляни чиқариб юборди-да, киска килиб:

– Олавер, Фозиев! Пушаймон қилмайсан! – деди.

Ҳали-ҳали эсимдан чикмайди. Биз тўққиз кишидан иборат десантчилар гурухи самолётда учиб кетяпмиз. Ёр-дўстлар билан. Москвадан келган вакил, полк коман-диirimiz полковник Белобородов – ҳамма-ҳамма билан хайрлашиб, хужжатларимизни, уйга ёзган хатларимизни топшириб, оладиган курол-яроғ, озик-овқат, кийим-ке-чакларимизни олиб, самолётга чикканимизга бир соатдан ошган. Самолётнинг ичи зим-зиё. Факат учувчилар кабинасининг эшигида кўк ва қизғиши нуқталар милти-раб кўринади. Оля менинг ёнимда ғужанак бўлиб, ёш боладай пинжимга суқилиб ўтирибди. Бошқалар ҳам бир-бирининг пинжига кириб, пинакка кетганга ўхшайди. Лекин мен биламан – ухлаган бирорта одам йўқ, ҳамма уйғоқ. Ҳамманинг хаёли бизни кутаётган хатарли операцияда. Йўқ, гап кўркиш ё қўркоқликда эмас. Самолётда ўтирган тўққиз жангчининг ҳар бири бир неча мартадан душман орқасида бўлиб, энг оғир, энг хатарли

вазиятларда ҳам довдирамаган! Лекин душман орқасига тушиб “иш килиш” канчалик оғир бўлмасин, хозиргача бу “иш” ўз мамлакатимиз, ўз тупроғимизда амалга оширилар, ҳар бир нигоҳ, ҳар бир дараҳт бизга хайриҳоҳлик қиласар, бизга она юрт ўзи мадад берар эди. Бу сафар эса биз мутлако нотаниш мамлакатга, нотаниш ҳалқ орасига бориб тушамиз. Мана, нари борса ярим соатдан кейин люк очилади-ю, пастда зим-зиё уммон қаърига, сирли ғордай мудхиш бўшлиқка сакраши керак. Бу ғор, бу зим-зиё уммон қаърида уларни нималар кутяпти, эсон-омон ерга қўна оладиларми ёки осмондаёқ ўқка тутиладиларми, ерга эсон-омон қўнганда ҳам ёт элда улар нималарга дуч келади – буни ким билади? Ким айта олади?

Мана, ёнимга учувчилардан бири келиб тұхтади.

– Манзилга етдик, старший лейтенант! – деди у.

Мен ҳали команда бериб улгурмаган ҳам эдим, пинжимга суқилиб гужанак бўлиб ўтирган Оля дик этиб ўрнидан турди.

Люк очилиб, боя мен айтган зим-зиё бўшлиқ кўринди. Пастда, коронғи ўнгир тубида, тез сузиб ўтаётган булутларнинг сояси кўзга чалинди, самолётга вишиллаган соувук шамол ёпирилиб кирди.

– Команда, хозирлан! – деб буйруқ бердим, лекин ҳеч кимнинг исми фамилиясини чакирмадим.

Ногахон кўзим коронғида Олянинг кўзларига тушди. Унинг бутун отряд мафтун бўлган катта-катта мовий кўзлари ўша мен айтган ўпконда эди.

Мен унинг кўлинини топиб кисган эдим, у ялт этиб қарди-ю, ўпконга караб бир кадам ташлади. Хайрият. Ладислав Немец деган чех офицери сезиб қолган экан, қизнинг олдини тўсди-да, ўнгирга биринчи бўлиб сакради, Ладиславдан кейин Оля, Олядан кейин старшина Сало, Салодан кейин бошқалар.

Мен душман орқасига биринчи марта тушиш им эмас эди. Лекин учувчи билан хайрлашиб, люкка яқинлашганимда ва қора булут парчалари лип-лип этиб үтәётган зим-зиё бүшлиқни күрганимда, бир зум вужудимни совук титроқ жимиirlатиб үтди. Иродамдан зур бир куч елкамдан “шаппа” ушлаб, үпкон олдида тұхтатмоқчи бўлди. Лекин мен бу кучга бир дақиқагина итоат этсам бас, шарманда бўлишимни билардим. Ундан кейин хеч бир куч, хеч бир ақл-идрок мени бу үпконга сакрашга мажбур этолмайди. Мен буни яхши билардим, бу совук ваҳимага бир зум таслим бўлиб, кейин үзини ўнглаб ололмаган не-не одамларни кўрган эдим, шунинг учун кўзимни юмдим-у, тўккиз жангчи, тўккиз дўст, ака-ука тутинган тўккизта марднинг бири бўлиб тубсиз уммон қаърига ҳатладим...

Кейин-чи? Кейин нималар бўлганини эсласам, юрагим безиллади.

Рост, десант тушган кеча отряд учун муваффакиятли үтди деса бўлади. Немислар бизни пайқашмади, хархолда, уша дақиқада пайқашмади. Буни чинакам омад деса бўлади. Лекин мен учун... Мен қандайдир катта бир дараҳтга тўғри келган эканман, чап оёғим бехосдан икки шоҳ ўртасига кириб колиб... кўзларимдан юлдузлар сачраб кетди. Кейин билсан, тўпиғим тойиб, оёғим қаттиқ лат еган экан!

Коронғида тишимни тишимга қўйиб, оксаб-тўқсаб бошқаларни излашга киришдим.

Биз тушган жой тоғ ёнбағри бўлиб, қалин арчазор эди. Ярим соат үтар-утмас шартли белгилар ёрдамида бир жойга тўпландик... Қўлимиздаги разведканинг ахбороти бўйича биз тушган тоғлик жойдан беш-олти чақирим пастда, жанубда, немис дарё флотилиясининг қисмлари бор, бу қисмлар муҳим ҳарбий порт ва темирийўл үтадиган катта кўприкни мудофаа килар эди.

Бизга юкланган вазифаларнинг бири шу порт ва шу куприкка боғлиқ. Лекин бу режани амалга ошириш учун тоғларда харакат қилаётган партизан отрядларини топиш, улар билан алоқа боғлашимиз керак. Вактни бой бермасдан, дарҳол токка чиқиб кетишга аҳд килдик.

Мен олдин оёғим лат еганини билдиринасликка уриндим, тишимни тишимга босиб, ўзим юришга харакат килиб кўрдим. Қаёқда, юролмай ўтириб қолдим. Бир ёнимдан Сало, бир ёнимдан Ладислав қўлтиқлаб олишди. Нотаниш жойда, коронғида юришдан қийини йўқ. Дам калин чакалакзорларга дуч келамиз, дам жарликларга тушиб кетамиз, дам коя тошлар учрайди, айланиб ўтамиз. Мен отрядга завол бўлишимдан қўркиб, ич-ичимдан эзиламан, бир оёқлаб сакраб-сакраб юришга харакат киламан, чунки тушган жойимиздан мумкин кадар тезроқ узоклашишимиз, ҳарбийчасига айтганда, изимизни йўқотишимиз керак.

Шу зайлда бир соатча юрганимизда, тўсатдан олдинда ит хургандай бўлди. Дарҳол тўхтаб, Ладиславни ўша ерга жўнатдим. Ладислав сал ўтмай қайтиб келиб, тоғ этагида кичикроқ бир кишлок борлигини айтди.

Йўлни чапга олиб, кишлокни айланиб ўтишга аҳд килдик.

Бу ўртада тоғ чўккиларининг усти оқариб, юлдузлар хирадашиб қолди.

Бир маҳал, олдинда кетаётган Сало тўхтаб, қорайиб турган баланд қояни кўрсатди. Синчиклаб карасам, коя деганимиз ярим хароба, эски каср экан. Ладислав билан Сало бориб келиб, каср кимсасиз эканини айтишди. Маслаҳат билан кечқурунгача қасрда яшириниб ёгишни лойик кўрдик, чунки тонг отиб қолган эди.

Битта-битта бўлиб қасрга яқинлашдик. Бу – готик услубида курилган жуда кадимий бир каср эди. Кейин билсак, у ўрта асрларда яшаган ва теварак-атрофни зир

титратган машхур бир графнинг қасри бўлиб, кўп афсонавий воқеаларнинг шоҳиди бўлган экан. Биз девори ёмирилиб, форга уҳшаб қолган туйнуклардан ўтиб коронғи подвалга кирдик. Кейин зах хоналардан, қандайдир тор йўлаклардан ўтиб, зинама-зина юриб. юкорига чиқдик.

Мен ҳамон тишимни тишимга қўйиб, Сало билан Ладиславнинг ёрдамида судралиб келяпман. Охири юкоридаги коронғи бир хонада тўхтадик. Оля оёғимни тахта-качлаб, маҳкам боғлаб ташлади.

Ладислав атрофни кузатиш учун чердакка чикиб кетди.

Биз энди маслаҳатга ўтирган эдик, Ладислав чердакдан сакраб тушди.

– Немислар! – деди у. – Биз келган томондан келишяпти. Камида бир взвод бор!

Фурсатни бой берсак, бутун отрядни ҳалок килишимиз мумкин эди.

– Дмитрий Михайлович! – дедим. – Отрядга командирлик қилишни сенга топшираман! Дархол касрдан чикиб, ўрмонга киришларинг керак!

Сало бир оёғимга, бир юзимга караб:

– Шу ерда жанг килсак, қандоқ бўларкин? – деди.

– Старшина Сало! Буйрукни бажар! – деб бақирдим. – Сўнг юрагим бсихтиёр “шиғ” этиб, тескари бурилдим. – Хайр, омон бўлинглар, дўстлар!

Шу пайт Оля ёнимга келиб:

– Ўртоқ старший лейтенант! – деди. – Мен шу ерда қоламан!

Ялт этиб қарадим. Оля пастки лабини тишлиб, кўзимга тикилиб тураг эди.

– Кичик лейтенант Куприянова! Буйрукни бажаринг! – дедим.

Оля рангидан қони кочиб:

– Агар отиб ташласангиз хам кетмайман! – деди.

– Майли, ўртоқ старший лейтенант, – деди Сало. – Оля колсин!

– Буйруқни бажаринглар!

– Кетдик! – Сало зинадан пастга отиларкан, бир зум тўхтаб: – Ўртоқ старший лейтенант! – деди. – Чердакка чиқиб олинглар. Чердакка!

Мен уларнинг оёқ товушлари узоклашгунча кутиб турдим, кейин секин Оляга карадим.

– Ўртоқ старший лейтенант! Ахири мен... ҳамишираман-ку! – деди у.

– Хўп, бўлар иш бўлди. Қани, чердакка чиқ!

Мен елкамни тутиб бердим. Оля елкамга миниб чердакка чиқди-да, қўлини чўзди. Мен хам бир амаллаб юкорига чиқиб олдим.

Эски-туски, латта-путта, пачак кути, мис қандил, яна аллақандай лаш-лушлар билан тўлган чердак ярим коронги, агар шифтдаги туйнук беркитилса, мутлако зимзёй бўлиши мумкин эди.

Мен энди шуни ўйлаб турган эдим, қаердадир пастда, ўрмон томонда, автоматларнинг тариллаши эшитилди. “Наҳот немислар кўриб қолишган бўлса?”

Мен жон ҳолатда шифтдаги туйнукка тармашдим. Бир зумгина кўз олдимда баланд тоғлар намоён бўлди. Пастда, қасрнинг тагида жилға оқар, жилғанинг у томони қалин арчазор эди. Йигирма чоғли немис автоматларини тариллатганларича арчазорга караб чопиб борар, бизни-килар кўринмас, чамаси, улар арчазорга киришга улгуришган эди.

“Хайрият-э!” Елкамдан тоғ қулагандай бўлиб туйнукдан тушдим. Худди шу пайт пастда, қасрнинг ичидаги мадир портлаб, бўш хоналар ванғиллаб кетди. Кетма-кет автоматлар тариллади. Немисларнинг бўғик, асабий овозлари эшитилди. Афтидан, тинтув бошланган эди.

– Туйнукни бекитиш керак. Ана уларни олиб бер, Оля! – мен бурчакда уюлиб ётган аллакандай ромлару латта-путталарни кўрсатдим.

Туйнукни шулар билан беркитдик-да, зим-зиё чердакнинг ўртасидаги мўри оркасига ўтиб, писиб олдик. Бу ўртада пастда яна бир-икки марта нимадир портлаб, эски қасрни титратиб юборди. Наздимда, немислар коронғи хоналарга киришдан олдин хар эҳтимолга карши граната отишмоқда эди.

Сал ўтмай, зиналардан кўтарилаётган гурс-гурс оёк товуши ва автоматларнинг тариллаши эшитилди... Мен ҳаммадан бурун бир нарсадан ҳадиксирадим: тинтув килаётганларнинг итлари йўқмикан?

Йўқ, акиллаган, ириллаган овоз эшитилмас эди. Автоматимни пастдаги туйнукка тўғрилаб, Оляга карадим. У ҳам қўлида автомат, менга юзланди. Коронғида унинг кўзлари жавдираб турарди. Мен: “кўркма, Олењка” деган маънода унинг елкасидан секин кучдим. У сал силжиб, пинжимга суқилди-ю, чаккасига тушган майнин сочлари билан юзимга суйкалди. Оля ҳеч нима демади, лекин унинг бу харакатида ҳам ишонч, ҳам меҳр, ҳам “йўқ, кўркаётганим йўқ”, деган бир ишора, айни замонда аллакандай илтижо, умид бор эди...

Пастда, боя биз турган хонада пулемёт тариллаб, десворлардан ғишт парчалари кўчиб тушди. Кейин чердакка чиқадиган туйнукда каска кўринди. Каска кийган бош у ёқ-бу ёкка қараб кўзини ўйнатди-да, қаттиқ сўкинди. Немис тилини Олядай мукаммал билмасам ҳам гапларига тушунардим.

– Шайтоннинг макони-ю бу! – деди каска кийган немис.

– Гранатангни от! – деди пастдагиси.

– Гранатам қолмади. Сенда борми?

– Битта бор. Ҳозир запалини тўғрилаб бераман.

¶ ІУМ Жимлик чўкди. Олянинг елкалари титраб кетдими ё менга шундай туюлдими, мен учинг қўлига қўлимни кўйдим, у ҳам яна боягидай соchlари билан чақкамга суйкалди...

Пастда нимадир тараклаб, мармар полга тушди.

– Падарига лаънат! – сўкинди немис. – Запалга бир бало бўлибди. Автомат билан тўрт томонга отгин-у, қўркмай чикавер!

Тариллаб отилган ўклар мўрига, шифтга, деворларга тегиб, чанг-тўзон кўтарилди, устимизга кўчиб тушган тош парчалари ёғилди.

Бошимизни кўтартмай писиб ётибмиз.

Автомат тариллаши тўхтаган заҳоти пастдан яна бояги овозлар эшитилди.

– Энди мен елкамни тутиб турман, сен чик тепага!

– Нега мен чикар эканман? Узинг чикавер!

– Навбат билан чикишимиз керак!

– Нима? Юрагинг пўкилляптими?

– Пўкилламаса чикиб қўр!

– Гапни чўзма! Ҳозир кўндоқ билан думбангга битта тушираман, тўппа-тўғри жаҳаннамга кетасан! Қани, чик деяпман сенга!

Қаттиқ сўкинган овоз эшитилди, кейин туйнукда яна бояги каскалик бош кўринди.

“Бош” шифтга қаратиб яна ўқ узди.

– Ким бор? Жонингда умидинг бўлса, чик бу ёкка!

Каскалик немис бир лаҳза кутиб турди, сўнг ҳеч бир садо чиқмагач, секин тирмашиб кўтарила бошлади. Ко-ронғиликка кўзимиз ўрганган. Ҳамма нарсани кўриб ётибмиз. Солдат чердакка чиқиб кўрка-писа каддини ростлади-да, худди бир нимага кулок солгандай қулоғини “динг” килиб котиб колди. У кўп бўлса ўн тўккизга чиккан, ходадай узун, озғингина успирин эди! У тўсатдан бошини кўтариб шифтга каради, караганда латта-путта

расидан қуишлиб турған бир ховуч нурни күриб колди үекилли, автоматини силтаб, ром ва қандилларни учирив әзбордини. Чердак ёришиб кетди.

Солдат оёғи остига тушған қандилни шараклатып төбін, бир қадам олдинга юрди, юрди-ю... үзиге каратилған ккита автоматни күриб, оғзини очганча котди-колди.

Пастдан:

— Нима бало? Олтин-полтин топиб олдингми? Инда-й қолдинг? — деган овоз эшитилди.

Мен ўнг құлымни автоматнинг тепкисига тутганимча, п құлымни лабимга босдим: “Жим!”

Солдат күм-күк күзларини катта очиб, хамон серраб-б турар эди.

— Нима бало, тирикмисан? Үликмисан? — кичкирди тдаги шериги.

Солдат чүчиб тушиб:

— А! Ҳа-ҳа, — деб ғудранди.

Мен “орқанға қайт!” деб ишора килдим.

Солдат “хүп” деган маънода бошини ирғади-да, түсат-тазун сариқ тишиларини күрсатып ишшайди.

Жей, жонинг борми, жавоб берсанг-чи? — деди паст-солдат.

Бор! Бор! Бу ердан бир коп олтин топиб олдим. Шелламан десанг чик!

Солдат шундай деди-да, секин орқага тисарила бош-

— құлымға гранатамни олиб, “агар ғинг десанг, ота-
—ған маънода ишора килдим. Солдат туйнукдан
—үшириб пастга сакраркан, “үқдим” деб бош ирға-
—ла ишшайди. Бу сафар унинг тиржайиши менга
—ир ғалати туюлди. “Бу аблаж бир балони бошла-
—” — дедим ичимда.

— Солдат лаҳзадан кейин икки солдат гунгур-гунгур пастга тушиб кетди. Мен Оляга қарадим, у

чукур тин олди, худди қаттиқ чарчаган одамдай күзини юниб, бошини елкамга қўйди... Шу топда у менга худди бир нимадан қаттиқ курккан ёш қизчага ўхшаб кетди-ю, соchlарини тузатиб, пешонасидан ўпдим...

* * *

Комбат гап шу ерга келганда ўрнидан туриб кетди...

Икки ҳафтадан кейин бошка бир оғир вазиятда у менга коленкор жилдли қалин дафтарини берди. Дафтарни вараклаб ўтирганимда шу мисраларга кўзим тушди:

“Кечак дивизиядан ҳарбий прокуратура ходими келди. Чамамда, Ногаев бўлса керак, прокуратура ходими буни айтмади, устимдан маҳфий маълумот ёзибди. Гўё мен Оля билан эр хотин бўлиб яшаган эмишман-у, энди ундан кутулиш учун жўрттага чоҳга итарган эмишман!..

Бу гапни ё аклидан озган жинни ё одамгарчилиги ни тамом йўқотган бир нокас ёзиши мумкин. Хўп, у но-мард-ку ёзибди, лекин бу мудхиш тухматга ишониш, ишонмаганда ҳам уни текшириб ўтиришнинг ўзи қаттиқ хакорат килар экан кишини. Айни замонда, бу чиркин гапларга алокаси бўлмаган бир ўй, бир фикр юрагимни эзади: чамамда, Олянинг кўнглида менга нисбатан аллақандай нозик бир туйғу бор эди. Оля буни яширишга харакат киларди. Чунки у жуда мағрур киз эди. Лекин баъзан беихтиёр билдириб қўярди. Мен эсам... Йўқ, муноғиқ эмасман. Тўрт йил урушда мен кўрмаган бало колмади, ҳамма нарсани кўрдим, ҳамма нарсага ўргандим, лекин Оля... мен уни алдашни истамас эдим! Мен ҳали ҳам бўлса уни алдамай, тўғри килганимга имоним комил. Лекин ким билсин, балки Олянинг дилида бу маъсум ҳис уйғонмаганда, у кўкламдаёқ армиядан бушаб кетармиди, бу ёкларга келиб юрмасмиди? Келмаганида бу фожия ҳам

рүй бермасмиди?.. Ҳар сафар хаёлимга шу фикр келса... юрагим зирқираб кетади...”

* * *

Мен бунинг ҳаммасини бир-икки хафтадан кейин бошқа бир оғир вазиятда, комбатнинг калин дафтарини ўқиганимда билдим. Прокурор келган кечаси эса Даврон ака бу гапларни айтмади. У факат десантда бошидан кечиргани воксаларни гапириб берди, холос. Шунга қарамасдан мен гап бўлакча бир поклик, биздай ўртамиёна одамларнинг ақли бовар қилмайдиган мусаффо бир дўстлик, ҳамдард-ҳамжиҳатлик ҳакида бораётганини сездим. Сездим-у, комбатга саҳрова айтган гапларим эсимга тушиб, ўзимдан раңжиб кетдим...

Эрталаб изоҳномани ёзиб, штаб бошлиғига топширдим-да, Даврон аканинг юзига карашга уялиб, ротага кетдим.

* * *

Уйқу аралаш қулоғимга бетартиб отилган пулемёт ва автоматларнинг тариллаши эшистилгандай бўлди. “Яна тревогами? Жангми?” – ўйладим мени, лекин киприк қоқишига чамам келмай, яна ухлаб колдим.

Биз кечаси билан йул юриб, тонг пайтида қандайдир тоғ ёнбағрига келиб ётган эдик. Бир ҳафтадан бери шу аҳвол – илгарилаб кетган танк кисмларидан узилиб колмаслик учун кечаю кундуз йул юрамиз. Ҳатто, таслим бўлаётган душман гарнizonларини асир олишига ҳам фурсат йўқ, ҳар куни стмиши-саксон километр йўл босамиз.

Сунгги икки кеча-кундуз, айникса, оғир бўлди, биз деярли ухламадик. Лекин бу отишмалар... йўқ, тревогага уҳшамайди!

Мен базур қўзимни очдим. Пулемёт, автоматлар қасрдадир яқинда, биз кўнган жойдан пастроқда тариллар, ялтираб учувчи ўклар осмонда кўк, қизғиши из колдириб,

коронғиликка сингиб кетар, сұнг янги үклар күкни ханжардай тилиб үтар әди.

“Қанақа отишма бу?” Наҳот!..”

Хаёлимга келган фикрдан юрагим үйнаб, үрнимдан турмөкчи бўлдим-у, ёнгинамда комбатнинг овозини эшишиб, кўзғалмадим.

– Унга тегмай қўяқол, Вася, ухлайверсин!

– Наҳот рост бўлса, ўртоқ капитан? – деди Вася.

– Нега энди рост бўлмас экан, кўриб турибсан-ку, салют беришяпти!..

– Одам ишонгиси келмайди, ўртоқ капитан! Жуда тез тугаб колди-да!

Капитан кулди.

– Тез тугасин деб, Гоби саҳроси-ю, Хинган тоғларида шунча машаккать чекдик-да! Ўзинг кўрдинг-ку, канча танк, қанча артиллерия ўтиб келди!..

– Энди юртимизга кайтамизми, ўртоқ капитан?

– Кайтмиз, албатта.

Улар студебеккернинг оркасига ўтиб ёнбошлишди шекилли, овозлари эшитилмай колди. Мен бир үйим, туриб ёнларига бормоқчи ҳам бўлдим, лекин дилемни чулғаб олган аллақандай ёруғ туйғулардан аъзойи баданим яйраб, кўзимни юмдим... “Уруш тугади! Энди элга – Корасувга кайтамиз...”

Кўзим илиндими, йўқми, билмадим, яна гангур-гунгур овозлардан уйғондим. Атроф хали коронғи, осмондаги юлдузлар чараклаб турар, лекин бояги отишмалар тўхтаган әди. Ёнгинамда гулхан ёнар, гулхан тепасида, кўлларида кружка, капитан билан старшина Сало гаплашиб туришар әди.

– Майли, кўп куйинаверманг, ўртоқ капитан, сабаби уруш!..

– Сабаби уруш!.. – Комбат оғир хўрсинди. – Илгарирок бўлса ҳам майли әди! Уруш тугашига бир ҳафта қолганда-я!.. Шундай кизни эхтиёт қилолмадик!..

— Қўйинг, ўртоқ капитан. Сўнгги пушаймон, ўзингга душман, деган гап бор. Ишилиб, бу ёғи тинчлик бўлсин. Галаба учун!

— Галаба учун...

Темир кружжаларнинг шак-шаки, кейин чўлп-чўлп ўпишган овозлар эшитилди.

— Хўп, ўртоқ капитан, дам олинг! – деди старшина.

— Сендан илтимос, Дмитрий Михайлович, уруш тугади, деб бепарволик қилишмасин. Соқчилардан хабар олиб тур!..

Даврон ака старшина узоклашиб кетгунча жойидан кимириламади, кейин гулханинг ёнига ёнбошлаб, планшетдан таниш дафтарини олди.

“Борайми, бормайми?..” Олянинг вафотидан кейин комбат менга қандайдир меҳрибон булиб қолган, у куни дардлашганимиздан кейин эса штабга қайта чакиртириб олган эди... Бирпас иккиланиб ётдим-у, секин ўрнимдан турдим.

Тоғ яқин бўлгани учунми, тун жуда салкин, рота-рота, взвод-взвод булиб, тепалик ёнбағрига жойлашган солдатлар бир-бирларининг пинжига сукилиб ухлаб ётишар, факат пастрокда яна бир жойда гулхан ёнар, у ердан кўшиқ айтган ширакайф овозлар эшитилар эди.

Капитан ерга тўшалган чодир устида чордона куриб, дафтарини вараклаб ўтирас, Вася эса ғужанак булиб ухлаб ётар эди.

— Салом, ўртоқ капитан! Галabalар билан табриклайман!

— Кел, ука! – капитан сурилиб, ёнидан жой берди. – Мен сени маза қилиб ухлаб ётибсанми десам, эшитибсан-да!

— Ҳа, эшитдим, бирок тўғрисини айтсам, мен ҳам Ва-сяга ўхшаб ҳеч ишонолмаяпман!..

— Ҳозир ишонмасанг, эрталаб ўйин-кулги бошланганда ишонасан.



- Кейин... чиндан элга қайтамизми, ўртоқ капитан?
- Албатта.
- Яна ўша йўлдан юрамизми?
- Йўғ-э! Авваламбор, бир-икки кун шу ерда дам оламиз, кейин боя кундуз кўринган ху ана у тоглардан ўтамиз! – комбат кулди. – Кўркма, энди Хинган тоғлари-даги мاشақкатлар қайтиб келмайди. Кунига кўп бўлса ўттиз-кирқ километр йўл юрамиз. Ҳаммаси булиб юз эллик-икки юз километр масофа. Кейин темирйўлга чика-миз, поездга миниб, элга қайтамиз. У ёғи – Узбекистон, Корасув, Корасувни соғиндингми, ахир!
- Соғинмасдан-чи, ўртоқ капитан!
- Мен хам соғиндим, ука, жуда соғиндим!
- Юрагим ўйнаб, ғалати бўлиб кетдим.
- Ўртоқ капитан! – дедим. – Ху ўшанда, саҳрова мен сиздан бир нарсани сўрайман деб хафа қилиб қўйган эдим. Кечиринг, ўртоқ капитан!..
- Майли! – комбат мийигида кулиб, гулханга тикилди. – Сен Ногаевга ўхшаб тухмат қилиш ниятинг йўқ эди, шекилли?..
- Айтмоқчи, ўша гаплардан тинчиб кетдингизми?
- Каёқда? Биз бирордан шикоят тушса бас, фирт тухмат экани кўриниб турса хам текшир-текшир қилиб, ҳамманинг асабини бузмасдан қўймаймиз!.. Майли, гап унда эмас! – деб комбат қўлини силтади! – Лекин ўша куни саҳрова мен хам сени ранжитдим, чамаси? Чунки, десантдан қайтганимдан кейин уйдан хат ололмай ҳар хил хаёлларга бориб юрган эдим... Қисқаси, сен хам мени кечир, ука!
- Кейин хат олдингизми, ахир?
- Олдим, ука, олдим. Саволинг ҳам эсимда турибди! – Даврон aka ширакайф одамларга хос бир мулойимлик билан кулди. – Йўқ, ука. Саломатни олиб қочган йигит мен эмасман, қайтага уни олиб кочиб кетмокчи бўлган йи-

гитлардан куткариб қолғанман! “Корасув”лик йигитлардан, – деди комбат.

– Йүр-ә!

– Нега ҳайрон бұласан? Ё Корасувда киз олиб кочади-
ган юрагида ёли бор йигитлар йүкми?

Күз олдимга гузардаги чойхонада бошларини куйи
солиб үтирган йигитлар, күз ёшлари соколига томчилаб
сүкиниб гапираётган кекса тегирмончи келди.

– Э-ә, айтаверсам гап күп, – деди Даврон ака. – Саломат билан танишишимизга қамоқ сабаб бұлған, ука.

– Қамоқ?

– Шундай... – деди капитан. – Саломат учун қамоққа
хам тушғанмиз, ука. Ё хамқишлоқларингдан Саломатни
тортиб олиш осон бұлған дейсанми? – Гулхан шуъласида
унинг күзлари шұх чакнади.

– Киттай-киттай отамизми? – деди у түсатдан. – Жин-
дак спирт бор.

Мен солдат бұлиб ҳам спиртни оғзимга олма-
ған әдим. Лекин... биз ахир она юртимиздан шундай
олисда, бошқа эл, бошқа осмон тагида Корасувнинг энг
суюкли қизи тұғрисида гаплашиб ётар әдик. Ичмасдан
бұлармиди?

– Майли, үртөк капитан! – дедим таваккал қилиб.

* * *

– Ёшинг нечада, Мансурбек?

– Үн сакқизда, үртөк капитан.

– Уида бошингга ҳали ишқ-мухабbat савдоси тушмаб-
ди! – ҳазиллашды комбат. – Ё Арслоншер айтған гүзал
маңшуқалардан борми?

– Йүр-ә, үртөк капитан.

– Хуллас калом, у махалда камнина эндигина инсти-
тутни битириб, ёшлар газстасига ишга борғанман. Ма-
данияят бұлымида адабий ходим бұлиб ишлайман. Бу-

тун шаҳарни кезиб, ўн беш сатр хабар топсам-у, бу хабар сахифага чиқса... ёстиқдай роман ёзган адибдай гердайиб юраман. Бир кун хаваскор мухбирчалардан бири хабар топиб келди: “Қизлар билим юртининг талабалари “Майсаранинг иши”ни саҳналаштирган эмиш. Жуда боплашган эмиш. Айникса, Майсара ролида чиқкан Саломатхон Сайдкаримова деган қиз қийиб ташлаган эмиш!..”

Саломатхоннинг исмини эшлитиб, юракларим така-пушка бўлиб кетди. Сабаби – бу гапдан бир ҳафта олдин Саломатхон редакцияга уч-туртта шеър кўтариб келиб... нима десам булади?.. – Даврон ака кўзларини юмиб, жилмайиб кўйди. – Хуллас, шеър кўтариб келиб, каминанинг юрагига чўғ ташлаб кетган эди!.. Нега куласан?

– Йўқ, ўзим...

– Бошингга тушмаган-да, куласан! Бошингга тушсин, биласан... Ўша куни премьера экан, билим юртининг кичкинагина залига одам сиғмайди. Бир томонда ўқитувчилар, бир томонда кечагина паранжидан чиқкан ёш жувонлару студент кизлар гулдай очилиб, яшнаб ўтиришибди. Ҳамма нарса тайёр, факат... бош қаҳрамон, яъни Саломат йўқ! Спектакль соат олтида бошланиши керак экан, соат етти бўлди ҳамки, Саломатдан дарак бўлмади. Секин саҳнанинг орқасига ўтдим. Қарасам, ҳамма безовта, шивир-шивир гап. Режиссердан сурасам, кишлок хўжалик техникумидаги ўқийдиган уч-туртта ҳамқишлоқлари бор эди, улар Саломатхоннинг спектаклда катнашишига карши эди, ушалар бир ишкал чиқармаганмикан, деб колди. Маслаҳат билан бир-икки киши Саломат турадиган уйга бориб келадиган бўлди. Мен ҳам кўшилдим.

Саломат корасувлик дугоналари билан Шайхонтохурнинг орқасидаги тор кўчалардан бирида турар экан. Борсак, уйда хеч ким йўқ, уй бекасининг гапига

қараганда, эрталаб чиқиб кетганича кайтиб келмаган... Балки, техникумга боргандир, деган умидда орқага кайдик. Йўқ, бормабди. Спектакль бекор қилиниб, одамлар тарқаб кетибди. Режиссёр қишлоқ хўжалик техникумига кетди. Мен вокзал томонда, “Тезиково бозори” деган жойда турардим. Кўнглим хит булиб, “Пиён бозори” деган жойгача яёв бордим. Бекатда одам кўп эди. Мен яна пиёда кетмокчи булиб турган эдим, келиб тўхтаган трамвайда... Саломат кўрингандай бўлди. Жон-жаҳд билан тирмашиб трамвайга чикдим. Қарасам... чиндан ҳам Саломат! Эгнида оддий чит кўйлак, кўлида кичикрок чамадон, деразадан ташқарига қараб турибди. Атрофини эса... олифталарча кийинган уч-тўрт йигит куршаб олган.

Одамларнинг орасидан ўтиб, яқинрок бордим.

– Яхшимисиз, Саломатхон? – дедим.

Саломат ялт этиб қаради, мени таниб, ғалати булиб кетди...

– Нега спектаклга бормадингиз? Сизга нима бўлди, Саломатхон? – деб ёнига ўтмокчи эдим, Саломатнинг олдидা турган новча қора йигит... Танимайсанми? Оғзида тилла тиши ҳам бор?

Кўз олдимга яна ўша чойхонада хомуш ўтирган олифта йигитлар келди. Уларнинг орасида новча қора йигит йўқ эди, шекилли.

– Билмадим... – дедим.

– Сен у пайтда ёш бўлсанг керак! – деди комбат. – Лекин қорасувлик йигит. Ислим Ҳошим. Ҳошим Холматов. Қисқаси, ўша йигит йўлимни тўсиб:

– Менга қара, акаси! – деди шивирлаб, – Саломатхонда нима ишинг бор? Қани, жонингда қасдинг бўлмаса, түёғингни шиқиллатиб кол, акаси!

Қарасам, ёнидаги шериклари ҳам ўдағайлаб, пайт пойлаб туришибди.

Саломат күз ёшини қулт этиб ютиб: “Булар ёмон, сиз аралашмай қўяколинг!” деган маънода ишора килди.

У маҳалда юзи очик, кўхлик қизлар шаҳарларда ҳам оз учаради. Ҳамманинг кўзи Саломатда, ҳамма унга нисбатан бир ёмонлик бўлаётганини сезиб турибди, лекин бутун трамвайдага жонимизга оро кирадиган бир одам йўқ!..

Ўзимни четроққа олиб, кутиб турибман. Трамвай вокзал олдидаги майдонга якинлашганда бояги кора йигит Саломатнинг қулидан чамадонини олиб, боши билан “туш!” деб буюрди.

Саломат кўзлари жавдираб менга бир қараб қўйди, кейин яна боягидай қулт этиб ютиниб, трамвайдан туша бошлади. Саломатдан кейин тилла тишли кора йигит, ундан кейин ёнидаги шериклари тушишди.

Саломатни зўравонлик билан кетишаётгани аник эди. Нима қилиш керак? Арз киладиган милиционер ҳам кўринмайди. Кетларидан сакраб тушдим.

– Саломатхон, тўхтанг! – дедим. – Бир оғиз гапим бор.

Кора йигит, калтирок босиб олдимга келди.

– Сен кимсан ўзинг? Хўш, нима гапинг бор? Айт!

– Ҳозир айтаман, нима гапим борлигини! – дедим. – Саломатхон! Ўрток Сайдкаримова!

Шундан кейин нима бўлганини билмайман. Ҳошим Ҳолматов куличкашлаб жағимга битта туширди шекилли, кулоқларим шанғиллаб, чалқанча йикилдим. Лекин баҳтимга ёмон тушмаган эканман, ўзимни ўнглаб, корнига тепганимни биламан, бир маҳал ҳушими йиғиб карасам... Ҳалиги йигит трамвайнинг изида сулайиб ётибди, кўзлари юмук, оғзидан лахта-лахта кон оқяпти! Атрофимда тумонат одам! Икки милиционер икки қўлимдан маҳкам ушлаб олган. Саломат йиғлаб турибди. Лекин унинг гапига қулок соладиган одам йўқ, ҳамма кон кусиб ётган йигит билан овора.

Ҳаш-паш дегунча чинкириб иккита машина етиб келди. Биттасига хушидан кетган кора йигитни солиб, ка-салхонага жүннатишди, биттасига каминани тикишиб, милицияга олиб кетишди... Қамоқка тушишимиз ана шунақа бұлған, ука.

– Нега сизни қамашади? Ҳақиқат килишмадими?

– Ҳақиқат... – комбат гулханга шох-шабба тащлаб, ис-техзоли кулимсиради. – Ҳақиқат килиш осон бұлса, унинг кадри бұлмас эди, ука... Биринчидан, Ҳошим полвон қулағанда бошининг катиғи чикиб кетган эканми, билмадим, касалхонада иккі ой ётиб, үрнидан зұрға турди. Иккинчидан, биринчи кунданок терговчы билан айтишиб қолдиг-у, иш чаппасига айланди.

Хәёлимдан: “Тунов кунгидай бұлибди-да!” – деган фикр үтди-ю, индамадим.

– Лекин хаёт қызик нарса экан! – Даврон ака гулханга үйчан тикилиб яна жилмайди. – Шу қамоқ сабаб бұлмаганда, әхтимол Саломат билан ҳам топишиш мас эдик! Ҳали-ҳали эсимдан чикмайди. Қамоқка тушиганимнинг учинчи ё тұртинги куни иккимиз терговчининг хонасиса учарапшик. Саломат мени күриб, йиғлаб юборди. “Мени деб бошингиз балога колди, кечириңг, ақажон!” дейди. Мен уни тиічитмоқчи бұламан, у бұлса ҳадеб бир гапни тақрорлайди: “Мени деб азият чекяпсиз, кечириңг, ақажон!” – деб йиғлайди.

Ростини айтсам, чеккан ҳамма изтиробларим ҳам бир бұлди-ю, Саломатнинг шу гаплари бир бұлди!.. Бахтга қарши, терговчы ёш бұлса ҳам соchlари түқилиб, тепакал бұлиб колған, тирнокларигача захар бир одам экан, бечорани жеркиб ташлади. Саломатин күриб, ичи қоралиги тутиб кетдими, билмадим, нуқул бемаза саволлар беради, аблак! Қаёқдаги ифлос нарсаларга шама килади, кишининг нағсонациятига тегадиган тағдор гаплар гапиради. Саломат бечора күзларини қаёкка яширишни билмайди.

Карасам, аблаҳ тепакал ҳаддидан ошиб кетяпти! Меники ҳам тутиб кетди:

– Бу тагдор гапларингиз билан нима демоқчисиз? – дедим. – Нимага шама киляпсиз ўзи? Амалингизни суиистеъмол қилишга ким хукуқ берди сизга?

Гапнинг кискаси, бирпасда чарс-чурс уришдик-қолдик. Терговчи чаёндай кўкариб, тугмачасини босди. Дархол милиционер кириб, каминани яна ўша “роҳатижон” жойга олиб кетди. Саломат кўзида ёш, терговчининг олдида қолди...

Комбат бошини қашиб, хўрсиниб кўйди.

– Уришмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан дегандек, терговчи билан уришаман деб, чиндан ҳам балога қолдим. Сен ёшсан, ука, билмайсан. У пайтларда баъзи ионок одамлар пашшадан фил ясад, обру ортгиришарди. Карасам, тепакал ҳам каминага сиёсий айб такишдан тоймайдиган!.. Дам олиш куни эди. Бир ўзим бир хонада нима қилишимни билмай, бошим қотиб ётган эдим, бир маҳал дастурхонга ўралган бир товоқ ош кирди. Ошнинг устига катта патир босилган!..

Кариндош-урурглар Фарғонада. Ёр-дўстлар ҳам ўзларини чётга оладиган оғир пайтлар. Давр ўзи шунака. Кимдан бўлиши мумкин бу передача? Ҳайрон бўлиб патирни ушатдим, ушатсам... ичидан икки энлик хат чиқди! Саломатхоннинг хати!.. Бошида яна гаплар: “Мен деб бошингиз балога қолди, кечиринг, акажон!..” Охирида: “Терговчининг нияти ёмон, нима қилай, қаерга борай, кимга арз қилай?” – деб маслаҳат сўрабди.

Ҳайрият, чўнтағимда қаламнинг синиги қолган экан: “Билим юртининг парткомига киринг, редакцияга ўтиб, бўлган воеани оқизмай-томизмай, мухаррирга ганириб беринг”, деб икки энлик хат ёзиб, дастурхоннинг учига тугиб чикардим.

Бу ўртада “Уруш бошланганмиш, Гитлер Ватанимизнинг чегарасини бузиб кирганмиш”, деган миш-мишлар

тарқалди. Мен ўша куниёк күнгиллилар сафида урушга юборинглар, деб ариза бердим. Лекин терговчи мени ашаддий душманга чикарган шекилли, аризам жавобсиз колди.

Бир ҳафтадан кейин яна передача келди. Яна бир төвөк ош, ошнинг ёнида иккитагина олма-ю, ўртасидан тенг бўлинган ёғлик патир!

“Наҳот Саломатнинг хатини топиб олишган бўлса?” – ошга қарагим ҳам келмай, олмани олиб ҳидлаб кўрдим. Олма жуда хушбўй эди, ўзи ҳам оппоқ, пиёладай келарди. Кейин билсам, бу Қорасувдан келган олма экан. Уни “дастор олма” дейишар экан. Шунаками ахир?

– Худди шундака, ўртоқ комбат! – дедим. Бир зумги на кўз олдимга илик ёз окшомида даштда кетаётган арава келди, эсимга райхон хиди уриб колган Саломатхоннинг дастор олмаси тушди, қулокларим остида кизларнинг шўх кулгиси янграгандай бўлди...

– Иккинчи олманинг узун банди бор эди – деди комбат. – Шу бандидан ушлаб, ҳидлаб кўрмокчи эдим, узилди-ю, олманинг ковагига кистирилган қоғознинг уни кўринди. Саломатнинг хати! “Айтганиларингизни қилдим, билим юртининг парткомига ҳам, муҳаррирингизга ҳам учрашдим, улар харакат киламиз, деб ваъда бернишди. Лекин барибир, эрта-индин ўртоқ Охунбобоевнинг олдига чиқмоқчиман...” деб ёзибди.

Комбат: “Қалай!” деган маънида менга бир қараб кўйди.

– Саломат сўзининг устидан чиқди, – деди у. – Лекин унинг Охунбобоевга учраши жуда кизик булибди. Қамоқдан чикканимдан кейин Саломат кула-кула гапириб берди: “Бир борибди – қўйишмабди. Икки борибди – қўйишмабди. Аризангиз бўлса секретариатга ташлаб кетинг, дейишармиш. Учинчи борганида бундок қараса... юзи очиқ хотинлар киролмас эмиш-у, паранжилик хотинлар кириб кетармиш...

Улар Охунбоевнинг йўлини пойлаб туришармиш-у, Ота қуриниши билан, унинг олдига дод солишиб, йиглаб боришармиш... Шундан кейин Ота ўзи уларни олиб кириб кетармиш... Тўртингчи куни Саломат ҳам уй бекасининг паранжисини ёпиниб борибди. Тонг отмасдан бориб, Отанинг йўлини пойлаб турибди. Бир маҳал Отанинг машинаси қўринибди. Саломат ҳам кечаги паранжилик хотинларга үхшаб, дод солиб йиглаб борган экан, Ота: “Йигламанг, кизим, йигламанг”, деб ўзи бошлаб олиб кириб кетибди. Киргандан кейин Ота, албатта, “ким бўласиз, қаердан келдингиз?”, деб суриштирибдилар... Саломат билим юртида ўқишини айтган экан, “билим юртида ўқисангиз нега паранжи ёпинасиз”, деб хайрон бўлибдилар.

Саломат паранжи воқеасини гапириб бериб, юзидан чимматини олибди. Ота қотиб-қотиб қулибдилар-у, дарҳол республика прокурорига телефон қилибдилар...

Шу телефон сабаб бўлдими, билмадим, ишклиб, бир-икки кундан кейин ишим бошқа терговчига ўтиб, тезлашиб кетди. Хуллас қалом, салкам кирк кун деганда камина ёрукка чикиб, офтоб кўрди... Мен осмондаги офтобни айтаётганим йўқ, – кулди капитан. – Ердаги офтобни айтяпман... Қамоқхонанинг кийимларини топшириб ўз кийимларимни кийиб, хужжатларимни олиб, дарвозадан чиқсан, кўчада қўлида гулдаста, Саломат кутиб турибди! Кулмоқчи бўлади-ю, кўз ёшларини тиёлмайди!

Ростини айтсан, ука, уни кўрдим-у, кирк кун чеккан азобларим ҳам эсимдан чиқиб кетди... Эртасига ёк уч-тўртта ёр-биродарларни тўплаб, кичкина тўй килиб бердик...

Комбат мийигида қулимсираб, хаёлга толди. Мен унинг аллакандай мулойимлашиб қолган чехрасига тикилиб ётар, лескин хаёлим олис-олисларда, Саломатхонда эди!..

Ха, мен янглишмаган эдим! Комбат айтган Саломат худди мен таниган, мен билган Саломатхоннинг ўзгинаси эди!

— Бир ҳафтадан кейин урушга кетадиган бўлдим, — деди комбат. — Маслаҳат билан урушдан қайтгунимча Саломат кишлокда, ойимларнинг олдида турадиган бўлди. Июлнинг охири. Ватанимиз хавф остида турган кунлар. Корасувга бориб, тўй-томоша қилиб беришга фурсат йўқ эди... Кишлокда бор-йўғи уч-тўрт кун турдим, Саломатни мактабга ишга жойлаштириб, урушга кетдим...

— Шундан кейин кўришмагандирсизлар-да?

— Йўқ, кўришдик, — деди комбат. — Яна бир марта кўришдик. — Даврон aka оғир хўрсиниб олди. Унинг чехрасидаги мулоҳимлик таниш шиддатли ифода билан алмашди.

— Ноябрнинг охири эди. Биз Семипалатинскда уч ойлик взвод командирлари курсини тамомлаган ёш лейтенантлар, бир эшелон бўлиб, фронтга жўнайдиган бўлдик. Семипалатинскдан кетишимиздан икки кун олдин, фронтга жўнашимиз аниқ бўлгач, Саломатга телеграмма юбориб, Арис деган станцияга келиб туришини илтимос килдим. Кейинчалик бу телеграммам учун ўзимга айтмаган гапим, сўкмаган сўкишим қолмади, ука. Нега шундай қилганимни ҳали ҳам билмайман, тўғрироғи, билнишга биламан-у, бунинг оқибати нима бўлишини, оғир уруш йили ёш бир жувонни Фарғонадан Арисга чакириш аҳмокона бир нарса эканини ўйламабман!.. Эшелонимиз Арисга кечқурун, қош корайиб колганда кириб борди. Қизил вагоннинг очиқ эшигида кўзим тўрт бўлиб аланглаб турибман. Перронда одам оз, солдатлар билан милиционерларгина кўринади. Саломат билан ойимларни вагонимиз вокзал рўпарасига яқинлашганидагина кўрдим. Улар почта ёнида йўлни тўсиб турган милиционерлар билан олишишмоқда эди!

Кейин хат ёзишича, Саломат ҳам мени худди шу пайт күрган экан. Мен үзимни вагондан отдим, мени күриб Саломат ҳам олдинга талпинди... Ойимнинг йўлини милиционерлар тўсиб қолишиди. Саломат бўлса, уларнинг куршовидан чиқиб, эшелонга қараб югурди. Қўлида тугун, сочлари тўзғиган Саломат коқиниб-суриниб келиб, үзини кучоғимга отди... У ёқда дод солиб милиционерлар билан олишаётган онам, бу ёқда бехуш бўйнимга осилиб қолган Саломат!

Капитан кўзини юмиб, бошини чайқади-да, яна хўрсинди:

– Ҳа, эсимга тушса, ҳануз үзимни сўкаман, ука... Саломатни сал тинчитгандай бўлиб, энди ойимларга қараб югурган эдим, тўсатдан вагонлар шарак-шурук килиб, эшелон юриб кетди. Уруш вактида эшелондан қолишининг оқибати нима бўлишини биласан!.. Перроннинг ўртасида қотиб қолдим. Эшелон қўзғалганини кўрган Саломат бўлса, үзини яна менга отди... Унинг кўз ёшлирини артиб, ялинаман “хайр, омон бўлинг, эшелондан колиб кетмай”, деб ёлвораман. Қани қўйиб юборса!.. Сўнгги вагон яқинлашиб келяпти... Жон холатда Саломатнинг қўлларини қайириб кучогидан чикдим-у, эшелонга қараб югурдим. Хайрият, вагондаги йигитлар кузатиб туришган экан, қўлларини чўзиб, кўтариб олиши... Вагонга чикканда кўриб қолдим: Саломат перронда йикилиб ётарди. Милиционерларнинг даврасини ёриб ўтган ойимлар эса икки қўзлари эшелонда, ялангбош, уни кучоклаб ўтирадилар.

Комбат афтини буриштириб, бошини чайқади.

Тавба! Нега шундай килдим – ҳалиям тушунолмайман!

Капитаннинг ҳолати менга аён эди. Чунки мен ҳам бирор ножӯя иш қилиб қўйсам, анчагача қийналиб юрардим. Лекин тўрт йилгача буни эслаб қийналиш!..

– Кейин-чи? – дедим гапни буриш учун. – Кейин нима бўлди, урток капитан?

– Кейин... Кейин фронт. Госпитал. Яна фронт... Сунгги икки йил десант кисмларида булдим. Десант жуда оғир нарса. Не-не йигитлар халок булиб кетишиди. Мен бўлсам, жоним савил эканми, билмадим, ҳалиям юрибман! – Капитан гўё тирик қолганига таажжубланаётгандай бошини сарак-сарак килди. – Охирги марта бултур кузда Карпат тоғларига десант тушдик. Чех ва словак партизанларига қўшилиб, душман билан салкам ўн ой олишдик. Бу – бутун бир достон, ука... Бир кун гапириб бераман... Уз қўшинларимизга шу йил майда, Прага озод килингандан кейин қўшилдик... Дархол уйга телеграмма бердим, хат ёздим. Бир ой деганда уйдан хат олдим... Саломат ўғилчамни олиб ўз юртига, Қорасувга кетиб қолган экан. Қишлоқда майда-чуйда гаплар... Уша куниёк Қорасувга хам хат ёздим. Лекин сал ўтмай, бу ёкка караб жўнадик.

– Боя хат олдим дедингиз-ку?

– Ҳа, олдим. Уша... Сен пулемётингни йўқотиб кўйган куни олдим, – деди капитан кулиб. – Гап хатда эмас, албатта. Ойлаб хат олмаганимда ҳам хаёлимга ёмон фикр келган эмас. Бу ерда бошқа бир гап бор, ука!

Йўлдан тарақлаб бўш машина ўтди. Машина пастда, гулхан атрофида ашула айтиб ўтирган солдатларнинг ёнида тўхтади.

Даврон ака қаддини ростлаб ўтирди. Гулхан шуъласида унинг мисдай қизарган чехрасида, қисилган кўзларида аллақандай ички туғён, йўқ, совук бир ғазаб акс этди.

– Сен ёшсан, – деди у. – Биз урушда юрганимизда, фронт орқасида... кўп нопок ишлар қилган ифлослар ҳам бўлган. Хотин-қизларимиз кечаю кундуз фронт учун тер тўкиб ишлашганида халқ мулкини шамолга совуриб, кўхлик қиз-келинчакларни йўлдан уриб,

айш-ишрат қилған аблактар ҳам бұлған. Менга күп солдатлар йиғлаб гапириб беришган. Бунақа номардлар менинг қишлоғимда ҳам бұлған... Баъзан, шуларни үйлаб хит бўлиб кетардим. Сен ёшсан, күп нарсани билмайсан!..

Хаяжондан юзимга қон тепиб:

– Йўқ, ўртоқ капитан, – дедим. – Ёш бўлсам ҳам биламан. Сиз айтган номардлар Корасувда ҳам бор!..

– Шунақами? – деди капитан кўзлари кисилиб. – Биз фронтда юрганимизда қасам ичардик. Элга эсон-омон қайтсак, ҳаммадан бурун шунақа номардлар билан олишамиз, деб қасам ичардик!.. Демак, Корасувга қайтсак, бирга курашар эканмиз-да, ука. Сен ҳам мана, фронтовик бўлдинг-ку!

Комбат кулимсираб менга каради. У яна бир нима демоқчи эди, лекин шу пайт студебеккернинг оркасидан старший лейтенант Харитонов чиқиб келди. Гимнастёр-касининг кўкраги чапаниларча очилған, кўзлари мастона сузилған.

– Ўртоқ капитан! – Харитонов оёкларини кериб гулхан ёнида тұхтади. – Нима бўляпти ўзи? Нега биздан яширасиз?

– Нимани яширибман? – Комбат шахт билан ўрнидан турди.

– Ҳозир биттаси келди, – деди Харитонов. – Юмалоқ, хомсемиз одам. Ҳарбий прокуратурадан эмиш. Сизни зўрайпти.

– Қани?

– Ўтирибди ўша ерда! – Харитонов пастдаги гулхан томонга ишора қилди. – Жиндай куйиб бердик. Ғала-ба-ку ахир, ич, дедик. Лекин... Сизни ғалаба куни терговчи қидирадиган нима гуноҳ қилдингиз? Нега биздан яширасиз. Агар тухмат килишса.. Қўйиб беринг, мен ўзим уни...

– Нима? – Комбаттинг овози ғазаб билан янгради. – Нима деб алжираяпсан? Анархияга йўл қўймокчимисан? Ёкангни ил! Кимнинг олдида турибсан?

– Кечирасиз, ўрток капитан...

Комбат гимнастёркасини тұғрилаб, ер остидан менга қаради-ю, тұсатдан ёмон бир нарса эсига тушгандай, афтини буриштириди.

– Кайф устида тоза алжирадим, шекилли? Бемаза нарса-да, шу ичкилик!

– Нега ундей дейсиз, ўрток капитан? Қайтага... Агар керак бўлса мен ҳам борай...

– Кераги йўқ! Қани, юр, Саша, борайлик, – деди комбат тұсатдан қандайдир илик бир меҳр билан. У қовоғини солиб турган Харитоновни қўлтиклаб олди-да, пастга тушиб кетди.

Кўнглим бир хил бўлиб ўрнимдан турдим.

Тонг отган, ҳавони қоплаган ҳарир туман орасидан олисдаги тоғлар элас-элас қўринар эди...

Мана, Манъчжуря бўйлаб чекинаётган Квантун армияси қисмларини қувиб кетаётганимизга ўн кундан ошди, ўн кундан бери шу манзара. Атрофда дўппидай бўш жой йўқ, ҳамма ёқ қўм-қўқ экинзор, тарикзор, гаолянзор... Ҳатто қир ёнбағирлари ҳам зина-зина қилиниб, экинзорга айлантирилган, факат ҳар жой-ҳар жойда ўн-ўн беш уйдан иборат кичик-кичик қишлоқлар учрайди. Томлари қамиш билан ёпилиб, устидан лой босилган бу уйлар, четан деворларига қовоқ ўрмалаган ҳовлилар во-дийлардаги ўз қишлоқларимизни эслатади-ю, ҳар сафар кўнглим бир хил бўлиб кетади... Мана, бу ерда ҳам ўнг томондаги тепаликда кичик бир қишлоқ қўриниб турибди. Қишлоқнинг орқасида қабристон бўлса керак, кичикроқ ибодатхона кўзга чалинади. Ҳавони қоплаган ҳарир туман орасида ибодатхона ҳам, қишлоқ ҳам тоғларга тушиб кетганга үхшайди...

“Шу тоғлардан үтсак бас, у ёги темирийүл, она юрт, Корасув!..

Қулғимни динг килиб, гулхан томонга тикилдим.
У ердаги ғала-ғовур босилган, ҳамма ёқ жимжит эди.

“Ростдан ҳам нима бұляпти үзи? Наҳот бир иғво-
гарнинг бемаъни ғапларига ишониб, комбатдай одамга
осилишса? Ё үртада мен билмаган сир-синоат борми-
кан?..”

Хаёлимни нотинч үйлар чулғаб олди. Мени ҳам чақи-
ришар, деган умидда жойимга үтириб кута бошладим.

* * *

Тонг отар-отмас үйин-кулги, хурсандчилик бошла-
ниб кетди. Ҳамма бир-бирини ғалаба билан табриклар,
кучоклашиб үпишар, топғанлар темир кружкаларни шак-
шак уриштириб, қиттай-қиттай ичишар, ёшлар раксга
тушар, кексарок солдатлар эса құнокзорнинг четига ён-
бошлаб, сұхбатлашишар эди.

Мен ҳам хиёл ёзилиб келиш ниятида үз ротамга бориб,
энди даврага құшилган эдим, комбат чақиртириб колди.

Даврон ака қулида бир-икки варақ қоғоз, чодирнинг
олдида у ёқдан-бу ёққа үйчан одимлаб юрарди. Мени
қуриб, юришдан тұхтади, үйкусизликдан киртайиб қол-
ған күзларини олисларга тикиб:

– Ғалаба қуни ҳам тинч қўймадим-а, – деди.

– Ҳечқиси йўқ...

Комбат мийигида қулиб қўйди.

– Битта муhabbatнома ёзишга тұғри келди. Шуни кү-
чириб берсанг, ука. Хатимни ўқый оласанми? – деди у кў-
лидаги қоғозларни узатиб.

Хат үчирилавериб, жуда чаплашиб кетган эди.

– Билмадим...

– Бўлмаса қоғоз-қаламингни ол! – деди комбат. – Үзим
айтиб тураман, сен ёзасан!

Чодирга кирдик. Мен ўртага күчма столни күйиб, қоғоз-қаламимни олдим.

Комбат құлларини орқасига қилганича хаёлга чүмиб турар, гүё мени эсидан чикариб юборган эди.

— Уртоқ капитан...

— А? — комбат бошини күтарди. — Тайёрмисан? Ёз. Лекин шошмай, чиройли килиб ёз... “Бир юз үн еттинчи гвардиячи, үкчи десант полкининг командири, гвардиячи полковник Белобородовга...”

— Тагини чизиб қуй! Чиздингми? — комбат ёнимга келиб, ёзғанларимни үқиб чиқди. — Яхши. Энди сал чекиниб, майдароқ килиб ёзасан...

“Хурматли Мстислав Владимирович!

Бу хатни мен сизга полк командири бүлганингиз учун эмас, құл остиңгизда салқам уч йил хизмат қилған бир офицер сифатида ёзяпман...”

Комбат юришдан тұхтаб, құлидаги ёзувларига қараб олди. Сүнг бир нұктага тикилиб, давом этди:

“Хабарингиз борми-йүкми, билмадим, бундан бир ҳафта олдин, харбий прокуратура ходими келиб, батальон фельдшери, гвардиячи кичик лейтенант Ольга Куприянованинг үлими тұғрисида тергов қилды, албатта, ёш офицер аёлнинг жангдан кейин ҳалок булиши баъзи одамларнинг күнглида шубха туғдириши мумкин. Демоқчиманки, гап терговда эмас, гап менга тақалған айбда. Гүё мен кичик лейтенант Ольга Куприянова билан эр-хотин бўлиб яшаган эмишман-у, энди, уруш тугаш олдида ундан қутулиш учун қасдан чохга итарған эмишман... Бу айб шунчалик уйдирма ва бемаъники, прокуратура ходимиға батафсил жавоб бериб ўтиришни лозим топмадим. Агар менга тақалған айб шу билан чекланғанида, бу хатни ҳам ёзиб ўтирmas эдим...”

Комбат ёқасининг тугмаларини ечиб, чукур нафас олди. Унинг фифони чиқиб бўғилиб кетаётганини сезиб, қаламимни ушлаганимча қотиб қолдим.

— Хўп, — деди комбат ниҳоят. — Ёз. Хатбошидан ёз.

“Бугун, ғалаба куни эрталаб, прокуратура ходими яна келди. Бу сафар илгаригисига қўшимча яна бир гап топиб келибди. Бу гап чўлдаги машина жанжали ва бу жанжал оқибатида муовинингиз, гвардиячи подполковник Хряшко билан бўлган тўкнашувга боғлик. Сиз машина воқеасини яхши биласиз. Лекин муовинингиз, подполковник Хряшко билан бўлган кўнгилсиз тўкнашувнинг тафсилотларини билмасангиз керак. Бу тўкнашув пайтида айтилган баъзи гаплар бугун менга жиддий айб қилиб тақилаётгани учун унга батафсил тўхтамоқчиман...

Даврон ака яна гапини бўлиб, чодирнинг четларини кўтариб қўйди. Бирдан ғир-ғир шабада ўйнаб, олисларга чўзилган тариқ ва қўноқ экилган ясси қирлар кўринди. Яқиндаги кир этагида, дала ошхонасининг ёнида бир гурӯҳ солдатлар раксга тушмоқда эди, у ердан гармон овози ва хушнуд кичқириклар эшитирарди... Тусатдан комбат елкамга қўлини кўйиб:

— Уша куни, — деди, — машина жанжали бўлган куни, сен ҳам йиқилиб қолган эдинг, шекилли?

Кўз олдимга жазира машина даштда чўзилиб ётган солдатлар келди, кулогим остида: “Сув! Сув!” деб илтижо килган овозлар янграгандай бўлди.

— Ҳа, — дедим қизариб, — йиқилиб колган эдим. Ногаевни силтаб ташлаганларингиз ҳам эсимда.

Комбат ковоғини солиб:

— Хўп, — деди. — Ёз!.. Хатбошидан ёз.

“Хурматли Мстислав Владимирович!

Мен армияда қаттиқ интизом бўлиши кераклигини, ҳеч бир командир ўз хукукини суистеъмол қилишга хаққи йўқлигини тушунаман, албатта. Ва буни тушунганим ҳолда, уша куни ПФС нинг машиналарини тортиб олган эканман, бунга мени вазият мажбур қилган

эди. Мен солдатларни ўйлаган эдим. Эсингизда бўлса керак, ўша куни биз сув бор деб умид килган қудуклар куруқ чиқиб, қўп солдатлар сахрода йикилиб қолган эди. Йикилиб қолганлар орасида ёшлар хам бор эди, тўрт йил уруш машаккатларини бошидан кечирган кекса солдатлар хам. Буни ўзингиз хам кўргансиз. Бу тўғрида гаплашганимиз хам. Ўша куни сиз билан гаплашишдан олдин ПФСнинг бошлиғи капитан Ногаев хўжалик ишлари бўйича муовинингиз, подполковник Хряшкони бошлаб келди. Мен сахрода йикилиб қолган солдатларни йиғиб юрган, асабий бир ҳолатда эдим. Лекин ҳамма гап эсимда. Сўзма-сўз баён килиб беришга уринаман.

Подполковник гапни: “Сизга ким хуқук берди?”дан бошлади. Мен вазиятни тушунтира бошлаган эдим, подполковник гапимни бўлиб:

– Тўхтанг! – деди. – Сиз ўз хукуқингизни оширишга кандай ҳаққингиз бор? Қимматли юкларни ағдариб, полк ихтиёридаги машиналарни тортиб олишга ким рухсат берди?

Мен солдатларни ўйлаганимни айтдим. Солдатлар хам одам, дедим. Уларнинг қадрини билиш керак, дедим. Менинг бу гапим негадир подполковник Хряшкодан кўра капитан Ногаевга қаттиқроқ тегиб кетди.

– Эшитяпсизми, ўртоқ подполковник? – деб пичинг килди у. – Бу киши солдатларнинг ғамхўри-ю, сиз билан биз душманимиз! (Гапни қаранг, ўртоқ полковник!)

– Сиз хам ғамхўр бўлсангиз, – дедим мен, – арзимаган нарсага шовкин кўтариб, кетимдан қувиб юрмасдан, солдатларнинг жонига ора киришни ўйлардингиз. Аҳволни кўриб турибсиз-ку, ахир?

Шундан кейин гапга подполковник Хряшко аралашди:

– Гоби сахросидан пиёда ўтишни мен ўйлаб топган эмасман! – деди у киши. – Бу – қўмондонликнинг стратегик плани асосида бўлаётган иш!..

Ногаев подполковникка қараб:

– Бу киши қўмондонликнинг стратегик планини нима билсин? – деди, кейин менга юзланиб, пичинг билан: – Балки, сиз умуман, бу урушга қаршидирсиз? (Гапни буришини қаранг, ўртоқ полковник!)

Ростини айтсан, унинг бу гапидан кейин менини хам тутиб кетди.

– Гапни бошқа ёққа бурманг! – дедим. – Мен қўмондонликнинг стратегик планини шубҳа остига олаётганим йўқ. Лекин бу планни сен эмас, мана шу солдатлар амалга оширади! Шундок экан, уларнинг қадрини билишимиз керак. Бу солдатларнинг кўпчилиги тўрт йил урушда бўлган, ҳамма машаққатларни бошидан кечирган одамлар!..

Менинг бу гапим капитан Ногаевга яна ёқмади, у яна пичинг килиб, каёқдаги гапларни гапира бошлади. Гўё мен, ўзимни солдатларга ғамхўр килиб кўрсатиб, сохта обру орттироқчи эмишман ва хоказо, ва ҳоказо...

Шундан кейин гап майдалашиб кетаётганини подполковник хам сезди, шекилли:

– Хўп. Етади! – деди қатъий. – Бундан кейин сиз бунака ўзбошимчалик килманг. Агар бундай ҳодиса кайта тақрорланса, мен ўзимга берилган ҳукуклардан фойдаланиб, сиз билан бошқача гаплашаман!..

Бўлган гап шу, ўртоқ полковник...”

– Ёздингми?

– Ёздим, ўртоқ капитан.

Комбат тепамга келиб ёзганларимни кўздан кечирди.

– Яхши... – у пешонасини ишқаб, ўйланиб қолди.

Мен унинг озиб, корайиб кетган шиддатли чехрасини, ғазаб билан порлаган қўй кўзларини зимдан кузатардим. Мен комбатнинг бошидаги кўп ташвишлардан бехабар эдим. Уни ўз муваффақиятларидан эсанкираб, раҳм-шафкатни эсидан чиқариб юборган тошюрак бир

одам деб ўйлаган эдим. Мен умуман, комбатнинг – тўрт йил урушда жонбозлик кўрсатиб кўкси орден-медалларга тўлиб кетган бу одамнинг бошида бунака ғурбат бўлишини тасаввур ҳам қилмаган эдим. Менинг назаримда, худо унга ҳамма нарсани қўшқуллаб тутган: ҳам улуғ шон-шуҳрат, ҳам Саломатхондай ёр ато қилган баҳтиёр бир йигит эди!.. “Кечиринг, Даврон ака”, дедим хаёлимда.

– Ёз! – деди комбат. У гўё менинг ўйларимни пайқаб колиб, дарғазаб бўлгандай писанда килиб гапирди. – Хўш, нимага келиб тўхтадик?

– “Бўлган гап шу, урток полковник!” деб ёздики.

– Яхши! Ёз!..

“Хурматли Мстислав Владимирович! Балки, мен ўшанда, сахрова, оғир вазият таъсирида гвардиячи подполковник билан гаплашаётуб кизикконлик қилгандирман. Балки, янглишгандирман. Чунки кейинчалик, Квантун армияси қўшинлари билан тўкнашганимизда мен кўп нарсага тушундим. Масалаи, ҳамма техника қурол-аслаҳа ташишга сафарбар этилиб, тўғри килинганини тушундим. Чунки бу қурол-аслаҳа бўлмаганида, душман бундай осон тиз чўкмас эди, албатта. Лекин бунинг ҳаммасини тушунганим ҳолда, бугун ҳам қўлимни қўксимга кўйиб айта оламан: ўшанда, сахрова солдат тўғрисида гапирганимда, қўнглимда қилча ҳам кир йўқ эди!.. Ҳолбуки, бугун баъзилар ўша гапларни рўкач қилиб, менга мудхиш айблар такашмоқда: гўё мен ўшанда, сахрова, қўмондонликнинг стратегик планига қарши чиқибман, гўё, умуман бизда одамнинг қадри йўқ, деб гапирган эмишман ва хоказо, ва ҳоказо...

Хурматли Мстислав Владимирович! Подполковник Хряшко ҳам, капитан Ногаев ҳам полкимизда янги одамлар. Мен подполковник Хряшкони деярли тани-

майман, лекин ундан шундай гаплар чиқишига ишонгим келмайды... Назаримда, бунинг ҳаммаси капитан Ногаевнинг иши. Бунинг чукур сабаблари бор. Мен бу сабабларни батафсил ганириб беришим ҳам мумкин эди, лозим бўлса ганириб ҳам берарман, лекин ҳозирча унга тенг бўлиб, майда-чуйда гапларни ёзиб ўтиришни ўзимга эп кўрмадим... Ўрток полковник! Менга тақилган айблар шунчалик уйдирма ва бемаъники, уларнинг пучга чиқишига шубҳам йўқ. Ҳакикат карор топади, албатта. Лекин шу сохта маълумот асосида тергов бошланиши (бу тергов ҳакикат учун булаётганига тушунганим ҳолда) мени қаттиқ таҳкирламоқда. Мен сизнинг қўл остингизда салкам уч йил хизмат қилдим. Энг мураккаб операцияларда қатнашдим. Уч марта оғир ярадор бўлдим. Шу баҳона армиядан секингина бўшаб кетишим ҳам мумкин эди, лекин душман Ватанимиз тупроғидан хайдаб чиқарилмагунча фронтдан кетишни ўзимга лойик кўрмадим, виждоним йўл қўймади бунга!..”

Комбат тўсатдан сўзида тўхтаб, ўйланиб колди, сўнг: кутилмаган бир қатъият билан:

– Ўчир! – деб буюрди. – Уч йил хизмат қилдим, уч марта оғир ярадор бўлдим, мураккаб операцияларда қатнашдим. Бунинг ҳаммасини ўчир. Ўчирдингми?

– Ўчирдим. Лекин... тўғри-ку, ахир?..

– Кераги йўқ! – деди капитан, юзини буриштириб. – Ёз! Янги хат бошидан ёз!

“Ўрток полковник!

Кейинги кунларда батальонда содир бўлган янгиликлардан бири – шу. Бу янгиликлардан хабарингиз борми-йўқми, билмадим, лекин сизни бундан хабардор қилиб қўйишни лозим кўрдим.

Сизга хурмат билан гвардиячи капитан Ғозиев.

3 сентябрь 45 йил”.

– Ёздингми? Яша! Демак, бояги гапларни учирив, охирги бетни қайта күчириб ёзасан. Эсингда бўлсин: бу ҳам хужжат. Махфий гап... Ёзиб бўлгандан кейин сандикқа солиб қўй. Полковникка ўзим жунатаман. Укдингми?

– Уқдим, ўртоқ комбат! Лекин...

– Хуш?

– Ўртоқ капитан! – дедим, ҳаяжондан култ этиб ютишиб. – Наҳот энди шу арзимаган гапни деб, сизни?..

Комбат ер остидан хўмрайиб каради.

– Туҳматнинг умри киска. Қўрқадиган жойим йўқ. Шунчаки... полковник билиб қўйсин, дедим. Қисқаси, охирги бетини кўчириб сандикқа солиб қўй. Тушундингми? Кейин дамингни олавер. Солдатларга қўшилиб ўйнаб-кул. Бугун ғалаба куни, ахир. Буйруқ берганман: сергўшт шавла пиширишади. Қиттай-қиттай қуйиб беришади...

Комбат кўзини қисиб кулди-да, чодирдан чиқди.

* * *

Уч кун ўтди. Кечкурун кун ботиш олдида тоғ оралиғидаги кўкаламзор сойликда тўхтадик.

Сойликнинг икки томонидаги чўккиларнинг ёнбағирлари туташ олмазор боғлар билан қопланган, боғлар орасида томлари черепица билан ёпилган уйлар кўринар, ўнг кўлдаги тоғ тепасида кизилга бўялган нақшинкор ибодатхона кўзга чалинар эди..

Биз тўхтанимиз билан сой ярим-ялангоч болакайларга тўлиб кетди. Улар чуғур-чуғур қилишиб, мунчоқ кўзлари чакнаб тиржайишар, кўлларини чўзишиб, бош бармоқларини кўрсатишиб:

– Шанго! Руси солдат шанго! – деб қичкиришар эди.

Болалардан кейин юzlари шафтолиқоқидай буришган аллақандай митти кампирлар, мункиллаб қолган кўса

чоллар күринди. Чоллар қамишдан ясалған узун чилимларини буркситиб, жимгина кузатишар, ликопчага үхшаган похол шляпа кийган, қотма озғын дәхқонлар кисик күзлари юмилиб, илжайиб күйишар, аёллар, қизлар күрингас эди.

Сал үтмай, сойликни окиш харир туман коплади, олмазор боғлардан тутун күтарилиб, димоққа болаликдан таниш аччик тезак хиди урди, бир дақықа, гүё олис Манжурияда эмас, үз қишлоғимда, таниш сойликда юргандай туюлиб, ғалати бўлиб кетдим...

Вася Колбаскин иккимиз штаб чодирини тикиб бўлиб, энди овқатга үтирган эдик, иккита хитой дәхқонини бошлаб, старшина Сало келиб қолди. Старшина ҳам, шимларининг почалари тиззаларигача шимарилган, ялангбош, ялангоёқ дәхқонлар ҳам жуда ҳаяжонда эдилар.

– Комбат қани?

Комбат штаб бошлиғи билан чодирда нима ҳақида-дир маслаҳатлашиб үтирад эди. Старшина чодирга кириб, лаҳза үтмай, комбат билан штаб бошлиғини бошлаб чиқди.

– Мен буларнинг гапларига унча тушунмадим, ўртоқ капитан. Лекин назаримда, японлар тұғрисида гапиришяпти... – Старшина дәхқонларнинг ёнига бориб: “Жапон! Да? Жапон?” деб сұради: “Жапон” сүзини эшитган дәхқонлар тақир бошларини силкитишиб бидирлашди:

– Жапон! Жапон!

Улар ибодатхона томонга ишора килишиб, бармокларини күрсатишарди.

– Күп дейишяптими? – деди штаб бошлиғи. У ҳам бармокларини күрсатиб:

– Жапон кўпми? Жапон? – деб сұради.

Дәхқонлар илжайишиб, бош ирғашди, кафтларини томокларига ишқашиб, кўркув билан такрорлашди:

– Жапон! Жапон!

– Японлар зулм қиляпти, үлдирияпти, – дейишияпти шекилли, – деди комбат... У пешонасии тириштириб, олдин соатига, кейин осмонга қаради. Осмонда илк юлдузлар пайдо бүлган, тоғ чүккилари устидаги нафис шафак сүниб, ибодатхона күринмай қолган эди.

– Бундай қиласыл! – деди комбат ниҳоят. – Бугун кеч бүлди. – У бошиниң күтариб юлдузларни күрсатди, кейин имо-ишоралар билан офтоб чикишини тушунтириди. Дәхқонлар “тушундик” деган мәйнода сарғыш тишлигини күрсатишиб, яна илжайышди.

– Бу самурайлардан хар нарсаны кутиш мүмкін, – комбат штаб бошлиғига қозланды. – Сиздан илтимос: роталарни шахсан айланиб чикинг. Соқчиларга құшимча хар ротада биттадан пулемётчи тайинланғ. Гулханлар үчирилсін! Дмитрий Михайлович, Харитоновга ҳам айт: әхтиёт бүлсін!

Старшина халиги хитой дәхқонларини бошлаб келған томонига, старший лейтенант эса роталарни айланғани кетди. Комбат құлларини орқасига килиб, анчагача өздір олдиде айланиб юрди. Кейин бир нарса эсига тушгандай, тез-тез юриб, шовуллаб оқаётган сойға тушди.

– Капитанга нима бүлди? Бир нарсадан хафами?

– Билмасам! – дедим.

– Адъютантсан-ку, сұрамадингми? Адъютант деган ҳамма нарсаны билиши керак!

– Мен адъютант бүлсам, сен ҳамшаҳарсан. Менга айт-маган сирларини сенға айтиши керак!

Мен индамадым. Даврон ака чиндан ҳам мени үзига яқын олиб, ҳеч кимга очмаган юрак сирларини менга очди, менга ёрилди. Агар ғалаба кечаси прокуратура ходими келмаганида, балки, яна күп нарсаларни гапириб берарди... Ғалаба куни әртасига Белобородовга ёзған рапортини күчириб берганимдан кейин биз умуман гаплашмадик, чунки үшандан кейин комбат қандайдыр жуда ха-

ёлчан, камгап булиб колди... Мана, йулга чикқанимизга уч кун булди, шундан бери бирор билан кулиб гаплашганини күрмадим.

Вася қаддини ростлаб, сойга тикилди.

– Комбат қаёкка кетди? Ёлғиз юриши мумкин эмас-ку? – У автоматини олиб, капитан кетган томонга югуриб кетди.

Атроф коронгиликка чүмган, фактат икки томондаги тог чүккилари осмон сатхидә элас-элас қорайып күринар эди... Жимжит. Тиқ этган товуш эшитилмайды. Фактат сой шовуллаб окади. Гүё бу сойликда бутун бир батальон эмас, ёлғиз үзим колгандай, юрагимни хатарли бир туйғу чулғаб олди... Шинелимга бурканиб ёнбошладым, күлогим эса шовуллаб оқаётган сойда: на комбат күринади, на Вася! Қаёкка кетишди? Боя Вася билан бирга кетаверсам бўлар экан...

Вахима босса ҳам кўзим илингтан эканми, билмадим, тусатдан Арслоннинг овози қулоғимга чалингандай булиб, уйғониб кетдим... Тушимми, ўнгимми? Йўк, ўнгим! Чодир ёнида уч-турт киши комбатни куршаб олган, коронгида иккита от күринар, Арслон хаяжонланиб гапирмоқда эди:

– Изига кеча кечкурун тушган эдик, бугун ҳаммасини аникладик. Камида уч юз киши бор, ўртоқ капитан. Ҳаммаси деярли офицерлар...

– Куроллари? – деди комбат унинг гапини булиб.

– Яхши куролланган. Кўпчилигига автомат. Пулемётлари ҳам бор.

– Кўприкни портлатиш ниятлари борлигини қаёқдан билдиларинг?

– Кўриниб турибди! – деди Арслон. Унинг гапини ёнидаги шериги бўлди:

– Кўприк ёнида, шаҳар чегарасида озиқ-овқат, курол-аслаҳа омборлари бор. Балки, уларнинг максади кўп-

рик эмас, шу омборларни талашдир! Чунки булар бир хафтадан берн атрофлаги кишлокларни талаб бўлган!..

– Хуллас, ниятлари бузук! – деди Арслон.

Мен “Арслон!” деб юборгим келди-ю, комбат уришиб беришидан кўркиб, секин ўрнимдан турдим.

– Шаҳар комендатураси-чи? – деди комбат.

– Комендатурада бўлса бир взвод одам бордир, – деди Арслон.

Гапга яна шериги аралаши:

– Танкчилар кетиб бўлишгач, факат медсанбат колган.

Беш-ўнта ярадорлар...

Комбат токатсизланиб томок кирди.

– Иўл яхшими? Коронгида адашиб қолмаймизми?

– Йўқ, – деди Арслон катъий. – Мана шу сой олиб чиқади. Нари борса етти-саккиз чакирим келар...

– Ҳмм...

Мен якинрок бордим. Арслон мени кўрди, лекин индамади. Коронгида у отининг жиловидан ушлаб, кўкрагани кериб тураг, бутун важоҳати билан: “Мен билан хазиллаша кўрма. Разведкачиман!” – дерди.

– Яхши! – комбат негадир оғир ҳурсиниб, ёнида турган штаб бошлиғига мурожаат қилди:

– Сиз комиссар иккингиз, учинчи рота билан шу ерда коласиз! Эрталаб боя хитой деҳконлари айтган жойлардан ўтиб, соат ўн иккита кўпприкка етиб борасиз. Лекин тонг отгунча қўзғалмайсиз. Уруш тугаганда беҳуда талофотнинг кераги йўқ. Мен билан алоқани узманг. Душман сон жиҳатдан кўп бўлса жанг қилишдан олдин менга хабар беринг. Мен икки рота билан булар айтган жойга бораман. Рота командирларига буйруқ беринг. Ярим соатдан кейин қўзгаламиш!

Комбат кетиши билан Арслонга отилдим. Биз узок жудоликдан кейин мусоғир юртда учрашган ака-укалардай кучоклаша кетдик. Арслон назаримда, бўйи чўзилиб,

ишиштга айланган эди. Хатти-харакатларида аллақандай салобат, гап-сүзларыда эса ҳамма разведкачиларга хос бұлакча бир ғурур пайдо бўлган эди.

Арслоннинг айтишича, разведкачилар изига тушган самурайлар императорнинг энг содик офицерлари экан.

— Ҳаммаси генерал ва офицерлар, — деди Арслон негадир шивирлаб. — Капитуляция тұғрисидаги буйрукқа бўйсунишдан бош тортиб, тоққа чиқиб кетишган. Сабаби дейсанми? Сабаби... жа зўр яшашган, абллаҳлар. Ҳар бирида бир қаср. Шохона уйлар, боғ-роғлар. Курсанг, оғзинг очилиб қолади. Лекин... Эҳтиёт бўл, оғайни, жуда ашаддийлари булар!

Арслоннинг сал мақтаниб, лоф уриб гапираётганини сезсам ҳам негадир кўнглим ғаш бўлиб, тафсилотларини суриштирамай қўяқолдим.

Сал ўтмай, тревога эълон килиниб, икки рота йўлга чиқди.

Тревогани кутмаган, ширин уйкуда ётган солдатлар уйкусираб пўнғиллашар, секин сўкинишар эди:

— Уфф... тағин нима бўлди?
— Нима бало, яна уруш бошландими?
— Ғалабадан кейин ҳам тинчлик йўқ экан-да, биз бечораларга!

Мен штаб бошлиғи билан қолишим ҳам мумкин эди, лекин Арслон билан гаплашмай туриб ажрашгим келмай, комбатдан рухсат олиб, бирга кетдим.

Биз шовуллаб оқаётган сойни ёқалаб борардик. Икки томондаги тоғ чўккилари гоҳ чекиниб, сойлик кенгаяр, гоҳ торайиб, худди чукур жар орасига тушиб қолгандай бўлардик. Шунда бошимиз устида, тубсиз кўкда ғуж-ғуж ёнган юлдузлар биз билан бирга секин жилиб бораётганга ўхшарди. Бироз юрганимиздан кейин комбат Арслон билан унинг шеригини олиб, от чоптириб илгарилаб кетди.

— Эх, биз ҳам юрган эканмиз-да, чоригимизни судаб? — деди Вася Колбаскин, узоклашиб бораётган от дуурига қулок солиб. — Бүлгана яраша разведкачи бўлиш эрак экан-да, оламда!

— Ҳамма разведкачи бўлаверса... подани ким бокади, /стим, — дедим кулиб.

— Ҳамма эмас, мен ўзимни, Вася Колбаскинни айтяпин, каллаварам! — деди оғайним хуноби чикиб.

Атроф жимжит, хеч қандай хавф-хатар сезилмас, тоғ бағридаги боғларда итлар акиллар, хўрот кичкирикли-эшитилар, бир зум хаёлга чўмсан, гўё кечаси ўз кишими оралаб бораётгандай туюлиб, юрагим хапшиб кетар эди...

Тўсатдан, олдиндан от туёкларининг дупури, сўнг Арсенинг овози эшитилди.

— Ўрток старший лейтенант!

— Эши таман, — деди Харитонов қоронғида.

— Комбат жадаллашни буорди! Вакт зик, ўрток старлейтенант...

Худди унинг гапини тасдиқламокчи бўлгандай, қадир олдинда тўсатдан пулемёт тариллади, гун-гуп эзган овозлар эшитилди:

■Харитонов гўё севиниб кетгандай:

■Ота! — деди хушчакчак овозда. — Бегом марш!

■Имда автомат. Вася Колбаскин билан ёима-ён борарканман, худди бойўғлининг хув-хувласовук бир туйгу вужудимни чулғаб олди. Гўё

■Бир вокеа содир бўлишини сезгандай, юра-

■гла тортиб кетди... Кўп бўлса бир километрча дирмиз, тўсатдан икки томондаги чўккилар

атроф хиёл ёришгандай бўлди, олдинда —

■.а, баланд осмакўприк кўринди. Отишмар

■прик оркасида, дарёнинг у томонида давом

Кўприкка етиб қолганимизда йўлнимизни қандайдир отликлар тўсди, коронгида комбатнинг танини, ўқтам овози эшитилди:

- Ведеников!
- Эшиштаман, ўрток комбат.
- Кўприкдан ўтиб, нариги соҳилни эгаллайсан. Самурайлар озик-овқат омборларига хужум бошлиди. Бир ротача келади. Икки взводни омбор сокчиларига ёрдамга юборасан. Мана, разведкачи бошлаб боради. Учинчи взвод билан соҳилни эгаллаб, душманнинг чекиниши йўлларини тўсасан... Вазифа ойдинми?
- Ойдин, ўрток комбат.
- Ойдин бўлса бажаравер!.. Харитонов! Сен ўнг соҳилни эгалла! Самурайлар хозир чекиниши керак. Йўлини тўсиб, копкоғига туширасан. Арслон! Йўл кўрсат буларга!.. Колбаскин!
- Эшиштаман, ўрток комбат!
- Енимдан жилма!

Дарёнинг у юзида пулемёт ва автоматлар ҳамон тариллар, гранаталарнинг гуп-гуп портлаши эшитилар эди. Биз ўнгга бурилиб, соҳил бўйлаб чопиб кетдик. Дарёнинг у юзидағи отишма тобора кучайиб борар, зим-зиё коронғиликда пулемёт ва автоматларнинг тариллаши қандайдир мудхиш туюлар эди...

Тўсатдан йўлимизни нотаниш одамлар тўсди, сўнг: “Ёт!” деган буйруқ эшитилди. Бу буйруқ занжирдай чўзилган саф бўйлаб шарпадай елиб ўтди: “Ёт! Ёт!..”

Биз занжирдай тизилиб, дарёга караб ётдик. Бу срда дарё бироз торайган, камиш ҳам сийраклашган, сув ғалати мавжланиб ялтиллаб окар эди. Ўнг томонда, хийла олисда, дарёга туташиб кетган қандайдир чўккилар вахимали корайиб туради...

Орт томонимдан гурс-гурс кадам товушлари эшитилиб, лахза ўтмай, комбат билан Вася келиб ёнимга чўзила кетишиди.

– Харитонов? Шу ердамисан?

– Шу ердаман.

– Лейтенант қани?

Қоронғида ҳаяжон билан шивирлаган овоз әшитилди:

– Секинрок, үртоқ капитан. Чиқишаңты... Қояниг чап томонида. Дарёга қаранг. Учта қайик. Ана, яна иккитаси чиқди...

Бошимни сал күтариб лейтенант айтган томонға қарадим, лекин ҳеч нарсаны күролмадим.

– Бургут бүп кет-э, лейтенант! – деди комбат завқланыб... – Ҳаммаси шуми? Асир нима деяпти?

– Ҳаммаси шу бұлса үзимизок боллардик. Пистирмада ётғанлари яна бир ротача келади, үрток комбат.

– Улар ёрдамга келишармикан?

– Ким билади? Тоққа чекинишлари ҳам мүмкін.

– Чекинишга йўл қўймаслигимиз керак. Боя дәхқонлар мадад сўраб келишди... Сойлик каттами?

– Йўқ, катта эмас. Уч томони кир...

– Куршаш керак! – деди комбат. – Нима дейсан, Харитонов?

Харитонов хушнудлик билан кувватлади:

– Албатта: қуршаш керак!

– Бундай қиласиз... – Комбатнинг овозида булакча бир шиддат, чапаниларча мардлик, йўқ, завқ бор эди. – Бу ерда бир взводни колдирсак бўлади... Дмитрий Михайлович!

Старшина Сало коронғида пишиллаб, яқинроқ келди.

– Эшитаман, үртоқ капитан!

– Сен шу ерда колиб, қайиқларни ўқка тутасан. Биттасини ҳам ўтказмайсан. Агар яна келишса, яна ўқка тутасан. Эҳтиёт бўл! Император учун жонларини тиккан ашаддийлари булар. Бехуда талафот бўлмасин. Тушундингми?

– Тушундим, үртоқ комбат!..

- Харитонов! Ротани бошла! Кетдик!
- Ўрток комбат, сиз колаверинг, мен ўзим!
- Кетдик! – деди комбат. У ўша жасорат ва завқ билан ўрнидан сакраб туриб, ўзини коронғиликка урди.

Зум ўтмай, улар коронғиликка сингиб, узоклашиб кетишиди...

Биз старшина Салонинг буйруғи билан эмаклаб, беш-олти қадам олдинга силжидик. Дарё ўртасидаги кора нукталар секин якинлашмоқда эди...

– Командасиз отилмасин! – старшинанинг буйруғи саф бўйлаб секин такрорланди:

– Командасиз отилмасин!

Мана, биринчи қайик рўпарамдан ўтиб, учинчи бўлим солдатларининг кархисига борди, иккинчи қайик хам... Ҳар бир қайикда учта, баъзиларида тўртта одамнинг кораси кўринар, кирғокқа каратилган милтиқ стволлари кўзга чалинар эди.

– От!

Салкам ўттиз автомат, милтиқ ва бир неча кўл пулемёти-нинг баравар тариллаши атрофни янгратиб юборди.

Қатор келаётган қайиклар, худди хурккан отлардай, бир зум дарё ўртасида чайқалиб тўхтаб колди, битта-иккита одам қулаб тушди, шекилли, сув шалоплаб кетди, ҳавода тартибсиз отилган ўкларнинг машъум виз-визи эшитилди...

– От!

Японлар жои ҳолатда қайикларини нариги кирғокқа караб буришди, бирок сал ўтмай у томонда хам пулемётлар тариллади-ю, гранаталар гуп-гуп портлаб, иккита қайик ағдарилиб тушди... Колган қайиқдаги японлар ўзларини сувга отиб, қамишларга уришди. Лекин автомат, пулемётлардан ёғилган ўклар қамишзорни хам титиб юборган эди.

Отишма тўхтаб, ғовур-ғувур, қулги эшитилди:

– Узларини императорларига бағишилаганлар шуларми?

– Императорга бағишиласа хам жон ширин-да, оғайни!

– Жон ширин бұлса, ким уларға уруш тугагандай кейин хужум кил деди?

Солдатларнинг овозини пулемётларнинг тариллаши бузди. Олисда, коя томондан отишма бошланган эди... Старшина Сало үрнидан туриб кетди. Буни қуриб, күлогимни динг килиб котиб қолдим. Атроф ёришгандай бұлди. Коя орқасида, тоғ чүккілари устида, муздай ялтиллаб бир парча ой қуринди...

Тұсатдан коронғида от туёқларининг дупури әшитилди. Коя томондан кимдир жон холатда отини чоптириб келарди. Отлик тепамизга келиб тұхтади. Арслоннинг хаяжонли, бұғық овози әшитилди:

– Разведкачилардан ҳеч ким борми?

– Бор, – коронғида кимдир үрнидан турди.

– Арслон? – деди старшина Сало. – Тинчликми? Самурайлар куршалдими?

– Куршалди, үртөк старшина, куршалди... Взводнинг машинаси қаёқда? – деди Арслон.

– Күпrik ёнида, – деди үрнидан турған солдат.

– Үт олдир. Тезрок! – тұсатдан бақириб юборди Арслон.

Старшина отнинг жиловидан ушлади.

– Нима бұлди? Нега буича шошяпсан?..

– Үртөк старшина, – деди Арслон. – Қуйиб юборинг...

Комбат яраланди...

– Нима? – деди старшина.

– Комбат дейман... яраланди...

– Оғирми?

– Билмадим. Граната парчалари тегди... Вася иккиси... – Арслон сўзининг охирини айтмай, отини қамчилааб, күпrik томонга чолиб кетди.

Мен тирнокларимгача музлаб, ерда үтириб қолдим.

Тушдан кейин олисда элас-элас күриниб турган шаҳар томондан от чоптириб Харитонов келди.

Рота осмакұпrik ёнидаги соҳилда дам олмоқда эди. Старший лейтенант тұғри ёнимизга келиб, отдан сакраб тушди... Күйлаги жикқа ҳұл, юзидан оққан тер томчилари очық күкрагига қуйилар, кулгичлари үйнаб турадиган мұлойим чехрасида шафқатсиз бир ифода бор эди.

У оқ күпикка ботган отининг жиловини пешвоз чиқкан биринчи солдатта тутқазиб, ёнимизга келди.

– Қалай, тинчликми, Дмитрий Михайлович?

– Бизда-ку, тинчлик! – деди старшина Сало, күзлари жавдираб. – Комбатдан гапириңг...

– Комбатнинг ахволи оғир, – деди старший лейтенант. – Жуда оғир, Дмитрий Михайлович... – У ер остидан менга бир қараб қўйди. – Комбат сени сўраяпти, Мансур. Тайёрланиб тур. Ҳозир кетамиз... Учинчи рота келдими?

– Келди, – деди старшина.

– Штаб қаерда? Мен штаб бошлиғига учраб келай. – Харитонов сохил бўйлаб, учинчи рота жойлашган томонга югуриб кетди.

Старшина оғир хўрсиниб жойига ёнбошлади. Биз эрталабдан бери Харитоновни тоқатсизлик билан кутар эдик, чунки комбат тұғрисида кечаси Арслон айтган гаплардан бошқа тузукроқ хабар эшитолмаган эдик. Харитонов ҳам гапни мужмал қилди, унинг бу мужмаллигида қандайдир мудхиш бир нарса бор эдики, киши тафсилотларини сўрашдан ҳам қўрқарди.

– Тўққиз кишилик десантдан бор-йўғи уч киши омон қайтувдик, – деди старшина. – Бири Оля, бири мен, бири комбат... Капитан мени “старшина” демасдан, Дмитрий Михайлович, деб чақирса ҳамма ҳайрон бўларди! Билмадим, нимага ҳайрон бўлишади? Биз ота-бала бўлиб кетган эдик.

Мен унинг оқиши мүйлови титрай бошлаганини кўриб, шоша-пиша буюм халтамни ковлашга киришдим. Кўзимга ёш олганимни пайқаган старшина:

– Йўқ, – деди ковогини солиб. – Метин одам Даврон Фозиев! Тузалиб кетади у!

“Айтганингиз келсин, ўрток старшина”, — дедим ичимда.

Сал ўтмай, Харитонов кайтиб келди.

– Аксига олиб, штабнинг машинаси ҳам шаҳарга кетибди, – деди у. – Нима қиласиз, қирчангига мингашиб кетаверамизми? Қани юр!

Кўпrikнинг олдига борганимизда олисда биз томонга караб келаётган юк машинаси кўринди.

– Штабнинг студебеккери эмасми? – деди старшина.

– Кошкийди!

Машина кузовида кимдир кабинага суяниб турарди.

– Йўқ, штабнинг машинасига ўхшамайди, – деди старшина. Кузовда турган солдатни таниб, юрагим “шиф” этди. Мирҳайдар!

– ПФСнинг машинаси-ку, ўртоқ старший лейтенант!

– Тўғри, – деди старшина. – Ногаев ўтирибди кабинада!

– Тўхтат! – Харитонов ранги ўчиб, йўлнинг ўртасига чиқди.

Мирҳайдар мени таниб, сўйлоқ тишини кўрсатиб ишшайди, бошидан тўпчи офицерлар киядиган фуражкаси ни олиб, осмонда силкита бошлади. Машина кўпrikка учтўрт қадам етмай тўхтади, Ногаев кабина ойнасидан бошини чиқариб:

– Хўш, нима гап? – деб сўради.

У тунов кунгидан ҳам корайиб, озиб кетган, жингалак соchlари ўсиб, чехрасида аллақандай шерсифат бир ифода намоён бўлган эди.

Ранги ўчган, лаблари каттиқ кисилган яқинрок борди.

— Ярим соатга машинангни бериб тур, бизни шаҳарга ташлаб келсин!

Ногаевнинг ингичка чиройли мўйлови ғалати кимирлаб кетди.

— Мен ҳу ана у омборларга кетяпман... — Ногаев қўлини силтаб, дарёниг нариги юзидағи кечаси жанг бўлган қатор қўрғонларни кўрсатди. — Кўп нарса қабул килиб олишим керак. Умуман... Нега ҳадеб менинг машинамга ёпишиб олдиларинг?

— Менга қара, Ногаев, — деди Харитонов, — шу омборларни деб кечаси жангда бир неча киши оғир ярадор бўлди... — Старший лейтенант негадир комбатнинг исмини айтмади. — Биз бориб, қўриб келишимиз керак.

— Марҳамат, қўриб келинг, лекин...

— Лекин-пекини йўқ! — Харитонов бир ҳатлашда машина ёнига бориб, кабина тутқичини ушлади. — Яхшиликча туш! Бўлмаса, машинангни тортиб оламан! Кейин... комбатнинг устидан ёзган ўша ғаламис арзингта ўхшатиб менинг устимдан ҳам маълумот ёзасан!

Ногаев кабинани очиб ерга тушди. Икки офицер бир дакиқа юзма-юз туриб қолишиди. Ногаев чиндан ҳам нимаси биландир шерга ўхшар, у новча, яғриндор, бақувват эди. Харитонов эса, Харитоновнинг пайдан иборат пишиқ коматида, чақнаб турган кўзларида шундай бир нафрат ва ғазаб бор эдики, капитан беихтиёр орқага тисарилди, тисариларкан:

— Мен... ёзган бўлсам, — деди овози қалтираб. — Принципиал масалалар устида ёздим...

— Принципиал эмиш! — деди Харитонов. — Қайси гапларинг принципиал? Кичик лейтенант ҳақидаги ифлос шамаларингми?

Ногаевнинг бурун катаклари керилиб, кўзлари чараклаб кетди.

— Менга қара, Харитонов, — деди у ҳансира. — Мен хеч қачон кичик лейтенант тўғрисида ёмон гапирган

эмасман. Агар билсанг, мен уни... яхши күрардым.
Ха!..

- Сен-а?!
- Ишонмайсанми? – деди Ногаев аллақандай ранжиб.
- Йўқ! Севгиға қодир одам бунақа пасткашликка бормайди.

– У-чи? – тўсатдан бакириб юборди Ногаев. – **Фозиев-чи?** Унинг кўрсатган нағмалари эсингдан чиқдими? Бутун полк олдида менга солдатга бакиргандай бакириб, ноҳақ ҳақорат килғанлари эсингдан чиқдими? Арзимаган гап учун Олянинг олдида кечирим сўрашга мажбур килиб, нафсониятимга текканлари-чи?.. Йўқ, кечирасан, Ногаев буни ҳеч қачон эсидан чиқармайди!..

Харитонов кинояли кулимсиради.

– Бунақа экан, принципга бало борми? Ундан кўра, қасд олиш учун тухмат киляпман, деб қўяқолмайсанми?

– Нима киласан билмаган ишингга аралашиб? – деди Ногаев яна боягидай ранжиб. – Сенинг суюкли **комбатинг** қўмондонликка қарши чикканда, бизда одамнинг қадри йўқ, деб бўхтон гаплар айтганда сен йўқ **эдинг**-у, Харитонов?

– Комбат-а? – деди Харитонов. – Капитан **Гозиев-а**?! Ўлимларни писанд килмай, тиззадан қон кечиб, тўрт йил урушган, неча марта десантда бўлган мард жангчи-я?! Сен “десант” деган сўзнинг маъносига тушунасанми? **Биз** десантда юрганда сен каёкларда юрувдинг ўзи? – Харитонов, муштларини сикканича, бошини эгиб, Ногаевга **караб** юрди.

Ногаев кўллари билан кузовни пайпаслаб, орқага че-кинаркан:

– Сен фронтдаги ишларингни кўп пеш килаверма! – деди қўрқув аралаш писанда килиб. – Уруш тугади. Энди тинч турмуш бошланди!..

– Ҳа, сенга бу гаплар ёкмайди! – деди Харитонов. – Сендақалар энди бизнинг оғзимизни юмишга **харакат**

— Ярим соатга машинангни бериб тур, бизни шаҳарга ташлаб келсин!

Ногаевнинг ингичка чиройли мўйлови ғалати кимирлаб кетди.

— Мен ху ана у омборларга кетяпман... — Ногаев қўлини силтаб, дарёниг нариги юзидағи кечаси жанг бўлган катор кўрғонларни кўрсатди. — Кўп нарса қабул килиб олишим керак. Умуман... Нега ҳадеб менинг машинамга ёпишиб олдиларинг?

— Менга кара, Ногаев, — деди Харитонов, — шу омборларни деб кечаси жангда бир неча киши оғир ярадор бўлди... — Старший лейтенант негадир комбатнинг исмини айтмади. — Биз бориб, кўриб келишимиз керак.

— Марҳамат, кўриб келинг, лекин...

— Лекин-пекини йўқ! — Харитонов бир ҳатлашда машина ёнига бориб, кабина тутқичини ушлади. — Яхшиликча туш! Булмаса, машинангни тортиб оламан! Кейин... комбатнинг устидан ёзган ўша ғаламис арзингга ўхшатиб менинг устимдан ҳам маълумот ёзсан!

Ногаев кабинани очиб ерга тушди. Икки офицер бир дақика юзма-юз туриб қолишиди. Ногаев чиндан ҳам нимаси биландир шерга ўхшар, у новча, яғриндор, бакувват эди. Харитонов эса, Харитоновнинг пайдан иборат пишик қоматида, чакнаб турган кўзларида шундай бир нафрат ва ғазаб бор эдики, капитан беихтиёр оркага тисарилди, тисариларкан:

— Мен... ёзган бўлсам, — деди овози қалтираб. — Принципиал масалалар устида ёздим...

— Принципиал эмиш! — деди Харитонов. — Қайси гапларинг принципиал? Кичик лейтенант ҳақидаги ифлос шамаларингми?

Ногаевнинг бурун катаклари керилиб, кўзлари чараклаб кетди.

— Менга қара, Харитонов, — деди у ҳансирааб. — Мен ҳеч қачон кичик лейтенант тўғрисида ёмон гапирган

Эмасман. Агар билсанг, мен уни... яхши күрардим.
Ха!..

– Сен-а?!

– Ишонмайсанми? – деди Ногаев аллақандай ранжиб.

– Йўқ! Севгига қодир одам бунақа пасткашликка бор-майди.

– У-чи? – тўсатдан бакириб юборди Ногаев. – Фози-ев-чи? Унинг кўрсатган нағмалари эсингдан чиқдими? Бутун полк олдида менга солдатга бакиргандай бакириб, ноҳақ ҳакорат килганлари эсингдан чиқдими? Арзимаган гап учун Олянинг олдида кечирим сўрашга мажбур ки-либ, нафсониятимга текканлари-чи?.. Йўқ, кечирасан, Но-гаев буни хеч қачон эсидан чиқармайди!..

Харитонов кинояли кулимсиради.

– Бунақа экан, принципга бало борми? Ундан кура, қасд олиш учун тухмат киляпман, деб қўяқолмайсанми?

– Нима қиласан билмаган ишингга аралашиб? – деди Ногаев яна боягидай ранжиб. – Сенинг суюкли комба-тинг кўмондонликка карши чиққанда, бизда одамнинг қадри йўқ, деб бўхтои гаплар айтганда сен йўқ эдинг-у, Харитонов?

– Комбат-а? – деди Харитонов. – Капитан Фозиев-а?! Үлимларни писанд қилмай, тиззадан кон кечиб, тўрт йил урунганд, неча марта десантда бўлган мард жангчи-я?! Сен “десант” деган сўзнинг маъносига тушунасанми? Биз де-сантда юрганда сен қаёкларда юрувдинг ўзи? – Харитонов, муштларини сикқанича, бошини эгиб, Ногаевга караб юрди.

Ногаев қўллари билан кузовни пайпаслаб, орқага че-кинаркан:

– Сен фронтдаги ишларнингни кўп пеш килаверма! – деди қўркув аралаш писанда қилиб. – Уруш тугади. Энди тинч турмуш бошланди!..

– Ҳа, сенга бу гаплар ёқмайди! – деди Харитонов. – Сендақалар энди бизнинг оғзимизни юмишга ҳаракат

килади! Ишқилиб... комбат бир нима бўлмасин, агар бир нима бўлса... – Харитонов ганининг охирини айтмади, канинни шараклатиб очиб, машинага чиқди-да, менга юзланиб: “Кузовга чик!” деб ишора килди.

Мен машина ғилдирагига оёғимни қўйиб, боядан бери анграйиб турган Мирҳайдарнинг ёнига чикиб олдим. Мирҳайдар тушиб қолишнини хам, қолмаслигини хам билмай Ногаевга караган эди, машина қаттиқ силкиниб кўзгалди. Ногаев нимадир деб кичкирганича кўпприк ёнида қолди...

Мен ер остидан Мирҳайдарга қарадим. У худди хеч нарса бўлмагандай, сўйлоқ тишини кўрсатиб яна ишшайди.

– Тавба! Бу офицерларга ҳам ҳайронсан киши. Худди жўжахўролардай арзимаган нарсага тепишишган... Хўш, ахволлар қалай, оғайни? Тузумисан?

– Йорибмиз... – дедим гаплашгим келмай.

– Тўғри, – деди Мирҳайдар. – Бош омон бўлса, кун ўтаверар экан. Мана, ўзимдан қиёс. Кечагина ҳаммангга кулги бўлиб юрган оддий бир солдат эдим. Мана энди, худога шукур, жир битиб, одам бўлиб колдик... – У бағбакаси осилиб, тўлишиб колган юзини силаб кулди, сўнг “кўриб қўй” дегандек, жун газламадан тикилган яшил гимнастёркасининг этакларини тузатиб, фурражкасини тўгрилади. Дарҳакикат, унинг эгнидаги гимнастёрка, оёғидаги ғарчли хром этик Харитонов у ёқда турсин, комбатда ҳам йўқ эди! Бирдан юрагимга қуишлиб келган нафратни яширишга уриниб, тескари қарадим...

Машина икки томони қўнокзор тош йўлдан ғизиллаб учиб борарди. Йўлдан пастроқда, ёйилиб оккан дарё бўйидаги шолипояларда ярим яланғоч дехқонлар бамайлихотир шоли ўришарди. Йўлда эшак, хачир қўшилган резинка ғилдиракли кичкина аравачалар учрар, уларда шахардан қайтаётган кўса чоллар, такир бошларининг

тепасида бир тутам соchlари хилпираган болакайлар ўтиришар, болалар машинани кўрганда кий-чув кўтаришиб, кичкиришар эди. Шаҳар яқинлашган сари аллакандай кичик-кичик ибодатхоналар, қандайдир тош калъалар, пишиқ ғиштдан қурилган қадимий деворларнинг харобалари учрай бошлади...

Бефаросат Мирҳайдар кўнглимга кил сиғмай тўлиб турганимни пайкамай, тинмай вайсар эди:

— Сенларга ҳам хайронман. Манманлик килиб, гапимга кирмадиларинг. Окибат нима бўлди? Жонларингга жавр қилдиларинг, холос!.. Мана мен ўзимни олай. Бир кун пиёда юрмадим. Сахрода ҳам, қумликда ҳам жонимни койитмадим. Сабаб? Сабаб, одамини топиб, яхши муомала килиб келяпман... Нега юзингни буриширасан? Мен унақа нозик томонларини билмайман-у, лекин ёмон одам эмас хўжайним! Худо ҳакки. Факат хурматини бажо келтириб, сиздан яхши одам йўқ, деб турсанг бас. Бошкаси билан иши йўқ... Халангн истехкомидан кейин ис-не мол-дунё қўлимизга тушмади... Сенга ёлғон, худога чин, оғайни, қанча олсам – иши йўқ. Агар Германиядагидай посилка қилишга рухсат беришганида, миллионер бўп кетардим! Лекин бир томони посилкага рухсат беришмагани ҳам яхши. Бош омон бўлса, мол топилади. Нима дейсан, оғайни?..

Ғашим келиб, яна индамадим. Олдинда, шаҳарга кираверишда, кечаси асири олинган самурайлар колоннаси кўринди. Икки юз эллик, балки, уч юз кишидан иборат самурайлар колоннаси бир километрча масофага чўзилиб, тош йўлнинг четида қуюқ чанг кўтариб, аста одимлаб борарди... Уст-бошлари йиртилиб, соч-соқоллари ўсиб кетган, кўпчилиги оёқяланг бош самурайлар бизга ер остидан хўмрайиб қарашар, баъзилари лаблари пичирлаб, кисик кўзлари чақнаб алланималарни гапириб қолишар эди.

– Тавба! – деди Мирхайдар. – Боя хам шунақа бир колонна ўтувди. Қаёқдан келяпти? Осмондан тушяптими булар?

Мирхайдарнинг гапи юрагимга гүё ханжар бўлиб қадалди-ю, боядан бери ичимда дуд бўлиб йиғилаётган ала-мим бирдан “портлаб” кетди.

– Осмондан тушган дейди-а! Булар таслим булишдан бош тортиб тоғларга чиқиб кетган... императорнинг содик фарзандлари бўлади, нодон! Дехқонларни талаб бўлиб, ўша сен қабул қилиб оладиган омборларни талагани келган самурайлар булар! Тушундингми? – деб бақирдим, бақирдим-у, негадир кўзимдан ёш чиқиб кетди. – Осонликча жон бергани йўқ булар! Кечаси жангда бир неча кишининг бошига етишди. Бир неча киши ярадор бўлди. Булар қаёқдан келганини энди тушундингми, гўрсўхта!

Мирхайдар узун гўштдор бурнини жийириб, локайд куляди.

– Энди... уруш бўлгандан кейин шунақа бўлар экан-да, оғайни, илож қанча?

– Ҳа, шунақа бўлар экан! – дедим титраб. – Бировлар жон аямай душман билан олишар экан, бировлар машиналарда катайса қилиб юрар экан. Яна баъзан буларнинг ғаламис гаплари инобатга олинар экан...

Мирхайдар мунчок кўзларини лўқ қилди:

– Нима деяпсан ўзи, оғайни? Қанақа ғаламис гаплар?

– Нима деганимни эшигдинг-ку, – дедим титраб. – Колганини ўша яхши кўрган хўжайнингдан сўраб ол!

Биз самурайлар колоннасини қувиб ўтиб, шахарга кирдик. Худди курум босгандай корайиб кетган бир қаватли тош уйлар бошланди. Бу уйлар билан сикилган тор кўчаларда одам гавжум, одатда бошқа шаҳарчаларда ёпик бўладиган қатор дўкончалар бу ерда очик эди. Яна ҳамма ёқ бола. Кўзлари кисик митти болакайлар одатдагидай кўлларини чўзиб, бош мармоқларини кўрсатиб: “Шанго!”

деб кичкиришар, ялангоёқ, ялангбош йигитчалар ёғоч
челакларда күчаларга сув сепишар, тұпифига тушадиган
узун күйлак кийган қийғоч күз, калта соч кизлар панарок
жойларда бир-бирларини туртишиб, бизларга имо қили-
шиб кулишар, факат күса чоллар, соchlари тұкилиб кал
бұлиб қолган кампирлар, оғизларида узун чилим, раста
олдида локайд тикилишиб үтиришар эди.

Уйлари, дүкөнлари бир-бирига тулашиб кетган сер-
шовкин тор күчалардан кейин шаҳарнинг японлар яшаган
қисми бошланди. Тош ётқизилған, кенг, үқдай тұғри кү-
чанинг иккى юзида ок, күк, пушти, сарық рангга бўялган
бир қаватли бежирим уйлар. Ҳар бир уйнинг олди чирой-
ли гулзор. Уйлар ва күчалар бўм-буш, ҳамма ёқ сув куй-
гандай жимжит...

Машина уйларнинг ёнидан үтиб, катта майдонга чик-
ди, сўнг ўнгга бурилиб, баланд тош девор билан ўралган
боғнинг темир панжарали дарвозаси олдида тұхтади. Дар-
возанинг олдида полк командирининг таниш амфибияси
турарди.

Мирхайдар билан совуккина хайрлашиб, ерга сакраб
тушдим. Харитонов дарвоза ёнида турган солдатга хуж-
жатини кўрсатиб, ичкарига кирапкан, менга караб “юр”
деб ишора қилди. Ичкарига қадам қўяр эканман, нега-
дир вахима босиб оёкларим қалтираб кетди. “Ишқилиб,
тинчлик бўлсин!” – дедим, кўнглимда кимгадир илтижо
қилиб. Дарвоздадан киргач, иккى ёнида худди ҳозиргина
ювиб тарағандай кўм-кўк арчалар үсган узун йўлка бош-
ланди. Йўлканинг охирида сарық мармардан қурилган
иккى қаватли бежирим бино, худди ювилгандай ялтираб
турарди. Бинонинг мармар зиналари ёнида полк команда-
ри полковник Белобородов билан эгнида ок халат, бошига
ок қалпоқ кийган йўғон барваста бир одам гаплашиб ту-
рарди. Старший лейтенант иккимиз баравар чссть берив,
берироқда тұхтадик.

Белобородов бизга ер остидан бир караб күйди, сұнг оқ қалпокли барваста одамға юzlаниб:

– Машхұр дегин? – деб сұради.

– Машхұр, – деди барваста одам. – Армияда эңг катта нейрохирург. Сталин мукофотининг лауреати.

– Тушунтириб айтдингми, ахир?

– Айтдим. Хүп дейишди. Лекин фурсатни бой беряпмиз. Ахир бош мия...

Белобородов соатига күз ташлаб:

– Бундай қиламиз, майор, – деди. – Яхшиси, Харитоновни юборамиз!.. – У қовоғини согланича биз томонга юрди. – Қани, бу ёкқа қара, Харитонов. Ҳозир армияга бориб келасан. Госпиталга. Нейрохирург... ким эди фамилияси?

– Левитанус, – деди майор. – Медицина хизматлари полковники Левитанус.

– Үшани топиб келасан. Икки соат мухлат. Ернинг тағидан бұлса ҳам топиб келасан!

Улар ёнимдан ўтиб дарвозага қараб кетишиди. Мен, ёпирилиб келган совук түйғудан юрагим увишиб, арчага сұяниб қолдым.

* * *

Барваста майор полковник билан Харитоновни кузатиб қўйиб орқасига кайтаркан:

– Сен узоққа кетма, солдат, – деди. – Ҳозир капитаннинг олдига кириш мумкин эмас. Қачон киришни ўзим айтаман...

Эсимга Вася тушиб, майорни тұхтатдым.

– Солдат Колбаскинни-чи? Уни күрсам бұладими?

– Йўқ, – деди майор. – Мумкин эмас. Лекин... қани, юр-чи, суриштириб қўрайлик...

Мармар зиналардан юриб, бинонинг биринчи каватидаги кенг фойега кирдик, фойенинг шифтидаги олтин қан-

диллар, ёнғок ёғочидан ясалған ойнабанд әшиклар, сарық чарм копланған диван ва креслолар – хаммаси аллакандай ялтиллаб, чараклаб турад әди. Мен госпиталь эмас, худди хон саройнга киргап факир-бечорадай күзгудек ялтираб турған паркет полни босишга ийманиб, останада тұхтадим.

Майор үнг томондаги очик әшикдан мұралаб:

– Роза Моисеевна! – деб чакириди.

Әшикдан капитан формасида захил юзли кичкинагина аёл пайдо бўлди.

– Роза Моисеевна, – деди майор. – Ғозиев илтимос қилган солдат келди, нима киламиз?

Роза Моисеевна нимжон елкаларини кисди.

– Билмасам?

– Мен суриштириб кўрай-чи, – деди майор. – Сиз бунга халат беринг, солдат Колбаскинни кўриб чиксин...

Роза Моисеевна ҳайрон бўлиб кўзини катта очган әди, майор “майли” деган маънода кўлинин силтади-да, ялтирок мармар зиналардан юриб, иккинчи қаватга чикиб кетди.

Роза Моисеевнанинг буйруғи билан фойеда ўтирган ҳамшира қиз елкамга оқ халат ташлаб, деразалари бокка қараган каттагина чорси хонага бошлаб кирди. Хонада ҳаммаси бўлиб учта каравот турад, бир-бирига якин кўйилган иккита каравотда бирининг боши, бирининг үнг кўли боғланган икки солдат шашка үйнаб ўтирад, дераза ёнидаги учинчи каравотда... юзи худди ганчдан ясалгандай оппок оқарған кичкинагина бир солдат ётар, бу – Вася әди! Васянинг бир парчагина юзи жонсиз никобни эслатар, ҳатто ҳамманинг кулгисини қўзғайдиган машхур бурни ҳам узун оппок бўрга үхшаб сўррайиб қолган әди!

Юрагим увишиб, останада тұхтадим. Шу пайт Васянинг таниш ингичка овози эшитилди:

– Ҳа, нимадан кўрқасан, Мансур? Кел, келавер, оғайни!..

Мен унинг ёнига бориб, юмшоқ креслога ўтирдим.
Вася безгак тутгандай титрар, чукур ботган кўм-кўк кўзлари бежо ёнарди.

– Гўзал киз, сув! – деди у. – Бир қултум!..

Ҳамшира киз тумбочкада турган бежирим опноқ чойнакни олиб, унинг лабига тутди.

– Кўрдингми, – деди Вася лабларини ялаб. – Генералнинг чойнагидан чой ичяпман... Нега кўзингни олиб қочсан? Ахволим чатоқми? Кўркма. Корнимнинг ярминигина кесиб ташлашди, холос. Хирургнинг айтишича, факат сало билан колбаса еёлмас эмишман. Йўқ, дедим, сало билан колбасани мясорубкадан ўтказиб бўлса ҳам ейман, дедим...

Вася – шу ахволда ҳам Вася эди! Кулишимни ҳам, йиглашимни ҳам билмай ерга карадим.

– Нима бўлди, Вася? Граната ташлашдими?

– Битта граната бўлса бунчалик бўлмас эди-я! – деди Вася кўзларини юмиб. – Белига беш-олтита граната боғлаб олган битта аблах самурай ўзини оёғимиз остига ташлади... Биз уларни қуршаб олганимиздан кейин бўлди. Генерал эканми, билмадим, жуда ашаддийси экан, аблах! Ўзи парча-парча бўлиб кетди, капитан иккимиз ҳам... – Вася сўзида тўхтаб, чукур ботган бежо кўзлари билан юзимга тикилди.

– Комбатни кўрдингми?

– Йўқ, рухсат беришмаяпти...

– Комбат! – деди Вася тўлғаниб, – ўрток комбат... – Йиглаб юборишдан кўркиб ўрнимдан турдим.

– Омон бўл, Вася.

– Омон бўл, – деди Вася кўзини очмай. – Ҳамма дўстларга салом айт. Кўришолмасак хайр, оғайнини...

Ўпкам тўлиб фойега чиқдим-у, ўзимни четроқдаги креслога ташладим.

Ёнимдаги зинада оёқ товушлари эшитилди. Ялт этиб карадим. Тепамда майор турарди.

– Бу нимаси? – деди у күз ёшларимни күриб. – Ҳалитдан күз ёши тұксанды, хамшахарингни күрганда дод солиб йиғлар экансан-да? Арт күз ёшингни! Солдатмисан ё?.. Қани, юр!

Күз ёшларимни артиб, кийимларимни тузатдым. Майорнинг кетидан иккинчи қаватта чиқарканман, юрагимни яна бояги мудхиш күркүв чулғаб олди...

Иккинчи қаватда ҳам пастдагидай кенг фойе булиб, үңг құлда аллақандай нафис гулларга тұла катта балкон күринар эди. Майор балкондан үтиб, ойнаванд әшикни очди. Юрагимда үша совук мудхиш түйғу билан майорнинг кетидан ичкарига кирдим.

Деразаларидан арча шохлари мұралаб турған кенг, ёруғ хонанинг түридаги икки кишилик кимматбаҳо диванда... комбат, тұғрироғи, боши ёстиқдай килиб үраб ташланған бир одам чалқанча ётар, унинг юзи, күзи, хатто бурни ҳам күшиб үраб-чирмаб ташланған, фактада оғзигина корайиб күринар эди. Адёлнинг устида, икки ёнида ҳолсизгина ётған құллари ҳам тирсакларигача боғлаған эди...

Диваннынг бош томонида кандайдир шишақалар, ялтироқ пичоқ ва шприцлар терилған стол ёнида үрта ёшлардаги ҳамшира аёл үтиради.

Киришимиз билан ҳамшира аёл жимгина үрнидан турди, майор оёқ учыда юриб диванга яқынлашды.

– Капитан Гозиев!

– А? Ҳа-ха, үйғокман... – комбатнинг овози ҳам таниш, ҳам аллақандай нотаниш, хирилдөк эди!..

– Мана, чақирган солдатинг келди...

– М-Мансурбекми? – деди комбат дудукланиб. – Қаёқдасан, ке-ке, ука, ке-ке...

Унинг “ука” деганини әшитиб, яна үпкам түлди-ю, майорнинг қадалиб қараганини күриб, қадимни ростладым:

– Үрток капитан, буйруғингизга биноан келдим!

– Б-бүйрүүнгизга биноан! – деди комбат энтикиб. – Намунча расмий гапирасан, ука? Қ-кани, якинрок к-кел. Анюта, стул бүлса б-бер бунга...

Хамшира хотин чарм копланган креслони диваннинг бош томонига сурис берди.

Юрагимни ховучлаб секин ўтиридим, ўтиридим-у, бошдан-оёқ докага ўраб ташланган комбатни яқиндан күриб, вужуд-вужудларымгача зиркираб кетди: ёш гўдакдай ўраб-чирмаб ташланган бу одам кандайдир оташ ичидаги ёнар эди!

Хонага совук жимлик чўкди. Комбат индамас, у дам энтикиб, чийиллаб нафас олар, дам аллақандай қўрқинчли жимиб қолар эди.

– Капитан Фозиев! – деди майор.

– А? Ҳа-ҳа?.. – деди комбат чучиб уйғонган одамга ўхшаб, сўнг дудуклана-дудуклана энтикиб гапира бошлади:

– Менга к-қара, ука. К-кўриб турибсан, ахволим оғир. М-мен сенга айтадиган бир-икки оғиз г-гапим бор. Ж-жуда муҳим гаплар. Лекин булар кўйишмаяпти. К-кечаси тилка-тилка килиб сўйишганлари етмагандай, яна н-нималардир қилишмоқчи эмиш... А? Н-нима деётган эдим? Ҳа, с-сенга айтадиган гапим бор. К-кечаси чақиририб оламан. Унгача... Анюта, п-планшетимни олиб бер!..

Хамшира хотин тумбочкадан комбатнинг таниш планшетини олди.

– Мана, ўртоқ капитан.

– Солдатга бер... Планшетда бир дафтар б-бор, Мансурбек. Ўша дафтарни ол. Олдингми? Балли!.. Шу дафтар ҳар эҳтимолга қ-карши сенда турсин. Йўқолиб қолишидан к-кўрқаяпман. Уқдингми?

Бу ўша кора жилдлик қалин дафттар эди.

Ўзимни тутолмай йиғлаб юборишдан қўркиб, секин ўрнимдан турдим.

– Уқдим, ўртоқ комбат.

— Яхши... Жаҳлинг чиқмасин, К-Котельников. Мана, айтганингдай, уч м-минутдан ортиқ гаплашмадим...

Майор иккимиз оёқ учида юриб хонадан чиқдик.

— Нима? Яна кўз ёшими? — деди майор йўлакда тұхтаб.

— Үртоқ майор. Ахир наҳот... У киши менинг қариндошым, ҳамشاҳарим, ахир!..

— Одам қандай бўлиши кераклигини ҳамشاҳарингдан ўрган! Қаддингни тут! Агар яна хиқилласанг, кечаси кириптмайман. Овқатланасанми?

Шу тобда томогимдан овкат ўтармиди? Юрагимни ззиб, кўкрак қафасимни ёриб юборгудай булаётган алам ва фарёдга чидай олмай, секин бокка чиқдим.

Кун ботган, боғнинг хар жой-хар жойидаги чирмовук гуллар билан ўралган шийпонларда чироқлар ёнган эди.

Мен комбат ётган балконли хонанинг рӯпарасидаги шийпонга кириб ўтиридим-у, дафтарни очганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

* * *

“21 август 45 йил.

Икки кунгача қулимга калам ололмадим. Мен учун бу урушда рўй бериши мумкин бўлган энг оғир фожиа рўй берди: Олядан — синглимдай яқин бўлиб қолган ажойиб киздан, ҳаётим кил устида турганда ёлғиз ташлаб кетмаган, ҳамма қийинчиликларни баравар ўртоклашиб, ҳамдард, ҳамнафас бўлиб келган дўстимдан айрилдим...

Уни гаолян экилган қир ёнбағрига дафн этдик. Ҳамма кетди-ю, мен ҳали тупроғи куrimаган янги қабр ёнидан кетолмай узок ўтиридим...

Дилимизни ажиб нурга тўлдириб юрган бу маъсум киз наҳот абадий кўз юмган бўлса? Наҳот биз кетсанг-у, Оля бу ёт элда, бу совук тупроқ тагида қолса?..”

Қалбимни аллақандай тиник, теран бир мунг чулғаб олди. Секин олдинги сахифани очдим.

“6 август 45 йил.

Мана, салкам уч ой согиниб кутганим хат – С. нинг хати, нихоят, етиб келди!

Азизим! Кўз ёши нималигини аллақачон эсимдан чиқариб юборган эдим. Лекин хатингни ўқиб, титраб кетдим. Кўрқма, жонгинам: бу уруш кўпга чўзилмайди. Насиб бўлса, дийдор кўришадиган кун яқин. Бизнинг кучада хам байрам бўлади...”

Юрагим зиркираб, дафтарни ёpmокчи бўлдим-у, ёзувлар орасида ўз исмимга кўзим тушиб, яна ўқий бошладим.

“7 август 45 йил.

Кеча С.нинг хамқишлоғи, Мансурбек деган ёш солдатни қаттиқ... хафа килдим. У кечаси сахрова кетаётганимизда қўл пулемётини шериги Арслон деган солдатга берибди. Арслон унинг қўл пулемётини олиб, машинага осилиб кетибди. Энди на Арслондан дарак бор, на қўл пулемётдан!

Мансурбек кўзига ёш олиб, ўксисб колди. Лекин командир сифатида бошқача килишим мумкин эмас эди, чунки ҳамشاҳарларимга “кўнгилчанлик” киламан деб, уларга яхшилик эмас, ёмонлик келтирган пайтларим хам бўлган. Ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди. Қирқ иккинчи йилнинг деқабрь ойи. Воронеж фронтининг юз ўн тўртинчи ўқчи дивизиясида рота командириман. Бир кун полкимизга, шу жумладан, менинг ротамга янги солдатлар келишди. Ротамга келган йигирма беш солдатнинг ҳаммаси Фарғона водийисидан эди.

Урушда юрганимга бир ярим йилдан ошган, она юртни, ўзбек диёри, тили кон-қариндош кишиларни жуда соғинган пайтларим. Ротамга келган ҳамшаҳарларимни кўрганимда, улар билан ўз она тилимда гаплашиб холахвол сўрашганимда, худди Фарғонага бориб, ёр-биродарларни кўргандай бўлдим. Сезиб турибман, ротага келган ҳамшаҳарларим хам мени кўриб қувониб кетишди.

Уларнинг кўпчилиги ўттиздан ошган, баъзилари киркка бориб колган соддагина колхозчи йигитлар эди. Улар бўлимларга тақсимлаб юбормасдан, ўзларини алоҳида бир взвод қилиб ажратиб қўйишимни мендан илтимос килишди. Офицерлар кам эди, уzlари билан бирга келган старший сержантни командир қилиб тайинладим-да, алоҳида бир взвод қилиб ажратиб қўйдим. Кейин то жангга киргунимизча оғир фронт шароитида кўлимдан келганча енгиллик бериб, яхшилик қилиб турдим. Бечоралар хурсанд. “Сизни бизга ота-боболаримизнинг арвоҳлари дуч келтирди”, деб дуо қилишади.

Нихоят, биринчи жангга кирдик. Тиззадан кор, туф деган тупук ерга тушмайди. Тўпбозлиқдан кейин хужумга ўтиб, душман позициясига қараб чопиб боряпмиз. Бир маҳал, душман миномётлари ишга тушиб қолди. Бундок карасам... ҳамشاҳарларимдан биттаси йиқилган экан, қолганларининг ҳаммаси тепасига бориб, айюҳаннос солиб йиғлашияпти!.. Худди шуни кутиб турган лаънати душман ҳамشاҳарларимни мўлжалга олиб, минани ёмғирдек ёғдирди. Жон ҳолатда чопиб бориб, тўпионча ўқталиб, биттасини у ёкка, биттасини бу ёкка отдим!.. Лекин мен бориб, уларни қувгунимча ҳамшаҳарларимдан етти-саккиз киши ҳалок бўлган эди!..

Шу-шу кўнгилчанлик балосидан қутулишга, ҳамшаҳарларимга нисбатан бошқа миллат солдатларидан ҳам кўра талабчанроқ бўлишга онт ичдим.

Мўгулистанда учраган ёш солдатлар Фарғонадан бўимаса ҳам (хаётдаги тасодифни каранг!) С.нинг ҳамқишлоқлари бўлиб чиқди. Шунинг учунми, билмадим, уларни кўрганда худди ўз укаларимни кўргандай бўлдим. Лекин Воронеж фронтидаги фожия ёдимда, мен бу йигитларининг бошларини силамадим. Улар оқкўнгиллик билан ўзларини менга яқин олишга интилаётганларини, ёзилиб гаплашгилари, дардлашгилари борлигини кўриб

турсам ҳам, жүрттага үзимни четга олиб юрдим, совукрок муомала килдим. Улар орасида энг ёши – Мансурбек деган шонртабиат йигитчани эса бир-икки марта силтаб ташлашга тұғри келди. Мана бу сафар яна жазолашга мажбур бұлдим. Мансурбек пулемётини Арслонга бериб, ҳам дүстидан, ҳам пулемётидан айрилгани учун үзи ҳам изтироб чекяпти. Күриб турибман. Лекин бошқача килишим мумкин әмас әди!

Майли, бу кийинчилик, жазолардан чиникиб, пишиб чикишсин. Уруш тамом бұлсип, кейин йигитлар билан бир отамлашиб, ығылған ҳамма гина-кудуратларни күнгилларидан чикариб юбораман...”

Бошимни құлларим орасига олиб узок үтирдим. Комбатнинг охирги гаплари мени титратиб юборди... Нахот у менинг қалбимда ёмон таассурот қолдирдим деб үйласа?.. Даврон ака, азизим, ишқилиб, худо сизга шифо берсін! Бизнинг күнглимиңда сизга нисбатан қылча ҳам гина-кудурат йўқ! Биз сизни туғишиган акамиздай яхши кўрамиз? Сиз билан фахрланамиз, Даврон ака!..

Шип-шип сёёк товушларини эшлиб, бошимни кўтардим. Йўлка бўйлаб ҳамшира аёл келарди.

– Юр, солдат, – деди у. – Сени капитан йўклаяпти...

* * *

Бокка аллақачон коронғи тушган, иккинчи каватдаги комбат ётган хонанинг деразаларидан аллақандай кўк-яшил шуъла ёғилиб турар әди. Хона ичи ҳам, ундаги жихозлар ҳам ўша кўк-яшил шуълага чулғанган. Комбат ҳамон боягидай чалқанча ётар, унинг боши, юзи, қўлларига уралган ок докалар ҳам гўё кўк-яшил рангга бўялган-у, аллақандай совук бир рух касб этган әди.

– К-келдингми, Мансурбек? – деди комбат тезроқ нафас олиб. – Үтир! Мен сени қ-қийнаб юбордимми? Сени қ-қўп хафа килдим, кўнглингни қўп оғритдим...

– Урток капитан! Нахот сиз мени шунчалик...
– Т-тұхта! – деди комбат. – Бундай дейишимдан м-максад... шафқатсизлик күлганим учун к-кечир, к-каттиқұл бұлсам хам аслида яхши одам әдім, д-демокчи әмасман. М-мендан кейин батальонда с-сизлар коласизлар... Гапимни б-бұлма! Усиз хам хәёлим чуvalашиб к-кетяпти... Нима д-демоқчи әдім? Ҳа, әсларингда бұлсін, хар бир с-солдат үз халқининг армиядаги ваки-ли! Бошларингга қандай иш тушмасин, нолиманglar! Халқимиз номига иснод келтирманglar. Сенга, б-батальондаги ҳамма ҳамшахарларға айтадиган б-битта васи-ятим – шу, ука!

– Урток капитан!..

– Н-нега ҳиқиллайсан? – деди комбат ҳансираб. – М-мен сенни йиғласин, деб ч-чакирганим йүк бу ерга! – Құзингни арт! М-менинг ахволим оғир. Ҳали сенга айтадиган анча гапим бор!..

Комбат тұsatдан гапини узиб, жим қолди. У қандай-дир чидаб бұлмайдиган оғриқ ва ҳарорат ичидә тұлғанар, менга эшиттирмасликка ҳаракат килиб, секин инграр әди.

– Аньота! Сувинг б-борми?

– Бор, бор... – ҳамшира хотин комбатнинг лабларидаги докани тузатиб, оғзига чойнак тутди.

– Комбат тишилари чойнакка шақ-шақ тегиб, уч-түрт күлтүм чой ичди-да, тиинчигандай бұлиб жим қолди.

– Аньота, п-планшетимни олиб бер, бу йигитга! – деди у тұsatдан. – Олдингми, М-Мансурбек?

– Олдым, урток капитан.

– Планшетнинг ичидә битта хат б-бор. Саломатнинг хати. Ұша хатни ол!.. Т-топдингми?

– Ҳозир...

– Узи биттаю б-битта хат... Эсингдами, сен п-пулсем-ётингни йүкотиб қўйган куни олувдим. Оля бечора олиб к-келиб берувди...

– Топдим, ўрток капитан! – дедим құлымга илинган калин конвертни олиб.

– Я-яхши, сендан илтимос, ука... – комбат эшик очилганини эшитиб, сұзида тұхтади.

Остонада майор Котельников билан... әгнида оқ халат, полковник Белобородов турар эди. Үрнимдан сакраб турдим.

– Б-бу ким? – деди комбат ёқтиirmай.

– Мен Даврон, мен... – Полковник оёқ учиды юриб келиб, менинг үрнимга үтирди.

– М-Мстислав Владимирович! С-сизмисиз? – деди комбат ҳаяжонланиб. – С-сизмисиз, Мстислав Владимирович?

– Бу учинчи келишим, Даврон, – деди Белобородов, – боя келганимда мана, Котельников киритмади...

– Ҳа, К-Котельников шафқатсиз одам, – деди комбат.

– Ахволинг қалай? Тузукмисан?

– Ахволимни Александр Ф-Федорович айтгандир, ахир?

– Айтди. Тузалиб кетади деяпти.

– Александр Федорович айтса, д-демак, тузалиб к-кетаман. Лекин... К-келганингиз яхши бұлды, Мстислав Владимирович. Жуда яхши бұлды. Сизга айтадиган г-гапларим бор эди. Айттолмай күнглимда қолиб к-кетармикан, деб күркәётүвидим.

– Даврон! – деди Белобородов овози қалтираб. – Сенга нима бұлды? Бунақа тушкунликка тушиш одатинг йүк эди-ку!

– Тұхтанг, ўрток полковник. Олдин айтинг: бу ж-жанг /чун мендан н-норози эмасмисиз? Лекин норози б-бұлсанғиз ҳам айттай: бошқа иложим й-йүқ эди. Деконлар арз килиб к-келишди, ўрток полковник, дәққонлар...

– Йүқ, норози эмасман, – деди Белобородов. – Сенинг үрнингда бұлсам, мен ҳам шундай қиласадим. Факат... үзингни эхтиёт килмабсан, Даврон.

– М-майли! – деди комбат токатсизланиб. – Энди бу гаплардан фойда йўқ. Ундан к-кўра айтинг: рапортимни олдингизми?

Белобородов кўзини юмиб, секин бош ирғади:

– Олдим, Даврон, олдим. Сен хаксан: ҳаммаси фиску-фасод гаплар.

– Ўртотк полковник!..

– Даврон! Тинчлан, азизим... Арзимайди...

– Йўқ, ўртотк полковник. Арзийдими-йўқми, б-билмадим, лекин бу фиску-фасод гаплар кейинги кунларда ичган ошимни заҳарлаб, юрагимни к-қон қилиб юборди! – деди капитан. Тўсатдан унинг дудуқланиши йўқолиб, титрок босиб, ёниб гапира бошлиди. – Сиз арзимайдиган дедингиз, тухмат гаплар, дедингиз. Хўш, тухмат экани кўриниб турса... нега менга карши иш кўзғашади? Нега тергов қилишади?

– Даврон, азизим! – деди полковник. – Сен ташвишланмай қўяқол...

– Мен ҳалиям ташвишланаётганим йўқ! – деди комбат куйиниб. – Шунчаки... юрагимни кон килаётган нарса... менга бўлган ишончсизлик. Мени шубҳа остига олишлари эзяпти дилимни!

– Гап ишонмасликда эмас, бирор маълумот бергандан кейин, уни текшириш керак бўлгандир, ҳакикат қилиш керак бўлгандир, Даврон!..

– Ҳакикат! – деди комбат фиғони чикиб. – Ҳакикат қилиш учун нега терговни мендан бошлаш керак экан? Нега ўша одамдан, ғирт тухмат гапларни тўқиб юрган ўша нокасдан бошлашмайди? Мени тергов қилишдан олдин кимлигимни суриштириб кўришса бўлмайдими? Ё тўрт йил фронтда тиззадан кон кечиб қилган хизматларим инобатга олинмайдими? Жонимни аямай тўрт йил душман билан олишганимда, уч марта яраланганимга қарамай, жанг майдонини ташлаб кетмаганимда... ахир

окибат кадрим шу бўлдими? Қилған шунча хизматларим, чеккан азобларим, тўккан қоним... Бунинг хаммаси битта ғаламиснинг аглахона тухматига бас келолмадими? Менга – жанговар совет офицерига ишонч шу бўлдими, ўртоқ полковник?

Белобородов индамади. У ўй чулғаган кўк-яшил шулья акс этиб ялтираган катта бошини эгиб сукут саклар, комбат эса нафас етмаётгандай кўкрак қафаси паст-баланд кўтарилиб энтикар, тўлғанар эди. Эшик олдида қотиб турган майор оёқ учида юриб, полковникнинг ёнига келди ва унинг елкасига қўлини қўйди.

Белобородов чўчиб, бошини кўтарди-да, “тушундим”, деб ишора килди.

– Ўртоқ полковник! – деди комбат. – Нега индамай-сиз?

– Даврон, азизим! – полковник қўлини аста унинг қўлига қўйди. – Ҳозир сенга бир нима дейишим қийин, лекин сенинг ҳамма гапларингни қўмондонликка оқизмай-томизмай етказаман. Бунга имонинг комил бўлсин.

– Р-раҳмат Мстислав Владимирович? Раҳмат...

– Капитан Фозиев! – деди майор.

– Т-тўхта, Александр Федорович! – комбат бакириб юборди. – Яна б-битта гап... Эшитяпсизми, ўртоқ п-полковник.

– Эшитяпман, азизим...

– Эсингиздами, шу йил б-баҳорда, десантдан қайтиб полкка қўшилганимизда к-кичик лейтенант билан старшина Салога “лейтенант”лик унвонини б-беришларини сўраган эдик.

– Эсимда...

– Кичик лейтенант-ку, майли, ўлиб к-кетди. Лекин старшина Сало... унинг хизматларини б-биласиз-ку, ўртоқ полковник.

– Биламан, азизим, биламан. Яхши. Яна хат ёзиб, эслатамиз.

– Тұхта, К-Котельников, охирги г-гап! Үртоқ полковник... М-Мстислав Владимирович..

– Айтавер. Эшиятман, Даврон.

– Х-Харитонов... – деди комбат. – Батальонда, балки б-буғун полкда энг яхши офицерлардан бири шу Х-Харитонов. У үсиши к-керак, Мстислав Владимирович.

– Яхши. Яна нима гапинг, нима илтимосинг бор?

– Ұзим учун... хеч қандай илтимосим й-йүк. Фақат... мендан к-кейин... Ногаевга үхшаган п-пасткаш одамлар... номимга доғ туширмасалар б-бас. Битта-ю битта тилагим шу, Мстислав Владимирович...

– Даврон, азизим, – деди Белобородов. – Ногаев тугул юзта Ногаев ҳам сенинг номинг, сенинг Ватан олдидаги хизматларингга доғ туширолмайды...

Комбат индамади. У қандайдир хүштакка үхаш овоз чиқариб, чийиллаб нафас оларди...

Белобородов тұсатдан тиз чўкиб, унинг дока билан үралған пешонасига лабини босди...

– Бардам бұл, Даврон. Ҳозир машхур нейрохирург келади. Яхши бўлиб кетасан, азизим.

– Х-хайр, М-Мстислав Владимирович, – деди комбат, эшитилар-эшитилмас товушда.

Белобородов оёқ учида юриб, эшикка борди, лекин чиқищдан олдин тұхтаб соатига қаради. Котельников “хайронман”, деган маънода елкасини учирди, сұнг: “Ҳозир, үртоқ полковник”, деди-да, комбатнинг ёнига келди.

– Ғозиев! Энди бас. Укол қиласиз, операцияга тайёрланамиз!

– Я-яхши. Фақат үн минут рухсат б-бер.

– Менга қара, Ғозиев...

– Котельников! – деди комбат инграб. – Мени к-кечир, Александр Federovich, лекин сенга б-битта саволим бор: сен ҳам шу ахволга т-тушсанг... охирги дақиқаларда она юртингни э-эслармидинг?

– Ёш болага ўхшаяпсан, Фозиев. Мен сендан буни кутмаган...

– Саволимга ж-жавоб бер. Оилангни, б-бала-чақангни эслармидинг? Она тилингда бир оғиз г-гаплашгинг келармиди? Лоакал ўн м-минут. Фақат ўн минут!..

– Хўп, яхши! – Котельников бошқа ҳеч нарса демай, секин юриб хонадан чиқди.

* * *

Хонага яна аллақандай совуқ жимлик чўкди.

Комбат ҳаво етишмаётгандай, хуштак чалиб ҳамон энтикиб нафас олар, дам-бадам секин инграр, лекин индамас, гўё мени эсидан чикарган эди.

Ташкаридан йўлкада у ёқдан-бу ёкка югуришиб юрган ҳамшираларнинг шип-шип оёқ товушлари, баъзан, буйрук берган бўғик овозлар эшитилар, хона эса сув куйгандай жимжит эди. Мен комбат хушидан кетиб колмадими, деган хаёлга бориб, кўрқиб кетдим. Лекин шу пайт, Даврон aka яна қаттиқ дудукланиб:

– М-Мансурбек, – деб чакирди.

– Эшитаман, ўртоқ капитан.

– М-мен жуда... г-ғалати кўриняпманми?

– Йўқ, нега энди?

– Миям... копқоғи к-кўтарилиб кетяпти... – деди комбат. – Г-граната парчаси ўрнаб қ-қолган эмиш. Балки, шунинг учун ёш болага ўхшаб қ-қолгандирман...

Юрагим увушиб:

– Нега ундей дейсиз, ўртоқ капитан? – дедим.

– Майли! – деди комбат. – X-хўш. С-Саломатнинг хати кўлингдами? Г-ғалати кўринисам ҳам майли... Унинг хатини... эшитгим к-келяпти. Оч!..

Хат оддий серкатак дафтар варакларига ёзилган эди. Аёлларга хос йирик юмалок ҳарфлар билан ёзилган мактубнинг биринчи сатрларига кўзим тушиши билан худди

хат ёзиб ўтирган Саломатхоннинг маъюс чехрасини кўр-
гандай бўлиб, аъзойи баданим жимирилаб кетди.

– Очдингми? – деди комбат. – Уки! Й-йўк, т-тўхта!..

У үлим билан олишиб қийналар, тишларини ғичирла-
тиб тўлғанар эди. Юрагим эзилиб, кўзимни олиб кочдим.
Шу пайт эшик қаттиқ очилиб, хонага Котельников билан
кичкинагина, чўқкисокол бир чол кирди. Чол олтин банд-
ли кўзойнагини яркиратиб:

– Бу ким? – деди менга қараб. – Қани, хона бўшатил-
син!

Мен жон ҳолатда комбатнинг дока билан ўралган кў-
лига қўлимни қўйдим.

– Ўртоқ комбат... Даврон ака...

– М-майли, к-кераги йўк! – деди комбат. – М-мабо-
до мен... С-Саломатга айт... Й-йўк, тўхта. М-мен үли-
шим мумкин эмас... Н-ноҳаклик булади. Ж-жуда к-катта
ноҳаклик...

Чол кўзойнаги ялтираб, Котельниковга қаради. Ко-
тельников менга қараб, “чик” деб ишора килди.

– Хайр, ўртоқ капитан! – дедим ўпкам тўлиб. – Опера-
ция муваффақиятли ўтсин!

– Р-рахмат, ука... С-сен билан хайрлашмайман, ука...

Мен комбатнинг дилида аллакандай эзгу бир тилак
борлигини, у бу гапни дам айтгиси келиб, дам айттолмай
қийналаётганини сездим, сездим-у, дод деб юборишим-
дан кўркиб ўзимни ташқарига отдим.

Яшил лампочкалар билан ёритилган ярим коронги
йўлкада Белобородов билан Харитонов гаплашиб турар,
оғизларини боғлаган ҳамшира аёллар у ёқдан-бу ёкка
шарпасиз одимлаб югуришиб юришарди.

Боғ зим-зиё эди. Тоғдан салқин шабада эса бошлаган,
арчазор боғ ҳазин гувиллар, гўё алланимадан нолир, зор-
ланар эди. Кимсасиз хиёбон бўйлаб, боғ оралаб кетдим.
Қаёқка кетаётганимни, нима қилиб юрганимни ўзим ҳам

билмас эдим. Бир махал карасам... бояги шийпонга бориб колибман. Бошимни күтариб иккинчи қаватга карадим. Комбат ётган хона деразаларидан ҳамон ўша қўқ-яшил шуъла ёғилиб турар, лекин тиқ этган товуш эшитилмас эди.

Арчазор bog ҳамон гувуллар, кимгадир нолир, зорланаар эди. Тұсатдан комбат ниманидир айтолмай қийналғани, унинг юрагида қандайдир бир армон қолгани эсимга тушиб, үрнимдан туриб кетдим. Қарасам... қўлимда... Саломатхоннинг хати! Хат менда қолганини на мен билибман, на комбат!

“Даврон ака! Азизим!

Ҳар куни минг кунга татиган, салкам бир йилга чўзилган дараксизликдан кейин бугун кечкурун, нихоят, табаррук мактубингизни олдим, олиб кўзларимга суртдим.

Сиз тириксиз! Тирик! Жонимдан азиз ёrim, меҳрибоним, ёлғизим тирик!

Хатингиз кечаси келди. Ташвиш чекиб, тўлиб юрганимни биладиган почтачи – инвалид йигит кеч бўлса ҳам олиб чикибди. Хатингизни ўқибман-у, нега шундай қилганимни ўзим ҳам билмайман, қабристонга чикибман.

Келсангиз кўрарсиз, боғимизнинг орқасида, тегирмоннинг устида эски қабристон бор. Қабристон ўртасида Ғойиб ота деган авлиёнинг қабри турибди. Бувим раҳматли оиласизнинг бошига бирор мусибат тушса ё аксинча, бирор қувончли воеа содир бўлса (бувим бечора баҳтдан ҳам, баҳтсизликдан ҳам баравар кўркардилар) шу авлиёга чикиб, Куръон ўкир, шам ёкиб, қабр устидаги архар шоҳига оқ мато боғлаб тушардилар.

Кечаси тик этса юраги “шиғ” этадиган одам, зим-зиё гўристонни оралаб ўтиб, авлиё бобо қабри олдида тиз чўкибман.

Нималар деганим ҳозир эсимда йўқ. Нима ҳам дердим? Сизнинг тирик қолганингиз, урушдан эсон-омон чиққанингиз рост бўлсин, деб илтижо килиб йиғладим, шекилли. Кейин никоҳ кечамиз ўзингиз ҳадя қилган оқ

шойи рўмолимни (сиз кетгандан кейни уни сандиқка со-либ қўювдим) архар шохига боғлаб, оркамга кайтдим...

Сиз тириксиз, тирик!.. Шу бир оғиз сўз билан тўрт йил чеккан ҳамма уқубатларим, сизни ўйлаб, бедор ўтказган тунларим, хатларингиз кечикканида кечалари кирларга чиқиб, телбалардай тентираб юрганларим – ҳамма-ҳаммаси эсимдан чиқиб кетди. Қўйинг, тўрт йил чеккан изтиробларим бехуда кетмай, сиздан хушхабар келган баҳтиёр кунда мен бу гуссаларни эсламай, сиз эшитмай қўяколинг!..

Сиз Фарғонадан Корасувга кетишимнинг сабаблари-ни сўрабсиз, бирор ранжитмадими, дебсиз. Йўқ, хеч ким ранжитмади. Ойимлар, опамлар, акамлар, ҳамма кариндош-уругларингизга минг-минг раҳмат. Улар бизни – мени ва ўғлингизни – уч йил қўлларида қутариб юриши-ди, десам муболаға бўлмас. Ишқилиб, уларнинг менга кўрсатган яхшиликларини кайтаргулик килсин, яхши кунларида хизматларида бўлай, биттаю битта тилагим шу, азизим.

Кетишимга сабаб эса... кирк тўртинчи йилнинг ёзида директоримиз вафот этиб, мени директор килиб тайинлашиди. Августнинг охири, хатларингиз тўхтаб, эзилиб юрган пайтларим. Бир кун район маориф бўлимига Холматов деган янги бошлиқ келди, сиз билан шахсан танишмоқчилар, деб чакириб қолишиди.

Соддалик қуриб кетсин, “Холматов”, деганларида ҳам хаёлимга хеч нарса келмабди. Бордим. Секретарь киз: “Кираверинг, эрталабдан бери ўн марта сўради-лар” деди.

Кирдим. Кирдим-у, хушим бошимдан учиб, остоңада лол бўлиб туриб қолдим. Қарасам (турмушнинг ўйинла-ри кўп экан, азизим!), кабинетнинг тўрида ўша “кадрдон” оғайнингиз, урушдан олдин мени олиб қочиб кетмокчи бўлган, сиз аралашиб, бошингиз балога колган... Ҳошим Холматов ўтирибди!..

Турт мучаси тугал, давангиридай йигит урушга ҳам бормабди. Институтни битириб, областда уч-турт ой ишлаб, маорифга мудир бўлиб келибди!..

Гап-сўзлари, муомалалари бирам мулойим, бирам меҳрибон денг! Шунчалик меҳрибонки, шаҳарга аравада келганимни эшитиб, азбароини хафа бўлиб кетганларидан шахсий фойтунларини бердилар!.. Орадан икки кун ўтмай, шахсий фойтунларида мактабни кўргани келдилар, яна бир-икки кун ўтказиб, фойтунларини юбориб, шаҳарга бу сафар ўтиришга таклиф килдилар.

Уртоқ Холматов таклиф килган ўтиришга бормадим-у, лекин ўша куниёқ Қорасувга кетишга аҳд килдим.

Албатта, менинг кетишим “эрини кутишга сабри етмади, бевафо!” деганга ўхшаган майдад-чуйда мишишларга сабаб булишини билардим, лекин Фарғонада колиб, “Холматов” билан гап-сўз булишдан кўра, бу ноҳак “миш-мишлар”га чидаб беришини афзалрок кўрдим. Чунки бизнинг муҳаббатимизга бирор доғ туширишини, айникса, ракибингиз Холматов доғ туширишини истамас эдим. Кетишимнинг сабабини ҳеч кимга айтмаганим ҳам шундан. Агар бу ишда мендан хато ўтган бўлса, кечиргайсиз, жонгинам!

Эртага кетаман деган қуни кечкурун Нориннинг бўйига тушиб, мажнунтоллар ёнида (эсингиздами) узок ўтиредим. Ўша кеча гапирган гапларингиз, берган насиҳатларингиз, иккимиз жўр бўлиб “Излайман”ни айтганларимиз ёдимга тушиб, ўзимни тутолмай бўзлаб юбордим.

Бу оламда баҳт деган нарса борми ўзи, йўқми, билмадим, лекин инсон боласи уни излагани излаган экан. Мен ҳам сизни излай-излай базўр топган эдим, қаёкларда колдингиз, қаёкларда юрибсиз, азизим?..

Мана, вакт тун ярмидан оғди. Суратингизга тикилиб, бидирлаб ўтирган Улугбек (ажабо, сиз урушда юрганингизда туғилган ўғлингиз уч ярим ёшга тўлибди!) бобоси-

нинг қўйнига кириб ухлаб қолди. Мен эсам уйда, ўнинчи лампа шуъласида сизга хат ёзиб ўтирибман...

Даврон ака, азизим! Тұрт йил урушганингиз етмаганми-ди? Нега бир урушдан чикиб, бошқа урушга кетдингиз? Ё отпуска беришмадими? Ёки биз бечорани унча соғинмадин-гизми?.. Соғинмасангиз ҳам майли, ишқилиб, сизни бир кур-сам, кўкрагингизга бошимни қўйиб, юрак уришингизни бир-пас эшилсан бўлди, шундан бошқа тилагим йўқ худодан...”

Кўзимни хатдан узиб кўк-яшил шуълага чўмган хо-нага қарадим. У ердан тик этган товуш эшитилмас, арчалар билан ўралган икки каватли мармар бино аллақандай мудхиш сукут сакларди... Наҳот Саломатхоннинг нидо-си кўкларга бориб етмаса? Наҳот тўрт йил урушда не-не ўлимлардан омон қолган Даврон акадай одам уруш тугаб, ҳамма ўйнаб-кулиб бола-чакасининг олдига қайтаётганда Саломатхонни доғда колдириб, оламдан ўтса?

Боғни чулғаб олган мудхиш сукут тонг пайти бузилди. Саломатхоннинг ноласи кўкларга бориб етмаган, комбат операциядан кейин, бир неча соат ўлим билан олишинб, тонг пайти жон берган эди...

* * *

Эрталаб госпиталь жойлашган бօғ олдидағи майдонга бутун полк йиғилди. Майдоннинг ўртасида, атрофи арчалар билан ўралган гулзор орасида уч-туртта янги кабр пайдо бўлган, қабрларнинг ёнида харбий оркестр мотам маршини чалар, ҳавода қандайдир улуғвор сукут хукм сурарди.

Ногаҳон худди ӯзбек сурнайининг овозидай ингичка, чийиллоқ овоз эшитилди. Майдонга сурнай чалиб, мис лаганчаларини жаранг-журунг уриб бир тўп хитойлар кириб келишди. Булар дафн маросимига қатнашгани келган дехконлар эди!

Мен ҳалиям ҳушимга келолмай, ӯзим билан ӯзим ово-ра, хаёлга чўмиб турган эдим, тусатдан Харитоновнинг

“Сен нима қилиб юрибсан бу ерда?” деб бақирганини эшитиб, бошимни күттардим.

Биздан сал нарироқда, гулзорнинг четида, қулида фуржка, бошини хам қилиб капитан Ногаев турарди!..

— Нега келдинг? — деди Харитонов калтироқ босиб.

Ногаевнинг рангида қон йўқ, кўзини олиб кочди.

— Харитонов, — деди у секин. — Кеча нега айтмадинг?

— Нимани айттардим? — деди Харитонов.

— Капитан Фозиев... ярадор бўлганини...

Харитонов кўзлари ёниб:

— Айтганимда нима килардинг? — деб сўради. — Кечирим сўрармидинг?

Ногаев ерга тикилганича:

— Билганимда... сўрас эдим, — деди.

Харитонов индамай тескари бурилди.

Ногаев бошини хам килиб яна бироз турди, сўнг бир-бир босиб, оркасига қайтди...

Улимнинг кучини мен биринчи марта ушандада тушундим. Даврон аканинг ўлими... ўзидан бошқани ўйламайдиган бу мунофикни хам инсофга чакирган эди!..

Сал ўтмай богнинг икки табакали дарвозаси очилиб, кизил мато ёпилган тобутни кўтарган офицерлар чиқиб келишди. Офицерлар орасида кичик лейтенант Сало хам бор, энг охирида эса... Арслон келарди.

Васяни таниса бўлар, унинг бир парча бўлиб колган юзи ганчдан ясалгандай окариб кўринар, Даврон аканинг юзи эса... гуллар билан ёпилган эди.

Мотам митингини кўкраги орденларга тўлиб кетган ёш генерал очиб, Белобородовга сўз берди. Белобородов сийрак, оппок соchlари шабадада ҳилпираб, қайта-қайта томоқ кириб, анчагача гапиролмай турди. Унинг нималар дегани эсимда ҳам йўқ. Факат бир нарса хануз ёдимда: Белобородов гвардиячи капитаннинг Ватан учун килган хизматлари, мардлиги, жасурлиги, десантчи кўшинлар

сафида күрсатгани қаҳрамонликларини битта-битта санаб, халқимиз шундай ажойиб фарзандидан айрилғани ҳакида гапирганида яна овози қалтираб кетди-ю, назаримда, бутун полк бир тұлғанғандай бұлди...

Юракларни зир тітратған мотам маршы садолари остида тобутларни қабрларга түширишиди. Ҳалок бұлған үғлонлар шарафига етти марта үк узиб, салют бердик...

Мотам митингидан кейин полк рота-рота бұлиб, арчалар билан үралған янги қабрлар ёнидан үтди. Үтестганды мен секин сафдан чиқыб, гулларға күмилған қабрларнинг ёнида тұхтадым. Кейин Арслон билан Серкабой келди. Биз жимгина күл беріб құришдик. Үртадаги қабрнинг бошида үтирган старшина Сало ер остидан бизга бир каради-да, яна күзини олиб кочди. У офтоб тәсмаган катта ялтироқ бошини эгиб, оқ оралған шоп мүйловининг учини лаби билан химарганича күзини юмиб үтирар, окиш киприклари орасидан қалқиб чиқкан ёш томчылари катта гүштдор буриннинг четидан юмалаб, мүйлови орасынга сингиб кетарди...

Кайси бир китобда “Йигит кишининг йиғисидан дахшатлы нарса йүк”, деган гапни учратған әдим. Кечаси билан йиғлайвериб, күзимда ёш колмаган әди, старшиининг унсиз йиғисини күрдім-у, күнгілім яна вайрон бұлиб, Даврон аканинг қабри ёнига тиз чүкдім. Ёнимга Арслон келиб چүккалади, چүккаларкан:

– Нега йиғлайсан? – деб бақырди. -- Гвардиячи капитаннинг гаплари эсингдан чиқдими? Йиғлоки одамии жинимдан ҳам ёмон кұраман, демаганимди у? Үндан кұра бор, Саломатхон опамларға хат ёз! Шоңронға қилиб ёз! – деди у. Үзи эса... тиркираб оккан күз ёшларнин тиёлмас әди...

Уша оқшом комбатнинг қабри ёнида мен дүстларимга Даврон аканинг үлем олдида айтған ҳamma гапларини, сүнгги васиятини гапириб бердім.

Биз комбатнинг қабри ёнида унинг васиятларынға ҳамиша содик қолиш түгрисида бир-бириմизга сүз беріб, қасамёд килдик.

ХОТИМА

Беш йил ўтди. Беш йил Порт-Артур шаҳрида хизмат қилдим.

Эллигинчи йил сентябрь ойининг бошларида, ниҳоят, хизматдан бушадим.

У маҳалда Порт-Артур – Владивосток поезди қатнарди. Шу поездга миниб, беш йил кутган соғинганимиздан хар кеча тушларимизга кирадиган суюкли эл – Она юргитмизга караб йул олдик.

Олис сафарнинг ўн тўртинчи куни поезд таниш станцияга келиб тұхтади. Офтоб ғарбга ёнбошлиған, лекин хали барвақт эди.

Вокзалдан Корасувга машина қатнар эди. Лекин Даврон аканинг кундалигига: “Агар урушдан эсон-омон қайтсам, кишлокқа пиёда кириб бораман”, деган гап бор эди. Шу гап эсимда, хизматда юрган чоғларимдаёк “мен хам урушдан эсон-омон қайтсам, Корасувга пиёда кириб бораман”, деб ният қилған эдим.

Шахар билан Корасув ораси ўн беш-йигирма чақирим келади. Чор-атроф кенг дашт, худди Гоби саҳросидагидай иёхлари ковжираб қолган яssi кирлар. Факат хар жойлар жойда ўсган түп-түп толлар, олис уфқда кўринган кишлок боғлари гўё илик куз офтобида эркалагандай дам пуштиранг, дам кирмизи тусга кириб товланади. Лекин менинг кўзимга олиса оловдай ёнган бу боғларгина эмас, ёзги жазирамада ковжираб қолган бу дашт хам жуда иссик кўринади, ерга тиз чўкиб, бу тупрокни ўпгим, кўзларимга суртгим келади, негадир кайта-кайта Даврон ака эсимга тушиб, дилимни қандайдир ҳазинлик чулғаб олади.

Ниҳоят, кун ботиш олдида, боғларга кўмилган Корасув хам кўринди.

Мен хизматдан бушаб, уйга қайтаётганим хақида хабар бермаган эдим. Лекин қишлокнинг “узунқулок” – те-

леграфи ўз ишини қылган эди: кишлоққа кираверишдағи боғларга яқинлашганимда... олдинда ойимлар билан опамлар бошлиқ бир түп хотин-халаж, қий-чув кутарған болалар, беш йил ичида буй етган нотаниш кизлар күрінди... Улар билан энди күришиб бұлғанимда, қаёқдандир, етги-саккыз ёшлардаги күзлари катта-катта бир бола чоп-қиллаб келиб, тиззамни күчоклади, күчоклади-ю:

— Ақажон! — деди күзлари жавдираб. — Дадамларни күрган солдат амаким сиз бұласызми?

Бу — Улугбек эди. Күнглім вайрон булиб, уни даст күтариб бағримга босдим. Улугбек хам бүйнімдан маҳкам күчокладаб олди...

Саломатхон опа күрінмас эдилар. Буюм халтамни жијянимга бериб, Улугбекни күтартганимча тұғри Саломатхон опамларникига кетдім.

У киши мени боғ эшиги олдидә карши олдилар. Күзларида ҳалқа-ҳалқа ёш, жимгина келиб пешонамдан үпдилар.

Мен ўша маҳалдаёқ Саломатхон опага Даврон аканинг кундалигини, хамма хужжат ва хатларини юборгандым. Биз беш йил давомида хат ёзишиб турған эдик, айтылмай гап хам колмаган эди.

Саломатхон опанинг юрагидаги эски яраны тирнамас-ликка харакат килиб, Даврон аканинг сұнгги дақикалари тұғрисида эхтиёткорлық билан гапириб бердім.

Саломатхон опа бошини эгиб, гапларимни жимгина эшитдилар. У кишининг соchlарида биттә-яримта оқ толалар пайдо бұлған эди. Лекин гүзәл чехрасида, маъюс күзларида, бошини эгиб, гапларимга жимгина кулок солишида фактадард эмас, оғир мусибатларни бошидан кечирған одамларда бұладиган бұлакча бир бардош, қандайдыр юксак бир мунг бор эди. Мен унинг ғамғин нигоҳига тикилиб, мусибат ҳам кишини улуғтай олиши ҳақида үйлар, улкан фожиаларни бошидан кечирған олижаноб аёлларни эслар эдим.

Кетаётганимда Саломатхон опа яна пісіномамдан үпіб:

– Бизникига келадиган йўлни эсингиздан чиқариб кўйманг, гоҳида йўқлаб туринг, – дедилар. – Улуғбекка: дадангни кўрган солдат амакинг келади, деб ўйламай гапириб кўйган эканман, ҳар куни сизни сўрайвериб эси кетди...

Саломатхон опа шундай дедилар-у, аёл эмасми, бирдан ўзини тутолмай, юм-юм йиглаб юбордилар...

... Ийлар ўтди. Улуғбек катта йигит бўлди, институтни битирди, уйланди. Саломатхон опа невара кўриб, исмини Даврон кўйдилар...

Мен Саломатхон опани тез-тез йўқлаб турман. У кишига тасалли бериш учун эмас, аксинча, ўзим Саломатхон опадан тасалли истаб йўқлаб бораман.

Ҳар сафар бошимга бирор мусибат тушса ё бирор ноҳакликдан ранжиб тўлиб кетсан, негадир эсимга Даврон ака тушади, тушади-ю, Саломатхон опани қўмсада коламан. Ва ҳар сафар у кишининг меҳрига кониб, кўнглим тогдай ўсиб кайтаман.

Даврон ака оламдан ўтганда Саломатхон опа атиги йигирма уч яшар гузал бир жувон эди. Даврон аканинг вафотидан кейин кўп йигитлар ўртага одам қўйишли. Лекин Саломатхон опа ҳаммасига рад жавобини берди. Бирорлар буни маъқуллашса, яна бирорлар: “Ёш умрини жувонмарг килди”, деб койишли. Уларнинг қайси бири – ҳақ – билмадим, лекин ҳар сафар бу тўғрида ўйласам, барча Саломатхон опалар тўғрисида шоир айтган тиник мисралар эсимга тушади:

Ҳатто зеб-зийнатни юлкиб зиёда,
Ҳайкал ҳам ўрнатинг бамисли хаёл.
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу кадар муҳтарам бўлмасди аёл.

Тошкент – Туркистон.
1970-1971 йиллар.



ТУРТКИ

Ижодкорлар билишади: бадий асарнинг туғилишига нафакат жиддий ҳаётий воеа, гоҳо арзимаган бир нарса туртки бўлади.

Саксон тўқизинчи йил. Москва. СССР халқ депутатлари биринчи съезди бўлаяпти. Сўз ололмай асабий ҳолда юрибман. Бир кун кечкурун Москвада аспирантурада ўқийдиган кенжә үғлим:

— Дада, — деди аллакандай ранжиб, — илгари жуда каттиқ ишлар эдингиз. Энди... кўп бўлди қўлингизга қалам олмайсиз. Ё ёзадиган гап колмадими? Ахир биз фарзандларингиз, айниқса, невараларингиз, боболаримиз ким бўлган, қандай яшаган, қандай одам эди, батамом бехабармиз-ку? Агар ёзадиган бошқа гап қолмаган бўлса жиллақурса бувамлар ва бувимлар тўғрисида ёзинг, биз уларни билайлик-да, дада!

Ўғлимнинг таънаси мени каттиқ хаёлга толдириди. Ёзадиган гап-ку, тўлиб-тошиб ётибди. Аммо раҳбарлик ишига розилик берибманки, бу иш мисли даҳшатли ботқоқ мени ўз қаърига тортиб кетди. Икир-чикир гаплар, бир карашда, муҳим, аслида эса оддий фалсадан иборат юмушлар, жуда катта ирода талаб қиласиган ижодий интизомдан бебахра қилиб қўйди. Мен буни раҳбарлик лавозимига мингандан кейин сал утмасданоқ яхши англадим. Аммо чекинишнинг иложи йўқ. “Поезд кетиб колган”, кеча раҳбарликка рози бўлиб, бугун хато кипман, бўшатинглар”, деб арз қилиш ҳам аклдан эмас. Тишни тишга қўйиб, “улуғ раҳбарлик ишлари”ни давом эттиришга тўғри келди. Бу

нарса шунинг учун ҳам ачинарлики, тұғрисини айтганда, ҳақиқий асар ёзиш вақти әнди келди. Чунки бадиий асарнинг киммати, биринчи навбатда, унинг ҳақконийлиги билан белгиланади. Биз ижод йүлида илк қадам күйган чоғларимизда эса ҳақиқатни айтиш нихоятда мушкул эди. Бунинг устига, турмушни қандай бұлса шу тарзда эмас, балки унинг бұлғуси ривожига қараб, соддарок қилиб айтганда, уни безаб-бежаб, агар таъбир жоиз бұлса, “ясантириб” тасвиrlамоқ даркор, деган назариялар ҳоким эди. Шу жиҳатдан мен ҳозирги ижодкор ёшларга ҳавас ва ҳасад киламан. Улар бизнинг құлларимиздаги кишанлардан озод!

Хуллас, үғлимнинг аччик гапи күнглимда бир дунё маъюс фикрлар үйғотди. Айни замонда болалик чоғларим, машъум үттиз еттинчи йил тегирмонига тушган отам, онам, бувам ва бувиларим, бир-бирига үхшамаган ҳам-кишлокларим тақдирі ва уларга боғлик бирда ғамгин, бирда күлгили, бирда аччик сабоқ бұлғули бир олам эсадилеклар миямда ғужғон урди. Гапнинг пүсткалласи, үғлимнинг гапи туртқи бұлди-ю, лоакал баъзан эсадилекларни қоғозга туширишга жазм қилдим.

МУЗҚАЙМОҚ

Инсон энг ҳүшёр жонзот. Унинг юраги яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам аввалдан сезади, деган қадимий бир ақида бор. Гарчи бу машъум воеага эллик йилдан ортиқ вакт үтган бұлса-да, хануз ёдимда. Үша куни, яньни оиласыз бошига оғир кулфат тушган куни, мен үн-үн бир яшар бола, нимадандир күнглим ғаш, уйимиз рұпарасидаги пахса деворга миниб, гүё от үйнаган бўлиб үтирадим.

У маҳалда биз Туркистан шахрининг энг сўлим күчаларидан бири – Лагерь күчасида икки хонадан иборат, олди айвон, үша замон зайлуга кўра тузуккина уйда

истикомат килардик. Бу уйнинг каттагина ховлиси бор, икки табакали улкан дарвоза орқали кирадиган бу ховлида биздан ташқари яна бир нечта хонадон яшарди. Дарвозанинг устида пичан ва беда тўла болахона бўлар эди. Биз болалар оқшом пайтлари бекинмачок уйнаганда болахонага чиқиб, беда тагига яшириниб “жон саклардик”. Нега деганда, орасидан бирорни қидириб топиш сомон орасидан игна топишдан ҳам маҳол эди. Аммо оиласиз бошига мусибат тушадиган ўша машъум кундан бир неча ой муқаддам дадам уйимиздаги деярли барча китобларни уч-турт қопга солиб, беда тагига яширган-у, болахона эшигига отнинг калласидек кулф осиб қўйгандилар. Эндиликда болахонага ҳеч ким киролмас, ёлғиз мен тоҳо-гоҳо туйнукдан тушиб, қоплардаги китобларни, айникса, суратга сероб, қалин китобларни туйнук шуъласига солиб, томоша қилиб ўтиришни севардим. Бу суратлар ҳам жуда кизик, уларнинг аксари чарм пальто кийиб, белларига килич ва маузер такиб олган, тоҳилари эса тулпор уйнатган, кизил алвон кутариб, душман сари от солиб кетаётган марду-майдонлар бўлса-да, негадир барчасининг кўзлари ўйиб олинган ёки юзларига кўк сиёҳ тортилган эди. Нега шундай? Мен бу сир-асрорнинг тагига етолмай қийналар, дадамлардан сўрашга эса юрагим дов бермас, сабаби дадамлар жуда қахри қаттиқ одам эди, “Бу китобларни сенга ким кўрсатди”, деб дашном беришлари мумкин эди.

Ўша кора кун ҳам кўнглим ҳамон ғаш, китоб титиш эсимга тушиб томга чиқдим. Аммо таниш туйнукка якинлашганимда кучанинг бошида қўш от қўшилган чиройли фойтунга кўзим тушиб қолди. Сал ўтмай фойтун дарвозамиз рўпарасига келиб тўхтади. Ундан ўша вактда барча катталар учун расм бўлган кулранг галифе шим ва гимнастёрка кийган ўрта яшар икки киши билан қизил кўйлакли, кўзлари қийғоч бир аёл тушишди. Эркаклардан бири томда мени кўриб қолиб:

— Эгамберди Жакиповнинг уйи шулми? — деб сўради.

— Шу, — дедим мен.

Шу пайт ховлидан чиққан ойимнинг:

— Келинглар меҳмонлар, хуш келибсизлар, — деган овозди эштилди.

Мен болаҳона устидан сирпаниб, ерга сакраб тушдим. Меҳмонлар ичкарига киришган, ойимлар аллақандай ҳаяжонда эдилар.

— Дадангнинг маҳкамасига чоп! — дедилар ойимлар, негадир шивирлаб. — Айт: САКУда бирга ўқиган оғайниларингиз келишди, де! Кутиб ўтиришибди, тезроқ келар экансиз, де! Ҳа, айтмокчи, бирйула мактабга бориб опанг билан поччангни ҳам айт, тезроқ келишсин. Дастурхон-пастурхонга карашиб юборишсин!

Мен негадир, афтидан, “меҳмон” сўзидан кўнглим ёришиб, икки оёғимни қўлимга олиб чопа кетдим. Гарчи поччам билан катта опамлар ўқитувчилик қиласидан мактаб дадамлар ишлайдиган маҳкамадан хийла нарида, Аҳмад Яссавий макбарасининг рўпарасида бўлса-да, аввал ўша томонга ўтиб, ойимларнинг гапини опамларга айтдим, сўнг ҳамон икки оёғим қўлимда, ялангоёқ, ялангбош, кўча чангитиб, дадамларнинг маҳкамаларига қараб чопдим.

Дадамлар бир маҳаллар Қозогистон ҳалк комиссарлари совети қошида тузилган майдада миллатлар (асосан, ўзбеклар) ҳалқ комиссари лавозимида ишлаган, САКУни тутатганларидан кейин эса Ўзбекистонда қолишни истамай, (“Мени Қозогистон ўқитган, Қозогистон берган ноҳини оклайман) кардош республикага кайтиб, ҳозирги Чимкент музофотининг Сайрам районида биринчи котиб, кейинрок эса Қозогистон темир йўли Сиёсий бошкармаси бошлигининг биринчи ўринбосари сифатида хизмат килганилар. Лекин кейинчалик, “даданг сўфи бўлган, сен буни яширгансан”, деган айнома билан пастга сурила-сурила,

охир пиравардида Туркистонгача “юмалаб” аранг молия бўлимига мудир этиб тайинланган эдилар. Молия бўлими шаҳарнинг бир маҳаллар қайси бир улкан савдогар қурған ва эндиликда район партия қўмитаси жойлашган кўркам бинонинг шундок “бикини”га кириб олган эди.

Мен борганда дадамлар энди кўчага чиқсан эканлар, менни узокдан кўриб дарвоза олдида тўхтадилар. Дадамлар тўладан келган, новча, киррубурун, ўша даврда расм бўлган тўмтотк мўйловли, хушқад, салобатли киши эдилар. Эгнидаги бисоти хозир хотирамда йўқ, агар янгилишмасам меҳмонларга ўхшаб – кўкрак чўнтаклиқ кулраңг костюм ва кора галифе шим кийган, оёкларида ўша замонларда расм бўлган гарч-гарч хром этик.

Дадамлар уйкусизликданни, бошками, кўзлари қизарган, аллакандай хорғин кўринидилар менга. Ҳансирай-хансирай айтган гапларимни эшилтилар-у, тұсатдан чехраси сал ёришиб:

– Юр, болам! – дедилар, бошимни силаб. – Сенга битта музқаймок оберай!

Боя айтганимдай, дадамлар дийдаси каттиқ, ўқтам, камлагп одам эдилар. Ўша кунгача мен у кишининг бирор марта бошимни силаганини билмасдим. Аксинча, ҳануз эсимдан чикмайди: дадамлар уркалтак, суркалтак тагидан чиқолмай ишдан ҳайдала-ҳайдала охир пиравардида кишлоқка қайтиб, уйда кўкрагини захга бериб ётган пайтлар. Бир кун ойимлар кўлимга чамаси икки-уч литрлик графини (дадамлар катта лавозимларда ишлаган маҳалда орттирган нодир матоҳ) билаи бир сўм тутказиб:

– Дўконга кириб, қимиз олиб чиқ, даданг айтдилар! – дедилар.

Дўконга кирсан, қимиз тугаган экан. Мен парвойим фалак, кўлимдаги графинини ўйнатиб, орқамга қайтдим. Йўлим ёғоч ва темир қозиклар кокилган мол бозоридан ўтарди. Тұсатдан нимадир “шак” этди. Карасам, кўлимда-

ги графин темир қозиклардан бирига тегиб, тангадай жойи ўпарилиб тушибди. Күриб юрагим орқамга тортиб кетди. Ўйга кайтишга журъат килолмай анчагача боғимиз пойидаги сой бўйида айланиб юрдим. Лекин начора, бир-икки соат дайдиб юргандан кейин юрагимни ховучлаб, уйга кириб бордим. Ойимлар мени кўриб:

– Каёкларда дайдиб юрибсан, бевош? Даданг шўрлик кутавериб, сарғайиб кетдилар-ку! – дедилар койиб, сунг графикнаги тешикка кўзи тушиб, кўлимдан ушлаганча ичкарига судрадилар.

Дадамлар улкан, чорхари уйнинг тўрида китоб вараклаб, ёнбошлаб ётар эдилар.

– Дўконда кимиз йўк экан, бу хам етмагандек, ўғлингиз графикнин синдириб кўйибди, – ойимлар шундай деб, графикнин дадамларнинг олдидағи хонтахтага кўйдилар.

Кейинчалик ойимлар бу ишидан пушаймон булиб гапирганлари эсимда, у маҳалда эса... Нега шундай қилганимни ўзим хам билмайман, болам, дадангларнинг почор ахволи ҳаммамизни хам эзиб қўйган эди, дегувчи эдилар раҳматли.

Дадамлар шитоб билан қадларини ростладилар-у, хонтахтадаги графикнин олиб, менга караб қулочкашлаб отдилар. Зарб билан отилган график шундок қулогим тагидан ўтиб (чамаси, жон ҳолатда бошимни олиб кочган бўлсам керак), деворга тегиб чил-чил синди.

Мен тура кочдим, кочарканман, ойимларнинг:

– Кимиз хам ўлсин, кимиз деб боламни ўлдирмокчимисиз, дадаси? – деган аччиқ фарёдини эшилдим.

Эҳтимол, дадамлар кейинчалик бу қилмишидан пушаймон хам бўлгандир. Ҳарқалай, ўша куни бошимни илаб айтган ғаплари юрагимга “жиз” этиб тегди.

Биз шахар ўртасидаги биттаю битта катта кўчага ўтиб, тегиб турган жойдаги кичикрок паркка қараб кетдик. Парк олдидағи майдончада хар хил сув, квас, лимонад ва

музқаймок сотиладиган митги-митти дўкончалар бўларди. Борсак, хаммаси ёшилиб бўлған экан. Мен ранжидим. Лекин сезишимча, мендан ҳам қаттикрок дадам ранжиidlар.

— Умримда бир марта сенга музқаймок олиб бермокчи бўлгандим, бу ҳам насиб қилмади-ёв, болам! — дедилар у киши, аллакандай чукур ўкинч билан.

Биз борганимизда уйимизда чироқлар ёнган, ҳовлидаги ўчокка қозон осилган, биздан аввал етиб келган катта опамлар билан ойимлар ўчок атрофида куймаланиб юришар, поччамлар кўринмас эди.

Дадамлар ичкарига кириб кетдилар-у, дархол кайтиб чикдилар. Чехралари очилиб кетган, кайфлари чоғ.

— САКУда бирга ўқиган эски қадрдонларим келишинти. Қалай, тузукрок гўшт-пӯштларинг борми, Гулшан? — дедилар дадамлар ойимларга қараб. — Бор бисотингни дастурхонга тўкасан бугун...

Марҳум ойимларда жиндай шаддодлик бўларди.

— Сиз қозон-ўчок атрофида айланишавермай меҳмонларингизга қараңг! — дедилар шартта кесиб.

Дадамларга ойимларнинг бу сал ясама кўрслиги ёкса ҳам керак. У киши кулимсираб ичкарига кириб кетдилар. Ойимлар мендан кудукдан гўшт олиб беришимни сўрадилар.

Ҳовлимизда, айвонимиз каршисидаги бир туп гужум тагида чукур кудук бўлар, иссиқ ёз ва илик куз кунлари гўштни шу кудукда асрардик.

Мен кудук чанғарогининг дастасини айлантириб, гўшт осилган чаиғарокни торта бошладим-у, тусатдан ташқаридан кириб келган икки ҳарбийга кўзим тушиб негадир юрагим оркамга тортиб кетди. Улар ўчок атрофида куймаланио юрган ойимлар билан опамларга бир қараб кўйдилар-да, этиклари билан ерни тап-тап босиб айвонга чиқишли, айвондан уйга киришли. Улар ҳовлида пайдо бўлганлари-

даёқ турган жойларида тош котиб қолган ойимлар билан опамлар бирдан дод солишиб, ҳарбийларнинг кетидан уйга отилишди. Қудук чанғароғини беихтиёр қўйиб юбориб, мен ҳам уларнинг кетидан уйга талпиндим.

Мен ўша даврда мамлакатимизда ва ҳатто шаҳримизда нима бўлаётганини, табиий, яхши билмас эдим. Шунинг учун ҳам ойимлар билан опамларнинг ҳарбийлар кўриниши биланок фарёд ческиб, ичкарига отилишлари сабабини англамадим, албатта. Лекин ҳозир ёмон бир нарса содир булишини акл билан бўлмаса-да, юрак билан хис этдим. Кейин билсам, ҳамма шаҳарларда, ҳамма жойда бўлганидек, Туркистонда ҳам ҳар куни, ҳар дақиқа кўплаб одамлар ҳибсга олинаётгани, бундан боҳабар ойимлар ва опамлар юракларини ҳовучлаб уй томон юришган экан. Эшикдан киришим билан ҳарбийлардан бири – новчадан келган, малла соchlарининг учлари кошларига нафис эгилиб тушган, хушқад, посон капитан полни гурс-гурс босиб, эшикка келди-да, унинг илмоғини солиб:

– Тинтув тугагунча энди ҳеч ким кирмасин ҳам, чикмасин ҳам! – деди юракка ғулғула солувчи бир қатъият билан.

Уйда кий-чув бошланган, катта опамлар ўрта эшикда ҳайкалдай котиб қолган дадамларнинг елкасига бошини кўйиб, унсиз титрамоқда, кичик опамлар билан укаларим бурчакка тикилишиб олган, улар худди калхатлардан кўрккан жўжалардай кўзлари ола-кула, бир-бирларининг пинжига кириб олишганди.

Икки тавақали ўрта эшик ланг очиқ, ичкари хонанинг тўрида САКУни битирган меҳмонлар, рангларида ранг йўқ, типпа-тик серрайиб туришарди. Иккинчи ҳарбий эса ичкари уйдаги катта қизил шкафнинг олдидаги столга суюнганча, шкафдаги китоб ва альбомларни битта-битта кўздан ўтказмоқда эди.

Китобларнинг деярли хаммаси қизил жилдли Ленин томлари эди. Ҳарбий одамлардан бири уларни тез вараклаб ерга ташлар, қалин, серсурат альбомларни эса стол чеккасига тахлар эди. Ҳануз эсимда: бу альбомлар ҳам худли болаҳонадаги китоблар каби аллакандай раҳбарларнинг суратига тұла булиб, буларнинг ҳам аксари аллақачон қамалгани учун (буни мен кейин билдім, албатта) юзларига күк сиёх чапланған, күзлари үйиб олинган, баъзи суратларнинг каллалари “кесиб” ташланған эди. Тиитув үтказаётган ҳарбий (эсимдан чиқмаган бўлса, у ҳам капитан эди, шекилли), альбомларни кўздан кечирар экан, дам улардаги кўзлари үйилган, бошлари “кесилган” суратларга, дам дадамларга қараб:

– Кўриниб турибди, жа гоявий эканлар! – дерди мириғида кулимсираб.

Иккинчи хушсурат, малласоч ҳарбий иккинчи хонадаги қутилар, сандик ва сандикчалар, шкафларнинг тортмаларини очиб, улардаги буюмларни ерга отар, улардан алланималарни қидирар эди. Навбатдаги шкафга келганда ҳарбий ҳар қанча уринмасин, унинг тортмаларини очолмади. Уйда бирорта сандик ё шкаф йўқ эди-ки, мен уни очолмасам. Ҳарбийларнинг кийналаётганини кўриб, мен кўлимга мих олдим-да, чопиб бориб, шкафнинг тортмасини шартта очиб бердим. Ёш ҳарбий чехраси ёришиб кулади-да:

– Маладес! – деди бошимни силаб. – Келгусида Павлик Морозов чиқади сендан!

Ажабо: уйдаги дод-фарёдга қарамасдан ҳарбийнинг бу гапидан яйраб кетганим хали-хали эсимда.

Шу пайт дадамларнинг:

– Сув! – деган овозлари эшитилди. – Бир пиёла кудук суви беринглар. Юрагим куйиб кетаяпти! Уйда совуқ сув йўқ экан.

Опам ийғидан тұхтаб:

– Үртөк капитан! – дедилар ҳиқиллаб. – Рухсат беринг, укам қудуқдан сув олиб кирсин!

Капитан шкаф тортмасидан бошини күтариб:

– Агар дод-войингни қўйсанг, рухсат бераман! – деди ва кулди: – Шундай чиройли жувон ҳам шунака йиғлоки бўладими?

Капитаннинг мени Павлик Морозовга ўхшатгани менга канчалик хуш ёқсан бўлса, унинг опамларга қаратадиган масхараомуз сўзлари шунчалик ёқмади. Лекин начора, тишимни тишимга босганча челакни олиб ташкарига отилдим. Ҳовлидаги чироқ ўчган, айвондан узокроқда, қудук оркасида кимдир коккан козикдек қақкайиб туради. Бу – поччамлар эди! У киши лом-мим демасдан қулидаги чақалокни менга тутқазиб, қудуқдан ярим челак сув олиб бердилар-да, яна одимлаб ҳовлининг қоронғи бурчагига караб кетдилар.

Кейинчалик марҳум ойимлар кўп айтгуси эди:

– Ӯша куни поччангни худо ўзи бир асрари! Агар поччанг опанг билан бирга келганда, ким билсин, уни ҳам бирга опкетишармиди, бу тошбағирлар?

Ойимларнинг бу гапида жон бор эди, чунки тинтуб тугаб, дадамларни олиб кетаётганларида ҳарбийлар САҚУни битирган шўрлик меҳмонлардан Туркистондан кетишидан аввал НҚВДга бориб, рухсат олишлари шарт эканлиги хақида тилхат олишади.

Мен ярим челак сувни кўтариб, ичкарига кирганимда, дадамларга стул кўйиб беришган, у киши стулда ўтириб, ерга тиз чукиб йиғлаётган катта опамлар билан ойимларни тинчишишга ҳаракат килардилар. Азалдан қорамағиз одам, дадамлар бир зумдаёқ бамисоли арча кўмиридек қорайиб кетгандилар. Ойимлар токчадан коса олиб бердилар. Дадамлар бир коса муздай қудук сувини битта сипкориб:

– Кўй, йиғлама қизим, йиғлама Гулшан! – дедилар, аллақандай ҳансирааб. – Мени партия олдида тариқча гу-

ноҳим йўқ! Сталин тирик экан, хеч ким коралай олмайди мени!

Дадамлар ҳар сафар бир коса қудук сувини бир сипкориша тугатар эканлар шу гапни қайта-қайта такрорлардилар:

– Мен партия олдида бегунохман, Гулшан! Ўртоқ Сталин барҳаёт экан, биздай коммунистларни буларнинг оёклари тагига ташлаб қўймайди!

Мен ҳозир шахсга сифиниш даврининг мудхиш кирдикорлари, инқилоб доҳийлари, жумладан, Сталин ҳукмронлиги даврида юз берган шафқатсиз катлу қирғинлар, миллион-миллион бегуноҳ кишиларнинг бошига тушган мусибатлар, отона боладан, бола ота-онадан айрилиб, кузёшлар дарё булиб оккан ўша машъум ўттизинчи йиллар хакида ўйлаганимда, дадамларнинг Сталин тӯғрисида айтган гапларини эслаб, хайрон бўламан. Наҳот отам бу жабру зулмларни кўрмаган, сезмаган бўлса, наҳот бу ноҳақликлардан Сталин бехабар эди, деган соддадил, аммо бемантиқ гапларга ишонган бўлсалар, деган фикр бот-бот кўнглимдан ўтади. Лекин ундаи десам, дадамлар, ўша даврда инқилоб чавандозлари сифатида даврон сурган дадаларимизнинг ўzlари ҳам мамлакатда бўлаётган ҳамма ишлар, ҳатто ўз қариндош-уруғларини ҳам босмачи деб бадном қилиб, кўкракларидан қарсиллатиб отишлари-ю, бегуноҳ одамларни қулокқа чиқариб, корда ялангоёқ сургун килганларигача бунинг ҳаммаси, ҳаммаси тўғри қилинаяпти, келажак учун, баҳт учун рӯёбга чиқарилаяпти, деб ўйлаганлар-ку! Инқилобнинг аллангали чақириқлари, оташин нутклар, алвонлар, қўшиқларни пок қалб билан кабул қилиб, суриб чиккан авом, оққўнгил, соддадил кишилар. Бунинг ҳаммасини мен энди, партия ўзи кўп нарсага қўзимизни очганда ўйлайман, албатта. Унда эса...

Билмадим, тинтуб қанча давом этди. Лекин дадамлар қудук сувини сипкора-сипкора, “ўртоқ Сталин ўз фарзандларини хору зор қилиб қўймайди”, деган сўзни такрорлайвериб ярим чеълак сувни ичиб тугатганлари ҳануз эсимда.

Мен кейинчалик бу гапни айтсам кўплар ишонмай:

– Кўйинг-э, одам боласи ҳам ярим чеълак сувни ича оладими? – дегувчилар кўп бўлди, аммо мен, ўн-ўн бир яшар бола, буни ўз кўзим билан кўрганиман, дадамларнинг ўша сўзларини ўз кулогим билан эшиганиман! Ишонаманки: ичи ёниб кетаётган одам ярим чеълак у ёқда турсин, бир чеълак сувни ҳам ичади!

Нихоят, тинтуб тугади. Дадамларга кийиннишни буюрдилар. Ойимлар билан опамларнинг ноласи қўкка чиқди. Уларга худди илондан кўркиб, бир-бирларишининг пинжига сукилишиб олган кичик опамлар билан укамларнинг йигиси қўшилди-ю, уйимиз аламли фарёдан зир титради. Ойимлар бетиним йиғлаганларича, дадамларнинг елкасига пальтосини илдилар, САКУни битирган шўрлик меҳмонларга тузалган дастурхондан илинган нарсани түгунга туғиб, қўлларига тутқаздилар.

Боягидан ҳам баттар корайиб, бир зумда аллақандай озиб, мункайиб колган дадамлар аввал ҳамон фарёд чекаётган ойимлар билан опамларни, сўнг қақшаб-қалтираб колган укаларимнинг пешоналаридан ўпиб, эшикка томон юрдилар, юрдилар-у, тусатдан мени куриб, тўғрироғи, нимадир эсига тушиб, тўхгадилар.

– Ҳой, болам-ов! – дедилар, тусатдан кўзига ёш олиб. – Умримда бир марта сенга музқаймок олиб бермоқчи бўлувдим. Шуниям қилолмадим-ов, болам!...

Бутун тингтуб лавомида кўзимга ёш олмаган “келгусида Павлик Морозов бўласан”, деган сўзлардан аллақандай шишиб юрган норасида, мен, бирдан ҳамма нарса – дадамларнинг ҳеч қачон, эркаламагани ҳам, кимиз тополмай чикқанимда графикни қулочкашлаб бошимга отганлари ҳам, ҳаммаси эсимдан чикиб, додлаб юбордим-у, аламли чинкириқ билан дадамларнинг тиззаларини кучоқлаб олдим...

... Бир неча ой ўтди. Бу орада бизнинг хонадонимиз мотамсаро бир хонадонга айланди. Киш яқинлашиб қолган, кун

сайин унинг қаҳрли нафаси кучайиб борар, уйда эса па ўтин бор, на кўмири! Биз танча қуриб, бир амаллаб кун кечирамиз.

Ҳафтада бир маҳал, агар янгишмасам шанба кунлари дадамга овқат олишади. Ойимлар топган-тутгандарини бир амаллаб пинирадилар-у, биз тонг маҳал ойим билан бирга авахтага равона бўламиз.

Туркистонда, Аҳмад Яссавий мақбарасининг шундок бикинида, Ўрта Осиёни забт этган генерал Черняев курдирган беш-олтида мустаҳкам гиштин бинолар бўларди. Черняев бу биноларни чор солдатлари учун курдирган, албатта. Аммо Совет ҳокимиютига асқотиб, камоқхонага айлантирилган-у, атрофи тиканли сим билан ўраб қўйилган.

Ҳар шанба тиканли сим билан чегараланган шу ёғоч кулба рўпарасига камида 150-200 аёл ва болалар йиғилишар, булар “халқ душманлари”нинг оила аъзолари эди. Ёш-ёш жувонлар, гоҳо эса кампирлар, чоллар хибсона ходимларининг овқат қабул қилишини кутиб, эрталабдан кечгача тиканли сим олдида дилдираб туришар, чунки қиши қишлигини киласади. Ойимлар бу аянчили “иш”га гоҳо-гоҳо мени етаклаб боришлиари сабаб, мабода дадамларни кўрсатиб колишса отам мени ҳам кўриб колармикин, деган орзуда эдим. Лекин дадамларни бирон марта кўрсатишмади, кўрсатишмаганлари ҳам майли, бот-бот олиб борган овқатларимизни қабул ҳам қилмасдан қайтариб юбришарди. Гоҳо мен бир неча соат маҳтал бўлиб кутганимдан кейин бирор баҳонани рӯкач қилиб, хибсонанинг шундок ёнгинасидаги шаҳар боғига караб чопардим. У ерда худонинг куни борки, митинг бўлар, шаҳар мактабларидан ноғоралар гумбури ва карнай-сурнайлар садоси остида пионерлар ва ҳатто октябрятлар саф тортиб бокка келишарди. Бое ўртасига қизил алвон билан ўралган улкан минбар ўрнатилган бўлиб, шаҳар катталари ва фаоллар унга чиқиб ваъз айтишар, ваъзларнинг аксарияти троцкийчилар ва уларнинг думларини фош қилишга бағишиланар, бу думлар ва халқ душманла-

рини шафқатсиз жазолаш талаб килинади. Бу ваъзхонликларнинг энг даҳшатлиси шунда эдики, бугун Троцкийчиларнинг думларини фош қилиб, оташин нутқ ирод килган нотиклар аксар ҳолларда эртасига ўзлари “дум”га айланиб, фош этилувчилар рўйхатига кириб колишарди.

Мени бу митингларга боришга даъват этган нарса нима эканлигини ҳануз тушуна олмайман. Афтидан, карнай-сурнай ва ноғоралар садоси-ю, саф тортиб ўтадиган тенгдошларимнинг қувноқ ва оташин қўшиклари бўлса, ажаб эмас. Чунки бу гумбур-гумбур садолар-у, оташин қўшиклар қулоғимга чалиниши билан худди ўргатилган ҳарбий отдай оёкларим ўз-узидан “раксга тушиб”, юрагим хаприкиб кетаверарди. Фақат бир нарса мурғак қалбимни эзар, у ҳам бўлса минбардан туриб айтиладиган нутқларда баъзи-баъзида дадамларнинг номи ҳам тилга олиниб қоларди. Лекин шундай пайтларда ёдимга НКВД ходимининг, келажакда сендан Павлик Морозов чикади, деган мактоби эсимга тушарди-ю, юрагимга куйилиб келган номусни қўнглимдан ҳайдардим. Бу ҳол токи шаҳар комсомол комитети котиби билан юзма-юз келгунимча давом этди.

Бу ёш, хушқад, хушсурат йигитча бизга қўшни эди. Оиласиз бошига мусибат тушунга кадар, у хонадонимизга бўзчининг мокисидек қатнар, дадамлар билан кечалари узок сухбатлашиб ўтиради. У уша ёзда уйланган, хотини ҳам ўзига ўхшаш – кўхлик, хушсурат, хушқад жувон эди. Дадамлар уларнинг тўйларига тўйбошилик килган, ойимларнинг айтишича, дадамлар унга моддий ёрдам ҳам берган эканлар.

Дадамлар қамалганидан кейин ёш қўшнимиз корасини ҳам кўрсатмайдиган бўлди! Бунга ажабланмаса ҳам бўларди, чунки шогирд тугул қариндош-уруғлар ҳам оғир, ғурбатли кунларда уйимизни четлаб ўтишар, битта яримталар келишса ҳам кечалари қўрқа-писа келиб, қўрқа-писа, деворларни паналаб ўтиб қайтишарди. Аммо дадамларнинг ёш шогирдининг ўша кунги килиғи!..

Одаттагидай шанба куни эди. Чамаси, қамалғанлар сони күпайған, чунки қамоқхонага овкат кутариб келгеннлар сони хам анча ортгац, навбат кутаёттәнларниң “думи” күрінмас эди.

Күн совук, савалаб майда ёмғир ёғарди. Шу боисданми, бошқами, ойимлар мен сұрамасданок, уйга кетишимга рухсат бердилар. Мен бетиним, майдалаб ёғаёттан ёмғирдан дилдираб, уйимизга караб чопқиллаб кетдим-у, тұсатдан бое томондан эшитилгән ногоралар гумбури-ю, карнай-сурнайлар садосини эшитиб, беихтиёр тұхтадим.

Ноғора ва карнай-сурнайлар садоси тобора авжга чиқмоқда, чамаси, митинг бугун одатдагидан ҳам катта бўлиши кутиларди. Циркниң отига үхшаб яна ноғоралар гумбурлаётган томонга бурилдим. Ҳақиқатан, ёмғирга карамасдан, ҳар томондан пионерлар саф-саф бўлиб ёпирилиб келишарди.

Дарвозага якинлашиб қолганимда ногаҳон рӯпара томондан келаётган қўшнимиз, шаҳар комсомол комитетининг котибиға кўзим тушди. У бир ўзи эмас, чарм пальтоли ҳарбий одам билан учбурчак сокол қўйган барваста мўйсафид куршовида келарди.

Мен котибни кўришм билан юрагим негадир шиф этиб, бокка шунғишига чоғландим, аммо котиб бир сакрашда йўлимни тусиб, кўлимдан “шап” ушлади-да:

— Ҳа, қашкирнинг боласи, қашкир! — деди ранги үчиб. — Битта бузок бир подани бузади! Бўйинингга соҳта қизил галстук тақиб, кўп минг сонли бу қизил пионерларни бузмокчимисан? — у қўлимни оғритиб сикқанча ўзига торта бошлади. Лекин шу пайт барваста чол:

— Күйиб юбор, бола пакирни! — деди орамизга тушиб. — Үртөк Сталин айтди-ку, бола отаси учун жавоб бермайды, деб! Гунохи нима бу шүрликтининг?

Котиб ковоғидан кор ёкқанича, бир карияга, бир чарм пальтоли харбийга каради-да, құлимни қүйіб юбормасдан: “Йұкол, күзимдан!” – деб үшкірди. Шундаи кейин нима бұлды, нима қүйди, хозыр әсімдә йүк, факт котибнинг

омбурдек метин қулидан чиқдим-у, келгусида “Павлик Морозов булишими” ҳам эсимда йүк, томоғимни ғип бүрган күз ёшимни аранг тұхтатиб, саф-саф булиб үтаётган баҳтили теңдошларим ёнидан қаттга күча томон отилдим..

Энди дадамлар билан сұнғғи бор құришиб, сұнғғи бор видолашган қунимизга үтаверсам ҳам бұларди. Лекин хоти-рамда мұхрланиб қолған ва үша мудхиш давр учун нихоятда мұхим бұлған яна бир вокеа сира тинчлик бермайды менга.

Үша йил улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин вафотининг юз йиллиги нишонланар эди. Бу ғамғин санага аталиб қанақа табиғи белгиланды, қанақа китоблар чиқарылды, қанақа мажлислар, адабий кечалар үтказилды – буни билмайман, албатта. Аммо үша санага аталиб, үкувчилар учун дафтар чиқарылғани эсимда. Миллион-миллион нұсқада чиқарылған бу дафтарларнинг олд мұковасида болалиқдан ҳаммамизга таниш жингалак соч, ҳабаш чехра шоирнинг сурати солинган, мұкованинг охирғи бетида эса улуғ шоир әртакларидан бирига чизилған сурат берилған эди. Аввал бошда ҳеч қанақа гап йүк эди. Кейин түсатдан шахарда, жумладан, мен үқийдиган Ленин номидаги рус мактабида ҳам вахимали мишиш тарқалди. Гүё Пушкин юбилейига чиқарылған дафтарлар, түғрироғи, дафтар мұковасидағи суратларға аксилинкилобий сұзлар битилған, кимки агар Пушкиннинг соч ва соколлари, айникса, мұкованинг охирғи бетидеги әртакларға чизилған суратларни эътибор билан күздан кечирса, шоирнинг жингалак соchlари-ю, әртакларға чизилған суратларни хүшёрлик билан нигохидан үтказса, маккорона усталик билан ифода этилған үша аксилинкилобий сұзларни топиши мүмкін эмиш!

Мен үқийдиган 3-“А” синфида ёши анчага борған, тишлиари тұқилиб колған, аммо жуда мулойим, меҳри-бон рус кампидар дарс берарди. Бир ойдан бери рус

кампир (хозир исми-шарифлари ёдимда йўқ) касал бўлиб, ўрнига ёш татар йигитча дарс бера бошлаган эди. Қаттиқ оқсоқланиб юрадиган бу йигитча бизга қўшни бўлмиш райком котибининг қайниси бўлиб, дадам камалганларидан кейин менга ўқрайб қарай бошлаган эди. Аммо ҳаётнинг ўйинини карангки, дадамлардан кейин бир ҳафта хам ўтмасдан ёш ўқитувчимизнинг поччаси ҳам ҳибсга олиниб, “халқ душмани”, деб эълон қилинган эди. Шу-шу бирдан мунғайиб, қаттиқрок оқсоқланиб қолган ўқитувчи менга аллақандай ачиниб қарайдиган, йўлакдами, ховлидами танҳо юрганимни куриб колса, бошимни силайдиган бўлиб колганди. “Пушкин суратлари ичига кабих аксилиниқ-лобий сўзлар ёзилган эмиш”, деган гап тарқалган куни ёш ўқитувчимиз синфимизга жуда хомуш бир киёфада кириб келди. У мунгли кўзлари билан болаларга узок тикилиб тургач:

– Болалар! – деди аллақандай ёлвориб, – қани, кеча тарқатилган дафтарларингни олинглар-чи. Ҳалиги... Муковаларига Пушкин сурати солинган дафтарларингни айтаяпман!... Олдиларингми? Эҳтимол, эшигандирсанлар, кабих душманларимиз маккорлик билан чизилган ҳарфлар воситасида СССРга карши сўзлар ёзишипти! Бу мудхиш сўзларни топган пионерлар бор. Бу пионерларнинг суратлари эртага фахрий доскага осилади. Наҳот бизнинг орамизда бирорта хушёр пионер топилмаса? Қани, суратларга яхшилаб қаранглар! Шояд сенлар ҳам душманларимизнинг бу кабих сўзларини топиб, уларни фош этсаларинг!

Ёш ўқитувчи шундай деб, менга ўзича бир умид билан қараб қўяли. Ҳарқалай, менга шундай туюлди-ю, олдимдаги дафтарга чизилган суратларга тикилиб, жон-жаҳдим билан маккорона чизилган ҳарфларни қидира бошладим...

Асабларим тараптаган, миям назаримда, лахча чүфга айланган эди.

“Наҳот жонажон хукуматимизга қарши ёзилган бу мудхиши сўзларни топиб, душманларнинг кирдикорларини фош қилолмасам? Йўқ, топаман! Топганда ҳам биринчи бўлиб топаман. Иккинчи бўлишнинг фойдаси йўқ!... Тўхта, шоир елкасидаги мана бу гажак тола нимани эслатади? “С” харфининг ўзгинаси-ку!... Унинг ёнидаги гажак-чи? У ҳам “С”! Унинг ёнидагиси ҳам! Мана буниси “Р”нинг ўзгинаси-ку! Вой, тавба, бу баттоллар СССР деб ёзиб қўйишибди-ку, боятдан бери шуни ҳам кўрмапман-а?... Мана, бу гажак тола-чи? Қуйиб қўйган “Д”ку! Ундан кейинги гажак-чи? “О”нинг худди ўзи-ку, “О” бўлган жойда “Л” ҳам бўлиши керак! Мана “Л” ёнгинасидаги эса “ОЙ”га үхшаш иккита гажак қаторлашиб турибди! “Долой!” – “Йўколсин!” “СССР йўколсин”, деган гап-ку бу! Рост, “СССР” сўзи олдин, “Долой” сўзи эса кейин ёзилипти. Аммо бунинг нима аҳамияти бор! Ундей ёзилса ҳам, бундай ёзилса ҳам маъноси битта-ку. Оқ ит, кора ит – барибир ит!

Мен хаяжондан нафасим бўғилиб:

– Топдим, муаллим, топдим! – деб бақириб юбордим.

Шўрлик ўқитувчим текис полда кокилиб-суриниб оқсоқлана-оқсоқлана ёнимга келди. Синф тўла ўкувчилар ҳам “гур” этиб ўрниларидан турдилар-да, устимга ёпирилиб келишди.

Мен худди безгак тутгандек дир-дир титраб улуғ шоирнинг жингалак соchlари орасидан топган мудхиш харфларни кўрсата бошладим. Нихоят, кўрсатиб бўлиб, тенгдошларимга мағрур қарадим. Синфга чўккан оғир сукунат ичидан тўсатдан ўқитувчимизнинг:

– Маладес! – деган хитоби эштилди. У кафтини бошимга кўйиб. – Ҳушёр пионер деб мана шуни айтадилар.

Ҳамма менга ҳасад билан қарап, мен ўзимни чинакам қаҳрамон деб хис этардим.

– Қани, дафтарларингни йиғиб кутиб ўтиринглар. Бир соатдан кейин спорт майдонига бутун мактаб тўпланади. Ҳаммамиз бирга бу мудҳиш дафтарни ёқиши маросимида иштирок этамиш!

Ўқитувчимиз оқсоқлана-оқсоқлана синфдан чиқиб кетди, лекин бир соат тугул, икки соат ўтди ҳамки, у қайтмади. Сўнг дафтарларни ёндириш маросими бошқа кунга колдирилипти, деган гап келди-ю, уй-уйга тарқалдик.

Кечкурун мен кундузи бўлган воқеани хаяжондан Энтика ойимларга айтиб бердим.

Ойимлар мен кутган мактоб ўрнига:

– Ҳой, болам-ов, болам-ов! – дедилар, тусатдан кўзларига ёш олиб, – сенга нима бўлди, болам-ов!

– Менга нима бўпти? Нега бундай дейсиз? – дедим ўдағайлаб.

– Ҳеч нарса.. Илоё дадангга ўхшаб қаҳри қаттиқ бўлмагайсан. Оллоҳдан биттаю битта тиласигим шу, болам.

Табиий, ойимларнинг гапига яхши тушунмадим. Эрталаб мактабга, тўғрироғи, хурмат тахтасига қараб чопдим.

Надоматлар бўлсинким, менинг суратим йўқ эди! Кўзларимга ишонмай, рўйхатга бир неча марта кўз югуртириб чиқдим, йўқ, менинг суратим йўқ эди. Душманларнинг ёвуз кирдикорларини фош этган ҳамма ҳушёр кашибофларнинг сурати хурмат тахтасига осилган, битта менинг суратим йўқ, афтидан, кимдир халқ душмани фарзандининг суратини хурмат тахтасига осиш мумкин эмаслигини айтиб, мендан ҳам кўпроқ ҳушёrlик қилган эди!

Мана, бу воқеаларнинг содир бўлганига яrim асрдан кўпроқ вақт ўтди. Шахсга сифиниш даврининг не-не жиноятлари фош этилди. Бу жиноятлар қандай

даҳшатли бўлмасин, назаримда, уларнинг энг ёмони – катталар стмагандек, биз гўдакларни ҳам ҳамма нарса-га шубҳа билан қараш, ҳамма ёқдан ёвуз кирдикорлар қидиришга ўргатишта қаратилган уринишлар, деб биламан.

* * *

Нихоят, дадамлар билан видолашибидиган кун ҳам келди. Видолашибига уч кишига рухсат берилганди: ойимлар, катта опамлар ва менга рухсат этишибди. Шунинг учунми, бошқами, кариндош-уруғлардан хеч ким, на дадамларнинг укалари, на ёру-дустлари – хеч ким келмади.

Ойимлар билан опамлар кечаси билан ухлашмай дадамлар учун бугдой талкон ва яна бир неча ҳалта майда-чўйда овқат тайёрлашди. Чунки, дадамлар озод бўлади, деган сўнгги умид ожизгина милтираб турган шамдай сўнган, у кишини узокларга олиб кетишлари аён бўлганди.

Эрталаб тўрва-халталарни кўтариб, қамоқхонага қараб йўл олдик. Бу сафар бизни кўп куттиришмади. Белига чойнакдай тўппонча тақиб олган ҳарбий бизни узун, тор, нимкоронғи йўлакдан ичкарига бошлади. Йўлакнинг ярмига борганда ўнг қўлдаги эшикни очиб, бизга йўл берди. Чоғроқкина чорбурчак хонанинг тўридаги стол олдида гимнастёрка кийган, соchlари оппоқ бир одам алланималарни ёзиб ўтиради.

Дадамлар бурчакда курсида ўтирган эканлар (мен аввал у кишини кўрмай қолибман!), биз киришимиз билан дик этиб ўрнидан турдилар.

Азалдац барваста, тўладан келган, новча одам – дадамлар бир-икки ой ичидаги чўпдай озиб, лунжлари ичида ботиб, кўзлари киртайиб, қийғир бурни сўррайиб қопти.

Яна қамалған кечасидагиңең йиги-сиги бошланди. Ойимлар-ку, юзини рұмолға яшириб, жимгина титраб йиғлардилар, лекин опамлар... Дадамларнинг бўйниларига осилиб олган опамларнинг фарёди тор хонани зир титраратарди.

Кейинчалик мархум ойимлар кўп айтгучи эдилар:

– Ноинсофлар, жиллакурса ярим соат хам фурсат бермадилар. Даданг шўрликнинг дийдорига хам тўймадик. Берган чорак соатлари кўз очиб юмгунча ўтиб кетди...

Бу сафар чорак соат давом этган видолашув давомида дадамлар бирор марта Сталиннинг номини тилга олмадилар, қамалған қунларидағи: “Менинг партия олдида гуноҳим йўқ, ўртотк Сталин барҳаёт экан, мени ҳеч ким хор килолмайди” қабилидаги сўзларни айтмадилар. Бильакс, бир неча марта кўзларига ёш олиб:

– Кечир, мени Гулшан. Аёл бошинг билан беш болани қандай бокасан, ақлим бовар қилмайди. Энди юз куришибизга хам кўзим етмайди, кечир мени! – дедилар.

Ҳар сафар дадам шундай деганларида столга мукка тушиб, алланималарни ёзаётган киши:

– Ҳой, Ёқубов! – дерди қофоздан бошини кутариб, – сенга нима бўлди? Ёш боламисан, Ёқубов?

Ниҳоят, бу одам кархисидаги алмисокдан қолган девор соатига кўз ташлаб:

– Фурсат тугади, Ёқубов. Энди хайрлашинглар! – деб буюрди.

Йиғи, опамларнинг нидоси баттар авжига чиқди. Ойимлар озгина пул олиб келган эканлар, дир-дир титраган қўллари билан дадамларга тутар, дадамлар эса:

– Болаларнингга ярат, Гулшан! – деб ёлворар эдилар. Лекин ойим кўнмай, ахир пулни олишга мажбур килдилар.

Ойимлар келтирган пул бор-йўғи эллик сўм билан, ўнта беш сўмликдан иборат эди. Дадамлар пулни кийнала-қийнала оларканлар, беш сўмликлардан бирини менга

узатдилар. Ойимлар йиғлаб пулни қайтармоқчи бўлган эдилар, дадамлар кўнмадилар ва кафтини бошимга қўйиб:

– Сен энди бу уйдаги энг катта эркаксан, болам, – дедилар ва яна кўзига ёш олдилар. – Ойингга ёрдамлашиб, укаларингга караб тургин, болам!

Дадамлар шундай деб, битта беш сўмликни чўнтағимга солдилар.

– Умримда бир марта сенга музқаймоқ олиб бермоқчи бўлган эдим, бу ҳам насиб этмади. У пулга дафтар, китоб ол! Колганига музқаймоқ олиб е, ўғлим!...

Боятдан бери ойим ва опамларга қўшилиб йиғлашни ўзимга эп кўрмай серрайиб турган бола, тусатдан, худди дадамларни олиб чикиб кетаётган пайтдагидек ичимда нимадир узилгандай туюлди-ю, келгусида “Павлик Морозов бўлишим” ҳам, аксилинкилобчилар кирдикорларини фош этган хушёр пионер эканлигим – ҳамма-ҳаммаси ёдимдан чикиб, “дадажон!” деганимча отамнинг тиззасини қучоклаб олдим.

* * *

Бу машъум воқеаларга кўп йиллар ўтди, кўп сувлар окиб кетди. 1955 йили Н.С.Хрущевнинг XX съездда килган ва бутун дунёни ларзага солган машҳур докладидан кейин бизнинг оиласиз ҳам, чамаси, шахсга сифиниш зулмидан жабр чеккан миллион-миллион оиласалар каби дадамларнинг такдирини, ўликми-тирикми эканлигини (унгача ёзган ўnlарча хатларимизнинг биттасига ҳам жавоб келмаганди) сўраб, юкори ташкилотларга бир неча мактублар ёздиц.

Мактубларнинг биттасини Қозогистон Марказий Комитетига, иккинчисини СССР Давлат хавфсизлиги комитетига йўлладик.

Тахминан тўрт-беш ойдан кейин бирин-кетин иккита жавоб келди.

Жавобларнинг биринчиси, Қозоғистон Марказий Комитетидан бўлиб, унда дадамларнинг партияйий иши кўриб чиқилгани, у киши Сталин шахсига сигиниш қурбони бўлганлиги эътироф этилган ва 1918 йилдан эътиборан партия аъзоси сафига тиклангани хабар килинган эди.

Иккинчи жавоб, давлат хавфсизлиги комитетидан бўлиб, унда айтилишича, дадамлар Узок Шарқдаги қайси-дир ўрмон хўжалигига дараҳт кесувчи бўлиб ишлаган. 1943 йил киш ойларида (вакти аниқ айтилмаган) дараҳт кесаётган пайтида йиқилиб, вафот этган.

Биринчи жавобдан фаркли ўлароқ, бу хатда шундай илова хам бор эди: биринчидан, агар ойимлар (мен ёзган хат, табиий, ойимлар номидан битилган эди) пенсия ёшида бўлсалар, у кишига давлат тегишли микдорда нафака тўлайди; иккинчидан, агар ойимларнинг турар жойи бўлмаса у киши комитетдан келган ушбу жавоб асосида шаҳар советига мурожаат килиб, навбатсиз уй олувчилар, яъни ноҳақ жабрланганларга ҳукумат томонидан берилган имтиёзли кишилар рўйхатига киритилиши мумкин...

Хар иккала таклиф хам ҳакиқатни карор топтириш, адолатни тиклашга каратилган эди, холос. Аммо мен негадир, эҳтимол, Узок Шарқда олти йил оддий солдат бўлиб, бутун қийинчиликларни бошимдан ўтказганим учундир, ногаҳон ўзим кўрган бепоён совуқ ўрмонлар, у ердаги қаҳратон киш кўз олдимга келди. Бир зум нигоҳим олдига қалин кор босган қоронғи ўрмон, чол бўлиб мункайиб қолган дадамлар келди, у кишининг ожиз қўллари билан оғир болта кўтариб дараҳт кесаётганлари, тўғрироғи, болтани кўтараётуб, бирдан юзтубан қулаганлари шундок хаёлимда жонланди, жонланди-ю, алам, изтироб, ачиниш, меҳр-шафкат ва хўрлик туйғулари тошқиндай ёпирилиб келиб, вужудимни қақшатиб юборди.

– “Йўқ! – дедим хаёлан кимгадир писанда килиб. – 18-йилнинг фирмә аъзоси, илк ўзбек коммунистларидан бири

бўлмиш отамни ноҳақ қамадилар, ноҳақ қамаб, кариганда хам озод килишни истамайдилар, қаҳратон кишда ўрмон кестириб, ўлимга маҳкум этадилар-у, энди ўз гуноҳлари ни ювиш умидида жудолик азобидан соchlари окариб, икки букилиб колган бевасига нафака тўлармишлар, бошпана берармишлар. Йўқ, мен битта онамии улар берган садакасиз хам бокиб оламан, уларсиз хам бошпана топиб бераман”.

Хаёлан шундай деб, яхши ният билан ёзилган хатни бурда-бурда килиб йиртиб ташладим... Мен буни ойимларга хам айтиб ўтирмадим, у киши дадамларнинг окланганликларини эшитишга эшитдилар-у, нафака-пафакасини суриштириб ўтирмай, ўзлари юртга ош бердилар.

Бир-икки йилдан кейин кишлоқ совети (ойимлар қишда Тошкентда, ёзда кишлоқда яшардилар) у кишига колхозда ва кишлоқда урушдан аввал очилган бўр заводида оддий ишчи бўлиб ишлаган йиллари эвазига 26 сўм нафака белгилабди. Бу йигирма олти сўм шундай баракали чиқдики, марҳум кампир шу арзимас чака билан хамма набираларини хурсанд килиб, ўзлари ҳам хурсанд бўлиб оламдан ўтиб кетдилар. Фарзандларим китоб дафтар учун пул сўраб келганларида, мен эсам “пул йўқ”, деб ранжитган пайтларимда улар нажот истаб кампирга боришар, кампир эса уларни ҳамиша хушнуд этиб жўнатардилар. Ажаб дунё. Гоҳида минг сўм гонорар олган каминада ўз фарзанди учун бир сўм топилмас эди-ю, ойига атиги 26 сўм нафака оладиган кампирда набиралари учун бир сўм-яrim сўм доим топиларди! Шу боисдан ҳам, хонадонимизда мархума тўғрисида гап кетганда, фарзандларим ва ҳатто фарзандларимнинг фарзандлари ҳам кўзлари аллакандай чараклаб кетади... Мен эсам, ҳар сафар бирор сабаб билан дадамлар ёдимга тушса, у кишининг сўнгги видолашув пайтида кўлимга зўрлаб тутқазган беш сўмлари-ю, музқаймок олиб беролмаганлари учун афсус-надомат чекканлари эсимга тушарди.



ОНАИЗОР

Якин йигирма йилдирки, чап оёғим дардга мубтало бўлган: майда томирларда кон яхши юрмайди. Бу – ҳали ҳеч бир табиб сир-асрорини очолмаган оғир хасталик. Баъзан, у тусатдан йўқ бўлиб кетади, баъзан эса туйкусдан хуруж килиб қолади. Шундай пайтларда чунон бир оғриқ бошланадики, унга ҳеч бир тирик зот дош бераолмайди: “Э, худоё, бундан кўра оёғимни кесиб ташлайкол”, дегиси келади киши. Якинда шу дард яна бир хуруж қилиб қолдики, деворларни чангллаб дод-фарёд чекдим. Ҳаёт йўлдошим югуриб-елиб ўзи билганича муолажа қилди. Кейин “тез ёрдам” келиб уколлар берди, хуллас, оғриқ бироз пасайди. Шунда тамом ҳолдан кетган одам, хиёл ором олиб ётганимда умр йўлдошим бир гап айтди:

- Сиз бугун оғриқ тутган пайтида “Аяжон, аяжоним, қайдасиз?” деб фарёд солганингизни эслайсизми?
- Ҳа, энди, аяжон деган бўлсан, ўз аяжонимни йўқлабман-да, деб кулдим.
- Тўғри-ю, лекин етмиш яшар одамнинг “аяжон, аяжоним, қайдасиз?” деб додлаши ғалати туюларкан, – деди умр йўлдошим.

Мен эса бу гаплардан кейин беихтиёр раҳматли волидамни эслаб кетдим. Назаримда, муштдеккина, озғингина, абжиргина ва айтишларича, кизлик пайтида нихоятда кўхлик бўлган бу аёлнинг бошига тушмаган мусибат бўлмаса керак. Ҳануз бот-бот эсимга тушади.

1929 йилнинг охирлари бўлса керак, мен нари борса, уч яшар боламан. Отамиз Эгамберди Ёкуб шайх ўғли

Чимкент вилоятининг Сайрам районида райкомнинг биринчи котиби булиб ишларди. Кейинчалик билсам, марҳумнинг устидан отаси шайх эди, диндор бўлган эди, дейишавергач, у киши вазифасидан четлаштирилган ва адолат кидириб Олмаотага кетган экан. Табиий, уша даврнинг шафкатсиз удумига кўра, волидамизни бешта бир-биридан кичкина фарзанд билан яшаб турган уйндан ҳайдаб чикаришган. Шунда бир қўнгли бўш инсон (Оллохга шукур, уша даврларда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор бундайлар) сомонхонасини бўшатиб, унга пичан тўшаб, бизга – бутун оиламизга бошпана килиб берган. Болалик эмасми, куриган пичан, беда, шувок, ёвshan ва бошқа дала гиёҳларининг хидига тўла бу сомонхона менга илгари яшаб турган кўркам уйимнidan ҳам яхши туюлган. Мен ва укаларим онаизоримизнинг дарди-хасрати билан ишимиз йўқ, кун бўйи кўчада ӯйнаймиз, ивирсиб юрамиз. Коронги тушганда волидамиз чакириб бир бурда нон, бир косадан атала беради. Шундан кейин сомонхона зими斯顿 коронғиликка чўкади. Энди ӯйласам, тавба, деб ёкамни ушлайман. Лекин у онлар – уша зими斯顿 сомонхона мен учун гўзал бир кошонага айланади. Чунки биз беш болакай талашиб-тортишиб онажонимизга якинроқ ётмокчи бўламиз. Ниҳоят, онамиз бизни муросага келтириб ўртага ётадилар. Шунда биз ойижон, ойижон, эртак айтиб беринг, деб ёлворамиз ва волидамиз кай ахволда эканлигини билмаймиз ҳам, албатта. Лекин турган гап, онамиз барча дардларини ичига ютиб, эртак бошлайдилар. Икки опам ва икки укам у эртакларни охиригача эшитармиди ё йўқми, билмадим, лекин мен жон қулогим билан тинглардим. Эртаклар оламига шўнғиб кетардим. Ва чексиз бир баҳт туйғуси билан ухлаб қолардим.

Бир ойлардан кейин дадамиз қайтиб келиб, бизни Олмаотага кўчириб кетди. Лекин бу иккинчи ҳикоя. Биринчи

хикоям эса ўша сомонхона, зимистон сомонхона, онамиз ёнига тикилишиб ётган беш болакай ва волидамиз минг бир кечадагидай хар кун айтиб берадиган эртаклар.

2

Ўттизинчи йилларнинг боши. Дадамларга Олмаота вокзалининг шундок ёнбошидан тўрт қаватли эски ўрисча ёғоч уйларнинг биридан уч хоналими, тўрт хоналими жой ажратилган экан. Биз борганда қаҳратон киш эди. Кор белдан десам лоф бўлар, тиззадан эди. Биз болалар уйнинг эшигидан бурнимизни ҳам чикаролмаймиз. Ойимлар уйни тошкўмир билан иситадилар. Кейинчалик раҳматли кўп эслар эдилар. Бир кун кечаси дадамлар йўқ пайтида печкага тошкўмир қалабдилар-у, туйнугини очиб кўйиш ёдларидан чиқибди. Бир маҳал уйғонсам, эслар эдилар онам, уй осмони фалакдай гир-гир айланаяпти. Дуддан нафас олиб бўлмайди. Тураман дейман-у, туролмайман. Сал бошимни кўтарсам, қусаман. Шунда тұсатдан, “ёнимда ётган жўжаларимдан айрилиб коламан-ку”, деган фикр миямда чарх уриши билан вужудимда шундай бир куч пайдо бўлдики, ўрнимдан туролмасам ҳам, липанг-талпанг судралиб, эмаклаб, қусиб остонагача етиб сордим-у, эшикни ланг очдим. Уйга одам боласини яхлашиб кўядиган, бироқ оромбахш тоза ҳаво ёпирилиб кирди. Ўздан кейин нима бўлди, билмайман. Эшикка йиқилиб ёлибман. Бир пайт қарасам, сенлар митти күшчалардай трофимда чуғурлашиб юрибсанлар. Э, Худо, дедим шунга ишқинка қўлимни чўзиб, менинг фарзандларимни яна бир эр асраб қолдинг. Сенга то абад шукроналар киламан.

Мен хар сафар волидамиз бу ҳакда гапириб бергаилада бу куч, бу матонат, бу иРОДА, бу чексиз меҳр-мухабат үнинг кичкина вужудига қандай жо бўлдийкин, деб ғлајдим. Ҳозир ҳам шундай ўйлайман.

1937 йилнинг куз ойлари. Кичкина Туркистон шаҳрида таҳлика. Ҳар куни бир-икки одам НКВД томонидан камокка олинади. Биттагина шаҳарда бу мудҳиш хабар кӯчадан кӯчага, уйдан уйга кириб боради. Одамлар қалбида вахима уйготади. Бу аёвсиз “иши” бизнинг хонадонимизга хам кириб келди.

Қош қорайган пайтда шу тарафларда ҳамма хонадонларга даҳшат солиб юрган кора машина бизнинг дарвозамизга хам келиб тўхтади. Ундан кейин бўлган воқеалар тўғрисида мен “Музқаймок” ҳикоямда гапириб берганман. Такрорлаб ўтирумайман, чунки бу ҳикоя марҳум отам ҳакида эмас, онам ҳакидадир.

Биз катта бир ҳовлиниң кираверишида икки хонали, олди айвон кўркамгина бир уйда туардик. Отамиз камалгандан кейин бир кун-икки кун ўтмасданок, форма кийган кандайдир одамлар бостириб келишди. Уйимизни дархол бушатишни буюришди. Узи қиши келиб, кор учқунлай бошлаган эди.

– Қайдан жой берасиз?

– Ҳалқ душманининг оиласига ким хам жой беради?

Кейин билсам, катталар ўйлай-ўйлай бир карорга келибдилар: биз турган ҳовлиниң охирида икки хонали ташландик ҳароб бир уй бўларди. Бу хоналарнинг бирига ҳовлида яшовчилар ўз кўмирларини туширишарди. Иккинчиси чоғроқ, ҳозирги ўлчов билан айтсан, 7-8 квадрат метрли хонада ҳовлидаги хонадонлар ўз кўйлари, товук-повукларини саклашарди. Ўша даврдаги ҳокимиётнинг меҳрибонлигини қарангки, шу каталакни бизга, яъни беш болали оиласага меҳр-шафқат килиб топширишибди. Начора, катта опамнинг эри – поччам (у киши мактабда ўқитувчи бўлиб ишлардилар) яна кимларнингдир ёрдамида беш-унта тахта топишиб,

молхонани тозалашыб, ердан бир газ балаанд бир сүри куришди. Бурчакка чўян печка ўрнатишиди. Сўрининг устига сомонхонадаги қўй-эчкидан колган-кутган сомонлар тушалиб, устига уйимиздаги бор эски-туски наматлар ташланди.

Мен канага тўла бу қафас хақида ўйлаганимда доим Сайрамдаги пичан ва беда тўшалган болаҳонани эслар эдим. Дала гиёҳларининг ҳиди уфуриб турган ул сомонхона менга мисоли жаниат бўлиб туюларди. Шундай бўлса ҳам, бола бола экан, на мен, на укаларим яхши уй-жойдан хайдалиб, собиқ молхонага келиб колганимиз хақида ўйламаймиз ҳам. Онамиз эрталаб қамоқхонага кетиб, кечкурун қайтадилар. Катта опам келиб бир козон атала қилиб кетадилар. Биз бу аталани кўриб қолиб, сўрида бир-биrimиз билан кураш тушамиз. Ҳовлига чиқиб кор отишамиз. Диlldираган қўлларимиз билан қорбобо ясаймиз. Лекин бир нарса ҳануз эсимдан чикмайди. Мен укаларим билан кураш тушаманми, урушаманми, ҳовлида кор отишаманми, дилимдан бир орзу хеч кетмайди. Тезрок коронғи тушса-ю, ойимлар келиб қозонда қолган аталадан куйиб берсалар-у, тўшак ёзсалар. Ва биз бир-биrimиз билан ким ойимга якинроқ ётади, деб талашиб-туртишиб, ойимларга якинроқ жойни эгалласак. Бунинг бош сабаби шундаки, ойимлар ҳар куни чирокни учираиб бўлгач, худди Сайрамдаги сомонхонадагидек эртак бошлайдилар. Бу эртакларнинг кўичилиги хозир негадир эсимда йўқ. Лекин улар ҳамиша қандайдир яхши эртаклар – менинг вужудимга ҳам ором берар эди. Худди она алласига ўхшаб шундай чексиз бир тасалли берардики, тез орада кўзим илиниб колганини ўзим ҳам билмай колардим.

Кейинчалик мархум волидамдан сўрамаганимга кўп афсус киласман. Лекин қандайдир ички бир туйғу билан

хис этаман: эри турмада ётиб, түртта фарзанди билан молхонага хайдалган бир она учун бу эртакларни айтиш осон бўлмаган бўлса керак. Эҳтимол, уларни йиғлаб-йиғлаб айтгандир. Ва биз тинчиб ухлаб колганимиздан кейин онаизоримиз ҳам кўз ёшларини ютиб, ё ухлаган, ё тонг отгунча тушакда тўлғониб чинкан бўлса керак.

Сал вакт ўтди. Бироз муҳлатдан сўнг отамизни биздан жудо қилиб, узок юрга олиб кетишди. (Мен бу ҳақда ёзганим учун такрорлаб ўтирумайман).

Каҳратон киш. Совуқ. Изғирин. Шундай кунлардан бирида дарвозамиз олдига сокол-мўйлови ўсиб кетган бир одам келди. Кейин билсан, бу киши отамнинг туғишган укаси экан. Туя етаклаб келди. Улар онам билан кучоклашиб узок йиғлаб-сикташди. Кейин туяга бор-будимизни ортишди. Биз чурвакаларни эса юкларнинг устига ўтказиб, кигизга ўраб, арқон билан боғлаб кўйишли. Факат кўзимиз кўриниади. Сўнг амаким, худо раҳмат қилсин, туюнинг жиловидан олди. Ойимлар белини дастурхон билан боғлаб, қўлларига таёк олиб, уянинг оркасидан тушди. Шундай қилиб, биз Туристонни тарқ этиб, туғишган кишлогимиз Қарнокка, ёбомиз хонадонига (у пайтларда бобомиз Ёқуб шайх аллақачон вафот этганди) бордик. У кишини тақдир ёрлақаган экан. чунки тўнғич ўғлининг бошига тушган бу кулфатларни кўрмади.

Боя айтганимдек, каҳратон киш, йўллар яхши эмас. Туркистон билан Қарнок ораси эса салкам ўттиз чакирим. Туя шўрлик ўкиради. Нола чекади. Ҳар қадамда тояди. Баъзан, чўккалаб қолади. Чўккалаб қолганида биз тепада кигизга ўралиб ўтирган болалар уввос солиб йиғлаймиз. Чунки мана, мана осмону фалакдан ерга – яхмалакка учиб кетаётгандек бўламиз. Лекин амаким бир бало қилиб нўхтасини тортиб, бошини силаб, волидамиз эса оркасидан таёк билан уриб, туюни ўрни-

дан турғазадилар. Сафаримиз давом этади. Шу тарика кечқурун қош корая бошлаганда кишлоққа етиб борамиз. Қарасак, йұлнимизда катта оломон, иккита аёл, бири колхоз раиси, иккінчіси семизлигидан отнинг бели майнишадиган колхоз парткоми, йұлнимизни түсіб турибди. Улар лабдурустдан келиб аввал амакимни, кейин түяниң бошини аёвсиз калтаклай кетишиди. Қамчилашар экан, биз кишлоғимизга халқ душманларининг фарзандларини киритмаймиз, деб бакиришар эдилар. Бұлди тұполов. Бұлди тұполов. Йиғилған оломон ичида бизнинг кариндош-уруғлар бор экан. Улар үша пайтда Сталиннингми, Калининнингми, “Бола ота учун жағоб бермайди!” – деган гапини бакириб айтишиб, икки зұравон аёлниң бақирик-чакирикларини хиёл босган бўлиб, жунбишга келган асабларини сал тинчтиб, бизга йўл очиб бердилар.

Волидамиз үшанда нима қилғанлари, нима десантлари эсимда йўқ. Факат түяни хайдаб келган үша таёғига суюниб, хайкалдай котиб турғанлари кўз олдимда. Балки, ичида карғагандирлар. Чунки бу икки тўсатдан ҳокимиятга чикиб қолган аёл бизга қўшни зди. Тасодифан, замоннинг зайли билан кутарилиб колгандилар. Ичида ҳам карғамаган бўлсалар керак, деб ўйлайман. Чунки 4-5 йилдан кейин уруш бошлиниб, кишлоқда очилган бўр заводида бадиий буюмлар цехи очилганда бош рассом бўлиб тайинланган волидамиз (хеч кутилмаганда у кишида шундай истеъдод ҳам намоён бўлганди) үша бизга камчи ўқталган, лекин сал ўтмай ишдан олиниб, ер билан яксон бўлған бу аёлларнинг қизларини ҳам ишга олиб, уларга мураббиялик қилғандилар.

Оллоҳнинг иродаси ва хохишига инсоннинг акли бовар килмайди, деган гап бор. Буни шу маънода айтаяпманки, оиласиз бошига тушган узлуксиз мусибат ва кулфатлар-

дан кейин, Оллоху таоло муруват ҳам курсатди. Қишлоғимизда миттигина бир бүр заводи очилди. Шу ерда мен журналхонларнинг жинига тегсам ҳам бу бүр заводининг тарихини айтишга мажбурман.

Қишлоғимизда Абдураззок ота деган дарвешнамо, олижаноб бир инсон бўларди. У киши елкасида енгил яктақ, устида шим ўрнига афғоннинг иштонидек кенг бир иштон, ялангоёқ, ялангбош қирма-кир кезиб юар эди. Қишлоғимиз атрофидаги фалон кирнинг тагида олтин-кумуш конлар ётпти, дея башорат килардилар у киши. Факат уларни топиш керак. Қишлоқдаги боғимизнинг шундок тепасида негадир тоҷикча ном олган “Қизил Сангир” деган баланд кир бор. Бу кирнинг тӯши кип-кизил майда қум ва ҳар хил тошларга ястанган.Faқат Абдураззок ота эмас, бошқа қишлоқдаги бошқа дарвешлар ҳам бу кирни очса, бехисоб олтин чиқади, деган фикрда эдилар. Абдураззок отанинг дарвешлиги шунчаликки, у киши аэроплан ясад, шу кирнинг тепасидан учмоқчи бўлганлар. (У киши ясаган аэроплан ҳар хил спортчилар ясадиган планерлардан бири бўлса керак). Лекин ясаган “аэроплан”и беш-олти метр ҳам кўтарилимасдан Қизил Сангир кирининг боя айтилган кизил тӯшига тушган. Дарвешимизнинг кўл-оёғи синган. Лекин у киши касалхонадан чиқар-чикмас яна кир-адирларни кезиб, олтин-кумуш қидиришда давом этгандари кизик. Шундай қидиришлардан бирида раҳматли бир ғорга дуч келади. Қарасаки, бу ғор оппок оҳакдан иборат. У киши оппок оҳакдан бир-икки копини эшакка юклаб, Туркистонга равона бўлганлар. Бу оҳакдан факат деворларни оклаш ва суваш-пуваш эмас, ундан бўр, яъни мактабларда ишлатиладиган, тахталарга ёзиладиган бўр ясаш мумкинлигини исботлаб беради. Баҳонаи сабаб, қишлоқда бўр заводи очилди. Бу заводда биринчи ишга кирганлардан бизнинг волидамиз

буладилар. Иш ниҳоятда оғир эди. Тегирмонда уюлиб, унга айланган оҳак цехдаги катта дошқозонларда кайнатилган. Қиёмига келгач, оғир чўян қолипларга қуилиб, ташкарида тайёр турган супраларга тўкилган.

Бу қолипларниг оғирлиги камида бир пул келарди. Уларнинг икки томонида элликтадан юзта тешик бўларди. Ойим раҳматли – миттигина аёл – шу катта чўмичларда дошқозондаги атала бўрии олиб, чўян қолипларниг тешикларини тўлдирав эдилар. Сунгра бу қолипларни ташкарига кўтариб чикиб, бўрлар қуригач, уларни супрага тўкардилар. Цехда не-не манаман деган полвон йигитлар ишлар эди. Уларнинг ҳаммаси ойижонимизнинг ғайрати, кучи, шижаотига койил колар эди. Мен эса ҳар куни дарсдан чикиб, цехга югурав эдим, бориб ойим тўкани бўрларни қутичаларга санаб (бу қутичаларниг ҳар бирига элликта бўр кетар эди) жойлар эдим. Гап шундаки, завод бу қутичаларниг ҳар бири учун 3 тийиндан ҳак тўлар эди. Бу ҳам биздек тўрт етимчани боқишида волидамизга озгина бўлса-да мадад бўлар эди. Кечқурунлари куёш ботар-ботмас ойим иккимиз секин-секин юриб уйга қайтардик. Йўлда раҳматли бот-бот пешонамдан силаб: мана, катта бўлиб қолдинг, болам! Менга мададкор бўлдинг. Шунисига ҳам шукур, деб duo қилар эдилар. Лекин уйга боргач, мен гоҳ пода кетидан югуриб кетар, гоҳ ўйинкароқ болалар билан ўйнаб кетардим. Волидамиз эса ўчоқка ўтин қалаб, биз полапонларига овқат қилишга киришар эдилар.

Шундай қилиб, йиллар утди. Менинг ҳам буйим чўзилиб, жиндай суягим қотди. Кетмон кўтариб, далаларга чиқдим. Фронт учун деб ғалла ташидим. Ундан кейин ёру биродарлар орттиридим.

Урушнинг сунгги йиллари эди. Кишлокдаги йигитларга улфат бўлдик. Бўза олиб, киттай-киттай қиладиган бўлдик.

Асли 1927 йилда туғилғанман. Лекин 1944 йилнинг кузида тенгдошларим – менинг улфатларим урушга кетадиган булиб қолишиди. Мен улардан қолишини сира истамадим. Район ҳарбий кисмига бориб: “Мен 1927 йили эмас, 1926 йили туғилғанман, шунинг учун фронтга юборишиңизни илтимос қиласам”, деб ариза бердим. Бу қалтис ишга құл уарар эканман, бу сохта ғуур асосиға қурилған хатти-харакатим волидам учун нақадар оғир зарба булишини үйламаган ҳам эканман. Онам, опам, укаларим зор-зор үйғлашиб мени қызыл вагонларга кузатиб қўйишиди. Шу-шу армия сафида олти йил қолиб кетдим. Шунда ҳам волидам юрагига урган зарбамни яхши ҳис этмабман. Буни армиядан қайтиб келганимдан кейин уйга йиғилған меҳмонлар тарқаб, волидам иккимиз ёлғиз қолганимизда ҳис этдим.

– Сен нимани ҳам биласан, болам, – дедилар волидам. – Сенга ёлғон худога чин, мен ҳар куни коронғи тушганда мана шу Қызыл Санғир тагидаги қабристонни ялангоёқ айланиб үйғладим. Атайин оёқларимга тикан кирсин, янтоқ, қўйтиканлар оёқларимни шилиб ташласин, деб Оллоҳга илтижо қилдим. Ярим кечагача бўзлай-бўзлай үйғладим. Мен сени мана шундай кўз ёшлирим билан Оллоҳдан қайта тилаб олғанман, болам...

5

Урушдан қайтдим, ўкишга кирдим. Биринчи китобларим чиқди. Тошкентда ховли-жойлик бўлдим. Уйландим. Биринчи фарзанд кўрдим. Ойимлар эса ҳар қанча чақирмай, ялиниб-ёлвормай Тошкентга келмадилар. Боғимизнинг кўксида икки кичкина хона, бир даҳлиздан иборат кўримсизгина бир уй куриб олган эдилар. Лекин бу ташки кўримсиз уйнинг ичи бамисоли бир жаннат эди. Чоғроқкина ховли қийғос очилған гулзорга айланган.

Райхон, хинагул, гултожихўроз, чирмовиқгул – ҳаммаси одам бўйи үсиб, бетакрор нафас уфуриб турарди. Махалладаги йўл бизнинг гулзорнинг ёнидан ўгарди. Тушдан сўнг салқин тушганда, раҳматли гилам тўшаб, жой килиб қўяр эди. Чеккароқдаги ўчоқда қозонда шўрва, самоварда чой шақиллаб қайнаб турар эди. Кампир ўтганин ҳам, кетганни ҳам бир пиёла чой ё бир коса шўрва бермай ўтказмас эди. Боз устига, бутун маҳалла, бутун қишлоқнинг ярми қариндош-уруғларимиз. Ҳаммаси аза бўлса ҳам, тўй қилишса ҳам Гулшан аянинг маслаҳатисиз ўтмайди. Волидамиз ҳеч қандай мансаб-марtabага эга бўлмаса ҳам, бу ишларга ҳакамлик қиласар эдилар. Ва ҳеч ким у киши чизган чизиғидан чиқмасди. Не-не оқсоқоллар, кариялар, Гулшан нима деди, деб сўрар ва у кишининг гапига амал қиласар эди.

Мен ҳам, укам ҳам кетма-кет фарзандлар кўрдик. Набиралар йўлга киргач, ҳаммасини ўз бағирларига олардилар. Ёзи билан болалар кампирнинг бағрида. Онаизоримиз қозони ва самовари шакирлаб қайнагани-қайнаган. Болалар ўйинқароқ. Кампир овқат енглар, деб чақирса ҳам келаверишмайди. Кампир болалардан фақат бир нарса илтимос қиласди. Улар боғ этагидан ҳовлига сув ташиб беришлари керак. Бошқа хизматлари йўқ.

Бир куни қишлоқдан, Гулшан ая эски уйининг тўридан катта дабдабали уй қура бошлади, деган хабар келиб қолди. Раҳматли доим: “Бошқа юртда султон бўлгунча, ўз юрtingда ултон бўлган яхши. Бошқа юртдан барибир ўз юрtingизга қайтасизлар”, дердилар. Мен ҳеч бу гапга эътибор бермас эдим. Фақат у киши катта уй кураяпти, деган гапдан хушёр тортдим.

Бир куни ўша нураб колган уйимизга учта ўрис кириб келибди. “Бабушка! Бирор нарса топиб бер! Ўлиб бораяпмиз, ёрдам бер”, дейишибди. Волидамиз уларнинг дардини тушунибдилар-у, ёнидаги набираларини дўкон-

га чоптирибди. Кампир ҳалиги уч ўрисга уч шиша винони бўлиб, уч коса шўрва қуйиб берибдилар. Шундан сўнг улар: “Бабушка, нима ишинг бор, айт, биз қилиб берамиз”, дейишибди. Волидамиз уларни боғ этагига олиб борибдилар. Шу ердан ғишт қуясизлар. Шу ерга уй қурасизлар, деб бир чизма чизиб берибдилар. Шу билан шу қурилиш бошланиб кетибди. Мен бу қурилиш ниҳоясига етай деганда эшитибман. Укам эса олдинрок эшитган экан, оз-моз ёрдам берибди. Қолган ишларнинг ҳаммасини волидамиз арзимаган пенсияси билан уч дарвеш ўриснинг кўнглини олиш эвазига қуриб битказибди. Лекин у ўрислар ҳам қурук колишмабди. Кишлокда Гулшаннинг ўрислари деган ном чиқариб, кейинчалик ҳаммага керак бўлиб кетишибди.

6

Нихоят, кўп ялиниб-ёлворишлиар, илтимос-тавозеълардан кейин 1970 йиларнинг охирида ойимизни Тошкентга олиб келишга муваффак бўлдик. Раҳматли бу ерда ҳам бутун таблари, конун-коидаларини бекаму кўст жорий этдилар:

– Анов газ плитада қайнаган чойларингни ича олмайман. Ҳовлида самовар қўйинглар, кеча-кундуз шакиллаб қайнаб турсин. Эшиқдан ким келса, дархол уйларинг тўрига кўрпача солинглар! Дастурхон ёзинглар. Сандинк-кутиларда нима бўлса, дарров тўкиб солинглар!

Рафиқам Марямхон бош келинлари бўлгани учун ҳам у киши жуда яхши кўтарар эдилар. Ҳамиша алқаб-ардоқлаб, яхши дуолар қилиб турардилар. Рафиқам ҳам у киши айтганини икки қилмас эди. Биз эса ичимизда чиндан чўчиб турар эдик. Чунки орадан сал гап ўтса, ҳеч кимдан рухсат сўраб ўтирмасдан, камзулини елкасига илиб, пенсиясини чўнтағига жойлаб, жўнаб қолишлари ҳеч гап эмас эди. Бўйлари бир қарич, миттигина ойим ҳеч овқат емас эди-

лар. Палов-малов тугул, ўзимизнинг Туркистоннинг бешбармоғига ҳам тоқатлари йўқ эди. Эрталаб ҳам бир чакмок қанд, бир бурда каттиқ нон, тушда ҳам бир чакмок қанд, бир бурда каттиқ нон, кечкурун ҳам бир чакмок қанд, бир бурда каттиқ нон. Лекин кун бўйи ҳовлида тинч ўтирмас эдилар. Пастаккина курсича – стул ясатиб олган эди. Қўлида чут (тешача), тагидаги курсичани суриб-суриб, ҳовлидаги ҳамма райхон, ҳамма гулнинг тагини юмшатиб чикар эдилар.

– Ойи, ойижон, қўйинг, бу ишларни набираларингиз килишади, – десак, жеркиб ташлар эдилар.

Тўнгич ўғлим Мурод биринчи қиз фарзандини кўрганида бутун меҳру саховатини, вужудини, қалби – ҳаммасини шу гўдакка бағишладилар. Уни кўтаргани-кўтарган, эркалагани-эркалаган эдилар.

1979 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида тўсатдан ишхонага рафиқам телефон килди:

– Ойимлар ёмон бўлиб қолдилар, тез етиб келинг!

Келсам, раҳматли набирасини эркалатиб ўтириб, тўсатдан зинадан йиқилиб тушибди. Мендан олдин “Тез ёрдам” ҳам етиб келган экан. Юрагимни ҳовучлаб ўтирибман. Бир маҳал онами кардиограмма қилган аёл чикиб келди. Ва қўлларини фотиҳага очди:

– Онангизга “Оллоҳу акбар” деявернинг, – деди.

Дарғазаб бўлганимдан тилим калимага келмай қолди. Онамизни махсус стационарга олиб бориб ётқиздик. Ҳар куни бораман. Ҳамширалар, айникса, кечаси навбатчи доктору ҳамшираларга совға-саломлар бериб, яхши караб туринглар, деб ёлвораман. Дўхтирнинг башорати ёлғон бўлиб чиқди. Уч ойдан сунг онамизни олиб келиб алоҳида хонага жой килиб бердик. Факат улар ортиқ ўринларидан тура олмас эдилар.

Яна беш-олти ой тўшакда ётдилар. У кишининг қасалликларини эшифтгач, қишлоқдагилар бизникига жуда

серкатнов бўлиб қолиши. Раҳматли улар кириб келиши билан жуда бесабр-бетокат бўлиб колар эдилар.

– Ҳой, келинлар, дастурхон кани, чой-пой кани?! Қани, тез овқат қилинглар! Бойларингниң (эрларинг демокчи) топганлари етади! – деб жанжал қиласидилар. Олиб келинглар, деяверадилар. Ҳаммаси булаяпти, ойижон, дейишларига ҳам қарамай, овозини янада баланд кутарадилар.

Бу пайтларда рафикам Марямхон у кишининг кўп дуоларини олдиладар. Июль ойининг ўрталарида бир кун телефон бўлди: – Тез етиб келинг, ойимлар оламдан ўтилар!

Уйга қандай келганимни билмайман. Ё устига йикилдим, ё хушимдан кетдим... Оппок соchlарини силадим. Лекин бўлар иш бўлган эди. У киши васият қилган эдилар: “Мени ўз юртимга, ота-онам, қариндош-уругларим ётган қабристонга дағн этинглар”. Айтган васиятларини амалга оширдик. Мотам маросимига бутун кишлок келди.

7

Мен бу лаҳзаларни ёзишдан мақсадим волидамни улуғлаш эмас. Аслини олганда, у кишининг тақдирида ўша фожиали даврнинг барча мудхиш қийинчилликлари шундок акс этиб турибди. Биз бу жафокаш инсонлар ҳакида қанча ёзсак, уларни қанча эсласак, оз. Улар ҳайкалларга муҳтоҷ эмас. Ҳайкаллардан буюкрок туродиган инсонлар. Биз буни ҳеч качон унутмаслигимиз керак.



ҚАЙДАСАН, МОРИКО?

Инсон ҳаёти тасодифларга, гоҳо етти ухлаб тушига кирмаган воқеаларга тұла.

Шу йил Фалаба куни урушда ҳалок бұлған шахидлар хотирасига бағишиланған муazzам мажмуанинг очилиш тантанасидан уйға қайтиб, әнді дам оламан деб турғандым, телефон жириңглаб қолди.

Трубкадан киз боланинг жарангдор овози келди.

– Сиз палончи ёзувчимисиз? Мен Үзбек туризмидан телефон қиляпман. Бизга Япониядан бир гурух туристлар келишган. Бир хоним сизни танир экан, йүкляпти. Иложи бўлса кўришсам, деяпти.

Ҳайратландим.

– Каёқдан таниркан?

– Билмасам, – деди қизча. – Япон урушида қатнашган экансизми? Порт-Артур деган шаҳарда бўлғанмисиз?

Баттар ажабландим.

– Ҳа, бўлғанман. Лекин...

Қизча гапимни бўлди:

– Ӯшанда кўришган экансизларми-ей. Қайси бир китобингизни ўқиган эканми-ей. «Улуғбек» деган асарингиз борми? Ӯша китобингизни ўқиган экан. У русча биларкан...

... Порт-Артур! Русча биладиган япон хотин! Аллакачон ёдимдан чикқан, бироқ чамаси, қўнглимнинг бир чеккасида мудраб ётган ҳам маъюс, ҳам куз офтобидай тиник эсадликлар селдай ёпирилиб келди-ю, хәслимни олиб қочди.

– Алло, – деди қизча. – Нега индамай қолдингиз? Ё учрашишни хоҳламайсизми?

– Йў-йўқ, хоҳлайман, хоҳлайман...
– Бўлмаса телефонимни ёзиб олинг. Истаган вақтингизни айтасиз. Қолганини ўзим ташкил қиласман...

Минг тўқиз юз қирқ бешинчи йилнинг илиқ куз ойлари, япон офицерлари учун курилган шинам шахарча – Порт-Артур. Ям-яшил арчазорлар орасига яширинган бир қаватли озода, кўркам уйчалар. Рус сўзларини аллақандай ёқимли бидирлаб гапирадиган япон кизчаси – Морико!

Хаёлим яна узокларга учди.

Салкам икки минг чакиримга чўзилган машхур Гоби сахросини яёв ўтганда чеккан уқубатларимиз, ортда колган Гоби сахросидан кейин йўлимизни тўсган Хинган тоғлари ҳам оркага чекинган. Олдинда эса чексиз-чегарасиз, ям-яшил водий ястаниб ётади. Бу – шимолий Манжуриянинг бошланиши эди.

Уст-бошимиз чок-чокидан кетган, кийимларимиз Гоби сахроси чанглзорларида дабдала булиб, факат пайтавада колган, соч-соколларимиз тикандай ғовлаб кетган шўрпешона солдатларни шу водий бўйлаб яна подадай хайдаб кетишли. Бир ҳафта деганда темирийўл ўтган қандайдир шахарга етиб бордик. Бу ерда худди консервага тикилган селёдка балиқдай қизил вагонларга тикишиб олиб кетишиди. Одам худди ғимиirlаган пашшадай, уларни қандайдир шахарлардан (кейин билсак бу – Мукдси ва Харбин деган шахарлар экан) олиб ўтгач, бир ҳафта деганда ҳалиги қизча айтган Порт-Артур шахри атрофида япаски кирларга олиб бориб, худди гутурт кутисидаги гугурт чўпларида тўкиб ташлашди.

Биз келган кирлар кўркам олмазор ва нокзорлар билан қопланган. Кундуз кунлари боғларга шўнғиб кетамиз: сабаби уруш, боғлар қаровсиз қолган... Қўйларимизни асал таъми келган нок ва олмаларга тўлдириб, пастдаги палаткаларимизга қайтамиз. Биз ҳам деярли қаровсиз қолганимиз. Хоҳласак ётамиз, хоҳласак турамиз, хоҳла-

сак олмазор кирларга чиқиб дайди бетамиз. Шунда күз олдимизда улкан лиц ва маҳорат билан қурилган миттигина, лекин бекиёс күркем шаҳарча Порт-Артур намоён бўлади. Шаҳарчанинг бир томони мовий бўғозга, бўғоз эса офтоб остида жимиirlаб ётган океан мавжларига тулашиб кетади. Уфқда қаёққадир кетаётган кемалар кўзга ташланади. Улар қаёқка кетаяпти? Эҳтимол, элимиз томон йўл олаётгандир? Биз кемалар мўрисидан эшилиб чиқаётган қўқимтири турунларга энтикиб тикиламиз. “Биз ҳам бир кун шундай кемаларга тушиб она юрт томон йўл олармиканмиз ё суюкларимиз бу гўзал, лекин бизга ёт тупрокларда қолиб кетармикан?!”, – деган ўй юракларимизни зирқиратади...

Бу такасалтанг, дайди ҳаёт ўн кунга чўзилди. Сўнгра теварак-атрофдаги қисмлардан бизга “совчи”лар кела бошлади. Улар ўзларига керак солдатларни танлаб олишади. Бирорвга мергандар, бирорвга пулемётчи, бирорвга автоматчилар керак, яна бирорвга эса ошпаз керак, хатто сартарош, тикувчиларни ҳам кидириб келишади.

Шундай кунлардан бирида номига рота дейилган, аслида интизом қолмаган бизнинг қисмимизга қўкси жаранг-журунг орден-медалларга тўла ёш, хушсурат бир майор иккита офицер билан “совчи” бўлиб келди. Уларга ўн-ўн бешта автоматчилардан ташқари штабда хизмат килдиган, хати чиройли, саводи яхши бир солдат ҳам керак экан.

Рота командиримиз жанговар, аммо бор-йуғи еттинчи синфи битирган офицер бу масалада мендан “фойдаланиб” тураг, юкорига юбориладиган ҳар хил ахборотларни менга ёздириб юради. У мени майорга тавсия килган экан, чақириб қолишли. Майор худди харид қилгани от бозорига келган одамдай, елкамдан ушлаб, у ёк-бу ёқка ўгириб кўрди-да, тўсатдан:

– Қайси юртдансан? – деб сўради.

- Узбекистонданман, – дедим мен.
- Миллатинг ўзбекми?
- Узбек...
- Нечанчи синфни тугатгансан?
- Ўнинчи синфни.
- Русчанг чакки эмас. Качон ўргангансан?
- Бешинчи синфгача рус мактабида ўқиганман.
- Тошкентни кўрганмисан?
- Кўрганман...

Майор лабларига кулги югуриб:

- Тошкент дегани нима дегани? – деб сўради.

Мен довдираб қолдим.

- Тошкент дегани – Тошкент-да!

Майор шўрлаб кетган эски қалпоғимни бурнимга суриб:

- Э, сени қара-ю, шуниям билмайсан! – деб кулди. – Тошкент дегани – тошдан курилган шаҳар дегани. Тош дегани – тош! Кент дегани – шаҳар.

Мен ўсал бўлдим. Бироқ майор ўзини билиб-билимга олди-да:

- Хўп, – деди. – Бугундан бошлаб штабимда котиблик қиласан. Тушгача штабда хизмат қиласан, кейин менинг уйимда майда-чўйда ишларни бажарасан. Масалан, пашша қўриб ётасан. – У ўзига хўп ярашган мўйловчасини силаб яна кулди.

Шу кундан бошлаб, пиёда аскар ҳаётининг инсон боласи чидай олмайдиган уқубатларидан зада бўлган камина турмушида ақлбовар қилмайдиган роҳат-фароғатга тўла кунлар бошланди. Қолган вактим штаб бошлиғим – майорнинг уйида ўтади. Майорга Порт-Артур қальясининг шундоккина денгиз соҳилидан, атрофи арчазор чиройли коттеж ажратилган. Коттеж илгари нуфузли япон генералига қарашли экан...

Генералнинг ҳовлиси этагида хўжалик уйи ва омбори ҳам бўлиб, барча унвонларидан ва имтиёзларидан айрил-

ган генерал икки кизи, бири 22-23 яшар Чико Сан ва кенжә кизи Морико билан ҳовлн этагидаги торгина хұжалик уйида туришар экан. Собік генерал мағлубиятдан кейин тарки дүнёликни ихтиёр этиб, уйида қамалиб олган, кизларини эса рус офицерларидан қизғаниб, тергагани терғаган экан.

Мен бошда уларга күп эътибор бермай, үз ишим билан овора булиб юрдим. Ишим эса жуда ғалати, солдат хизматига сира үхшамас эди.

Эрталаб майорнинг машинасида хұжайним билан бирга штабга бораман. Тушгача машинкада (машинкада босишни бир хафтадаёк үрганиб олдим) юкори штабларга майда-чуйда хабарлар ёзаман, тушдан кейин эса майорнинг шахсий ишларини бажараман. Ҳафтада икки марта полк омборхонасига бориб, озиқ-овкат оламан. Офицерларга бериладиган бу озиқ-овкат жуда антика эди. Нон деганингиз “сен же, мен же” – колганига: японлардан үлжа олинган, асал таъми келадиган, еганда кисир-кисир кила-диган халта-халта галет-пичинон, қуюлтирилган сут, гүшт ва балик консервалари, колбаса деганинг уч-түрт хили, бир неча шиша спирт, қўйингки, биргина майор эмас, беш-олти киши еб тамом килолмайдиган озиқ-овкат!..

Мен буларни олиб келиб, салқин ертүлага жойлайман, сўнгра майорнинг кийим-кечакларини дазмоллайман, хоналарни йиғишираман. Бунинг ҳаммасига кетса бир-икки соат кетади, колган вакт, майор айтганидек: пашша қўриб ётаман. Зериккан пайтларимда эса майорнинг дурбинини олиб, деразадан мағлуб генерал кулбасидаги ҳаётни, тўғрироги, мендан беш баттар зериккан кизларнинг шўхликлари-ю, жинниликларини кузатиб ётаман. Бир кун шу машғулотим устига майор кеп қолди. Мен унинг уйга кирганини сезмай қолибман, чунки икки үйинкарок кизнинг шўхликлари авжига чикқан, улар аввал бир-бировига сув сепишиб, роса қулишган, кейин жикка

хұл күйлакларини ечиб, яланғоч холда, кийимларини сика бошлаган әдилар. Умримда қип-яланғоч кизларни күрмagan, гүлгина кишилоқ йынгити – мен юрагим гурс-гурс уриб, энтикиб ёттан экайман, тұsatдан:

– Сен нима киляпсан үзи? – деган үктам овоздан сесканиб, сапчиб үрнимдан турдим...

– Ҳеч нима, үртөк... майор!

– Кани, дурбинни бу ёкка чұз! – буюрди майор.

Сүңг дурбин билан бир зум генералнинг кулбасига қадалиб турди-ю, мснинг ҳолимга тушиб колди. Қалтирок босиб ҳансирай бошлади.

– Оббо, куриб кетгурлар-эй! – деди у дурбиндан аранг күзини узиб. Қара, қандай нозик, хипча бел, гүзal! Айникса, каттаси. Худди... буқача талаб ғунажиннинг үзгинаси... Эркаксиз үлиб бүлганга үхшайди. Мен кеча “Смерш”да ишлайдиган оғайнимдан билиб олдим. Биз генерал деб юрган бу одам 1941 йили Америка флотини ер билан яксон килган денгиз жангларида қаҳрамонлик күрсаттан контрадмирал экан. Хотини үлибди. Икки қизи билан тураркан. Катта қизининг исми Чико экан, анави кичкина шайтончанинг исми Морико экан. Чиконинг эри комикадзе бүлган дейишади. Комикадзе деган сұзни әшиитғанмисан? Үзларини үлимга маҳкум эттан император учувчиларини шундай дейишган. Улар самолётлари билан үзларини Америка ҳарбий кемаларига ташлаб үлишган... Ё тавба!

Майор чукур хұрсаниб, торгина хонани бир айланиб чиқди-да, тұsatдан қорамтирил күзлари шұх чакнаб:

– Менга кара, оғайни, – деди энтикиб. – Бошларини айлантириб күрмаймизми, буларнинг? Кичкинаси ҳали ёш. Эпласанг китиқ патига тегиб, үйнашиб юришинг мүмкін. Лекин каттаси менбоп экан! Нима дейсан?

Эсимга штабдаги офицерларнинг шивир-шивир гаплари тушди: рус офицерларининг япон қиз-жувонлари

били алоказа бўлишлари қатъий ман этилган. Кимки, бу масалада қўлга тушса, шафқатсан жазоланади!..

– Бе-е, – деди майор беписанд кўл силтаб. – Чумчукдан кўрккан тарик экмас! Оллои таоло олдимиизга шундай бебаҳо неъматларни қўйиб қўйинти-ю, биз бу неъматни татиб кўрмасдан ўтиб кетамизми бу дунёдан! – Майор шундай деб хитоб қилди-ю, тўсатдан:

– Озик-овқатлардан нималаринг бор? – деб сўради.

– Ҳамма нарса! Сиз спиртдан бошка хеч нарсани истеъмол килмайсиз-ку, ўрток майор!

– Бўлмаса бундай қил! – деди майор гапимни бўлиб. – Бир кути топ! Унга бир-икки банка қуюлтирилган сут, бир-икки халта галет сол. Улар галетни ўлгудай яхши кўришади! Бир-икки дона колбаса сол! Унгача мен бир хат ёзиб қўяман.

– Улар тил билишмайди-ку? Қандай тушунтираман?

– Лапашанг. Шунча яшаб кўрмадингми? Опасининг миттигина русча-японча луғатлари бор. Доим қўкракларига босиб ўкиб юришади-ку! Бор, буйрукни бажар!

Ертулага тушиб, картон кути топдим. Уни майор айтган ноз-неъматларга тўлдириб чиқдим. Хўжайним ҳамон жунбишда, бетокат кутиб ўтиради. У бир парча қофозни кўрсатиб:

– Ўкиб кўр! – деди. – Сендан яширадиган сирим йўқ!

Майорнинг хати бор-йўғи бир икки жумладан иборат эди.

“Чико Сан! Мен сени севаман. Жуда-жуда севаман! Кечаси қоронғи тушганда кутаман. Келмасанг ўлиб коламан. Сени қаттиқ қучиб, майор Миша Ногов”.

– Қалай, боплабманми?

Майор тор хонани бошига кўтариб хушнуд кулди.

– Ўтмиш тажрибамдан биламан: бунақа хат олган бирорта қиз-жувон рад этган эмас! Сен жўжахуроз бу ишда нимани ҳам тушунасан? Бирорта қизни ўпганимисан ўзи? –

Майор ўзига ярашган ингичка мўйловчасини силаб, яна
ках-ках отиб кулди. Энди бундай киласан, огайни! Кут
тичангии анов арчанинг тагига яшириб қўясан-да, анави
кичкина шайтончани имлаб чакирасан.

– Генерал қўриб қолса-чи?

Қўриб қолганда нима киларди сени? Рус офицери япон
кизинга ошиқу бекарор бўлганидан ифтихор қилсин бу пати
юлингани кари хўроз! Опаси билан менинг орамда почтальон
бўлиши керак бу муғомбир шайтонча! Агар шунга
кўндира олсанг – хўп-хўп! Кўндира олмасанг штабдан
хайдаб юбораман! Юрасан машкларда кечаю-кундуз ер
эмаклаб! Бор, жанговар буйруқни бажар! Ана, ўзим бил-
гандай ҳовлидан чикиб, арчаларга сув сепяпти! Никоҳлаб
бераман уни сенга!

Ҳакиқатан, миттигина Морико кўлида узун шланга,
ялангоёқ, енгиз ичкўйлак ва калтагина трусиқда арчалар-
га сув сепмоқда эди.

Ҳакиқатан, умримда кизлар билан эркин муомала қип
кўрмаган содда йигитча, юрагим патир-путур қилиб ҳов-
лига чиқдим. Кутини биз томондаги арча тагига қўйиб,
Морикони имлаб чакирдим. Чакирар эканман мен негадир
уни хуркиб кочади, деб ўйлаган эдим. Морико эса кўлида-
ги шлангни отиб юборди-да, дик-дик сакраб, чопкиллаб
ёнимга келди (чамаси, опа-сингиллар биздан мана шу-
нақа бир ишорани кутиб юришган экан-ов). У шундай якин
келдики, мен қизнинг енгил нафасини туйдим, ичкўйлаги
тагидаги эндингина туртиб чиккан қўкраклари қўксимга те-
гиб, вужудимдан ут чиқариб юборди. Унинг хиёл қийғоч тим
кора қўзлари кулиб турар, қўз корачикларининг ўртасида ал-
лақандай тилла нукталар офтоб зарраларидай ялтилларди.

– Бу сенга, – дедим мен кутини очиб.

Морико қиқирлаб кулди.

– О-о, жуда кўп-ку! – деди у рус сўзларини японча та-
лаффуз килиб. Унинг кулгиси ҳам, рус сўзларини бузиб

талаффуз қилиши хам эндиғина тилга кирған гүдакининг бидирлашидай ёкимтой эди.

– Бу эса онангта, Чикога! – дедим майорининг хатини узатиб. – Сир эмас! Хохласанг, ўқиб кўришининг мумкини!

Морико хатни олиб, кўз югуртириб чикди-да:

– Мен ҳозир, ҳозир! – деганича чопкиллаб ҳовлилари томон кетди. Ҳакикатан янгилишмаган эдим, опа-сингиллар анчадан бери биздан ишора кутиб юришган экан, чамаси! Майор деразани очиб:

– Нима бўляпти ўзи? – деб сўради бетокат булиб.

Беихтиёр кулиб юбордим.

– Шошманг, ош пишяпти. Опаси билан гаплашгани кетди!

Морико зум ўтмай японча-русча сўзлашгич-лугатни кўкрагига майин босиб қайтиб чикди. Бу сафар у боягидан хам кувноқ, чехрасида болалик шўхлиги барк уриб турарди.

– Опам рози, – деди у бир менга караб, бир сўзлашгич-дан сўз кидириб, – факат бугун эмас, кейин, эртага.

– Нега?

– Чунки... – у яна сўзлашгични вараклади. – Чунки... қиз бола дархол рози бўлса... уят бўлади! – У болаларча кувноқ кулди-да, кутичани енгилгина кўтариб олиб, дик-дик сакраганича ҳовлилари эшигига ғойиб бўлди.

Оғзим қулогимда майорнинг олдига чопдим. **Майор** гапимни эшитиб дарғазаб бўлди.

– Нега бугун эмас, нега эртага келаркан? – бакирди у. – Жанговар вазифани яхши бажара олмадинг, биродар! **Бор**, кайта гаплаш! Ана, кичкина яна сув сепяпти. Унга айт, ту-шунтир! Бугун келмаса командирим ўлиб қолади, де!

Бу сафар Морико менинг гапимга хомушгина **жавоб** берди.

– Майли, айтиб қўраман опамга! – У истар-истамас кайтиб чикди.

– Майли, капитан үлиб қоладиган бұлса... үлиб колмасин бечора, чикаман, деди опам! – Морико шұх кулганича қочмоқчи бұлди, ялангоч билагидан шап ушладим.

– Сен ҳам кел, Морико, келасанми? – ҳаяжондан нафасим бүғилиб сұрадым ундан. У құлини тортиб олмасдан:

– Нима қиласыз? – деди күзлари кулиб.

– Гаплашиб үтирамиз.

– Бор-йүғи шуми?

– Агар рози бұлсанг... рози бұлсанг, битта үпаман.

Морико тим қора қисиқ күзларини үйнатиб:

– Йўқ, менга үпишиш мүмкін әмас! – нозланди Морико.

– Нега?

– Чунки... чунки мен кичкинаман!

У шундай деб кафтини елкамга қўйди.

– Мен ҳам сендай бўлганимда үпишишим мүмкін!

У хандон отиб кулди-да, құлини қўлимдан юлиб олиб ура кочди.

Бу сафар майор хурсанд бўлиб:

– Мана бу бошқа гап, солдат! – дея елкамга қоқди. – Лекин қачон келаркин? Соатини айтмабди-да!

– Соатини нима киласиз? Коронғи тушганда кела-ди-да? Сабр килинг пича!

– Бор, бор, ишингни қил! – деди майор. – Ётиб хурракни отавер, ишинг бўлмасин биз билан.

Шунча саъй-ҳаракатларимдан кейин қандай ишим бўлмас экан?

Мен майорнинг ўз хонасида кафасдаги шердай бетиним одимлашига кулоқ солиб, узок ётдим. Коронғи тушди ҳамки, Чикодан дарак бўлмади. Ўзимни чалғитиш учун аста-секин Морико ҳакида ўйлай бошладим. Ўйлашим билан дилимни офтобдай ёруғ бир туйғу чулғаб олди. Мен

негадир унинг бугун бўлмаса ҳам эрта-индин келишига амин эдим. Агар келса... нима бўлади, нима киламан-а? – бу саволдан юрагим йўнааб, вужудимни титроқ босарди...

Ширин хаёллар оғушида донг котиб уйкуга кетибман. Эрталаб майор кўрпамдан тортқилаб уйғотди.

– Сен меңга хизматормисан ё мен сенга малайми? Туш бўлди-ку, дангаса! – майор ёш боладай ишшайиб турарди.

– Чико Сан келдими, ўрток майор?

Майор мўйловчасини силаб, масхараомуз кулди.

– Келдими эмиш! Ҳозир кетди! Шундай мулойимики, ипак дейсан. Нак урғочи мушук дейсан! Қўлингда ипакдай эшилади-я, кизғар! Йўқ! – соchlарини тўзғитиб бошини силкиди у. – Камина умримда ис-не гўзалларни кўрганиман. Ўзимизнинг рус марускаларини дейсанми, хоҳлушкиларни дейсанми, полячкалару немкалар дейсанми? Факат сенинг ўзбек кизларингни татиб кўрмаганман! – деди у – чамаси, мени хурсанд қилмоқчи бўлиб. – Тошкентда хизмат килганимда кўп ҳаракат килганман. Бироқ хеч нарса чиқмаган! Бизнинг марускалар ҳамма билан юраверишади. Ўзбек билан ҳам, грузин билан ҳам! Аммо сенларнинг қизларингни тузофимга илинтира олмадим. Лекин ўйлайманки, улар ҳам японкаларга тенглаша олмайди. Булар батамом бошқача бўларкан... Хўп, майли!

Майор гўё ўз гапларидан ўзи хижолат чеккандай каттиқ томок кириб олди.

– Энди бундай қиласан, – деди у буйруқ оҳангода. – Куриб кетгур Чико спирт ичмас экан. Бир-икки шиша вино топиш керак, дўстим! Сен бугун штабга ҳам бормай қўякол. Тўгри омборхонага чоп. Омбор мудирига айт, майор юборди де! Ерининг тагидан бўлса ҳам бир-икки шиша вино топиб берар экансан, де! Агар топиб бермасанг... мана бу ерингга, – майор кетини шапатилаб хоҳолаб кулди. – Тепар экан, де! Жанговар вазифа аёнми, оғайни?

– Аён, уртоқ майор!

– Аён бұлса... буйруқни бажар! Уйларни йиғишиштир. Эхтимол, кичкинанғи күндиарсан. Эхтимол, у ҳам келар кечкурун. Агар келса... иккимиз божа бұламиз!

Майор хушчақчак кайфиятда штабга кетди. Мен дархол дурбинга ёпишдім. Йўқ, на Чико күринади, на кичкина! Шундай бұлса ҳам үша куни рүй бериши мүмкін бұлған totли онлардан юрагим халқириб ишга киришдім. Уйни йиғишиштирудім, аввал майорнинг, кейин үзимнинг кийимларимни дазмолладім. Сұнг тұrvамни күлтиқлаб омборхонага чопдім. Омбор мудири майорнинг кадрдан ошнаси әди. У гапимни әшитиб:

– Полк командирига олиб қуйган бир-икки шиша виңом бор әди. Сұраб колса нима қиламан? – деб тұнғиллади. Бирок йўқ деёлмади. Шишаларни қалин қоғозға үраб берди, бераркан:

– Нима бало, бирорта япон қизи билан топишиб қолмадими хұжайининг? – деб сұради.

– Йўқ, оғайнингиз япон қизға каармиди, – дедім гапини чұрт кесиб, – биласиз-ку, дүсти-биродарлари күп. Ҳар куни кечкурун йиғилишади. Маишат!

– Сен бола унга қараб юр. Жиннилик қилмасин. Қатыи буйрук бор. Япон қиз-жувонлари билан илакишиб қолған офицер... майор бұлмоқ тугул, генерал бұлса ҳам... – омбор мудири худди майорға үхшаб кетини шапатилади. – Мана бу еридан тепки еб, армиядан кувилади!

Омбор мудирининг гаплари бу қулогимдан кириб, у қулогимдан чиқиб кетди. Кайфим чоғ (хұжайинимнинг иккінчи жанговар топшириғини есть қиляпман), хаёлимда ҳамон үша: “Морико келармиカン, келса нима бұларкан?” – деган totли үй, икки шиша шаробни халтачамға уриб, уйға чопдім.

Морико әгнида кечаги енгил кийим, ялангоёқ, құлида жұмраги тешик идиш, деразамиз тагида гулларға сув

сепарди. Күнглимда ўша ишонч, шитоб билан югуриб олдига бордим.

– Морико, юр, олдимга кир!

Морико сув сепинидан тұхтаб, күзларимга тикилди.

– Нима қиласыз?

Морико лабларига ноз аралаш муғомбирона табассум югарди.

– Гаплашиб ўтирамиз.

– Курук гапдан нима фойда?

– Хұлиям бор, – дедим халтамдаги шишаларни күрсатиб.

– Мен шароб ичмайман! – деди Морико.

– Морико! – дедим ёлвориб. – Жоним Морико!

– Майли, – Морико ёкимтойгина илжайди. – Агар тег масанг кираман. – У шундай деди-да, гүё ғаройиб капа-лакдай лип этиб, уйимиз эшигидан кириб ғойиб бўлди.

Юрагим ҳапқириб орқасидан кирдим.

Бир зумда бояги журъатимдан асар ҳам қолмаганди.

Морико менинг хонамда, каравотимда ўтиради. Бир зумда унинг бояги ўйинкароклигидан асар ҳам қолмаган. Тим кора қийғоч күзларига аллақандай чукур мунг чўк-канди!

Ёнига ўтирдим.

– Сенга нима бўлди, Морико?

– Бу менинг хонам эди, – у чукур тин олди. – Ана у деворларнинг хаммасини ўз кўлим билан чизган суратлар, ўзим тиккан кашталар билан безатиб кўярдим...

– Нега уларни опкетдинг? – дедим, дедим-у, ўз саволимдан ижирғаниб кетдим.

Морико ялт этиб қаради, унинг мулойим чехрасида нафратга үхашаш совук бир ифода пайдо бўлди.

– Нега мен ўзим чизган расмларим-у, меҳр билан тиккан кашталаримни бизни хор қилган аскарларга қолдириб кетарканман! – деди у кутилмаган бир қаҳр билан.

Нима дейнешимни билмай талмовсираб қолдим.

– Морико, қүй бу гапларни...

– Тұхта – деди у хісл юмшаб. – Рұшарадаги хонада опам Чико эри билан туришарди, хұжайининг яшәтган хонада эса отам билан марҳұм онам турардилар. Эшик-деразаларнинг хаммасига чиройли дарпардалар осиб құядык. Тувакларда гуллар, хоналарда кимматбақо түқима столлар, креслолар бұларди. Энди хамма ёк шип-шийдөн...

Мен унинг қизларга хос нозик, нимжон елкасидан күчдим.

– Биз солдатлармиз-ку, Морико. Солдатларда нима ҳам бұлади? Ундан құра битта үптири.

– Қўйиб юбор, – деди Морико.

– Қўйвормайман. Бигта үпаман!..

– Қўйвор, – деди у кимир этмай... – Билиб қўй, мен жуда кучлиман. Ишонмайсанми? Мана! – у бир талпинди-да, худди ҳұл балиқдай сирпаниб, кучоғимдан чиқиб кетди ва болаларча севиниб күлди. – Билиб қўй, мен Порт-Артур шаҳар гимнасткалари орасида биринчиликни олганман. Ишонмайсанми?

– Ишонаман, ишонаман, Морико...

– Яна билиб қўй, гўзал қизлар мусобақасида ҳам биринчи үринни әгаллаганман! Дипломим бор! – деди у яна үша болаларча ёқимтой ғуур билен. – Мана, кара! – Морико шундай деди-да, турған жойида бир сакраб боши шинга теккудай балаңдликка күтарили. Сўнг аллакандай чексиз гўзал бир харакат билан ҳавода чир айланди-ю, дик этиб олдимга тушди. У қўзлари ёниб, кулиб турар, үзиям тенгсиз сулув, тенгсиз ёқимтой бир кизчага айланган әди.

– Морико, сен Порт-Артур эмас, жағон гўзаллари мусобақасида ҳам гўзаллар гўзали, деган ном оласан ҳали! Ке, үтири!

– Тұхта! – деди у. – Қўлингга эрк берма. Мен үзим сени үпид қўяман!..

У эгилиб, сал дүрдоқ, майни лабларини лабимга теккизди. Унинг лабларидан шакар қўшилган галст-пичинон мазаси, асал таъми келарди.

Назаримда, хонам, наники хонам, бутун жаҳон ажиб бир нурга тўлгандай туюлди-ю, кизнинг илтижоси ёдимдан чикиб, толчивикдай ингичка эгик белидан кучдим.

– Кўйиб юбор, солдат! – Морико худди боягидай аклбовар килмайдиган нозик бир ҳаракат билан балиқдай сирпаниб, кучофимдан чикди.

– Хайр, солдат! – У яна ўша болаларча қувнок овозда хандон отиб кулди-да, тағин ғаройиб капалак мисол ўзини эшикка урди. Мен дод деганимча ўрнимда колдим, кимир этишга мажолим қолмаган эди.

Шундан кейин бир ҳафтами, ўн куни мен учун Мориконинг шўх қиликлари, ёқимтой эркаликлари, асал таъми келадиган, нурга тўлган ажиб кунлар, майор учун эса тўйга айланган тунлар бошлианди. У хар куни эрталаб олдимга кирап ва мўйловчасини бураб, бир хил гапни такрорларди.

– Йўқ, бу япон кизларига тенг келадиган кизлар йўқ! Мен жуда кўп жононларни кўрганман, лекин бунақасини кўрмаганман! – деб хитоб киларди. Ва у хар куни бир хил савол берарди.

– Хўш, сенинг ишларинг нима бўляпти?

– Ёмон эмас, ўртоқ майор...

– Упишдан нари ўтдингми?

– Йўқ, ўртоқ майор...

– Латта! – дерди у бошимдаги пилоткамни юзимга ишқаб. – Баттар бўл, лапашанг!

Афсус, оламни нурга тўлдирган бу галати кунлар нари борса бир ҳафта-ўн кун давом этди-ю, кутилмаганда тақатак тўхтади. У бамисоли осмону фалакни қалдиратиб келган момақалдироқ, бамисоли чеълаклаб куйган жаладек келиб, жаладай бирдан тўхтади-колди. Чамаси, генерал

хамма нарсадан воқиға бўлган-у, кизларини камаб қўйган эди. Соч-соқоли ўсиб, увада кийимларга ўраниб олган де-вонасиғат генерал баъзан-баъзан ҳовлисида танҳо кўриниб колар, у ёқдан бу ёкка телбаларча айланаркан, биз томонга ёвқараш қилиб қўярди.

Майор бир кун чидади, икки кун чидади, учинчи кун кечкурун ширакайф холда кириб келди. Фазабдан қорайиб кетганди.

– Мияси айнигах бу чол нима қиляпти ўзи? – деди у дурбинни қўзига тутиб. – Қизларини ертўлага қамаб қўйганми? Агар бугун ҳам уларни қўйиб юбормаса... Кечаси отиб ташлайман бу ифлосни!

Майор шундай деб ғижинди-ю, тусатдан:

– Ие-исе, каёкка отланди бу телба чол? – деб хитоб қилди, – генераллик лиbosларини кийиб опти-ку? Ким рухсат берди унга.

Шу пайт генералнинг ғариб кулбасини тўсиб турган катор арчалар орасидан генерал ўзи чикиб келши. У ғовлаб кетган соколини киртишларкан, эгнида қақиқатан ҳам генераллик кителни, бошида япон герби қадалган фуражка, оёғида ялт-ялт этган этик эди. Генерал биз томонга қарамасдан, қовоғини уйганча, бошини кулгили даражада мағрур тутиб, эшигимиз ёнидан ўтиб кетди.

Майор елкамга шапатилаб буюрди:

– Чоп, болтани олвол! Агар ергўласининг эшигини кулфлаб қўйган бўлса... Қулфини бузиб бўлса ҳам, камоқдан чикар қизларни!

– Аввал разведка қилиб қўрай-чи! – деб генералнинг ҳовлисига қараб кетдим. Қулфни бузишнинг ҳожати бўлмади. Ҳовлига яқинлашиб қолганимда уйдан “лип” этиб Морико чикди, чикди-ю, қўлимдан “шап” ушлаб, ўнг томондаги қалин арчазорга шўнғиди:

– Юр, тезрок, отам кепқолмасин!

Юзимга арча тиканлари игиа булиб санчилди. Биз ар-чазорнинг охиридаги кафтдеккини очиқ жойда тұхтадик.

Офтоб ботған, аммо күп хали ёруғ, дengiz томондан майин шабада эсади. Мориконнинг юзи бироз сұлуккан, у энтикар, оғир-оғир нафас оларди.

— Биз бугун видолашамиз! (прошай-прошай киламиз), — деди у.

— Нима бұлды үзи? Нега тұсатдан прошай-прошай ки-ласанлар? Опанг Чико кани?

— Чико ҳозир командирингга боради. Бир минутта бо-ради. Прошай-прошай килгани боради! Морико күз ёшила-рини арта-арта бұлған вокеани гапириб берди. Уннинг айтишича, генерал ҳамма воксадан вөкиф бұлған. “Мен ким, палончи жанговар генералнинг кизлари үз оталарин-нинг ғурурини ерга уриб, душманим офицерлари билан юрса... бу қандай шармандалиқ, ундан күра оталаринг-ни үлдириңглар, топтанглар! — деб нола килган. — Мен бу шармандаи-шармисорликни күтара олмайман, мен рус офицерининг бошликларынга бориб, бор вокеани айтиб бе-раман, уни армиядан ҳайдатаман. Мен биламан, улар рус офицерларининг япон кизлари билан юришини қатый тақиқлашган!”

Генерал шундай деб бақириб-чакириб бугунгидай ге-нераллик лиbosларини кия бошлаган. Шунда Чико ҳам бақириб: — Ота, агар сиз бу ишни қилсангиз, мен шу бугун кечаси үзимни анов арчага осаман! — деб фарёд килган. Шундан кейин ота-болалар күчоклашиб узок йиглашган, опа-сингиллар рус офицери билан қайта учрашмасликка вайда беришган. Бу гапдан кейин генерал япон ваколат-хонасига бориб, юртларига тезрок жұнатишиларини ил-тимос килган. Улар эрталаб поездда Далинин деган катта портга боришади. Портда япон ҳарбийларини олиб кета-диган улкан кемага тушиб, үз элларига, Японияга кети-шади...

– Ҳозир сен билан видолашамиз... прошай-прошай киламиз!

Морико шундай деди-да, упкаси тұлиб, үзини күчогимга отди, күз ёшлари билан ювилган майин юзини юзимга босиб:

– Үп! – деб ёлворди. – Истаганингча үп мени!

Олдинги сафар галет таъми келган іопка лаблари күз ёшларидан шүр эди. Мен ҳам унинг ҳолига туша бошланған, томогим хиппа бүғилган эди.

Морико үнг кўлимни қўкракларига босиб:

– Силаб кўй! – деб ингради. Унинг мигти қўкраклари ҳам каттиқ, ҳам майин эди. Қўлларим тегиши билан Морико худди оғир уйқудан уйғониб кетгандай, кўзларини катта очди-да, нозиккина сирпаниб қучогимдан чиқди.

– Сенларда!.. Русча эмас, сенинг тилингда севганини, жуда-жуда севганини нима дейдилар? – сўради у ҳамон титраб.

– Жоним дейишади, жонгинам дейишади.

Морико үзини арчалар орасига отди. У ердан унинг иифи аралаш:

– Хайр, жоним, жонгинам! – деган овози келди...

... Чамаси, Чико келиб кетганды, майор ўз хонасида тўқима креслода боши ҳам, мунғайиб утиради, олдида бир банка спирт билан бир буханка кора нон туради. У менинг кирганимни сезиб, хира кўзларини очди.

– Бундай, оғайни! – деди у менга мастона тикилиб. – Улар эрта тонг жўнашар экан. Сен анов дераза тагидаги гуллардан икки гулдаста тайёрла. Эртага поездга чиқиб кузатиб қўямиз.

– Қандок бўларкин, ўрток майор? Ахир таниқли офицерсиз, штаб бошлиғисиз.

Майор куличкашлаб столни урди. Спирт қуйилган банка, бир бўлак кора нон қурбақалардай дик-дик сакраб, полга тушди.

– Менинг нима бўлишим билан ишинг нима сен чурвақанинг? Бор, буйрукни бажар!

Вокзал узок эмас, уйимиз билан унинг оралиги нари борса, бир чакирик келарди. Майор мени уйғотганда, атроф-теварак гира-шира эди. Чамаси, Мориколар кетиб булишган эди. Афтидан, японларни кузатиб күйиш қатынин такиқланган булса керак, перрон бүм-бүш эди. Аммо вагонлар Порт-Артурни ташлаб кетаётган оиласалар билан тұла, болалар кий-чув килишган, аёллар бир-бировларини қучиб үйғлашар эди.

Мориколар паровоз якинидаги учинчи ё түртінчи вагонга жойлашган эканлар. Генерал күринмас, опа-сингиллар, чамаси, биз билан видолашиш умидида дераза олдида типпа-тиқ турардилар.

Бизни күриб иккови ҳам чехралари гүё бирдан офтоб чиққандай ёришиб, дераза ойналарини туширдилар. Чико гулдастага юзини яшириб, хұнграб юборди. Морико эса... Морико бола эмасми, күзлари жикка ёш, кулиб турарди. Биз бир-бирларимизга бир оғиз ҳам сұз айтишга улгурмадик, паровоз узок чинқириб, үриидан жилди.

Чико ҳамон үйғларди. Морико күз ёшларини артиб күлини силкитди.

– Сизларда севишганлар бир-бирига нима дейди, дегандинг? – қичкирди Морико.

– Жоним, жонгинам дейнешади, Морико.

– Жоним! – деди у. – Алвидо, прошай, прошай, жоним!

Охирги вагон муюлишда ғойиб бүлди. Биз жимгина одимлаб бирдан бүшаб қолган перрон бүйлаб кетдик.

Перроннинг охирига бориб қолганимизда орқадан:

– Майор! – деган катъий, дағал овоз эшитилди.

Баланд бүйли подполковник билан иккى кичик офицер шитоб яқинлашиб келарди. Улар ёнимизга келиб, бизни куршаб олишди.

– Сен, солдат, – деди полковник. – Полкингга қайтавер. Майорнинг уйига эмас, полкингга, тушундингми? Сиз эса, майор (у үрткө демади фақат майор деди), биз билан юрасиз!

Майор масхараомуз гоз туриб:

– Есть, сиз билан юраман! – деб кафтини чаккасига тиради.

Подполковник ўз офицерлари билан майорни қаёқкадир олиб кетди. Мен полкка эмас, майорнинг уйига қайтдим. Майор кечқурун кош корайганда кайтиб келди. Унинг елкасидаги погонлари йўқ, ўзи эса ширакайф эди.

– Энди бундай, оғайни, – деди у елкамни қучиб.– Эрталаб полкингга борасан, учинчи батальон, тўқизинчи ротада хизмат қиласан. Лекин мен батальон командирига тайинладим: яхши йигит, саводи жойида, дастхати ҳам чиройли, дедим. Эҳтимол, батальон штабига олишар!

– Сиз-чи? – дедим, – сизнинг тақдирингиз нима бўлади?

У соchlарини силкитиб ғамгин кулди.

– Менинг тақдирим! На тўрт йил урушда қилган хизматларим, мақтаниб айтай, кўрсатган қаҳрамонона ишларим, на немис акопларининг сим тиконларини кесиб ўтиб елкамда судраб ўтган асиirlарим... бирортаси инобатга ёлинмади! Мени армиядан ҳайдашди. Ажабо: севгим чун ҳайдашди! – асабий кулди у. – Энди нима қиласман? Узок Шарқка кетаман. Бирорта савдо кемасига матрос бўлиб ёллансан ҳам, кема ўтхонасига кўмир отиб турадиган кочегар бўлиб ишласам ҳам, Японияга бораман. Чикони излаб топаман. Эҳтимол ўша томонларда ўлиб кетарман. Хўп, бор, ухла, мен жуда чарчадим, оғайни...

* * *

Биз Интерконтинентал меҳмонхонасининг кўркам фойе-сида учрашдик. Одам гавжум, чамаси, бу жой хориждан келган кўп тадбиркорларнинг иш масканига айланган. Одам кўп бўлса ҳам, мен фойега кадам қўйишм биланоқ ўнг қўлда музкаймок еб ўтирган эр-хотинга қўзим тушди. Японларнинг ёшини билиш қийин. Кексалари ҳам баъзан ёш кўринади. Жаноб миллионернинг соchlарига ҳали қиров кўнмаган,

коп-кора булиб ялтиллаб турар, узи салобатли, вазмии кўринар, бурнига тилла бандли кўзойнак кўндирган, ёгнида кимматбаҳо қора костюм. Хоним эса... калта қиркилган қулранг соchlарининг ўргасидан, кок пешонасидан оркага тараалган бир тарами қизғиш рангга бўялгани учунми, галати кўринар, упа-эликдан моҳирона фойдаланса керак, юзида битта ҳам ажин йўқ, сип-силлик, факат қулганда (буни мен кейин сездим) лабларининг четларида билинар-билинмас ажинлар пайдо бўларди. Эгнидаги кийимлари ҳам оддийгина, оёғидаги туфлиси ҳам жўнгина, факат ўнг билаги ва бармокларида ёкут кўзли йирик узук ва билакузуклар ялтилларди.

“Бу уша Морикоми ё бошқа бир нозанинми?”

Яқинлашар эканман, хоним ўрнидан туриб, нозик оппок қўлини чўзди. (Митти Мориконинг митти кафтлари).

– Жаноб фалончи?

Тасдиқ маъносида бош эгдим.

– Марҳамат, ўтиринг, – деди хоним.

Русчани тузуккина гапирав, факат талаффузи ўша-уша, ёқимтой эди.

Мен ўгиришим билан жаноб миллионер хонимга бир нарса деб ўрнидан турди.

“Эримнинг ишлари кўп, сиздан узр сўряпти”, – деди хоним.

Биз ёлғиз қолдик. Хоним ҳануз ёдимдан чикмаган дилбар қизчага бир ўхшар, бир ўхшамас эди... Унинг ҳамон тийрак, тим кора кўзлари ҳануз чақнаб турар, факат кўз қорачигида тилла заррачалари сўнган эди.

Гапимиз ковушмас, менгина эмас, хоним ҳам ўзини ноқулай сезарди. Ўртага чўккан ноқулай сукунатни бузиш истагида Чикони сўрадим. Хоним оғир хўрсинди. Чико бултур оламдан ўтибди. У бошқа эр килмапти. Генералнинг ўлганига эса 10–15 йилдан ошибди. Мен майорни сўрадим, бормадими дедим, дедим-у, хижолат чекдим.

Хоним қошларини чимириб:

— Майор? — деб сўради ва кулди. — Руси капитан?
Яхши одам эди.

— Бормокчи эди, Чикони излаб бормоқчи эди.

Хоним маъюс жилмайди.

— Ёшлик хаёллари! Эртак!

Кўнглимдан беихтиёр: “Нима қилардингиз келиб, хоним, нима қилардингиз ачов булокдай тиник эсадалик-ларимизга раҳна солиб?” — деган фикр ўтди. Хоним гўё менинг ўйларимни пайқагандай чуқур тин олди-да, ҳазин жилмайди. Шунда у ўша, бир неча дақиқага бўлса ҳам, оғир солдатлик ҳаётимни ажиб бир нурга йўғирган митти Морикога жуда-жуда ўхшаб кетди-ю, ичимда ўз ўйларимдан хижолат чекдим. Ахир ким билсин, эҳтимол, бу хоним ҳам ўша ёшлик эсадаликлари сабаб мени йўқлаб келгандир? Эҳтимол, ўша беғубор, мусаффо туйғулар гоҳо-гоҳо унинг дилига ҳам қуилиб келгусидир. Гуноҳкорларча бош эгиб, эр-хотинни меҳмонга чақирдим. Морико хоним японларга хос такаллуф билан ташаккур билдири ва узр сўради. Эр-хотин Самаркандга, сўнгра Бухорога кетаётганликларини айтди. Қайтиб келганларидан кейин кўнғироклашадиган бўлдик. Аммо на у телефон қилди, на мен.

Севимли ёзувчиларимдан бири Чеховнинг “Болаҳонали уй” деган гўзал ҳикояси бор. Унинг қаҳрамони, агар янглиш-масам, ёш студент ёзги таътил чоғида узоқ қариндошларининг чорбоғига меҳмон бўлиб боради. Қариндошларининг иккита кизи бўлади. Каттаси Вера жуда чиройли, аммо эрга чиколмаган, баҳтсиз қарикиз. Икки ёш бир-бирларини севиб қолади. Бирок баҳтсиз опа баҳтли синглисига ҳasad қилиб, бир кечада уни олиб қаёққадир ғойиб бўлади.

Ҳикоя қаҳрамоннинг “Қайдасан, Морико?” — деган ноласи билан тугайди.

9 май, 2001 йил

ХИКОЯ





СОКОЛ

Фронтда мард үғлон, тинчлик чоғида
құли гул инсон, уста Умрбек отага бағишлайман.

Муаллиф

“Хунар-хунараст, беҳунар хораст”... Хунар демокчи
қизик бир ҳангома эсимга тушиб кетди, бекор үтиргандан
күра айтиб берай, ука.

Қирк учинчи йилнинг куз ойлари фронтта тушдим.
Ерда кор йўқ хисоб, аммо совук-чи, туф десанг тупук ерга
тushmanайди.

Биз борадиган куни тонготарда каттиқ жанг булиб,
душман ашқол-дашқолини ташлаб қочган экан, қувиб ке-
таётгандарга қўшилиб, биз ҳам қувиб кетдик.

Елкамда милтиқ. Аммо-лекин взводимизда битта
станковой пулемёт бор эди, навбатма-навбат судраймиз,
сабаби пулемётчиларнинг ўзларига ташлаб қўйсангиз, ро-
тадан қолиб кетасиз.

Бир маҳал денг, пулемёт тушмагурнинг бир ғилдираги
ғилдирамай қолса бўладими!

Пулемёт шунчаки бир буюм эмаски, уни саккиз булиб
кўтарсангиз, ҳар бўлаги салкам икки пуд келади. Взводда
десангиз, ҳаммаси булиб йигирма чоғлик солдат бор, ка-
рабсизки, куз очиб юмгунча навбат келиб турибди! Ҳаш-
паш дегунча ўпкамиз шишиб, текис жойда қокилиб қолдик.

Ҳар тўхтаганимизда пулемётчилар у ёқда колиб, пу-
лемётга взводу рота командиригача ёпишишади. Аммо си-
рини топишолмайди. Туркистон депосида ўн йил ишлаб,
килмаган хунарим колмаган, бир ўйим: у ёқ-бу ёғини бир

айлантириб кўрайми дейман-у, тағин ўзинг-ку, ротага хали замон қўшилдинг, билагонлик қилиб деб, ўпкамни босаман.

Бир маҳал рота командиримиз хуноби чикиб: “Техникани яхширок биладиган бирон одам борми? Ким шу пулемётни тузатса... бир котелок қўшимча шавла!” – деб қолди.

Таваккал қилиб даврага тушдим.

Аввалига ишонкирамай туришади-ю, бошка хеч ким отилиб чикмагандан кейин, қўйиб беришди.

Бундок ғилдиракни ушлаб айлантириб карасам, оркага айланади-ю, олдинга айланмайди!

Техниканинг тилини билганлар тушунади: жамики ғилдирайдиган нарсалар-да “самоторможение” дейдиган дард бўлади. Бир мурвати сал кийшайиб қолса бас, шу дарлга учрайди-қолади, яъни орқага айланса айланадики, олдинга айланмайди. Карасам, ўша самоторможение!

Дархол ғилдиракнинг қопқогини очиб, кийшайган мурватини штик билан тўғрилаб, қопқогини қайта ёпиб қўйдим: карабсизки, урчукдай айланиб турибди!

Солдатлар хурсанд, командир бўлса, бир котелок шавлани икки қўллаб тутиб турибди!

Гап шавлада эмас, ука, хунарда. Хунар бўлмаса ким билади, бир рота одам, канча одам овора бўлардик!

Шу-шу, бизни тез-тез йўқлаб келадиган булиб колишиди.

Масалан, бирорта посёлкадан фашистни қувиб чиқарамиз. Дархол:

– Электрнинг тилини биладиган монтёр борми? – деб суринтириб колишади.

– Мана, биз биламиз! – дейман.

Депода ўн йил юриб, килмаган ишим колмаган, ука. Монтёрликдан хам хабарим бор. Бориб, движок бўлса юргизиб, бирор шикаста бўлса, тўғрилаб бераман. Ҳамма хурсанд.

Бир маҳал тағин излаб келишади:

– Мотордан хабари бор одам борми?

– Мана, биз биламиз моторнинг тилини! – дейман.

Бориб қарасам, штабнинг машинаси катта йўлда пат-пат қилиб турибди. Уч ойлик курсни битирган ўн етти яшар шофёр – солдат капотни очиб, кўзини лўқ қилиб турибди. Ҳайдашни зўрға ўргангандан жўжахўроз моторнинг нозик тилини қаёқдан билсин?

Тагига кириб, устига чиқиб, у ёғини бураб, бу ёғини бураб, ғуриллатиб бераман. Қарабсизки, штаб бошлиги раҳматнома ёзилган буйруқка бир буханка нон қўшиб беради. У маҳалда бир буханка нон пиёда тугул, отликка ҳам йўқ.

Буйруқни чўнтақка жойлаб, бир буханка нонни ёр-биродарлар билан баҳам кўриб, шавла билан тушириб оламиз. Оғайниларим хурсанд. “Молодес-молодес, Набиев!” дейнишиб, ер-кўкка ишонишмайди.

Бир кун десанг, салкам тўрт соатлик артподготовкадан кейин бир ёқдан танқ, бир ёқдан пиёда аскар ҳужум килиб, душманни зўр бир истехкомдан қувиб чиқдик. Лекин истехкомнинг нарёғи катта дарё экан, тўхтаб қолдик. Мудофаага ўтилсин, деган буйруқ келди.

Урушда душманнинг бир иши мени ҳали-ҳали ҳайрон қолдиради, ука. Бир жойда мудофаага ўтадиган бўлса, худди беш кун уруш эмас, беш юз йил яшайдигандай иш килади. Ҳар блиндаж, ҳар ер – тўлаки, шохона қаср дейсиз!

Неча кун совук окопларда ётиб ях бўлиб қолган мендай солдатларга роҳатижон бўлди-қолди. Снаряд тушиб вайрон бўлган бир блиндажнинг у ёқ-бу ёғини тузатиб, ўртага гулхан ёқиб исиниб ўтирувдик, бир маҳал командир келиб қолди.

– Набиев борми?

– Шуттабиз, ўртоқ капитан!

– Печка тузатишни биласанми?

— Билгандың кандоқ, уртак капитан, гуриллатиб юборамиз!

— Қойил, Набиев! — деди командирим. — Билмаган хунаринг йўқ-а! Қани, юр!

Ўрмон оралаб, қалин қарағайзордаги бир блиндажга бордик. Бояги блиндаж хам блиндажми, кўриб оғзим очилиб копти. Сизга ёлғон, худога чин ука: тагига гилам түшаб, тўрига сим каравотлар қўйиб қўйибди фашист! Уртадаги столда денг товук гўшти-ю, очилмаган конъяк шишалари каторлашиб турибди. Фашистнинг ҳафсаласини айтаман: блиндажнинг бир томонини пишиқ гишт билан қалаб, девор печка қуришган экан. Бундоқ синчиклаб карасам, печканинг кони бошқача — корейс тандирининг конига ұхшаб, девор орасидан айлантирилиб ясалган экан, “Ҳа-а, бизнинг киши жон-жонингдан ўтиб кетган экан-да!” — деб кулдим-у, болға билан ҳар ғиштни битта-битта уриб, кон ўтган жойларни аниқлаб олдим. Кейин уч-тўрт жойдан тешдим. Қарасам, худди ўзим үйлагандай: артподготовка пайтида ғиштлар жойидан кўчиб, мўриси бекилиб қолибди!

Генералнинг солдати билан бирга мўрини тозалаб ўт ёқувдик, боя айтганимдай, гуриллаб кетди! Иккимиз хам хурсанд, печкани гуриллатиб қўйиб, гап сотиб ўтирувдик, бир маҳал дивизия командири келди. Ёши олтмишлардан ошган, нимжонгина бир генерал экан, гуриллаб ёниб турган печкани кўриб, яйраб кетди. Печкани мен тузатганимни эшитиб:

— Қани бўлмаса, устани бир меҳмон қиласлик, — деди солдатга. Консерваларингни оч, топганингни опкел!

“Меҳмон қиласлик” гапини эшитиб, биз хам очилиб кетдик, ука.

— Хўш, солдат, канакасидан ичсан? Немис конъягиданми ё ўзимизнинг арақданми? — деб сўраб қолди генерал.

– Ўзимизнинг арак яхши, ўрток генерал! – дедим.

Генерал бир кулиб қўйди-ю, катта стаканни тўлдириб узатди. Мен ҳам денг, кинодаги Соколовга ўхшаб, стакани битта қўтардим-у, консервага ёпишдим:

Генерал ўзи ҳам киттайгина отиб:

– Қаердан, қайси миллатнинг фарзанди бўласан? – деб сўраб қолди.

– Бояги шайтон ичга кириб, қонни қўпиртира бошлиди-да! Бир қизиқчилик килай деб, ўрнимдан туриб честь бердим:

Товариш генерал! – дедим русчалаб –

Я сын страны Узбекистан,
Где девушки цветут, как тюльпан.
Где виноград “дамские пальчики” растёт,
И веселый, храбрый народ живёт!

Генерал куламан деб котиб қолди.

– Алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик. Генерал мени тоза гапга солди, мен ҳам солдат латифаларимдан гапириб бериб, роса кулдирдим. Ахири оилас, болаларимни сўраган эди, яна қизиқчилик бўлсин деб:

– Саккизта болам бор! – деб юборувдим, генерал:

– Соқолинг бўлмаса ёш қўринасан-ку! – деди ҳайрон бўлиб.– Нечага кирдинг?

Элликка бориб қолдик, ўрток генерал! – дедим.

Соқолдан ўзим бехабар эканман, кечаси ойнага карасам, сокол жонивор тўрт энлик ўсиб, жингалак-жингалак буралиб туриди.

“Шошма, дедим ўзимча. Соқолда гап кўп. Яхшилаб парвариш қилиш керак буни!”

Шу кундан бошлаб соқолни пўрим қилиб, учларини қайчилаб тараб, парвариш қила бошладим. Соқол ҳам денг, парваришни жойига қўйиб, силаб-сийпаб тургандан

кейин бир гуркираб, ўсиб бердики, ҳаш-наш дегунча күк-ракка тушиб қолди.

Күриб турибсиз, ука, худо бўй-бастдан кам қилмаган. Бунинг устига, кўкракни тўлдирган кетмон соқол! Қарабисизки, ротада биздан басавлат одам йўқ. Бирпасда номимиз “отец” бўлиб қолди. Ёш солдатлар “отец, отец” дейишиб, ер-кўкка ишонишмайди. Окоп ковладиган бўлсак, отец, сиз дам олиб тулинг, ўзимиз қазиймиз деб, кўлдан белкуракни олишади, овкатга борадиган бўлсак, кани, отец, котелокни беринг, ўзимиз олиб келиб берамиз, деб ёлворишади. Соқол эмас, жоннингрохати!

Аммо-лекин соколни қўйишга қўйибмиз-у, бир нарсани хисобга олмабмиз: устав бўйича солдат соқол қўйишга ҳакки йўқ экан. Командирларимиз ҳам аввал бошда эътибор беришмаган эди, бир куни чакириб колишиди.

– Набиев, соқолингни олдир!

– Жон ўртоқ лейтенант! Жон ўртоқ капитан! Ўзбек халқида эркак зоти кирқдан ошганда соқол қўймаса гунох хисобланади. Нима десаларингиз майли, аммо-лекин соқолга тегманлар,— деб ёлвораман. Қўлимда хунар, бир гапларини икки қилмасдан “хўп бўлади”, деб честь бериб тураман, илтимосимни қайтаришолмади. Лекин бир-икки кун ўтмасдан яна чақиришди.

– Набиев, соқолингни комбат кўрибди. Бизга каттик танбех берди, олдирмасанг бўлмайди.

Яна ёлвораман:

– Жон лейтенат! Жон капитан, бир бало килинглар, — дейман. — Соқолни олдиришнинг сира иложи йўқ...

Хурматим яхши, ҳар қанака буйрукка “хўп” деб тураман, яна гапимни қайтаришолмади.

– Майли, боравер, аммо-лекин комбат кўриб колса, ўзинг жавоб берасан!

– Хўп, бўлади. Албатта ўзим жавоб бераман, — дедим. Қўйинг-чи, у бўлди-бу бўлди, орадан беш-олти ой

үтиб кетди. Бу орада биринчи номер пулемётчи бўлдим. Кўкракда қўш орден, сокол халигидака. Ҳурмат жойида. Хуллас калом, ишлар беш. Ўзимиз ҳам денг, фашистни зир югуртириб, чегарага яқинлаштириб қўйдик. Ўқтинг-ўқтин уч-тўрт кун дам беришади. Шундай пайтларда этикларни тозалаб, кийимларни чуткалаб, соколни қайчилаб, бундек атрофни айлангудек бўлсам, ёш солдатлар узокдан генерал келяпти деб ўйлашиб, честь бериб серрайиб колишади. Кейин оддий солдат эканимни кўриб, бирори кулади, бирори анграйиб қолади...

Бир кун, ўшанда ҳам бир ҳафталик қаттиқ жангдан кейин, уч-тўрт кун дам олишга чиқувдик, яна командир чакириб колди.

- Набиев! Энди соколингни олдирмасанг бўлмайди!
- Жон ўртоқ капитан!
- Ҳеч канана жон-пони йўқ! – деди командир. – Бу сафар сира иложи йўқ. Батальонни текширгани инспекция келаётганмиш. Комбат қаттиқ буйруқ берди.
- Ўша инспекцияга ўзим жавоб берсам-чи, ўртоқ капитан?
- Инспекция сени бошига урадими? Инспекция мана биздан талаб қиласди. Гап битта, Набиев! Командирнинг буйругини қайтариб бўлмаслигини биласан.
- Биламан, ўртоқ капитан, лекин...
- Лекин-пекини йўқ. Ҳалиям шунча пайтгача сени ҳурмат килиб, шунча қўйиб бердик. Буйруқни бажармасанг гаупвахтага тушасан, уқдингми?
- Уқдим, ўртоқ капитан, лекин...
- Яна лекин дейди-я! Сен гапга тушунасанми, йўқми? Бор, қўзимга қўринма!

Хайрият, “гаупвахтага марш!” демади. Ҳурмат килгани учун-да, бўлмаса фронтда командирнинг буйругини бажармай қўринг-чи, нима бўлар экансиз! Ўзим ҳам қилгуликни килиб қўйиб, командирни ранжитганимдан ўки-

ниб, окопга юзтубан тушиб ётувдим, бир маҳал капитан яна чақиририб қолди.

Бордим. Капитан юзимга қарамайды, хафа.

– Ҳозир комбат билан гаплашдим, Набиев. Эртага күрикка чиқасан. Агар инспекция күриб қолиб, соқолингни нега олдирмадинг деса... жон полковник, жон генерал деб ўтирумайсан. Буйрукни бажармадим дейсан, вассалом. Бошқа гап айтмайсан! Үқдингми?

– Үқдим, ўртоқ капитан!

– Үқдим дейди-я! Нима бўлишингни биласанми үзинг?

– Майли, ўртоқ капитан. Бошга тушганни кўз кўрар, деган гап бор бизда...

– Кругом, марш! – деди капитан.

Командирнинг олдидан чиқиб, ўйланиб колдим. Шу битта соқолни деб, бошим балога қолмаса эди дейман-у, уни олдириб ташлашга кўзим қиймайди. Нега десангиз, үзиям соқолмисан соқол эди-да, ука. Ҳозирги соқол ҳам гапми: нақ қўкракка тушган, хўп кўркам бир сокол бўлувди-да, иним! Гапнинг пўскалласи, соколни олдиришга кўзим қиймади-ю, таваккал қилиб ҳозирлик кўра бошладим: кечаси билан ухламай этикларни кўзгудек қилиб ялтиллатдим, тугмаларини ишқалайвериб, олтиндек чараклатиб юбордим. Хуллас қалом, эрталаб пилоткани пешонага кия қўндириб, орден-медалларни жаранг-журунг қилиб, мўйловни бураб, соколни тараб, кўрик бўладиган жойга чиқиб бордим.

Ўрмоннинг орасида бутун батальон рота-рота бўлиб саф тортиб турибди. Бир маҳал инспекция ҳам келиб колди. Машиналардан ҳали тушишяпти, ҳали тушишяпти, охири кўринмайди. Бир рота одам, денг! Энг кичиги майор бўлмаси ҳаммаси полковнигу генераллар!

– Ё худо, ўзинг обрў бергайсан! – деб турибман ичимда. Биз баъзан у-бу деймиз-у, ука, аммо-лекин гоҳо одамнинг тилаги рўёбга чиқиб колади. Бир пайт бундоқ тикилиб қа-

расам, роталарни битта-битта куздан кечириб келаётган инспекциянинг бошликларидан бири – ўзимизнинг командиримиз! Уша қишида печкасини тузатиб берган кекса генералим!

– Э худо, ишқилиб, ўзинг омадимни бергайсан! – дейман ичимда.

Бир маҳал олдинда келаётган генерал мени кўриб қолди, кўриб қолди-ю, ковоғини солиб комбатга қаради.

– Бу солдат нега сокол қўйган? Ким рухсат берди унга?

– Бу солдатга сокол қўйишга хеч ким рухсат берган эмас, ўртоқ генерал! – деди. – Биз унга соколининг кириб ташла, деб неча марта айтдик, аммо кириб ташламади. Ўзи яхши солдат-у, аммо... буйрукни бажармади, ўртоқ генерал!

Генерал хўмрайганча менга қаради:

– Сен нега буйрукни бажармадинг? Қанака солдатсан? Кимсан ўзинг?

Мен бир қадам олдинга чиқдим, честь бердим-у, овоздимнинг борича:

– Товарищ генерал! – дедим русчалаб.

Я сын страны Узбекистан,
Где девушки цветут, как тюльпан,
Где виноград “дамский пальчики” растет
И веселый, храбрый народ живёт!

Генерал бундок тикилиб қаради-ю: “Э-э, сен уша устамисан?” – деб, хаҳолаб кулиб юборди.

Солдатлар ҳам ўзларини зўрға тутиб туришган экан, ўрмонни бошларига кутариб кулиб юборишса бўладими! Бўлди кулги, бўлди кулги. Дивизия командирининг кулганини кўриб, ёnidаги генерал ҳам хаҳолаб юборди. Ўзиям шўх одам экан, соколимни кўрсатиб:

– Мен бўлсам, солдатларнинг орасида бу генерал нима килиб турибди, деб хайрон бўлибман, – деб кулади шоввоз!

Ахири дивизиямиз командири комбатга караб:

– Бу одамин йўлга сололмаган бўлсангиз, дивизия штабининг ихтиёрига юборинг! – деди. Ўзим гаплашиб кўяман бу солдат билан.

Эртасига ашқол-дашқолларимни кўтариб, дивизияга караб кетдим. Аммо омад келганини каранг, бир хафтадан кейин ундан ҳам юкорирокка, армия курол-аслаха устахонасига олиб кетишди. Елкамга “старшина”лик погонини такишиб, старший мастер килиб қўйишиди. Киладиган ишим бузилган курол-яроғларни тузатаман-у, генералнинг пистолетларини кўриб бераман! Обруйим шунчалик ортиб кетдики, Берлинга яқинлашганимизда ихтиёrimга битта мотоцикл бериб қўйишиди. Юраман миниб... Соқол дейсизми? Уша-уша хеч ким соқолга тегмайдиган бўлди. Э-ха, ука, уста аканг оёғида ғарч-ғурч хром этик, эгнида офицерлар киядиган шерстъ гимнастёрка, мотоциклни миниб, Берлин кўчаларидан утганимда, манман деган капиталистлар совет генерали келяпти деб честь бериб турарди! Ҳа!...

Аммо-лекин, ука, бунинг ҳаммаси ҳунар оркасидан бўлди. Ҳунар бўлмаса, бунака соқолу бунака иззат-икром каёқда. Ҳа, ота-боболаримиз: “Бир йигитга етмиш икки ҳунар оз”, деб бекор айтишмаган экан.

1968 йил

МУНДАРИЖА

Қиссалар

Қарнок.....	4
Излайман.....	87
Туртки.....	263
Музқаймоқ.....	264
Онаизор.....	287
Қайдасан, Морико?.....	301

Хикоя

Сокол.....	324
------------	-----

Адабий-бадиий нацир

Одил Ёкубов

ОНАИЗОР

Қиссалар ва ҳикоя

Ижодий гурӯҳ:

Мухаррир *Наби Жалолиддин*

Бадиий мухаррир *Иzzат Йўлдошев*

Техник мухаррир *Татьяна Харитонова*

Мусаххих *Умид Сапарова*

Саҳифаловчи *Сурайё Раҳиедова*

14.08.

Нашриёт лицензияси раками АI № 290. 04.11.2016

2020 йил 24 июнда босишига рухсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$, Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 17.64 шартли босма табок. 15,7 нашр табоги.

Алади 5000 нусха. 217 - ракамли буюртма.

Бахоси шартнома асосида.

Faafur Fулом номидаги
нашриёт-матбая ижодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кӯчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz



ОДИЛ ЁҚУБОВ ОНАИЗОР

Уруш балосини одамзоднинг ўзи уйлаб топган. У хайвоний инстинкт – зўравонлик, эгалик, куч билан, не қилиб бўлса-да, енгиш унинг “бош вазифаси”.

Ёзувчининг урушда иштирок этиши икки ҳисса фожиа. Зеро уни умр бўйи таъкиб қиласди. Урушда иштирок этишдан кўра у ҳақида ёзиш оғирроқ. Шунинг учун ҳам уруш курган, уни умр бўйи лаънатлаб, бонг уриб ўтган, ўтаётган ва инсонлик рутбасини сақлаб қолган ёзувчиларга ҳар қанча таъзим қилсак арзиди.

16+



ISBN 978-9943-6450-8-0